

РАВШАНБЕК ХОННИЁЗ

# МУВАФФАҚИЯТ ВА ПУЛ



**РАВШАНБЕК ХОННИЁЗ**

**“МУВАФФАҚИЯТ ВА ПУЛ” ЁКИ “МУВАФФАҚИЯТ  
ХОЗИР, ШУ ЗАҲОТИЁҚ БОШЛАНАДИ”**

**Кириш**

Албатта, ҳаёт – бу фақат пулдангина иборат эмас. Менинг фикримча, у етакчи тўртликка кирмайди оила, соғлиқ, дўстлар ва маънавий қадриятлардан анчагина пастда туради. Ҳақиқий бойлик айнан мана шу тўрттала ҳаётий ўлчовларнинг тўқислиги билан ўлчанади. Пол Гетти – ўз даврининг энг бадавлат инсонларидан бири бўлган унча бой бўлмаган акасидан хат оларди. Хат қўйидаги сўзлар билан бошланарди: “Энг ўзига тўқ одамдан энг бадавлат одамга”. Мен пулсиз ҳам бадавлат бўлиш мумкин деган фикрга қўшиламан. Жуда кўплаб “хурматли” инсонлар молиявий муваффақият ғоясига “номуносиб” ва ҳаттоқи маънавий жиҳатдан шубҳали мақсад, деб қўл силтаб қўя қоладилар. Балки, айрим инсонлар китобимни кўрибок уни хуш кўрмаган ҳолда афтларини буриштириб қўйишар.

Пулни яхши ҳам, ёмон ҳам деб бўлмайди – у нейтралдир. Пул – қувват манбаи. Худди болғадек пулни ҳам яратувчилик, ҳам бузғунчилик йўлида бемалол ишлатиш мумкин. Ишончим комилки, пулни тўғри тушуниш – ахлоқ доирасидан чиқмай уни қандай топиш, уларни қандай сақлаш ва уни қандай бўлишиш – ҳақиқий бойлик тушунчасига қўшимча фойдали маъно қўшади. Қачонки пулнимиз етарли бўлса, ҳаёт тарзимиз яхшиланади, бошқа инсонлар билан муносабатимиз мустаҳкамланади, янада баҳтлироқ бўламиз. Бу китоб мана нима учун ёзилганини энди билиб олгандирсиз. Пешана тери билан, ҳалол ишлаб топилган пул яхши ниятлар билан биргаликда ҳаётимизни гўзалроқ қиласи.

Ҳар бир киши молиявий жиҳатдан мустақил бўлиши мумкин, бироқ умид қиласизки, бир вақтнинг ўзида сиз *фикрингизнинг ойдинлашувига* ҳам интиласиз. Синовдан ўтган қоидаларга амал қилган ҳолда, сиз эҳтимол *фикри тиник давлатманд инсонга* айлана оласиз.

Бунинг учун сиз қилишингиз лозим бўлган иш - ушбу китобни ўқиб чиқиш ва унда кўрсатилган йўлдан бориши. Агар буни истасангиз, сиз бунга қодирсиз. Биз сизга қандай қилиб хафтасига бир қанча ортиқча дақиқа сарфлаб, сал кўпроқ машаққат чекиб ва бир қанча ортиқча пулни керакли жойга тикиб молиявий муваффақиятга эришиш мумкинлигини кўрсатамиз. Биз ишонамизки, бу молиявий муваффақият тизимини қўллашни бошлаб энг зўр ишчи, энг зўр оила бошлиғи, энг яхши дўст, жамиятнинг энг яхши кишиси бўла оласиз.

Нима учун биз сизни фикри тиник бадавлат инсон бўлишингизни истаяпмиз? Сиз нафас олаётган кислородингизни бўлишишга тайёрмисиз? Кимdir бир қанча кўпроқ нафас ютишига қаршилигингиз йўқми? Албатта, қаршилигингиз йўқ. Нега? Чунки кислород керагидан ҳам кўп. Агар нимадир сероб бўлса, у нарсани сўзсиз баҳам кўришга тайёрсиз. Бой инсон – пули керагидан ҳам ортиқча бўлган инсондир. Биз сизни керакли воситалар билан таъминлаб берган ҳолда, тўғри йўлни кўрсатиб, моддий ва маънавий жиҳатдан бой бўлишингизни, керагидан ҳам ортиқча пулга эга бўлишингизни истаймиз. Ишончимиз комилки, бу нарса содир бўлса, табиий равища пулларингизни бошқалар билан баҳам кўра бошлайсиз.

Киши бир бизнесни очиши ва уни секин-аста ривожлантириши мумкин. Бундан кимга яхши? Эҳтимол унинг ён атрофидагиларга яъни, рафиқаси, болалари, қариндош-урӯғлари, дўстларига албатта. Сизнинг юртдошларингизда нима ўзгаради? Кўшниларингиздачи? Аксарият инсонларнинг ҳаётини яхши томонга ўзгартириш учун нима қилиш керак? Ушбу саволни ўзимга беришдан бошладим ва шундай хуносага келдимки, менинг вазифам барча биладиган ва шахс сифатида ўсишим жараёнида ўрганадиган нарсаларимни сиз азизларга етказиш. Бу китоб сизнинг ҳаётингизни яхши томонга ўзгартириш учун ёзилган. У сизга таълимнинг барча асосларини яъни, бизнес

оламида жавлон уришни ва тимсоҳлар ҳамда наҳанглар орасида жон сақлашга ўргатади. Бунинг учун биз сизни керакли қуроллар билан таъминлашимиз, бойиш жараёнини енгиллаштирадиган йўлни тасвирлаб беришимиз керак. Аммо бу воситалардан қандай фойдаланиш ва бу йўлдан қандай юриш фақат ўзингизга боғлик. Сиз бу сатрларни бекорга ўқимаётганингизга ишончимиз комил.

Ишонинг сизда имкониятлар бизнинг давримиздагига нисбатан 1000% данда кўпроқ. Бизда ҳозирги даврдагидек улкан шароитлар, устозлар ва имкониятлар йўқ эди.

Жонажон республикамизни энг буюк давлатлардан бирига айлантиришимизга нима тўсқинлик қиласпти? Нима учун биз ўз юртимизни дунёга машҳур қила олмаймиз? Нима биз ота-боболаримиз кўрсатганидек фикрлашни, ақл билан иш қилишни унтиб қўйдикми? Ҳаёт учун яхши жой бўлиши, биздан кейинги авлодларга гуллаб-яшнаган энг зўр диёрни қолдириш учун халқингизга хизмат қилиш, ҳамюртларингизнинг ҳаётини яхшилашни бошланг.

Келинг уларни ҳаётга татбиқ қилиш устида иш олиб борамиз!

Тайёрмисиз?

Унда бошлаймиз!

Хурмат билан Равшонбек Хонниёз

ва МЧЖ “ОКЛ” ҚҚ

[www.xonniyoz.uz](http://www.xonniyoz.uz)

## **1-қисм. Мен ва пул.**

### ***1-боб: Пул сиз учун нимани англатади?***



Муваффақиятга тариф бериш қийин. Муваффақият – жуда шахсий тушунча. Баъзилар мақсадга эришишни муваффақият деб ҳисобласа, бошқалар - йўл давомида роҳатланадилар. Кимдир учун у пул бўлиши мумкин. Ким учундир ҳокимият. Кимдир учун шуҳрат. Бошқалар учун мусобақадаги ғалаба. Кимдир учун муваффақият йўқсилларга ёрдам. Кимдир бутун ҳаётини саратон касаллигига қарши курашишнинг янги усулини яратишга бағишлийди. Баҳо бериш сиз интилаётган натижага боғлиқ. Хўш, сиз аниқ нимани хоҳлайсиз?

Жамиятимизда аксарият инсонлар пулни муваффақият келиши деб ҳисоблашади. Мен эса ундан эмас деб ҳисоблайман! Келинг нега ундан маслигин кўриб чиқамиз. Ўзингиздан сўранг ва қуидаги саволларга рўйирост жавоб беринг:

*- Ишлаб топаётган пулингиз етяттими?*

- Пул етишмовчилиги оилангиздаги жанжал ва келишишмовчиликларнинг сабаби хисобланадими?
- Пулсиз ҳал этиб бўлмайдиган истакларингиз борми?
- Эҳтимол, ишингизга қарам бўлиш жонингизга теккан ва севимли иш билан шуғулланишини ўйлаяпсиз, бироқ шубҳалар бунга имкон бермаяптими?

**Агар тўрт марта “ҳа” деб жавоб қайтарган бўлсангиз, бу siz истаган китоб!**



Бир неча йиллардан бери “Мен ва пул”, ”Шахсий капитал” номлар билан тренинглар ўtkазиб келаман ва шахсий тажрибам шуни кўрсатяптики, пул мавзуси севги-муҳаббат мавзусидан кам таъсирга эга эмас. Нега?

Бутун ҳаётимиз – қўлдаги бешта бармоқ. Катта бармоқ - бу соғлиқ; кўрсаткич бармоқ - иш; ўрта бармоқ - бу танишлар ва бошқа инсонлар билан алоқалар; ён бармоқ - ҳаёт мазмуни, мақсадлар; жимжилоқ - бу молия. Кўлингиздаги битта бармоқ оғриса, бутун кўлингиз дард чекади. Молиявий жихат ҳам худди шундай. Агар пул билан боғлиқ муаммолар бўлса, ҳаётнинг бошқа соҳалари ҳам жабр тортади. Пулнинг йўқлиги кишиларга улар истаганидек яшашларига тўсқинлик қиласи: саёҳат қилиш, сифатли тиббий хизмат олиш, севимли иш билан шуғулланиш ва ўзимизни шахс сифатида ривожлантириш. Айнан маблағнинг йўқлиги кишиларни истаганлариdek яшашларига имкон бермайди.

Ўз тренингларимда доимо аудиторияга савол бераман: ”Пул siz учун нимани англатади? Пул - яхшими ёки ёмон? У сизга нима беради?”

Одатда бундай жавоб беришади:

- Пул - бу соғлиқ.
- Пул - бу бошқаларга боғлиқ бўлии.
- Пул - бу эркинлик.
- Пул - бу роҳам.
- Пул –бу ота-онага, фарзандларга, қариндошларга ва дўстларга ёрдам берии.
- Пул - бу сенга пул тўлаган ишлари билан шугулланиши эмас, ўзинг севган иш билан шугулланиши.
- Пул – бу қулайлик.
- Пул - бу ҳимояланган қариллик.
- Пул - бу бошқалар устидан ҳукмронлик ва ҳоказо.



Бироқ кўпинча пулга салбий муносабатда бўладиган ва қуйидагича фикр билдирадиган инсонлар ҳам учрайди:

- Пул - бу ёмонлик.
- Пул - яқын инсонлар орасидаги жсанжсал сабабчиси
- Пул күп бўлганда уларни йўқотиб қўйши қўрқуви пайдо бўлади, ёки аксинча боши чалгиб қолиб, димоги шишиб, жазманлар орттириб, исрофгарчилик, кўнгилхуиликлар туфайли гуноҳ ботқогига ботишни бошлайди.
- Пул - инсонни зиқна ва шафқатсиз қилиб қўяди.

*Турли фикрларни муҳокама қилгандан сўнг кишилар доимо пул нейтрал деган холосага келадилар.*

Пул худди кўзгу сингари бизнинг фазилат ва камчиликларимизни акс эттиради. Пулга қандай муносабатда бўлсангиз, у ҳам сизга худди шундай жавоб беради. Ҳурмат қилсангиз, эркаласангиз, қадрласангиз – у қўлингизга қараб интилади, унга эътиборсиз мумомала қилсангиз, ҳар томонга улоқтирангиз - улар сиздан қочади. **Пул худди инсонлар сингари таъсир жавоб беради. Унга яхши муносабатда бўлинг, уни ўзингиздан итарманг, шунда у ўзи олдингизга келади ва сиз билан қолади.**

Баъзиларда пул кўп, бошқаларда умуман йўқ. Ҳар бир одам қалбida бой ва камбағал яшайди. Кўпчилик ҳатто буни хаёлига ҳам келтирмайди. Камбағал пиҷирлайди:

*-Пулни нима қиласан? Ўзингни қийнама ҳаммаси ўз-ўзидан ҳал бўлади. Одамлар пулсиз ҳам кун кўряпти, ўлмаяпти.*



Бой айтади:

*-Пул сенга орзуларингни рўёбга чиқарииш ва ҳаётда эзгу ишларни амалга ошириши учун керак. Бажар, ишила, тақдирга умид қилма!*



Ҳамма гап қайси бирини биринчисни ёки иккинчисга қулоқ солишингизда. Пулга эга бўлиш бўлмаслик - ихтиёр ўзингизда. Ким бўлишни истайсиз бойми, камбағалми? Танлов ихтиёри ўзингизда.

Пулни турли йўллар билан ишлаб топиш мумкин: эзгу йўл билан ва бошқачасига - оламга ҳеч нарса қўшмай, бошқаларнинг бойлигини тортиб олган ҳолда. Аммо бу сизга қалб хотиржамлиги, атрофдагиларнинг миннатдорчилигини, тўлиқ баҳтни, фақатгина “эзгу” йўлда қўшиладиган қийматдан иборат молиявий тўқчиликни тақдим этмайди. Бу йўл билан сиз ердаги энг улуғ лаззатли бўлмиш барака денгизига йўл очмайсиз.

“Эзгу йўл” билан пул топиш нима учун бунчалик муҳим? Катта пул эзгу йўл билан топилганда жараённинг ўзи ҳаётни яхшироқ қиласди. **Оқил инсоннинг мақсадларидан бири – пул топиш.** Кўп жиҳатдан у асаларига ўхшайди. Асаларининг бош мақсади - асал тайёрлаш учун гулшира йиғиш. Бироқ гулшира йиғиш жараёнида асалари қўшимча жуда муҳим мақсадни рўёбга чиқаради. Учиш йўналишининг тўғри бурчаги остида қанотларидан гулчанги сочилади. Гулшира излаб асалари ўсимликларни чангланишида иштирок этади. Чангланиш унинг фаолити натижаси - асалдан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этади, модомики, гўзал ҳаётнинг ва бошқа қўплаб тирик мавжудотларга ҳаёт берувчи боғдаги ҳаёт гаровидир.

**Оқил тадбиркор** - бу худди асалари. Пул орқасида қувиши оқибатида сайёрадаги барча инсонлар яшаш даражасини кўтаради. Ерликларнинг ҳаёт даражасини ўсиши Оқил инсоннинг фоалият йўналишининг қўшимча натижаси бўлади.

*Богларда учиб юрган асалари суратини келтириши.*



Бу қўшимча натижали фавқулодда ҳодиса доктор Бакминстр Фуллер томонидан илмий тилда прецессия деб аталган. Кимдир маълум мақсадга томон ҳаракатланса, ушбу ҳаракат давомида юз берадиган бошқа ҳодиса унданда муҳимроқ аҳамият касб этади.

Оқил тадбиркорлар буни жуда яхши тушунишади. Улар бундан барча ютиши учун ўз бойликларини шакллантиришлари лозимлигини биладилар. Улар қиймат ошишига эътиборларини қаратгандарига прецессия ҳодисаси бошқа кўплаб ижобий натижаларни таъминлаб беради. Оқил бизнесменлар барча қўшимча натижаларни англамасликлари мумкин. Улар шуни, биладиларки токи янги қадриятлар яратиш йўлида қолишар экан, кўплаб яхши ва кутилмаган нарсалар юз беради.

“Ёвуз” молиявий жиҳатдан тўқ одам аксинча, ҳеч вақо қўшмай, яъни бошқалар ҳисобига бойишга интилади. Бу нарса юз берганда, прецессия натижасидаги қўшимча натижалар салбий келиб чиқади. Шундай қилиб катта пулга эзгу бўлмаган йўлдан бориши

узоқ истиқболли бойлик оқимни таъминлаб бера олмайди. Эртами, кечми қўшимча қийматнинг йўқлиги туфайли пул оқими тамом бўлади.

Хўш. Шундай хулоса ясаймиз: дунёда қанча қўп оқил давлатманд инсонлар бўлса, дунёга шунчалик қўп фойдаси тегади. Агар кейинги ўн йилликда ушбу китоб ёрдамида 1 000 000 та янги молиявий саводхон ва ўзига тўқ инсонлар вужудга келса, ушбу янги оқил инсонлар - агар улар пул ва билим шаклидаги бойликларини баҳам кўришса мамлакатимиз иқтисодий келажаги кескин равища ўзгаради.

**Мен ўз вазифамни қўйидагича кўряпман: қатъий равища молиявий жиҳатдан тўқ оқил инсон бўлишга қарор қилганларни усуллар ва тўғри йўналиш билан таъминлаб дунёни яхши томонга ўзгаририш.** Улар бунга эришганда мамлакатимиз ва бутун инсоният фаровонлиги учун миллардлаб пулларни сарфлашга имкон тугилади.

Вазифамиз билан танишганингиздан сўнг энди сиз ҳақингизда ҳам озгина бўлса-да билишни истардим. **Илтимос, менга айтингчи, ҳаётингизни нима бошқаряпти?** Бироқ олдин яхшилаб ўйлаб кўринг. Тез-тез такрорланадиган жавобларни пайқаяпман: мен ўзим, менинг истакларим, интилишларим, ғояларим ва ҳаттоқи ахлоқим. Мен баҳслашмайман, бироқ илм-фан буни тасдиқламайди.

*Бир неча Гарвард олимлари йиғилишиб Кембриджнинг тажриба билан шуғулланадиган олимини тутиб олишиб, унинг бор тулини тортиб олишиди ва тунда метролог яқин ҳудудга ташлаб кетишиди. Кембриджлик олим метрода юришини хоҳлаб қолди ва у бу истагини формали аёлга билдириди. Бунга мантиқли жавоб: "Чиптангизни кўрсатинг"- деган сўзларни эшиштади. Кембриджлик олим яна истагини билдирганда, формали аёл жаҳл билан эътиroz билдириб саволомуз ишоралар қилди. Сўнг олимга погонли паҳлавонлар келиб музжмал анкета билан молиявий-иқтисодий саволлар бериб номаълум йўналишига қараб кетишиди.*

Қанчалик аянчли бўлмасин, бугунги кунда сизнинг барча истакларингиз, тилакларингиз ва ғояларингиз маошингизнинг кичик маконига жойлашмоқда. Барча масалалар пулга тақалади, аникроғи уларнинг йўқлигига.

Агар истасангиз кичик тажриба ўтказамиз: энг қалин “Хусусий сектор” маълумотномасини оламиз. Истаган саҳифамизни очамиз ва ўқиймиз: ”Ишга таклиф қиласиз (Эътибор беринг маошга эмас)”

-менежер

-сантехник

-чилангар

-бошқарувчи

-тикувчи

-ҳисобчи

Биринчи савол: ”Айтингчи, бошқарувчининг маоши 300 000 сўм бўлса, у қанча туради?” Мана шу ерда бир нозик нарса яширин. Агар сиз маошни ишга давогар нуқтаи назари билан қарасангиз, сизни қониқтирадиган 300 000 сўмни кўрасиз. Агар бошқа томондан хўжайин нуқтаи назари билан қарасангиз, қачонки ишчи 500 000 сўм келтирса, унга 300 000 сўм тўлайсиз. Умуман бу унинг ҳақиқий баҳоси ҳисобланади. Энди иккинчи савол - айтингчи бу инсонлар кимда ишлади? Кимда? Тўғри. Хўжайинга.

Айтингчи, хўжайин бўлишни истармидингиз? Тушунаман, кўрқинчли. Тушунаман, жавобгарлик ва ҳоказолар. Унда ушбу китобни нега сотиб олдингиз? А, лаббай? Сиз кўп пул хоҳлаяпсиз ва барча нарсангиз бўлишини истайсиз, бунинг учун сизга ҳеч нарса бўлмади? Шунингдек, ҳеч нарса қилмасангиз? Унда ечими осон – лотерея ёки қариндошларингиздан мерос кутинг. Хўжайин ҳақида ўз тажрибамдан келиб чиқиб гапириб бераман: - хўжайин тер тўқади, хўжайин пул тикади, хўжайин асабийлашади, хўжайин фарзандларини кўрмайди, хўжайин таваккал қиласди, хўжайинчув тушади, БАРЧАСИГА ХЎЖАЙИН ЖАВОБ БЕРАДИ. Айнан шунинг учун – хўжайнда пул, машина, уй, фирмалар, имкониятлар, хурмат ва энг асосийси - ЎЗ-ЎЗИГА ҲУРМАТ бор.

Мен пул - бу эркинлик, қувват, мустақиллик, восита, имконият ва ҳоказо – деган ҳар күнлик таъқидларга қўшиламан. Бироқ бир неча кун калькулятор билан ўтириб яна бир тариф топдим. Бироқ аввал ўзингиз-ўзингизга жавоб беришга ҳаракат қиласиган саволлар:

-Савол: Қанча пул ишлаб топасиз?

-Жавоб: Ойига 300 000 сўм.

-Савол: бу пуллар учун ойига қанча соат ишлайсиз?

-Жавоб: 168 соат.

Савол: бир соат қанча туради?

-Жавоб: 1785,7 сўм.

-Савол: 1785,7 сўм ниманинг бир соатига арзийди???

### ***Мана - зеҳннинг очилиши!!!***

Бир долларга яқин қийматда баҳоланганд ушбу соатни сиз фарзандларингиз ёки севимли кишингиз билан ўтказишингиз, соҳил бўйида тобланишингиз, кинога тушишингиз ёки ниҳоят шунчаки дўстларингиз билан чойхонада палов ейишингиз мумкин эди.



Бироқ сиз бундай қила олмайсиз. Шунинг учун шу 1785,70 сўм (бир доллар) пул учун ҳаётингизнинг бир соатини беряпсиз. Пул – бу сизнинг ҲАЁТИНГИЗ!!! Сиз ҳаётингизни ойига 300 000 сўмга, ёки соатига 1785,5 сўмга сотяпсиз. Бундан хуоса: ”Ҳаётимнинг бир соати 1785 сўм туради деб ” жадвал чизинг ва бўйнингизга осиб қўйинг. Ким бунга қўшилмайди? Бақирманг, мен эмас, бозор сизни шундай нархлади.

Ана энди пул нималигини тушунганингиздан сўнг унга бошқача муносабатда бўлишни бошлайсиз: ҳар гал пул берганингизда (тўлаганда, йўқотганда, сиздан тортиб олишганида) – ҳаётингизнинг бир қисмини берасиз. **Пул – баҳтнинг мұхим таркибий қисмларидан бири.** Агар кимdir баҳт пулсиз ҳам баҳт бўлади деб ҳисобласа, ҳозироқ оддий тажрибани таклиф этаман. (Олдиндан милиция, тез ёрдам ва фавқулодда вазиятларни чақириб, билмадим қайси бири биринчи олиб кетади ) кўчага чиқинг ва барча пулларингизни ўтган-кетганларга тарқатинг. Икки йил кетма-кет шундай қилинг.

**Хуоса: пулдан мұхим нарсалар кўп, аммо пулсиз иложи йўқ!**

## **1-машқ**

### **Сиз пул истайсиз?**

*Қуйидаги олтита тавсия истакларингизни бошқаришини ўргатади...*

1. Эга бўлишини истаган тулингизнинг аниқ миқдорини ойдинлаштириб олинг. “Пулим кўп бўлишини истайман” - дейиш кифоя қилмайди. Майдакаи бўлинг.
2. Рўйирост айтинг, истаган бойлигинги учун нимангизни бершига тайёrsиз. Бепул нарса бўлмайди, шундай эмасми?
- 3 . Сиз ушибу пулларга эга бўладиган муддатни белгиланг.
4. Истагингизни рўёбга чиарининг аниқ режасини тузинг ва уни амалга оширишига тайёрмисиз, йўқми қатъи назар дарҳол уни бажариига киришинг.
5. Барча нарсани ёзинг: пул миқдори, эга бўлиши вақтингиз, унинг учун қурбон қилишига тайёр нарсангиз, пулга эга бўлиши режаси.
6. Ҳар куни - ётишдан олдин ва тонгда – ёзганларингизни овоз чиқариб ўқинг. Ўқинг, масаввур қилинг ва пуллар сизники бўлганига ишонинг .

*Барча олти маслаҳатга амал қилиши муҳум, айниқса, сўнггисига. Пуллар сизнинг чўнтағингизда эканлигин масаввур қилишининг иложи йўқлигидан шикоят қилманг. Агар истак сизни заҳарлаб бўлган бўлса, у сизга ёрдам беради. Сизнинг мақсадингиз – пул исташи, шунчалик қаттиқ исташи, истак кучи уни воқеликка айлантирсин.*

*Ха, кўп нарса сизнинг истагингизга ва ҳаётингиз давомида сизда пайдо бўлган пул билан муомала қилиш мезонларингизга боғлик. Қандай фикрлайсиз? Қандай ҳаракат қиласиз? Айнан шу нарсалардан сизда пул бўлиши ёки ҳеч қачон бўлмаслиги аниқланади. Пулга бўлган муносабатимиз нимадан шаклланади? Ота-онамиз, яқинларимиз, дўйстларимиз пулга нисбатан қандай муносабатда бўлганлигидан. Пул тўғрисида қандай*

фикрда бўлганликлари ва бизга нима ўргатганлари. Ўзимизга бўлган баҳодан ва бизнинг истакларимиздан.

Аммо ёдда сақланг, бойликнинг қонунлари бор. Уларнинг ҳаққонийлиги ернинг тортиш кучи қонуни, кимё, физика қонунларидан мутлақо кам эмас. Худди суддагидек қонунни билмаслик мажбуриятдан халос қила олмайди. Бойликнинг қонунларини билмаслик қашшоқликдан халос қила олмайди. Дунёда пул кўп. У сиз ўйлагандан анча кўп. Энг муҳими, улар сизники бўлиши учун нима қилиш кераклигига. Ҳа, жуда кўпчиликни катта пулга эга бўлиш масаласи қийнаб келади. Маълумот учун ер юзидағи 4% одам 96% фоиз пулга эгалик қилади ва агар пулни барчага тенг тақсимланса, маълум вактдан сўнг улар яна аввалги инсонларда жамланади. Нега бундай, нима деб ўйлайсиз? Чунки, бойлик қоидасини билган ва уни бошқара олган инсонгина пул ишлаб топа олади.

Африкалик маҳсулот сотувчилари кўпгина ҳабашларни сардори - Таманго билан биргаликда тутиб олганликлари тўғрисида жуда ажойиб ҳикоя бор. Бу ҳабашларни Америкага олиб боришади. Йўлда Таманго қўзғолон кўтаришга ва бутун экипажни мағлуб қилишга муваффақ бўлади. Энди улар эркин эдилар ва уйга қайтиб кетишлари мумкин эди. Рулни Таманго эгаллади. Бироқ у кемани бошқаришни, лойия қонунларини билмасди. Бир неча марта кемани бирдан буриб юбориб чўқтириб юборишига озгина қолади.

Худди шундай кўпчилик тўғри пул ишлаб топиш тўғрисида тушунчага эга бўлмай туриб бойлик топиш учун шўнгиб кетадилар. Кемани бошқариш санъатини билмай туриб сузишга чиқиб бўлмайди., худди шунингдек, катта пул оламида ҳам унинг қонунларини билмай туриб ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Кўпгина инсонлар Таманго синдроми туфайли муваффакиятсизликка учрайдилар.

Қандай қилиб жаҳолат ва пулсизликдан халос бўлиш мумкин? **Ким бизга бойлик иигизи сирларини ўргатади?** Пул ишлаб топиш сизга муносиб эмасдек туюляптими? Барibir ҳеч нарсани эплай олмайсизми? Ҳеч ҳам ундан эмас! Катта пулга эга инсонларнинг тажрибаси бунинг тескарисини таъкидламоқда. Бойлар ҳам худди сиздек

бир инсон. Улар шунчаки бойликтинг қоидаларини обдон биладилар ва ундан самарали фойдаланадилар.



*Муваффақиятга биринчи қадам – ўзингиз истаган миқдордаги пулга эга бўлиш ва ўзингиз истаган инсонга айланниш истаги.* Бирорта инсон токи ким бўлиш ва қанча пулга эга бўлишга қарор қилмай туриб муваффақият қозона олмаган. Инсоннинг бойлиги - чўнтағида, унинг машинасида эмас. Миясида, юрагида. *Агар миянгизда бой бўлсангиз – чўнтағингизда ҳам бой бўласиз.* Марҳамат қилиб, менинг саволларимга жавоб беринг:

-Сиз нимага интиласиз? Бой бўлиш сизга нега керак?

-Ҳозирги молиявий ахволингиз сизни қониқтирадими?

-Сиз буни орзу қилганмисиз?

-Сиз ҳозирги ҳаёт тарзингизни орзу қилганмидингиз ёки бундан яхшироғиними?

- Орангизда ким ўзини бой деб тасаввур қиласди? Мен: “Ким бой бўлишни истайди?”- демадим. Барча истайди, айнан фикрларида, амалларида ўзини бой деб тасаввур қилиш ҳаммани ҳам қўлидан келавермайди. Нега биз бунга интиляпмиз?

Бой инсон ким, нима деб ўйлайсиз? Қандай бойликка интиляпсиз? Икки турдаги бойлик мавжуд - бу ички, шахсга оид бойлик. Бу интелектуал бойлик - истеъдодда, фикрлашда, гўзаллиқда, маънавиятда, ишда, профессионалликда. Дўстларингиз, фарзандларингиз, қариндошларингиз бор бўлса, саломат бўлсангиз, сиз бойсиз. Хар бирингиз камида 3 миллион доллар турасиз, шунчаки сиз буни билмайсиз. Келинг шахсан сизни саноқдан ўтказамиз.

*Яқинда Америкадиги бир аёл ишилаб чиқарувчи фирмадан бир миллион товон пул олди, маълум бўлишича фирма дориси аёлнинг кўзини ожиз бўлиб қолишига сабаб бўлганэкан. Аёл юзига тошган иссиқликка қарши ачиши турувчи мазни суради, тасодифан кўзига тушиган дори таҳминан 98% кўриши қобилияти йўқолишига сабаб бўлади. Энди айтингчи, у билан жой алмашишига тайёрмисиз? Аёл миллион долларни у билан жой алмашишига тайёр инсонга беришга рози.*

*Германияда худди шунча маблагни авиаҳалокат натижасида умуртқа погонаси жароҳатланган аёлга бершиди. Шифокорларнинг айтишича, у энди ҳеч қачон юра олмайди. У билан жой алмашишига розимисиз?*

*Миллион фоиз кафолат бераманки, агар кўзингиз қўрса, белингиз ва умуртқа погонангиз жойида бўлса, ушибу аёллар билан соглигингишни айирбошлиши масаласини ҳеч қачон кўриб чиқмайсиз!*

*Агар бу аёлларга сиз шундай таклиф билан чиқсангиз, улар бажонидил рози бўлиб, бундан ташқари чин дилдан сизга миннатдорлик изҳор этиб қолишади.*

Ичи-ичингизда сиз жуда яхши англайсизки, моливий аҳволингиздан қатъи назар, пулга қизиқишингиз қанчалигидан қатъи назар, бундай айирбошлashedан воз кечасиз. Агар сиз рисоладагидек инсон бўлсангиз, **энг катта бойлигингиз бўлмиш соғлигингиз** эвазига катта пулга эга бўлишни истамаслигингиз аниқ.

Машҳур раққосалардан бири оёқларини 1 миллион долларга сугурта қилдирган. Нархи 1 миллион доллар бўлган бир жуфт оёқни қўриш сизга қанчалик ёқсан бўларди?

Агар пастга назар ташласангиз, кўз олдингизда сиз эҳтимол 1 миллион долларга ҳам сотмайдиган худди шундай бир жуфт оёқ пайдо бўлади. Модомики, сиз қўзингиз, умуртқа поғонангиз ва оёқларингизга жами уч миллион пул олишга рози эмас экансиз, демак сиз уч миллиондан қиммат турасиз! Устига-устак сиз энди шахсий саноқдан ўтказишни энди бошладингиз. Энди ўзингизни аввалгидан ҳам қаттикроқ яхши кўришингиз мумкин!

Бойликнинг иккинчи тури - **бу моддий бойлик**. Агар пулга эга бўлсангиз тадбирингизга истаган қўшиқчини таклиф этишингиз, энг нуфузли университетларда таълим олишингиз, сайёрамизнинг истаган жойига бориб келишингиз мумкин. Бой инсонлар пул орқасидан қувиш учун эмас, ўз маҳоратларини такомиллаштириш учун ишлайдилар. Улар пул учун эмас, маҳорат учун ишлайдилар. **Пул билан муомала қилишда маҳоратли бўлинг, шунда жуда бойиб кетасиз.**



**Кучли истак, мақсадлар ва уларга эришиш учун ишлаб чиқилган аниқ режаси** бор ҳар ким бойиб кетиши мумкин. Энг қизиги, одамлар осонгина бойиб кетиши мумкинлигига ишонмайдилар. Биз пуллар жуда қийин, мураккаб тарзда келишига ўрганиб қолганмиз. Яна бир саволга жавоб беринг: “Сизнинг шаҳрингизда катта пул ишлаб топадиган инсонлар борми?” Ҳа, бор. Катта давлатга эга инсонлар борми? Ҳа, бор! Шаҳрингизда 5000 доллар ишлаб топадиган кишилар борми? Ўйлайманки, бор ва улар кам эмас. 10 000 доллардан кўп, 50 000 доллар ишлаб топадиганлар борми? Албатта, бор!

Улар буни қила олса, нега сиз қила олмас экансиз? Ҳар кимни ҳам энг зўр бўлишга ўргатиш керак эмас. Ҳар ким ҳам ўз авторини ўзгартиришга қодир эмас. Ҳар ким ҳам ўз кучсиз томонларини тан олиш ва ўз қобилиятларига ишонишга қодир эмас. Пулни харажат қилиш одати - энг ёмон одатлардан биридир. Кўпчиликда пулини кўпайтиришга ҳаракат қилиши кейинга суриш одати бор. Қачонки, чорасиз аҳволга тушиб қолгандахина вазиятни ўзгартиришга ҳаракатни бошлаймиз.

**Сизда икки йўл бор. Ё ҳаётингизни ўзгартириш, ё аввалгидек барчаси қандай бўлса, шундайлигича қолдириб ҳеч нарсани ўзгартирмасликка қарор қилиш.** Бу танлов - тақдирга ўзини таваккал топшириш ва ҳаёт оқими бўйлаб сузишдан иборат. Агар сиз ҳаётингизнинг эгаси бўлсангиз, билингки, ҳаётингиз ўз қўлингизда."Кўлингиздаги ягона нарса - бу сенинг ҳаётинг. Ҳаётингни мазмунга тўлдир, ўғлим - деган эди устозим".

Ким баҳор палласида тоғ ёки қирда сайр қилган? Эътибор берганмисиз, ям-яшил ўт устидан 2-3 март юриб ўтсангиз, сўқмоқ ҳосил бўлади. Миянгизда ҳам худди шу нарсани амалга ошириш керак! Ҳамма гап амалда, бир киши бажарган ишни бошқаси ҳам бажара олади, фақат ҳар куни шуғулланиш керак. Ким хитойча гапиришни билади? Сиз ҳамма нарсани биласиз, фақат буни ўзингиз билмайсиз. Худди ,шунингдек, бой бўлишни ўрганиш керак, фақат ўрганиш керак.

Мен Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида кўп бўламан. У ерда қиммат машиналар, гўзал меҳмонхоналар, хусусий дўконлар, чиройли кийинган кишиларни кўраман. Атрофга назар солинг ва менинг саволимга жавоб беринг: "Нега у сиз эмассиз?" Фақат шундай туғулганман, кимдир: ота-она, иқтисодий шароит, қонунлар, қариндошлар, дўстлар айбдор деманг. Агар сизга ҳеч ким имконият бермаган бўлса – нега вазиятни ўзгартирмайсиз? Агар айни дамда сизни молиявий шароитингиз қониктирумаса, бу энди кеч, ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди дегани эмас. Ўйлашимча, сизга шунчаки билим этишмаган, сизга пул қоидалари ва қонунларини ўргатадиган киши бўлмаган.

Орангизда ким машина ҳайдашни билади? Қанча йўл қоидалари мавжуд? Эҳтимол, икки юздан ортиқ. Ҳеч ким уларни санамаган. Агар биз ҳайдовчи бўлишни истасагу,

қоидаларни билмасак, қаергача бора оламиз? Бириңчи симёочга ёки постдаги йўл инспекторигача етиб бора оламиз, холос. Худди шундай сиз бизнесдаги қоида ва формулаларни билмасангиз, молиявий жиҳатдан эркин бўла олмайсиз.

Мен аввал нега бадавлат инсонлардек яшамайман деб кўп ўйлардим. Нега мен улардагидек йўл тутмаяпман деб ўйлардим. Фильмларда мен бой инсонлар лимузиндан, яхта, саунадан бизнес қилаётганини кўрардим. Ҳаётда эса камбағал инсонларни фақат ишлашини, ишлашини, ишлашини кўрардим. Бой инсонлар эса дам олади ва пул топади, дам олади ва пул топади. Мен ўз олдимга улар қандай қилиб дам олиб пул топишини аниқлашни ва бу билим, тажрибани атрофимдагиларга билдиришни мақсад қилиб қўйдим.

Ўзингиз тасаввур қилинг: “Панасоник” компанияси жамоасида 370 000 киши бор.”Сони” компанияси эса 150 йиллик режани олдиндан белгилаб қўйган. Баъзиларимизда эса ҳаттоки эртанги кун учун ҳам режа йўқ.

Нимагадир эришишимиз учун бизга доимо кимдир ёрдам берган: ота-она, ўқитувчилар, устозлар, дўйстлар, қариндошлар, бошлиқ. Болалигимизда онамиз пойабзал боғичини бойлашни, ўқитувчимиз ёзиш ва ўқишни, ота-онамиз гапиришни ва ўзимизни тутишни ўргатишди, мактабда билим олдик, институтда билим даражаси ва мутахассисликка эга бўлдик. Агар эркак киши ҳаётда нимагадир эришса, минг киши ёрдам берга бўлса ҳам, у доимо ўзим эришдим дейди. Агар аёл киши муваффақиятга эришса, тасодифан бунга эришдим деб айтади. Агар ривожланиш ва ўсишдан тўхтагандек бўлсангиз, сизнинг шифтингиз ким учундир ер бўлса, ўзингиз учун устоз топинг ва ундан ўрганинг. Агар муваффақиятга эришишни истасангиз. Ёлғиз буни бажара олмайсиз. **Келажак ўрганишга ва ривожланишга тайёр инсонларники.** Информацион асримизда ўқиш ва ёзишни билмайдиган саводсиз ҳисобланмайди, ўрганишни, билимини оширишни ва ўсишни истамайдиганлар саводсиз ҳисобланади.



Бир бадавлат инсон яшаган экан. Унинг гўзал бир қизи бўлиб уни жуда яхши кўрар экан. Қизини пули учун эмас, шундай ўзини севадиган довюрак куёвга эга бўлишини истар экан. Қизимга фақат бойлиги учун уйланишини исташсачи, деб доимо ўйлаб қолар экан. Шунинг учун кети узилмайдиган куёвликка давогарларни синашга қарор қилибди. Ҳовузга сув солдириб, ичини тимсоҳларга тўлдиртиради. Давогар ҳовуздан сузиб ўтиши кераклигини айтади."Ким ҳовузга сакраб у бетига сузиб ўтса, қуийдагилардан истагинини бераман:

-бойлигимнинг ярмини

- еримнинг 1/3 қисмини

-бир миллион доллар ошиқроқ сеп-сидиргаси билан қизимни".

Гапини тугатмасидан бир киши ҳовузнинг нариги бетига қараб сузиб кетаётганини, кетидан эса оғзини катта очиб тимсоҳлар шўнгиганини кўрди. Сузиб ўтгач тадбирдаги иштирокчиларининг барчаси енгил тин олишиди ва қарсак чалиб қарши олишиди, табриклишиди. Келиннинг отаси йигитга яқин келиб мамнун алфозда сўради:

*-Бундай хавфли ишига нима сизди унда? Сиз голиб бўлдингиз. Ваъда қилганимдек, сўзимни устидан чиқаман. Нимани танлайсиз, тулними?*

*-Йўқ, - жавоб берди йигитча.*

*-Ерларимнинг 1/3 қисмини истайсизми?*

*-Йўқ.*

*-Демак, қизим сизга ёкиб қолган, унга уйланмоқчисиз, шундайми? - хурсанд бўлиб сўради ота.*

*-Йўқ, - деб яна жавоб берди йигит.*

*-Унда нима истайсиз? - аччиқланиб сўради бой.*

*-Мени сувга итариб юборган абллаҳни кўрмоқчиман - деб жавоб берди у.*

Қайси бирингизнинг ҳаётингизда шундай бўлган? Ҳаётда тимсоҳли ҳовузга итариб юборадиган инсонлар ҳам керак. Агар бой бўлишни истасангиз, сиз худди шундай ҳовуздасиз, сизни табриклайман. Орзингизни рўёбга чиқариш ва нариги соҳилга етиб олиш учун сузишни ўрганишингиз, ҳаётда дуч келадиган наҳанглар ва тимсоҳлардан эҳтиёт бўлишни ўрганишингиз лозим.

Кўп нарса тарбиянгиз ва ҳаётингиз давомида ишлаб чиқилган пул билан муомала қилиш мезонларига боғлиқ. Нима деб ўйлайсиз? Қандай ҳаракат қилиш лозим? Айнан шу нарсаларга пулингиз бўлиши, ёки бўлмаслигига боғлиқ. Пулга бўлган муносабатимиз нималарда шаклланади? Ота-онамиз, яқинларимиз, дўстларимиз нима гапиргани ва қандай ҳаракат қилганиданми. Улар пул ҳақида қандай фикрлашгани ва бизга нимани ўргатганларидами. Яна шунингдек, ўзимиз ҳақимиздаги фикримиз ва истакларимиздами.

Агар дурадгор бўлишни истасангиз – ишонинг сиз уни ўрганасиз? Агар қассоб бўлишни истасангиз – ишонинг сиз уни ҳам уddyалай оласиз. Нега молиявий жиҳатдан эркин ва моддий жиҳатдан таъминланган бўлишингизга ишонмайсиз? Биз бойлар золим,

салбий улар одамларни алдаб катта пул ишлаб топади деган ақида остида тарбия топиб улғайдик. Мана нима учун биз бой бўлишни истаймиз бир вақтнинг ўзида онг остимиз бундан қўрқади. Бизни танқид қилишади, қамаб қўйишади, буни уддалай олмаймиз деган қўрқув доимо таъқиб қилиб келади.

Энг аввало, ҳаракат - муваффакиятнинг биринчи ва асосий таркибий қисмидир. Пуллар ўз-ўзидан сизнинг олдингизга келмайди. Ўзингиздан қўрқув ва ишончсизлик занжирларини ечиб ташлаш ва сизга тааллуқли миллионларни олиш керак. Одатдаги афсоналар билан хайрлашишингиз ва бошқаларга ўхшамасликни, хатоларни қабул қилиш, тақдир инъом этган имкониятлардан фойдаланишни ўрганинг. Ана шундагина шубҳасиз бойиб кетасиз.

## *2- боб: Пуллар сизни яхши қўрадими?*

Нега бойлик ҳақида гапирганда, аввало, қашшоқликдан бошлаймиз? Чунки айнан очлик ва совуқ қадимги инсонларни қўлга таёқ олиб емиш излашга мажбур қилган. Айнан шу сабабли у тирик қолиб бизнинг аждодларимиз бўла олди. Қашшоқлик қадим-қадимдан маълум нарса. Камбағал – аввал бой бўлган ёки бой бўлишнинг иложини топа олмаган инсондир.



Дмитрий Иванович, менинг ҳамкасбим, ажойиб мутахассис, заводнинг собиқ бош муҳандиси, аксарият инсонлар қатори у ҳам ҳеч нарсани ўйламай заводда ишлаган. Кунлардан бир куни бошига мушқул иш тушиб, севимли рафиқаси оламдан ўтди. Сўнг ишдан кетди. Булар унга оғир зарба бўлди. Ахир аввал унда ҳамма нарса бор эди: катта пул, оилавий хотиржамлик, яхши лавозим, хизмат машинаси, севимли рафиқаси бор эди, энди эса ҳеч нарсаси йўқ. Шунда ишсиз қолгандан ярим йил ўтгач, уни ёнимга чақирдим, ишлаб чиқариш қўшма фирмасини очишга қарор қилдик. Унда тажриба, билим, чақирса бажонидил фирмага келадиган мутахассислар бор эди. Мен унинг профессионаллик жиҳатларига ва вижданли эканлигига ишонардим. У бажариши лозим бўлган ягона иш барча муаммоларни ортда қолдириб, боши билан ишга шўнгиш эди. Бор пулимизни бизнесга тикдик. Мен завод директори бўлиб ишлай бошладим, Дмитрий Иванович эса иссиқлик ускуналарини таъмирлаш фирмаси директори бўлиб ишга жойлашди.

Секин-аста фирмадаги ишлари яхшиланиб борди. Албатта қийинчиликлар ҳам бор эди: хорижлик мол етказиб берувчилар билан ишончли муносабатларни йўлга қўйиши, ишончли эканлигимизга уларни ишонтириш. Бундан ташқари, буюртмачилар сонини ошириш лозим эди. Аммо бу қийинчиликлар олдимизда турганлари олдида ҳолва бўлиб қолди. Шундай вазият юзага келди, икки йилдан сўнг завод директори лавозимидан бўшадим ва ўзимни тўлиғича хусусий бизнесга бағишлишга, чет элга, Венгрияга бориб қўшимча сармоя ва шериклар излашга тўғри келди. Шунда гуруҳимда ўзимдан кейин заводни бошқариш учун қолдирган кишиларимнинг ҳақиқий мақсадлари аён бўла бошлади. Улар ишимга тўғаноқ бўла бошлашди, “буюртмали” текширувлар ташкил этишни, юмалоқ хатлар ёзишни ва мен томонимдан расмий равишда биринтирилган нарсани бир-бирларидан олиб қўйишига киришишди.

Дмитрий Иванович ҳамкаслари томонидан уюштирилган текширувларнинг бундай оқимига бардош бера олмади ва ниҳоят конуний асосда сотиб олинган ускуналарни қайтариб юборди ва ускунасиз фирмада ҳеч нарсасиз қолиб кетди. Аммо у билан мутахассислар, жамоа, унинг тажрибаси ва билими қолди. Унинг ички куч ва ишлаётган

фирмани қайта тиклаш ва ҳаётда нимадирга эриша олишини исботлашдек кучли истак уни ноодатий ечимлар излашга мажбур қилди. Муаммолар унинг юракдаги ғайратини шундай ошириб юбордики, кейинги уч ойнинг ичидаги нафақат етишмаётган ускунани тиклади, балки етарли даражада билими ва мутахассиларнинг йўқлиги туфайли узоқ вақтгача бошқа заводлар фойдалана олмаган қўшимча ноёб дастгоҳларни сотиб олди. Бу дастгоҳлар уларнинг омборида ёки ҳудудида ўтмас матоҳ бўлиб ётганди. Уларни сотиб олиб, қайта тиклаб ишга туширишга муваффак бўлди. Ҳа, оғир дамлар эди. Аммо энди Дмитрий Иванович Ўзбекистонда иссиқлик ускуналарини таъмирлаш бўйича етакчи ҳисобланади, унинг жамоасида ушбу мавжуд ускунада ажойиб операцияларни бажаришга қодир олий даражали мутахассислар пайдо бўлди.

Аксарият инсонларга камбағал бўлиш ёқади. Камбағал бўлиш анча осон – ҳеч нарсанг йўқ, ҳеч нарса қилишинг керак эмас. Камбағаллар доимо ҳурфикр бўладилар. Улар доимо адолатсизлик, дунёнинг мукаммал эмаслиги ҳақида суҳбатлашишни яхши кўрадилар. Уларнинг бутун ҳаёти тасмаланган. Агар камбағал одамдан нима учун ҳаётини яхшилашга пул топа олмаганлиги сабабини сўрасангиз, албатта нима деб жавоб беришни билади. Ҳар бир камбағалда ўзини оқлашга жавоб бор. Кимдир айтади: "Тақдирим шундай .Омадим келмаган". Бошқаси мамлакатдаги аҳвол, ота-она ва яна кимларгадир барча айбни ағдариши тайин. Учинчиси бой бўлишни истамаслигини айтади. Тўртинчиси оиласини айблайди: эмишки, ота-онаси уни одам қила олишмабди. Кўпчилик улар олган таълим нотўғри деб айтишни яхши кўрадилар, ахир мактабда пул топишни ўргатишмайди. Камбағаллар орасида ўзини аянчли ахволини оқлашга устамонлари ҳам бўлади. Улар bemalol уларни бойишига тўсқинлик қилган барча кўнгилсизликлар, қийинчиликлар, тўсиклар баён қилинган китоб ёзишлари мумкин.



*Дўконда уч киши: пессимист, қўрқоқ ва дайди ўтиришибди. Бой бўлишининг қандай қийинлиги тўғрисида муҳокама кетмоқда:*

*-Нима десалар дейишин, аммо мен бошлангич капиталсиз нул ишилаб топши мумкинлигига ишонмайман.*

*Кўрқоқ соқолини тортқилаб:*

*-Ҳа, буни устига солиқлар, қуролли жиноятчилар... Кўрқинчли!*

*Дайди эса буни обдан эшиштиди-да, кавишанди ва хитоб қилди:*

*-Мен эса умуман нул ишилаб топшини истамайман! Менга шундоқ ҳам яхши!*

Инсон шундай яралган, доимо баҳтсизликларига ўзини эмас, атрофидагиларни айблайди. Шундай қилиб инсонларнинг қашшоқ бўлишига ким айбдор? **Киши бой бўлмаганлигига мамлакатдаги, таълимдаги тартибсизликлар эмас, бошдаги чалкаш хаёллар айбдор.**

Болаларни тарбиялашнинг уч модели бор. Мана одатда болага нима дейилади:

-Пул - бу ёмонлик ва уларсиз ҳам яшаш мүмкін.

-Пул? Қанақа пул? (Ота-оналар бу мавзуда гапирмасликка ҳаракат қыладилар).

-Пул - бу жиддий нарса. У билан муомала қилишни билиш керак.

Эңг түғри ёндашув. Аксарият инсонлар ёшлигіда камбағаллікка дастурлаб қўйилади. Мактабда пул қаердан келиши айтилмайди. Шунда бу инсон бутун умр оддий ва жуда мұхим нарсаларни билолмай яшайды. У аслида нима исташини ҳам аниқлай олмайди. Нима кераклигини билмаганлығы учун ишлашни истамайди. Ким ҳам мақсадсиз белини оғритиб ишлашни истайди?

*Бир деҳқондан кузда ҳосил қандай бўлганлиги ҳақида сўрашганда қуйидагича жавоб беради:*

-Хеч қанақа –жавоб беради у. - Баҳорда ёзда қирғоқчилик бўлишини сездим ва ҳеч нарса экмадим.

-Кишига ўзингга нима тайёрладинг?

-Аллоҳ мени шундай қолдирмайди, бир амаллаб қутулиб олармиз, бирор нарса ўйлаб топармиз. -жавоб берди у.

Инсон бундай ҳаётга кўникади, эски кийимда юргани ва хароба уйда яшаётганини сезмай қолади. Ўзини шундай ҳаётга маҳкум қилиб, ҳаётнинг берк кўчасидан чиқолмай, абадий майда-чуйдаларга ўралашиб юради. Кўпчилик ўзига шундай ҳаётни барпо этиш билан банд бўлади ва Яратган Зот шояд бизларни қўллаб юборар, деб умид қиласиди. Улар худди ғилдирак ичидаги олмахон каби беихтиёр тарзда ёпик доирада юрадилар. Улар жамғариш нима эканлиғи ҳақида тушунчага эга эмаслар. Топганини сарфлаш улар ҳаётининг мазмуни. Фойдали ишга пул тикиш ҳақида гапирмасак ҳам бўлади!? Барчаси бир зумда фойдасиз майда-чуйдаларга сарфланса, сармоядорлик билан қандай қилиб шуғулланиш мүмкін?

Бечора инсон ғаразли ақл билан заҳарланган. У фақат нима қилиш мүмкін бўлгани ва нима қилинмагани тўғрисида мулоҳаза қилишни яхши кўради. Бедаво бечора келажак ҳақида ҳеч қачон ўйламайди. Ҳа, бу унга нега керак? Бундай турмуш уни тўлиғича қониқтиради. Инсонлар ҳаётнинг бир чеккасида қолиб кетишларига сабаб эътиқодларидир. Ўз фаровонлигини ҳар куни ошириш мүмкін ва бу қийин эмас. Муқаддас китобларда ҳам: “Сендан ҳаракат мендан баракат”- маъносидаги фикрлар бор. Аммо қўлни қовуштириб шунчаки ўтириш барчасидан осон. Нима ҳар ой тежаш шунчалик мушкулми? Йўқ. Ўз нафсига сарфлаб юриш осонроқ... Моддий тўқ одам сизга ҳеч қачон катта пулнинг иложи йўқ деб айтмайди. Камбағал эса арзимас, майда пулга эришиш осонроқ деб айтади.



*Қашшоқлик қонунлари ҳамма жойда ҳам бир хил. Андижондаги бир ўзбекнинг олдига автомобиль заводи қурилиши Унинг иши цемент, қум, тахта ташишидан иборат эди. Бунинг эвазига унга анча катта бўлган тул ваъда қилишиди. Киши бу пайтда сўрининг устида чинорг соясида ўтириб, қорнини силаб, кўк чой дамлаб ичарди. У хотинини чақириб сўради:*

*-Хотин, уйда гуруч борми?*

-Бор.

-Гүшт борми?

-Бор.

-Үглинг ишига кетдими?

-Ха, кетди.

-У ҳолда ишилашга бормайман. Ёшиим бир жойга бориб қолди. Бошқалар күз ўнгидә гиши ташиб юришиим уят. Үглимииз бизни боқсин.

Ростиини айтинг. Сүнгги ой, йил давомида катта пул ишлаб топиш учун неча марта уриниб күрдингиз? Бу ерда гап уринишлар ҳақида кетяпти, режалар ва орзулар ҳақида эмас. Эслай олмаяпсизми? Сизнинг муаммоингиз шунда. Ичингиздаги камбағал сизни тарқ этишни истамаяпти. Бойлик билан ўртангиздаги түсиқдан ошиб ўтинг. Мен бошқалардан яхшироқман, деган фикрдан воз кечинг! Энди сизнинг шиорингиз: "Мени бошқалардан қаерим кам?". Ҳаётингизни кескин ўзгартиришга жазм қилинг. Ўйлаб кўринг: юришни ўрганаётган пайтингизда, қайта-қайта оёққа туришга ҳаракат қиласдингиз. Бунда лат ейиш ва шилинишлар сизни кўрқитмаган. Кўп бой инсонлар ишни нолдан бошлашган. Улар мақсадларига эришгунга қадар узоқ ва қийин мاشаққатли йўлни босиб ўтишган. Улар ўлик нуқтадан кўзгалишни уддаладилар ва ҳозир омаднинг энг баланд чўққисида ўтиришибди.

## **8 Правил Рокфеллера**

**Джон Дэвисон Рокфеллер -  
первый долларовый миллиардер  
в истории человечества.**



*Бүлгеси миллиардер Рокфеллер күчада бир доллар топиб олгани түгрисида ярим афсона ҳикоя мавжуд. У бу пулга ҳеч нарса емаган, ичмаган, пойабзал чүткаси сотиб олмаган. Рокфеллер бойларнинг пойабзалини тозалашни бошлади. Оз-оз миқдордан бошлангич капитал йига олди. Албатта, бу воқеанинг ҳаққонийлигини шубҳа остига қўйши мумкин, аммо шунга қарамай, бу тасодифий пуллардан қандай фойдаланишини ўргатади.*

Тасодифий пул бирданига келиб қолиши мумкин. Энг асосийси уларни тўғри тасарруф қилишdir. Бошланғич капиталга эга кўпчилик ҳозир ҳеч ким эмас. Уларга ишонилган пулларни улар атрофдагиларга ва ўзларига фойда келтирадиган бирор иш қилмай сарфлаб юборишди. Масалан, киши катта мерос олади ёки лотореяда ютади. Ёки касби профессионал спортчи, шоумен, кўшикчи ёки актёр. Бу инсонлар катта пул топадилар, аммо бу узоққа чўзилмайди. Бироқ улар катта капитал эгаси бўлди, дегани уни сақлаб қолади дегани эмас. Дунё тажрибаси шуни кўрсатяптики, бундай “бойлар” умрларини аянчли тарзда тугатадилар. Чунки улар фақат пул сарфлашни биладилар, лекин уларни кўпайтиришни билишмайди.

*Менинг ёшимдаги инсонлар Пеле ва Гарринчани биладилар. Болалигимизда биз уларга ўхшашига ва улар каби омадли бўлишини истардик. Гарринчанинг бир оёги оқсанланарди, бироқ шунга қарамай Пеледан қолишимасди, баъзи жиҳатлари билан ундан ўтарди.*

*Пеле футболол ўйнаши тугатиб, нафақага чиқиб, йиққан пулларини самарали тарзда сарфлади. Гарринча барча пулини еб-ишиб, ҳаётини қашшоқликда, күчада тугатди. Тенг шароитда бири пул ишлаб топган, иккинчи сарфлаб юборган.*

*Инсоннинг психологияси камбагалники бўлса нима ҳам қилиш мумкин?*

Пулларни сақлаб қолиш учун уларга бўлган муносабатни ўзгартириш керак. Уларни фақат сарфлаш керак эмас. Мен Силва услуби бўйича пулга бўлган муносабатни ўзгартириш учун ишлаб чиққан амалий машқдан фойдаланинг.

## **2-машқ**

### ***Пулларнинг ер ости денгизи***

*1.Стулга қулай ўтириб олиб кўзингизни юминг. Ҳар қандай ҳолат ҳам яхши агар қулай бўлса.*

*2.Чуқур нафас олинг ва нафас чиқариб танангизни бўши қўйинг.*

*3.Тескари тартибда 10 дан 1 гача сананг.*

*4.1 гача етиб борганда ўзингиз биладиган бирор тинч жойни тасаввур қилинг. Уибду жойда озгина вақт сайр қилинг, орзу қилинг , дам олинг, яхши нарсалар ҳақида ўйланг.*

*5. Пулнинг ер ости денгизини тасаввур қилинг:*

*-ундан ирмоқлар оқиб чиқмоқда, булоқлар қайнамоқда.*

*-ўзингизнинг ирмогингиз ва булогингизни топинг.*

*-ўз тўғонингизни қуринг*

*-ўз ҳовузингиз, сўнг бутун бошли сув омборингиз пайдо бўлади. Бу пулларни сиз ўз мақсад ва истакларингиз йўлида ишлатишни орзу қилинг.*

*6. Хаёлан айтинг: "Барча жабхаларда менга яшироқ ва яшироқ бўляпти. Барча жабхаларда мен бойроқ ва бойроқ бўлиб бораятман. Ҳар бир нафасимдан бойлигим ошиб, камбағаллик ҳисси мени тарк этаяпти. Ҳар қандай сарфланаётган пулим кўпайиб кетмоқда. Пулим кўпаймоқда, мен бунга арзийман, мен уларни ўзим ва бошқалар фойдасига ишлатмоқдаман. Ҳар бир сармоям менга фойда келтирмоқда".*

*7. 5 деганда кўзингизни очиб, ўзингизни ажойиб, енгил ва соглом, аввалгидан яшироқ ҳис этшингизни сўнг ўзингизга эслатинг.*

*8.3 деганда яна 5 деганда кўзимни очиб ўзимни ажойиб, енгил ва соглом, аввалгидан яшироқ ҳис этаман деб ўзингизга айтинг.*

*9.4,5 деб сананг. 5 деб санаганингизда кўзингизни секин очинг ва ўзингизга айтинг: "Мен ўзимни яхши, жуда соглом ва ажойиб ҳис этаятман деб айтинг ва аслида ҳам шундай".*

Энг асосий теоремани эслаб қолинг: инсонларда доимо эҳтиёж ўсиб боради. Бундан фойдаланиб қолиш имконини қўлдан бой берманг. Ишга киришиш учун сизга нима халақит беряпти. Дангасаликми? Қўрқувми? Пулхўрликми? Билимсизликми? Шуларнинг барчасини енгиб ўтинг ва янги ҳаёт бошланг. Қандай ҳаёт? Сиз муносиб бўлган ҳаёт. Атрофингиздагилар ёки давлат ёрдам беради деб ўйладингизми? Асло! Пул ишлаб топиш – бу сизнинг муаммоингиз. Сизнинг бойиб кетишингиздан ҳеч ким манфаатдор эмас. Ҳа, сиз ёлғизланиб қоласиз. Бироқ...кучингизни бир жойга тўпланг ва пул оқимиiga шўнғинг.

Бойлик ва пул ҳақида қуйидаги хато фикрлар бор:



**1. Бой бўлиш учун эрталаб кечгача оғир меҳнат билан шуғулланиш керак.** Бироқ жуда кўпчилик: шифокорлар, ўқитувчилар икки ставкадан иш оладилар, дам олишсиз ишлайдилар, аммо пули яшашга зўрга етади.

**2. Ишим қанча туришини бошқалар яхшироқ билади.** Яқин қунларгача мен ҳам шундай инсонлардан эдим. Бир умр ишимнинг қанча туришини сўрашдан тортинардим. Менга бу нарса ҳақида сўраш одобсизлик бўлиб туюларди. Қанча пул тўлаш лозим бўлса, шунча тўлашарди.

Аммо шуни ёдда тутингки, одамлар ўзи нарх белгиламайдиган инсонларга уляасдан кам ҳақ тўлайдилар. Афсуски, кўпчилик инсонлар учун бу жиддий муаммо. Уларнинг ҳаддан ташқари камтаринлиги ва ўта тарбияланганлиги ишлари учун муносиб пул сўрашга имкон бермайди. Атрофдагилар эса бундан фойдаланиб арзимас пул учун уларни эксплуатация қиладилар. Вақтини кетказишади, улар учун ким ишлаши қизиқтирамайди? Сиз ўзингизни ва меҳнатингизни сотаяпсиз. Наҳотки, ўзингизни қадрламасангиз? Ўзингиз, вақtingиз ва меҳнатингизни қадрламайсизми!

**3. Севимли ишингиз билан шуғулланиб, бунинг учун яхши пул топиш мумкин эмас деб ўйлайсизми.** Бу нотўри тушунча! Жуда мумкинда! Ўз ишига ашаддий ишқибози бўлган хар қандай профессионалдан сўранг. Қўшиқчилар, шифокорлар, бастакорлар, ёзувчилар, олимлар, спортчилар ҳеч қачон бу ишда муваффақиятга эриша олмасдилар, агар у билан астойдил шуғуланмаганларида “завқ олишмаганда”.

**4. Молиявий жиҳатдан муваффақиятли бўлиш учун яхши илмга эга бўлиш керак.** Меҳнат биржасида битта ёки иккита олий маълумотли ҳужжати билан сандирақлаб юрганлар қанча. Бозорларда мева-чева сатаётган фан номзоди ёки фан докторини тез-тез учраб туриш мумкин. Ёшлиқдаги дўстим Ақром ажойиб мутахассис, жарроҳ, улгуржи савдо бозорида озиқ-овқат бизнесини йўлга қўйиш учун бир неча бор ўз кассидан воз кечди. Ниҳоят ўз билимини ҳаётга татбиқ этилишига эришолмай, барча пулларини совуриб Яман давлатига шифокор бўлиб кетди. Айни дамда оддий хатни хатосиз ёзишни эплай олмайдиган кўпгина танишларим ўз ишини пухта билишгани учун ҳам омадли тадбиркорлар ҳисобланишади.

**5. Агар яхши мутахассисликни эгалласанг, бой яшайсан.** Барчанинг ҳаётида бу нарса турлича шаклланади ва бу касбга унчалик боғлиқ ҳам эмас. Миллионлар пул ишлаб топадиган адвокатлар бор, аммо ишсизлик нафақасига кун кўрадиганлари ҳам йўқ эмас. Ҳаттоқи, молиявий муваффақиятга эришган шифокорлар ҳам бор. Шунингдек, омадсизлари ҳам талайгина. Қанча инсонлар акл бовар қилмас, ўзига хос тарзда капитал жамғаришга муваффақ бўладилар. Мутахассислик – энг асосийси эмас.

**6. Кўп пул - баҳтсизлик.** Пулга эга бўлиш билан биз уни бошқалардан тортиб оламиздеб ўйлаймиз. Йўқ аксинча. Пул ишлаб топиб кимгадир ёрдам бериш имкониятига эга бўламиз. Турли фондларни ёдга олинг: Кеннеди жамғармаси, Тереза она жамғармаси, Фонд Форум ва бошқалар. Ҳомий Третьяков бутун дунёга машҳур Третьяков галереясини қурди.

**7. Қанча кўп сарфласанг, кейин шунча кўп фойда ҳам оласан.** Бу афсонага кўра ҳаёт кечирмасликни сизга маслаҳат бераман. Чунки унга кўра кун кечирсангиз, тез кунда бир

тийин ҳам қолмайди. Мен шундай яшашга уриниб күрдим. Сарфлаганимни қайтариб ололмадим.

**8. Ишни йўлга қўйиш учун, аввало, катта мерос олиш керак ёки бошланғич капиталга эга бўлиш лозим.** Бу сафсата! Тажриба шуни кўрсатяптики, камбағал одамга хос психология билан катта пулни бир зумда ҳавога сарфлаб юборади. Бундай одам ё ўзи барчасини расво қилади, ё атрофдагиларга шундай қилишга имкон яратади.

Бизда ва чет элда кўпчилик бой қариндоши вафот этиб катта пул, квартира, бизнесни мерос тариқасида олишини орзу қилишади. Ана ўшандা ишни йўлга қўйишни мўлжаллайдилар. Пулнинг ўзи бир куни сенга келадиган бўлса, машаққат чекишнинг нима кераги бор? Аммо тасодифий пуллар (мерос, фойдали битим ёки лотерея) худди шу тарзда осонликча ғойиб бўлади.



Дунёнинг кўпгина мамлакатларида қашшоқликка қарши турли йўллар билан курашилмоқда. АҚШда олтмишинчи йилларнинг ўрталарида қашшоқлик билан курашиш дастурини ишлаб чиқишиди. Унинг асосий ғояси: қашшоқларга пул бериш эди. Уларга пул ҳам беришди. Бироқ қашшоқлар сони камаймади. Камайиши ҳам мумкин эмасди. Буюк ёзувчи М.Булгаков айтганидек: “Харобачилик кўчада эмас, инсонлар миясида”. Инсонларга фақатгина пул бериб қандай муомала қилиш бўйича амалий билим билан бирон-бир натижага эришиш мумкин. Европада ишсизлик нафақаси деган таъминланган қашшоқлик тушунчаси бор. Мисол учун Германияда ижтимоий таъминот ҳисобига яшовчи инсонда доимо яшаш жойи, телевизор, гамбургер, бир шиша пива ҳар доим бўлади. Истасанг – қашшоқ бўлиб яша. Истасанг – қўйш остидаги жой учун кураш. Аммо кафолатланган нафақа киритилгандан сўнг Европада қашшоқлар сони камаймади. Текин нарса инсонларни бузади, уларни ўз эркинликлари учун жавобгарлиқдан озод қиласди. Мен хорижга кетиб иштимоий нафақа ҳисобига кун кўраётган МДҲ нинг собиқ фуқароларини танийман. Барча нарсага кимнидир айблашади, сўнг текин нарса тугагандан сўнг, тил билишмайди, билим ҳам йўқ, бу мамлакатда яшай олмасликларини тушуниб етгач орқага қайтишга мажбур бўладилар. Бунинг учун эса ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. У ерларда эса ўз тақдирига тан бериб оқим бўйлаб сузадиган ўзининг аҳолиси ҳам етарли.

Агар сиз ҳали ҳам мўл-қўлчиликка муҳтоҷ бўлсангиз ўзингизга савол беринг: ”Нега мен бошқалар билан бир хил аҳволдаман?” Эҳтимол, қуйидаги жавоблар сизга тўғри келади:

- Сиз ҳали барчасини ўзgartиришнинг йўлини тополмадингиз.
- Аслида сизга шундай ҳам яхши.
- Сиз олдингизга аниқ мақсадни қўйганингиз йўқ.
- Атрофингиздагилар доимо қашшоқликда яшаган.

- Сизни ёшлигингиздан қашшоқликка ўргатишган.
- Сизга ҳеч ким қашшоқлик билан курашини ўргатмаган.

Агар юқорида келтирилган жавоблар сизни қониқтирмаса, ўтмишнгизни ковлаштириб ушбу саволга жавоб топишга ҳаракат қилинг.

### ***3-боб. Сизни муваффақиятга элтувчи тўрт гилдиракли машина.***

Бирор олий ўкув юртида “Хусусий капитал” ёки “Замонавий Ўзбекистонда қандай қилиб пул топиш?” деган фанлар борми? Бирор имтиҳон олувчи сиздан қисқа вақт ичидаги миллион олишни ўргатадими? Йўқ, албатта! Мени ҳам, сизни ҳам ишончим комилки, на мактабда, на институтда, на университетда бунга ўргатишмаган. Бизга кимёвий формулалар ва математик теоремаларни ёдлашга мажбур қилишган. Биз буюк шахсларнинг фамилияси ва тарихий воқеаларнинг саналарини эслаб қолардик. Бухгалтерия ҳисоби, тарих, табиатшунослик, хорижий тиллари, математика ва физика каби талабалар ҳар қандай оғир фанлардан талабалар имтиҳон топширишади. Аммо ҳеч ким уларни қандай қилиб пул топишга, молявий жиҳатдан эркин бўлишга ўргатмайди. Махсус молия институтларида, коллежларида корхоналар учун молиячилар ва бухгалтерларни тайёрлашади. Ҳозирча бизда молиявий қийин аҳволга тушиб қолганларга ёрдамга келадиган молиявий маслаҳатчиларни тайёрлашмайди. Шундай тасаввур пайдо бўляптики, биз пулсиз яшай оламиз ва улар умуман мавжуд эмас, улар ҳеч кимга керак эмас. Кўпинча бизнинг атрофимизлдагилар пул жамғаришдан бошқа нарсалар ҳақида гапирадилар. Айтингчи, ахир биз истисносиз, пулга боғлиқ эмасмизми?

Эҳтимол, айни дамда ушбу китобни ўқиётган ўқувчиларнинг қайси бир қисми молиявий муаммога эга. Масаланинг яхши томонини кўришни ўрганинг. Сиз менга айтишингиз мумкин, инқирозга учрашнинг нимаси яхши деб. Биласизми, менга сизга шуни айтишим керакки, мендаги энг яхши ҳолат мен касодга учраган пайт бўлган. Шунда мен ўзимга ёрдам кераклигини тушунганман. Менга мураббий, устоз, маслаҳатчи зарурлигини ана шундагинаenglаб етганман. Мен бизнес мураббий излашни бошладим ҳамда мен нимага эришган бўлсан бизнес мураббийим туфайли эришдим.

Бизнес мураббийим билан танишганимда у сўради:

- Уч йилдан сўнг қанча пул ишлаб топишни истайсиз?
- 12 000 АҚШ доллари, - дедим мен.
- Ойигами?
- Йўқ йилига, - жавоб бердим мен.
- Менинг бундай оддий мақсадли инсонларга ўргатадиган нарсам йўқ, - деди бизнес мураббийим жаҳл билан ва эшикни кўрсатди.

Менга йилига 12 000 доллар ҳам етарди, аммо у мени ҳайдаб юбормаслиги учун , илтифот кўрсатгандай бўлиб ишончсиз тарзда: “Яхши, 22 000 доллар” деб ғўлдирадим.

- Яхши, ёзинг - давом этди устозим. – Мен Равшанбек уч йилдан сўнг ойига 25 000 доллар ишлаб топаман. Мана энди мен сизни табриклайман, энди бизда ниҳоят мақсад пайдо бўлди. Сиз шундай пулга эга бўлишни истайсизми?

- Ҳа, албатта, -дедим мен ишонмай.

- Уларга эриша оласиз! Гап умуман пул ҳакида кетмаяпти. Гап сизнинг шахсиятингиз ҳакида. Масала сизнинг 10 ёки 20 миллион доллар топишингизда эмас, масала сиз 10 ёки 20 миллионерлик шахс бўлишингизда, сизда миллионер шахсияти пайдо бўлишида!- энди у менга оталардек сўнгти насиҳат берди, - ҳаёт унга эътибор бермаслик учун жуда қисқалик қиласиди.

Сўнг у менга бешта савол берди: “Равшанбек, менинг бешта асосий саволимга жавоб беринг”.

**1.Агар ишламасангиз ва бир сўм ҳам даромад қилмасангиз қанча вақт йиққан пулингизга яшай оласиз?** Агар пул тушуми бўлмаса, сақлаб қўйган пулингизга, қанча пайт сабр қила оласиз.

Ёдингизда бўлса, мен касодга учраган эдим. Мен шунда сўрадим:

- Соатдами ёки дақиқадами?
- Агар тушунмаган бўлсангиз, мазах қилишга ҳожат йўқ, - жавоб берди у.

Мен ўйлардимки, мураббийлар яхши инсонлар, у ҳозир мени бошимни силаб, раҳми келади ва: “Равшанбек манови ерга бор, анови ерга борма, бошингга ғишт тушиши мумкин. Тушунаман, сенинг бир соатга етадиган пулинг бор”...- деб айтади.

Шунинг учун мен учун биринчи дарс: **”Яхши мураббийлар ёқимтой бўлмайдилар”**. Кўпчиликнинг муаммоси ўзларига жуда катта илтифот қўрсатиб юборадилар. Сизга муомаласи ёқимли одам керак эмас. Мураббий – сиз ўзингиз қила олмайдиган ишга сизни мажбур қиласидиган инсондир.

## **2.”Сиз етарли даражада пул тўплаяпсизми?”** - иккинчи саволни менга берди устозим.

- Куляпсизми. Мен жамғаришни бошлашга етарли даражада пул ишлаб топаётганим йўқ,- жавоб бердим.
- Тиккан пулимни пулга зарурат туғилганда сарфлайман.
- Сиз ҳозир ўзингизда мавжуд суммадан жамғаришни ўрганишингиз ва нима бўлган тақдирда ҳам уни сарфламаслигингиз керак, - тушунтириди устозим ва учинчи саволни берди.



### **3.”Молиявий режангиз борми?”**

- Йүқ.Молиявий режам йүқ, - тезда жавоб беришга интилдим мен.

-Йўқ, бор, - рози бўлмади мураббий.

- Менда ҳеч қандай молиявий мақсад йўқ, ҳаттоқи, уни қандай тузишни ҳам билмайман, - терс гапирдим мен.

- Сизда қашшоқлик режаси бор. Ҳар ойда топганингизга нисбатан кўп пул ишлатасиз. Модомики бундай йўл тутаётган экансиз, сиз тутаётган йўл учун режа бор. Чунки бундай ҳаёт ва сизнинг амалларингиз сизни интиҳога олиб боради. Мана шу сизнинг қашшоқлик режангиз хисобланади, -тушунтириди менга мураббий тўртинчи саволга ўта туриб.

#### **4. "Тиккан пуллингиз фойдасига ҳаёт кечирадиган пайтни тасаввур қила оласизми?"**

- Албатта, катта пул топсам, улар ҳисобига кун кечираман. Ҳозирча буни тасаввур қила олмаяпман, чунки буни қандай бажаришни ва уларни қаерга тикишни билмайман, - жавоб бердим мен.

- Кўп пул ишлаб топсангиз бой ҳисобланмайсиз, кўп пул оқимларига эга бўлган тақдирингиздагина бой бўласиз, буни бошқача қилиб кеш фло деб ҳам аташади, деди мураббий.

5.”Ўзингиз арзидиган пул оляпсизми?” - деб сўради бешинчи саволни мураббий.

- Албатта, мен кўпроқ пулга арзийман, - деб бидирладим мен.

- Йўқ, сиз ўзингиз арзидиган пулни оляпсиз. Агар сиз кўпроқ пул олишни истасангиз, катта шахс бўлишингиз, кенг қўламдаги шахсга айланишингиз лозим бўлади. Энди бу саволларни катта ҳарфлар билан чоп этинг ёки қалин қофозга ёзинг ва кўзгуга ёпишириб кўйинг, ёки чўнтагингизда олиб юринг, - деб маслаҳат берди менга устозим ва мана бу воқеани сўзлаб берди:

“Бир куни бир руҳонийни кичик бир овга таклиф этишди. Унинг иштирокини хурмати эвазига хўжайнлар ҳакиқий ов уюштириб ўрдак овлашга қарор қилишди. Мана улардан бири ўрдакни отади, ўрдак кўлга тушади ва қишлоқда яшовчилардан бири ушбу кўлга боради. У сувдан юриб боради, уни олади ва қирғоққа олиб чиқади.

Руҳоний ҳайратдан оғзи очилиб қолади ва дейди: ”О-о-о. Мени бу ҳақда эшитган эдим, бу ҳақда 2000 йилдан буён гапиришади!”

Иккинчи овчи ҳам отади, қишлоқда яшовчи бошқа одам сувдан бориб, ўрдакни олади ва қирғоққа йўл олади.

Сўнг учинчиси, тўртинчиси боради.

Бешинчи ўрдакни отишганда рухоний шундай дейди: "Бу гал ўрдакни ўзим олиб чиқаман". Кўлга тушади, сувдан юрмоқчи бўлганида сув юқорига кўтарилиб боради. Бўғзигача сув тўлганда ўрдакни ололмаслигини англаб ортга қайтади.

Хамма ёғи шалаббо, совуқдан титрайди. Шунда у қишлоқнинг икки кишисининг сухбатини эшитиб қолади. Биринчиси: "О-о-о, у жуда жасур инсон экан". Иккинчиси: "Ха, жасур, аммо у юриш мумкин бўлган тошлар қаерда ётишини билмайди-да".

Биласизми, баъзида шундай бўладики, биз сиз билан бой инсонларни кўриб қоламиз, худди улар сувдан енгилгина ҳаракат қилиб юриб кетаётгандек, улар мўъжиза кўрсата оладигандек бўлади. Бироқ аслида улар оёқ қўйиш мумкин бўлган, тошлар қаерда ётишини биладилар холос. Мана шу тошлар бизнинг дарсимиз ҳисобланади. Шунинг учун **бой инсонлардек фикрлашни ўрганинг, жамгаринг, қўпроқ ишлаб топишни, сақлашни, сармоя киритишни ва ишлаб топганингиздан роҳатланишини ўрганинг.**

Бой инсонлардек фикрлаш ва бой бўлиш учун оладиган энг катта дарсимиз нимадан иборат?



- Биринчи. *Пул - бу роҳат, пул – бу эркинлик эканлигини билиши ва тушуниш* жуда муҳим.
- Иккинчи. Энг муҳим дарс, *пул тугамаслиги, унинг чек-чегараси йўқлигини билишидан иборат*.

Биласизми, ота-онам учун пул чегараланган эди. Ёш бола пайтим улардан нимадир сотиб олиб беришларини сўраганимда, улар шундай дейишарди: ”Йўқ, олиб бера олмаймиз, бошқа нарсаларга пул етмайди.” Ёш Равшанбек эса:” Уни хоҳлайман, буни хоҳлайман.”- деб хархаша қиласарди. Буларнинг барчасидан мен нимани тушуниб етдим? Мен пул чекланган миқдорда эканлигини англаб етдим. Сўнг ўн бир ёшимда ёзги таътил вақтида мен ишга жойлашардим ва уч ой давомида тенгдошларим дам олаётган пайтда худди катталардек кунига 8 соат жамоа хўжалигида, дўконда, тўқимачилик комбинатида, Тошкет шахридаги резина-техника заводида ишлардим. Мен шуни тушундимки, қанча кўп ишлашингдан қатъи назар бу йўл билан кўп ишлаб топа олмайсан. Бутун умр давомида мен эгаллашни истаган пулнинг номаълум сирлари ва қонунлари бор.

Агар сиз ота-она бўлсангиз фарзандингизга айтадиган гапингизни ўйлаб кўринг? Ҳеч қачон болаларга: ”Пулим йўқ деб айтманг!”. Шундай жавоб беринг: “Ўйлашимча, ҳозир буни сенга олиб берсам, яхши бўлмайди. Айнан сени яхши кўрганим учун мен сенга буни бера олмайман”. *Ҳамда болаларингизни пулнинг чек-чегараси йўқ деган фикрга ўргатинг. Муваффақият жуда улкан, у чекланмаган.*

*Орангизда марафон югуришида шитирок этган инсонлар бор. Баъзилар учун марафонда чопиши бу мўъжиза. Сиз учун у нима эди? Мўъжизамиди? Роҳат ва албатта кўп машқ.*

*Сиз Австралиядаги Сиднейдан Мелбурнгача бўлган энг қийин пойгалар, энг катта марафон тўғрисида эшишганмисиз? Кунлардан бир куни Австралияда Сидней аренасида учрашиб қолишиди. Улар саҳро бўйлаб Мелбурнга югуриши учун аввалига стадион бўйлаб 3 соат югуришлари керак эди. Бу масофа 600 км ни ташкил қиласарди. Улар стадионда туришарди, энг зўр спортчилар 18 кишини ташкил этишиарди.*

*Бирдан қаердандир бир қария пайдо бўлиб югуршига тайёр турганлар сафига қўшилди. Ташкилотчилар олдига келиб сўрашиди: "Сиз бу ерда нима қиляпсиз?".*

*-Бу ерда марафон бўлаяпти деб эшиштим, мен ҳам югурмоқчиман, - деди қария чигил ёзди машқларини бажара туриб.*

*-Сиз умуман авваллари шундай масофаларга юргурганмисиз? - ташкилотчилар мийигида кулиб қўшишди.*

*-Йўқ.*

*-Отахон, бу дунёдаги энг узун марафон, сиз учун эҳтимол бундай масофга югурши учун энди кеч - огоҳлантиришиди улар киноя билан.*

*-Биласизми, бошлиш учун ҳеч қачон кечлик қилмайди., - жавоб берди Крип Янг 60 ёшли чолнинг исми шундай эди.*

*Бунга ақл бовар қилмасди! Энг зўр атлетлар стадион бўйлаб 3 соат югуриб бўлиб чўлга чопиб кетишди, қария эса стадион бўйлаб югуршида давом этарди. Шу пайтда шарҳловчи микрофонни олиб шундай деди: "Бу инсон билан танишганимиз биз учун шараф. Кўряпмизки, бу инсон ёши эмаслигига қарамай, югурга оларкан. Биз эҳтимол уни марафон югуршиларимизда ҳеч қачон кўрмасмиз, келинг уни олқишилаб қўяйлик". Шунда стадион қарияни устидан кулибми, ёки унинг ёшини ҳурматиданми қаттиқ олқишилади.*

*Атлетлар мана лагер томон 20 соатдан бери югуршишмоқда. Сўнг уларга овқат бериб 2 соат ухлашга рухсат бершиди. Кейин улар югуршида давом этишиди. Шу пайтда қария етиб келади ва югуршида давом этади. Ундан сўрашади: "Нима сиз ухлашини хоҳламайсизми?"*

*-Мен саволни тушунмадим. - жавоб беради Янг. - Мен бу ерга ухлашга келдимми ё югуршишами?*

*Сүнг у югуриида давом этади. У тун бўйи югуради, кейинги тунда ҳам югуради, ва 3 кечада 25 дақиқа мизгиб олади, холос. Энг ажабланарлиси бу қария марафонда 1 кунлик фарқ билан голиб бўлади.*

*Крип Янг машҳур бўлиб кетади, уни телевизорда кўрсатадилар, барча теле ва радио каналлар интервью олишини бошлайдилар. Бу жуда гаройиб эди! Маълум бўлишича гаройиброк нарсалар кўп экан.*

*Кейинги йил бу 18 киши бундан аввалгига нисбатан тезроқ чопа бошладилар. Улар ўзлари учун жуда кўп янги нарсалар билиб олишиди ва нималардир ўрганишиди. Улар қисқа муддат ичida 10-12 кун ичida уйқу унчалик муҳим эмаслигини тушуниб етишиди.*

*Гап шундаки, улар шу пайтгача ўз спорт турлари ва таналари бўйича ҳамма нарсани биламиз деб ҳисоблашарди. Аммо улар янги дарс ўрганишиди.*

Худди шундай биз ҳам ҳаётни яхши биламиз деб ўйлаймиз, аммо аслида биз уни билмаймиз. Биз молия ва ўз молиявий аҳволимиз ҳақида барча нарсани биламиз, деб ўйлаймиз. Аммо вазият бундай эмас. Бой инсондек ўйлаш учун, пул тугамаслигини тушуниш керак. Ҳақиқатдан ҳам эркин бўлиш учун пул керак.

Келинг тасаввур қиласизки, сизни орзуингизга ва муваффақиятингизга элтувчи тўрт филдиракли машина бор. Шунингдек, сизга алббат рул керак, акс ҳолда сиз истаган жойингизга етиб бора олмайсиз. Мана шу сизнинг режангиз. Чунки сиз режалаштирангиз – сиз ўзингизга керакли йўналишга томон ҳаракатланасиз.

---

**Автомобиль суратини ҳайдовчиси ва рули ҳамда 4 гилдираги билан кўрсатиш керак.**

Агар режасиз яшасангиз, майда вазифаларингиз ҳаётингизни икир-чикирга айлантириб қўйиши мумкин. Шунчаки барчасини шошмасдан пойма-пой бажаришни бошланг. Бир соатга, бир кунга, бир хафтага, бир ойга, бир йилга режа тузинг. Қийин чегара белгилаш шарт эмас. Қоғозда фикрланг. **Ўз келажагини режалаштирганилар келажагини бошқалар режалаштиришига кўнишии керак.**

Шунинг учун биз сиз билан ғилдираклар ҳақида гаплашганимизда ушбу транспорт воситасининг ҳайдовчиси айнан сиз эканлигингизни ёдда сақланг. Сиз худди бой одамдек фикрлашингиз ва пул чегарасиз эканлигини билишингиз шарт.

**Биз эга бўлган нарса биз бажарадиган нарсадан келиб чиқади.** Ичингизда маҳсус ички кайфият яратинг. Айнан ички ҳолатимиз бизнинг юриш-туришимизни белгилаб беради.”Пирог бўллаги”ни қўлга киритиш учун истеъдодли ва ҳатто даҳо бўлишнинг ўзи камлик қиласди. Ўзингизда кучни ҳис этишингиз, қатъият ва тоқат билан қувватланишингиз, дикқатингизни мақсадга қаратишингиз ва илондек эгилувчан бўлишингиз керак.

Нима деб ўйлайсиз автомобил уч, икки, бир ғилдираксиз ҳаракатланиши мумкинми? Йўқ, хеч қачон! Машина факат тўрт ғилдиракда ҳаракатланади! Пулда ҳам худди шундай. Пулнинг биттагина қоидасини билмасангиз озгина ҳам пул ишлаб топа олмайсиз. Қуйида келтирилган ҳар бир жиҳатга эътибор қаратинг, шунда ушбу тўрт ғилдиракли машина сизни бойликка олиб бориши мумкин.



*Биринчи гилдирак - бу жамгарии.*

*Иккинчи гилдирак – бу саклаш ва сармоя қилиб киритиш.*

*Учинчи гилдирак – бу қўпроқ ишлаб топиш.*

*Тўртинчи гилдирак - бу жараёндан роҳатланиши.*

Энди сиз билан сизнинг машинангизни хар бир ғилдирагини кўриб чиқамиз.


**4-боб: Машинанинг биринчи гилдираги: "Жамгарии ёки аввал ўзингизаа тўланг".**

*Автомобилнинг биринчи гилдираги – бу тежаси, жамгариши ёки бошқача қилиб айтганда ўзимизга тўлаш.* Кўпчилик мен 37 ёшимда фикрлаганимдек фикрлайди: ”Мен кўп ишлаб топсамгина кўпроқ жамғара оламан, тежай оламан. Агар кам ишлаб топсам, қаердан жамғараман? Демак, қачонки, кўп пул ишлаб топсамгина бой бўлишим мукин”, - деб ўйлардим. Аммо бу нотўғри ўйлаш эди! Чунки, сақлаб қолганингиз сизни бой қиласди, ишлаб топганингиз ёки айни дамда эга нарсангиз эмас! Бой инсон – данғиллама ҳовлиси, қиммат машинаси, кўп пули бор инсон эмас. Бой инсон –пул оқимида эга ва бизнес ҳамда сармояга тиккан пулларидан пассив оқимида яшаётган инсондир. Кишилар бу қоидани яхшироқ тушунишлари учун биз “POYGA” ўйинини ўйлаб топдик. Жуда оддий, аммо жуда муҳим қоида бор. *Бутун борлиққа пул билан муомала қилишингизни билдиришининг энг яхши йўли – бу уларни жамгаришини бошлиши.* Бу зерикарли, бироқ зарур. Ким эканлигиниздан (ёлланма ишчими ёки тадбиркорми) қатъи назар ишлаб топаётганингиздан 10% ини жамғариш керак. Агар сиз етарли даражада ақлли инсон бўлсангиз ўзингизга шундай дейсиз:

-10% - бу келажакка

-90% - бу севимли ўзимга харажатлар.

Мен сизга шуни айтмоқчиманки, биз зарурий харажат деб атайдиганимиз даромадимиз даражасига қараб ўсиб боради. Даромадингизнинг 10% ни жамғариш жуда муҳим. Шунинг учун илтимос даромадларингиздан камида 10% ни келажакка сақлаб қўйинг! Агар буни қандай қилишни ҳозир билмасангиз ёки иложини қила олмаётган бўлсангиз, менинг китобларимни ўқиб чичинг ва ўргатувчи молиявий-иктисодий тренажер ўйинимиз “POYGA”ни ўйнанг. Сиз бутун борлиққа графикнаби катта одам эканлигинизни, стакан эмаслигинизни кўрсатинг. Биз пул ҳақида гаплашар эканмиз, сиз улуғлигинизни 10% пулингизни жамғариш билан исботлашингиз мумкин.



Бу мен 1 млн \$ доллар исташим


Бу мен 37 ёшимда.

Биз бўш стакан эмас, сув тўла графин бўлишга интилишимиз керак.

Буни стакан ва графин билан боғлиқ амалий мисолда кўришимиз мумкин. Токи тўлиб полга тўкиладиган бўлгунга қадар стаканга сув қуинг. Сувнинг бир қисми стаканга тушади, бир қисми полга тўкилади ва кўлмак ҳосил бўлади. Бу сизда молиявий тартибсизлик юз бериб молиявий кўлмак ҳосил бўлади дегани.

Бу дегани бизнинг шахсиятимиз ўсиши ва бой бўлгунимизга қадар ўсиб бўлиши керак дегани. Кўпчилик кишиларнинг ҳаёти катта пулни қабул қилишга тайёр эмаслигига кўплаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин.

*Бойлик уни қабул қилишга тайёр, уни қутаётганлар, у билан роҳатланадиганларни танлайди, қашшоқлик эса ҳиссий ва интеллектуал тан берганларга келади.* Мана нима учун бизда катта микдорда пайдо бўлишидан аввал пул билан муомала қилишни ўрганишимиз керак.



“Ўтмишдан келган бойлик сирлари” китобимда Аркад деган оддий котиб ўзининг судхўр мижозидан бойликнинг сирини очишни сўрайди. Судхўр Аркадга очган биринчи сир шундай: ***“Ишлаб топган пулнингнинг бир қисмни доимо жамгар”***. Судхўр ишлаб топган пулларининг камида 10%ини жамғариб, уларга умуман тегмай, секин-аста уларнинг ўсаётгани ва пул топаётганини кўришини тушуниради. Бир қанча вақтдан сўнг мураккаб фоиз туфайли у жуда йирик маблағга айланади. Кўпчилик аввал ўзига ҳақ тўлаш орқали катта бойлик тўплашга муваффақ бўлди. Бу қоида худди 5 000 йил аввалгидек тўғри ва амалда қўлланилади.

Бу формула ***“10% ўн фоиз”*** жуда оддий, аммо одамлар унга шу қадар эътибор бермайдилар. Мана кечагина оқшомда аэропортдан уйга келар эканман такси ҳайдовчиси, 35 ёшли киши у фойдаланиш мумкин бўлган муваффақиятнинг оддий қоидасини ўргатишни сўради. Табиийки, мен унга мана шу оддий formulani келтирдим. Ҳар бир ишлаб топган сўмидан 10%ни кейинчалик сармоя қилиш учун жамғаришни маслаҳат бердим. Юзининг буришганидан менинг сўзларим ҳавога совурилаётгандек эканлигини тушундим. У эртагаёқ бойиб кетишни истарди.

Сизга тезда пул келтирадиган имкониятлар доим мавжуд ва уларни қўлдан чиқармаслик учун шай туриш керак. Мен келажакни узоқ муддатли сармоянинг мустаҳкам асосига (Биз уни Шахсий Молиявий Режа деб атаемиз) қуриш лозим деб ҳисоблайман. Қанчалик барвақт бошласангиз, ҳаётингизнинг сўнггида ҳеч нарсани таваккал қилмай шунчалик тез ишончли миллион ишлаб топасиз.

“Мураккаб фоиз – дунёning саккизинчи мўъжизаси ва мен дуч келган энг ажойиб ҳодиса” - деган эди физика бўйича Нобель мукофоти совриндори Альберт Эйнштейн. Агар мураккаб фоиз тушунчаси сиз учун янгилик бўлса, мен унинг нима эканлигини сизга тушунтириб бераман.

Дейлик Сиз 10% ставка билан 1000% сармоя киритдингиз. Йил сўнгига сиз 10% оласиз, сармоянгизнинг умумий миқдори 1 100\$ бўлади. Агар бошланғич маблаг ва ҳисобланган фоиз ставкани ҳам сармоя сифатида қолдирсангиз кейинги йилга 1 100\$

сармоя киритган бўласиз, фоизи 110\$ ни ташкил қилади. Учинчи йили сиз 1 210\$ сармоя киритасиз, ундан ҳам 10% ҳисобланади, токи бу пулларга тегмагунингизга қадар. Пулнинг бу ўсишида ҳар етти йилда пулингиз икки баробарга ошади. Шундай қилиб яхшигина муддатда анчагина пул тўпланади.

Яхши билмайдиган “билимдонлар” фикрига қулоқ солиб сармояни инкор этишдан аввал бу пулларни қаерга сармоя қилиб ишлатиш ва бу пулларнинг ҳалол, ҳаромлиги тўғрисида пулларингиз ҳар бир алоҳида варианти бўйича сармоя қилиш бўйича керакли мутахассисдан маслаҳат олишингизни тавсия этамиз. Чунки бу жуда нозик тушунча ва ҳар бир сармояга индивидуал тарзда ёндошиш ва мустақил қарор қабул қилиш лозим. Мен сиз ўзингиз банкнинг ёки компаниянинг фаолиятида иштирок этадиган сармояни мисол қилиб келтирдим, чунки ҳам таваккалда, ҳам фойдада сиз иштирок этасиз, судхўрларга шунчаки пулингизни бериб кўймайсиз.

Бунда пул сизнинг фойдангизга ишлайди, бу жуда зўр. Шунинг учун қанча барвақт бошласангиз натижаси шунчалик яхши. Мана мисол.

<b>Мирзакарим Йилига 8%</b>	<b>Тўлқин Йилига 8%</b>		
<b>25 ёшдан сармоя киритди</b>	<b>35 ёшигача сармоя киритди</b>	<b>35 ёшдан сармоя киритди</b>	<b>65 ёшигача сармоя киритди</b>
Ойига 150\$	Бор йўғи 10 йил сармоя киритди 18 000\$	Ойига 150\$	Бор-йўғи 30 йил сармоя киритди 54 000\$
65 ёшида нафақага чиқди	238 385 \$ олди	65 ёшида нафақага чиқди	220 233 \$ олди

Мирзакарим сармоя киритишни 25 ёшида бошлади ва 35 ёшида тўхтатди. Тўлқин эса 35 ёшгача бу билан умуман шуғулланмади, бироқ бошлагач нафақага чиққунга қадар, 65

ёшгача давом эттирди. Иккови ҳам 8% йиллик фойда нормаси билан мураккаб фоизга ҳар ойда 150\$ пул қўйиши. Қаранг, иккаласи ҳам 65 ёшда нафақага чиққанды нима бўлди. Мирзакарим ўн йил ичидаги бор-йўғи \$18 000 сармоя киритди ва \$238 385 олди, Тўлқин эса \$54 000 сармоя киритди ва \$220 233 олди. Қизик эмасми? Бири ўн йил сармоя киритиб кўпроқ пул олди. Бошқаси кейинроқ сармоя киритди, узоқроқ вақт сармоя киритди, бироқ камроқ пул олди. *Қанча эрта бошлассангиз, мураккаб фоизнинг сехрли кучи шунчалик узоқроқ амал қиласади.*

“Нимадан бошласак экан-а?”- деб мендан сўрарсиз. Биринчи навбатда – жамғариш ва сармоя қилиб ишлатиш. Пулни узлуксиз ва қатъият билан жамғарадиганлар, буни ипотека бўйича кредитни тўлагандагидек бажарадилар. Ойлик ажратмалар одатга айланиши учун маошингиздан маълум фоизини олингда, ҳозироқ ҳеч қачон нима бўлган тақдирда ҳам тегинмайдиган жамғарма ҳисоб-рақамингизга қўйинг. Инвестиция фондига ўтказишга ёки облигация, кўчмас мулкка етарли даражада жамғарив олмагунингизга қадар ошиб бораверсин. (Индивидуал маслаҳатларни [www.xonniyoz.uz](http://www.xonniyoz.uz) сайтига ташриф буюриб олишингиз мумкин).

Даромадингизнинг 10-15% ини сармоя қилиб ишлатиб охир-оқибат бойлик тўплашингиз мумкин. Аввал ўзингизга ҳақ тўланг, қолганига тирикчилик қилинг. Бу иккита натижага олиб келади:

1. Сизни мустаҳкам фаровонлик яратишни бошлашга ундаиди
2. Агар сиз аввалгидек харидлар қилмоқчи бўлсангиз ёки кўпроқ иш бажаришни истасангиз бунинг учун қўшимча даромад топишга чорлайди.

Шўхлик қилиш учун жамғармангизга қўл уришингизга йўл қўйманг. Ахир сиз бу маблағни дивидент келтирадиган даражагача олиб чиқишингиз керак. Ана шундагина сиз ҳақиқатдан ҳам молиявий жиҳатдан мустақил бўласиз. Менинг Украиналик ҳамкасабам Ольга Зирянова, Украина солиқ хизматининг собиқ генерал-майори, ҳозирда консалтинг компанияси директори ва бизнес-мураббий - мен билган инсонлар ичидаги энг бадавлат, сахий ва дўстларга, саргузаштларга, мардликка бой инсондир. У менга шундай деганди:

-Қачонлардир амалиётни энди бошлаётган вақтимда аввал бошқаларга түлардим, сўнг қолганини ўзимга түлардим. Шундай қилишга ўрганиб қолгандим ва бошқача тасаввурга эга эмасдим.

Ярим йил ўтгандан сўнг ишчиларим иши ҳақини ўз вақтида олаётганига эътиборимни қаратдим. Натижада уларнинг маоши барқарор, менини эса ўзгарувчан эди. Қандайдир аҳмоқона ва бемаъни эди. Мен - фирманинг энг асосий кишиси - пул етишимаслигидан абадий қийналишим керак эди, бу вақтда бошқалар маошининг ўз вақтида олишиларидан хурсанд ҳолда парвойи фалак.

Мен низомни бутунлай кўриб чиқшига ва биринчи навбатда ўзимга тўлашига қарор қилдим. Иккинчи навбатда - солиқларни түлардим, учинчи - бюджетни тузардим, тўртинчи қарзларни түлардим, устига-устак пулларни автоматик тарзда ажратилишига келишиб олдим.

Буларнинг барчаси моливий аҳволимни бутунлай ўзартириб юборди. Агар қарзлар йигилиб қолса-ю, пул келиб тушиса, автоматик тарзда ажратилишини бекор қилдирмасдим.

Шунчаки ходимларим ҳаракат қилишидарига тўғри келарди - кўпроқ семинарлар ўюнтиши ва кўпроқ пул топишша мажсбур бўлардилар. Илгариги иши шароитида улар бунга шошимасдилар, менинг елкамга миниб олишганди, чунки билардиларки, керакли маошини барибир тўлаб бершишади.

Энди эса уларнинг маоши ўзларига боғлиқ эди. Агар мунтазам равиида олишини исташса, бунинг учун улар ўзлари йўл топишлари лозим эди. Бундан эса мен ҳеч қачон хавотирланмайдиган бўлдим.



Мен яна бир қоидани тавсия этаман, у **50 га 50 деб аталади: ҳеч қачон жамғаріб күйиши мүмкін бўлган суммадан ортиқасини сарфламаслик**. Бу қоидани ҳар бир ишлаб топилган маблағдан 50% ини сақлаб қўйиш билан амалга оширилади. Агар шахсий харажатларингизни 1 000 000 сўмга чиқармоқчи бўлсангиз, аввал 2 000 000 сўм ишлаб топишингизи керак. Дейлик, сиз 30 000 000 сўмга машина сотиб олмоқчисиз. Агар бунда сиз муаммосиз шундай маблағни ўз жамғарма ҳисобингизга ўтказа олмасангиз, машинани сотиб олманг. Ёхуд айни дамда ўзингизга йўл қўядиган даражадаги арzonроғини сотиб олинг, ёки аввал керакли даражада пул ишлаб топинг.

Бунинг калити шундаки, молиявий ҳуқуқقا эга бўлмай туриб тўкин ҳаёт тарзига интилишга ҳаққингиз йўқ: бирор нарса сотиб олишдан аввал унга тенг пулни ҳисобига ўтказиш. Агар жамғармангиз 30 000 000 сўмга етса, мамнун ҳолда бориб орзуингиздаги машинани сотиб олишингиз мүмкин. Ёки бошқа ундан ҳам юкорироқ даражадаги яшаш тарзига эришиш ҳуқукини ишлаб топганингизни англатувчи нарса сотиб олишингиз мүмкин. 50 га 50 қоидаси сизга тезда бойиб кетиш имконини беради.

Аксарият инсонлар пул жамғариш учун ортиқча маблағ қолишини кутадилар. Бироқ бундай иш - хатодир. Сиз келажакка жамғариш ва сармоя киритишни **ҳозирданоқ** бошлишингиз керак! Қанча кўп сармоя киритсангиз, шунча тез молиявий мустақилликка эришасиз. Масалан, ўз фаровонлигини барпо этаётган вактда миллиардер жаноб Жон Темплтоннинг стратегияси шундай эди. У биржা маклери сифатида ҳафтасига 150 \$, ойига

600 \$ дан бошлаган. У рафиқаси билан 50% даромадини фонд биржасига сармоя қиларди ва мажбурий 10%ни, 60 \$ ни черковга беришарди. Натижада яшаш учун даромадининг 40% и ёки 240 \$ ( у бир ўзи ишларди). Бироқ бугун у миллардер! У бунга бир умр амал қилган энди эса ҳар бир ўзига сарфланган доллар учун маънавий ривожланишга ҳаракат қиласидиганларга 10 \$ беради.

*Бир бойнинг бодида 10 йилдан бери Фарҳод деган токчи бөгбон ишиларди. У меҳнати эвазига ойига 5 динор оларди. Аммо бир куни у хўжайинининг олдига келиб уни бўшатишини ва узоқ Дамашқ шаҳрига боришини рухсат беришни сўради. Хўжайин розилик берди, бироқ бундай узоқ сафарга бориши сабабини қизиқиб сўради. У шундай жавоб беради:*

*-Сиз жуда сахий хўжайинсиз, мени ҳеч қачон хафа қилмагансиз. Ўёлим уйланди ва Худо унга эгизак фарзанд берди. Энди менга кўпроқ пул керак. Акам Дамашқда ойига 5 тилладан ортиқ пул тўлашаркан. Бу ҳозир мен оладиганимдан 10 баробар кўп.*

*Хўжайин унга сўнгги ой учун пул тўлаб, омад тилаб, жавоб бериб юборди. Орадан уч иш ўтиб Фарҳод Самарқандга қайтиб келганини ва у билан учрашимоқчи эканлигини айтишиди.*

*-Кел, қадрдоним. Сафаринг қандай ўтди? – сўради хўжайин.*

*-О, донослар доноси. Суриялик савдо гарлар карвони билан Дамашқга етиб олдим. Менинг касбимга талаб катта бўлгани учун тезда иш топдим. Ҳар ойда 5 тилладан кам пул олмасдим, ушибу баракотли шаҳарда бадавлат бўлиб кетаман деб ўйлагандим. Афсуски, Дамашқда нархлар Самарқанддагидан бир неча баробар баланд экан. Бу ерда топган пулимга овқат, кийим сотиб олардим, этиқдўзга, сартарошга, табибга тўлардим-у унча-мунча пул ортириардим. Дамашқда топганим етмади, қарз олишига тўғри келди. Энди бу ерда топган майда пулим, у ердаги олтин тангадан ортиқ эканини тушуниб етдим. Чунки Дамашқда жамғариши у ёқда турсин, ҳаттоқи яшашига ҳам қийналдим. Иккинчи йилнинг сўнгидаги мен Самарқандга қайтишига қарор қилдим ва мана олдингизда турибман, хўжайин”.*

*Хақиқатдан ҳам қанча топаётганингиз мұхим әмас, қанча жамғараётганингиз мұхим. Мен ундан ҳам мұхимрөгини айтаман, ҳамма ҳам жамғара олади, бироқ барча ҳам жамғармасини төжаб уни түгри сармоя қилиб қиритиши ҳамманинг ҳам құлидан келавермайди.*

Дунёда 2 турдаги инсонлар бўлади.

1-тур .- Аввал пулни ҳаражат қилишади ва охирида қолади деб умид қилишади. Улар қўл билан ишлашади, пулни эса фақат мияда, бошда ҳисоблашади.

2-тур. Аввал жамғарадилар, қолган пулни ҳаражат қиласилар. Бу инсонлар мия билан ишлайдилар, пулни қўл билан санайдилар.



### **3-машқ**

#### **Хисоб модели.**

*Назорат қилишининг бир қанча йўллари бор. Мана ўз пулларингизни назорат қилишининг самарали йўлларидан бири.*

*Тўғри молиявий ҳисобни юритиш учун ҳисоб моделини юритиш керак. Ҳисоб модели харажатларни бир даражада юритишга имкон беради. Бу шунинг учун қилинадики, агар олдинги ойдагидан кўпроқ даромад олишини бошласак ҳам харажат худди аввалгидек бўлади. Даромадлар мен қуйида келтирадиган чима бўйича тақсимланади.*

*Биринчи навбатда кеклажагингиз учун муҳим маблагни ажратиб қўйши, кейин кўнгилхушилик, хайру-эҳсон ва агар фирманинг бўлса, ишларни юритиш учун ишлатиш мумкин. Кўнгилхушилик учун пуллар – 10-20% ўзингиз учун ишлатиш керак. Бироқ турли хил даромадларда 10-20% ўн доллар ёки ўн минг, ёхуд юз минг бўлиб кетиши мумкин. Маблагнинг ортиқчаси янги эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Аммо катта пул сарфлаши учун ундан ҳам катта пул топишингизга ишончингиз комил бўлиши керак.*

*Масалан, шартли равишда даромадингизни 100% деб олсак:*

- 10% тоза даромадингизни келажагингизга жамгариб қўйинг;
- 10% кўнгилхушиликка ишлатинг: тугилган кунлар, совгалар, гуллар. Биз ахир пулни зуурут бўлмаган жойларга ишлатамиз;
- 2,5% хайру-эҳсонлар ва 10% бошқа сарф- харажатлар;


*қолган  $77,5\% (10\%+10\%+2,5\%)$  икки оқимга ажратинг.*

*Масалан: бир ойлик 100% лик даромад 500 000 сўмни ташкил қиласди.*

*100% ойлик даромад айирув $22,5\% (77,5\%)$*

*55% компания даромади  
компанияни ривожлантиришига*

*45% ўз ҳисобига (уй харажатлари:  
овқат, кийим ва ҳ.к.)*



Сизда икки хил вариант бор. Қайси бирини танлашингиз ўз ихтиёриңгиз:

- ёхуд истаган барча нарсангизни сотиб оласиз
- ёхуд 3 йил ҳеч нарса сотиб олмайсиз.

Бу бой инсонларнинг қоидаси. **Сабр –иймоннинг ярми.** Бой инсонлар костюм, мебель ва бошка нарсаларни формула бўйича сотиб оладилар. Агар хонага бир инсон кириб дўкон ёки бозордагидан арzonроқ мол таклиф қилса - унга эҳтиёжимиз йўқлигидан қатъи назар уни сотиб оламиз, фикримга қўшиласизми? Бу бизнинг очкўзлигимиз ва қашшоқларга хос

фикрлашимизни билдиради. Мана статистикага қаранг:

93% миллиардерлар ва миллионерлар 17 000 доллар туродиган машина сотиб оладилар;

5% и 50 000 доллардан - 100 000 долларгача бўлган машина сотиб оладилар; фақатгина 1% миллионерлар ва миллиардерлар 100 000 доллардан қиммат машина сотиб оладилар; фақатгина 1% бойлар 200 000 доллардан ортиқ бўлган буюртма машина сотиб олишади.

Камбағал инсонлар эса қарз олиб қиммат машина сотиб оладилар ва уни миниб юрадилар. Бой инсонлар эса қарзга пассив сотиб олишмайди ва ҳар доим қиммат нарсаларни сотишга аталган пулларини йигиб қўйишидаи.

Шуни ёдда тутингки, бизнесдан пулни олиб қўйишига ҳеч қандай ҳаққингиз йўқ. Катта битимлар учун пулни сақлаб қўйиши керак. Нақд пулни харажат қилиш керак эмас, уларни сиз эҳтиёжингиз учун ишлашига мажбур қилинг. *Сизнинг машинанингиз 2 ойдан 3 ойгача бўлган даромадингизга тенг бўлиши керак. Уй, квартира 2 йилдан 3 йилгача бўлган даромадингиз қийматига тенг бўлиши керак.* Катта харидлар олдиндан режалаштирилиш лозим.

Гап пулда эмас, гап муносабат ва тизимда. Ишни озгина орқага суриш вазиятни ўзгартиради. Масалан: тренингда бир йигит менинг олдимга келиб машқни орқага сура олмаслигини айтди. Биз унинг харажатларини ҳисобладик. Маълум бўлишича, у чекар экан ва тамаки учун ойига 45 000 сўм, йилига 540 000 сўм кетар экан. Агар у ушбу пулни тежаб, сармоя қилиб тикса, бу унга яхшигина даромад келтириб унинг соғлигини ҳам асраган бўларди. Пулингизни сизнинг фойдангиз учун ишлашига ўрганинг.

Мен сизнинг акангиз ҳам, қариндошингиз ҳам эмасман. Агар сиз: “Мен уриниб кўраман, ҳаракат қиласман” - десангиз. – Демак, сиз - омадсиз ҳисобланасиз. Сиз бундай дейишингиз керак: “Агар бажарсан, уddeлайман”. Мен сизга осон бўлади демайман, йиқиласиз, хато қиласиз. Йиқилганлар ва тепадагилар ўртасида катта фарқ бор. Сиз шу бугунок келажагингизни кўришингиз керак. Кимгadir уйланиш – бу сизнинг ихтиёргиз. Сиз Ўзбекистонда туғилганингиз – бу сизнинг тақдирингиз.

*Сизнинг тақдирингиз – бу сизнинг танловинги. "Қадамлар - одатга, одат характерга, характер тақдирга айланади".*



Одамларга доимо қиммат кийимлар кийиш ёқади. Ҳар бир инсон ўз эртагида яшайди. Ҳаёт –бу сахна, сиз эса актёrsиз. Биз барчамиз ўз ролимизни ўйнаймиз. Дрекот (маълум рангдаги костюм, кўйлак, бўйинбоғ ва туфли) кийиб ўзингизни дадил ҳис этасиз. Шунинг учун ишга, учрашувга қишин-ёзин дрекот кийинг. Дрекот кийсангиз - ўзингизни дадил ҳис этасиз ва сизнинг натижаларингиз шунга мутаносиб тарзда юзага келади.

Шундай вақт келадики, бир кунда ҳаётимизнинг бошқа барча кунларидан кўпроқ пул топамиз. Европа ва ғарбий давлатлардаги кишиларга нисбатан маънавиятлироқ, сабрлироқ, меҳнатсеварроқмиз. Ҳисоб модели кўпроқ пул ишлаб топишни бошлаганимизда харажатларимиз ошиб кетмаслиги учун керак. Бой инсон қўп пул топадиган инсон эмас, кўп пули қоладиган инсондир.

**5-боб: Харажатлар билан ўйин: улар - сизни ёки сиз - уларни.**

Жуда күп инсонлар ишлаб топғанларига нисбатан қўпроқ пулни керак бўлмаган нарсага - бошқаларда яхши таассурот уйғотиши учун кўп сарфлаб юборишади. Илтимос шу саволга жавоб берингчи: ”Ўтган йили қанча пул ишлатдингиз?”

Чексиз харажатлар сизнинг молиявий мақсадларингизга зарар келтириши мумкин. Улар сизни қарзга ботишингизга, керакли пулни сармоя қила олмаслигингизга, йиғишига ва бойлик яратишга эмас, истеъмолга бошлайди.

Агар харид қилишга бўлган хирсингизни жиловлашга қодир бўлмасангиз, ушбу машқни бажаринг.



#### **4-машқ**

1.Үйингиздаги барча шкафлар, шкафчалар, қутыларни күриб чиқинг, ўтган йили фойдаланмаган нарсаларни олинг.

2.Бу ўтган йили сотиб олинган барча нарсага тааллуқли:

-күйим

-пойабзал

*-қимматбаҳо тақинчоқлар*

*-идиши-товоқ*

*-электрон асбоблар*

*-түшак*

*-сочиқ, адёл*

*-аудиокассета*

*-компакт диск*

*-видео ўйин*

*-ўйинчоқлар*

*-машина анжомлари*

*-асбоблар*

*-спорт анжомлари.*

*3. Барчасини бир жойга тўпланг, масалан, меҳмонхонага, гаражга. Буларнинг барчаси қанчага айланганини ҳисобланг.*

*4. Агар улардан фойдаланмаётган бўлсангиз, уларни сотиб юборишга, бериб юборишга, ташлаб юборишга уриниб кўринг. Улар бошқа бирорвга керак бўлиши мумкин.*

Ёрлиқлари узилмаган қиммат кийимлар, фирма дўконларининг ҳали очилмаган қутисидаги идишлар, уч-тўрт йил олдин бир марта ишлатилган асбоб ва техникаларга дуч келиб қолган инсонларни биламан. Кечки кўйлаклар, чанғи, сузиш анжомлари сингари бир неча йилда бир марта ишлатиладиган нарсалар бундан мустасно, қолган нарсалар керак эмас. Бироқ уларга пул сарфланган. Агар уларни ҳисоблаб чиқсак, бу сумма хозирги

кредит карточкангиздаги суммадан ошиб кетади. Шуни унутмаслик керакки, бир йил давомида фойдаланмайдиган нарсалардан закот тूлашингиз лозим.

Харид қилиш орзу – ҳавасини жиловлашнинг йўлларидан бири - барча нарсага нақд тूлашни бошлиш. Нақд пул - жиддий нарса. У ўйлашга мажбур қиласи: сотиб олмоқчи бўлган нарсангиз ҳақиқатдан керакми йўқми деган маънода маҳсулотни яхшилаб ўрганиб чиқасиз. Шунда кутилмагандан ёкиб қолган нарса унчалик зарур бўлмай қолади, катта харидлар кейинга қолдирилади, ўйлаб кўриб уларсиз қандай чора топиш мумкинлиги аниқланади, эҳтимол, кредит карточка билан тूлаш ўрнига камроқ сарфлай бошлайсиз.

Сиз бой турмуш тарзини юритишни истайсизми? Марҳамат, турмуш кечиринг, аммо харажатларни қисқартиинг. Бу харажатлар ўйинида ғолиб бўлишнинг бир йўли – сизга ёқадиган ҳаёт тарзини юритиш, аммо камроқ харажат қилиш. Мен шундай йўл тутадиганларни биламан, улар фаол тарзда жамғаради ва инвестицион дастурга амал қиласи. Ҳаммаси оддий - улар шунчаки сал бошқачароқ сарф-харажат қилишади ва харид қилишади.

Бунга бир қанча мисоллар. Менинг Венгриядаги бир танишим доимо нархи 689 \$ бўлган опереттага 127 \$ лик мавсумий абонемент олади. У бошқалар томоша қиласидиган худди ўша дунёга машҳур юлдузларни, ажойиб мусиқани тинглайди, худди ўша таниқли режисерлар спектаклларини кўради, аммо 82% га камроқ пул тўлайди. У бунга қандай эришиди? Обуначиларга мавсумий абонементларга жўнатмалар жўнатишганда, у ўзига ёқмаган операларни ўчириб ташлаб эшитишни истаганларини қолдиради ва тўловни қўлланма билан биргаликда буюртмани қабул қилишларига умид қилган ҳолда жўнатади (буюртмани доимо қабул қилишади). Модомики, у балконда ўтиришга рози экан, бутун театр мавсуми давомида “қайнок” оқсуяклар ҳаёти билан завқланади. Шунингдек, унинг ёқимли ҳаёти машинаси учун ойлик ёқилғи меъёри миқдордаги харажатдан камроққа тушади.

Латвияда бир киши қайтрама соябонли “Кадиллак”ларни коллекция қиласи. Машиналарни январь ойида ҳеч кимнинг миясига қайтрама соябонли машина сотиб олиш

фикри келмаган вақтда сотиб олиб ўн минглаб долларни иқтисод қилади. Бундай стратегия ва харидорларга оид айёрликлар натижасида ижрага бериш мумкин бўлган мулкка эга бўлади ва улардан тушган даромадни ўз турмуш тарзини яхшилашга йўналтиради.

Яна бир танишим энг зўр модельерларнинг кийимларини кийишни яхши кўради, бироқ уларни “секонд хенд” дўконларидан сотиб олишни маънавий бурчи деб ҳисоблади. Арзимаган пулга киноюлдузи бўлиш учун янгидан-янги, бирор марта кийилмаган, бироқ ҳеч кимга керак бўлмаган кийимларни сотиб олади.

Бошқалари эса зўр иштиёқ билан савдолашади, арzonроқ қилишларини сўрайди, арzonроқ жойини қидиради, кўп сотилаётган жойларга боради – хуллас, ҳар турли йўллар билан уларга севимли ажиб ҳаётни бошдан кечириш учун тежашга ҳаракат қилади.

Бизнинг банк тизимимиз - банкага кириб қарз олиб истаган буюм ёки маҳсулот сотиб олиб сўнг банкка фоизи билан қайтариладиган - кредит карточкаларини хусусий кишилар учун эндиғгина жорий қилмоқда. Менинг тавсиям шундан иборатки, кредит карточкалари бўйича юқори фоизларни тўламанг ва барча нарсаларни нақд тўлаган ҳолда камхарж ҳаёт тарзига ўтинг. Ривожланган давлатларда кишилар қандай катта шахсий қарздорликларни орттиришлари жуда ажабланарли. Кредит карта, ипотека, қандайдир автоматик тўловлар - бу қарзларнинг барчаси жуда ҳайратланарли. Булар туфайли жамғариш имконияти пасаяди ва молиявий ишончлилик йўқолади. Агар сизда ҳам шундай вазият бўлса, қарзлардан холи ҳаётга ўтишга ҳаракат қилинг:



### *1. Қарзга яшаини тұхтатинг.*

Қанчалик оддий тулюмасин, бирок күпчиликнинг қарздан халос бўла олмаётганининг асосий сабаби улар янгидан-янги қарзлар олишларидир. Бирор-бир қарзни тұлаб туриб кредит картадан фойдаланишда давом этадилар, янги ссудалар оладилар ва ҳ.к. Бу шунчаки – нодонлик. Нега? Чунки қарзлар биз тасаввур қилғандан қимматроққа тушади. Кредитга ва ссудага буюм сотиб олиб аслида қанча тұлашингиз қуидаги рақамлардан аён бўлади.

*Қарз суммаси*                    *10 000 \$*

*Фоиз ставкаси*                    *10%*

*Тұлаш даври*                    *5 йил (60 ой)*

*Тұланған фоизларнинг  
жами суммаси*                    *3 346,67 \$*

*Тўланган сумма хариднинг*

*бошлангич қийматини 33,5% га*

*оширди.*

Агар кўпроқ тўлашни истамасангиз, нақд тўлаш йўлини топинг, ўхшаши арzonроғини топинг, ёки умуман керакми йўқми ўйлаб кўринг.

*2. Кредит картангиз бўйича қарзларни тўлаши учун умумий капитални гаровга қўйиб қарз олманг.*



Ойлик қарзларингизни “консолидация ” қилсангиз, кам фоизга бўлган тақдирда ҳам вазиятни мураккаблаштирасиз. Нега? Чунки фоиз ойлик тўловнинг катта қисмини ташкил этганда сизни орқага, бошлангич фоиз ставкасига қайтариб улоқтиришади. Тўловнинг бошида ҳар қандай қарзда ҳам жуда кам қисми асосий суммани ёпишга кетади, шу аснода ҳудди сиз аввал тўлаган истеъмол кредитлари каби бунга тўловнинг катта қисми кетади, агар ҳаммаси кетиб қолмаса.

*3. Аввал майда қарзларни тўланг.*

Бу билан сиз иккита қуённи бирдан ўлдирасиз: биринчидан, ҳеч бўлмаганда бир қисм қарзларингизни ёпасиз, иккинчидан, бирор мақсадни бажарган вақтингиз каби ўз назарингизда юқорига кўтарилгандек бўласиз.

#### *4. Секин-аста түловларни түлаб боринг.*

Майда қарзларни түлагандан сүнг сизда “ортиқча” пуллар қолғандек бўлади. Бироқ бу ҳам ортиқча пуллар эмас, шунинг учун дўкондан навбатдаги кераксиз буюмни сотиб олиш учун югурмай, бу пулларни кейинги ойдаги қарзларни ёпишга йўналтиринг. Масалан, агар кредит карта бўйича ойига 300 \$ түлаб уни нолга айлантирадиган бўлсангиз, кейинги ойда бу 300 \$ни олиб машина учун одатда берадиган пулингизга қўшиб қўйинг. Бу билан сиз машина учун олдинроқ пул түлаб фоизга кетадиган минглаб долларларни тежаб қоласиз. Устига-устак ушбу 300 \$га ўзингизга зеб беришдан сақланиб қоласиз.



#### *5. Кредиткалар бўйича ипотекани иложси борича тезроқ ёпишга ҳаракат қилинг.*

Чет элдаги кўплаб ипотека банклари бизда ҳам икки ҳафталик ипотека таклиф этишмоқда. Бу дегани, ой бошида битта катта тўлов тўлаш ўрнига сиз икки ярим баробарини ҳар икки ҳафтадан сўнг амалга оширасиз. Модомики, бу қарзларда ҳар бир тўловдан сўнг фоиз ставкаси камаяр экан, сиз фоизларда анчагина тежаб қоласиз, бу сизга тезроқ қарздан қутулиш имконини беради: масалан, 30 йил ўрнига 23 йилда. Агар

сизнинг банкингизда бундай хизмат бўлмаса, йилига битта ортиқча тўловни амалга оширмаслик ёки ойига сал кўп пул тўламаслик керак? Бу ҳам сизга фоизларда тежаш ва тезроқ қарзни узишга ёрдам беради. Кредиткалар бўйича қарзлар билан ҳам худди шундай йўл тутиш мумкин.

Қарзлардан қутулиб кўпроқ жамғариб борганингиз сари ғаройиб кучнинг ҳаётингизга таъсирини сезиб борасиз. Сизнинг дастурларингиз ўзгаради: исрофгарчилик ва истеъмол ўрнига эга нарсангиздан роҳат олишни мамнуният билан жамғаришни бошлайсиз, бу жараён тушунтириб бўлмайдиган тезликда ривожланиб боради.

Ҳаттоки, аввалига бундай вазиятда ҳар ой ҳаёт кечириш иложисиздек туюлсада, қарзларни қисқартириш ва пул жамғариш режасига амал қилишни бошласангиз, буни уддалаш қобилиятингизда ва мақсадга режалаштирилганданда тезроқ эришишингиздан ўзингиз ҳайратда қоласиз.

Сизнинг ўзингиз қадриятларингиз ва эҳтиёжларингиз ҳам ўзгаради. Кутимаган ҳолатда муваффақиятни сотиб олинган буюмлар эмас, тўланган қарзлар терминида баҳолай бошлайсиз. Сармоя даражангизнинг ошиб бориши натижасида харидларни моддий таъминланган бўлиш ва қарзлардан озод бўлиш мақсадингиз билан солиштирасиз. Ҳаётий вазиятингиз қандай бўлишидан қатъи назар - умидсиз бўлган тақдирда ҳам, - танланган йўналишингизда қолинг ва у сизни ажойиб тарзда мақсадга яқинлаштирасин.

Ҳаётда мен амал қиладиган ва сизга ҳам тавсия этадиган яхши қоида бор: **”Кўп маблағ сарфлаш учун аввалига мўмайгина ишлаб топиш керак”**. Кўпчилик қашшоқликни қанчалик мақтамасин, ҳақиқат ҳақиқатлигича қолади, бой бўлмай туриб тўлақонли ёки муваффақиятли ҳаёт кечира олмайсиз. Умуман олганда сармоя ёки қўшимча ҳашамат учун кўп пулга эга бўлишнинг икки йўли бор - ёки камроқ сарфлаш, ёки кўпроқ ишлаб топиш. Шахсан мен –“кўпроқ ишлаб топиш” варианти тарафдориман. Мен келажакда фойда келтирадиган нарсадан абадий воз кечишдан қўра сарфлаш учун кўпроқ ишлаб топишни маъқул кўраман.

Гап шундаки, күпроқ ишлаб топиш күпроқ сармоя ва истаган нарсангизга - саёхат, кийим, санъат, концертлар, мазали овқат, сифатли тиббий хизмат, аъло даражаги кўнгилхушликлар, биринчи даражали автомашиналар, таълим, хобби ва ҳар қандай техника ва хизматлар харажат қилиш имконияти демакдир.

Биринчидан, сизга қанча пул кераклигин ҳал этиш лозим. Агар шахсий молиявий режа туза олмасангиз, ҳеч бўлмаса ҳар ойлик харажтларингиз ҳисобини юритишни бошланг. Мен китобларимда аффирмация ва визуализация, бу пулларга эга эканлигингни тасаввур қилиш ҳақида гапирганман. Таббий, чунки ҳаётини янада фаровон қилиш мақсадида ушбу қудратли усулдан ҳар куни фойдаланадиган супербойлар кўпайиб бормоқда.

Иккинчидан, ўзингиздан сўранг: ушбу пулларни ишлаб топиш учун қандай маҳсулот, хизмат ёки қўшимча моллар таклиф эта оламан? Дунёнинг, иш берувчингиз, сиз яшаётган жамиятингиз, бизнесдаги шерикларингиз, ҳамкасларингиз, курсдошларингиз, синфдошларингиз ёки мижозларингизнинг қайси бир эҳтиёжини қондира оласиз?

Ва ниҳоят, учинчидан, ўша маҳсулот, хизмат ёки қўшимча молларни ишлаб чиқинг ва тақдим этинг.



Түрт минг йил илгари Вавилон бой давлат эди. Бу китобда 5000 йил илгари шундай савол берилган: “Нима учун барчада имконият бор, бироқ ҳали –ҳамон қашшоқлар мавжуд?”. Бу савол ва жавоб ҳозир ҳам муҳим бўлиб қолмоқда: ”Чунки харажатларимиз билан боғлиқ тарзда ўсиб борамиз”. Агар даромадимиз 100 000 сўм бўлса, харажатимиз ҳам 100 000 сўм бўлади. Даромадимиз 1 500 000 сўм бўлса, - харажатларимиз ҳам 1 500 000 сўм бўлади. Биз даромадимизга қараб ўсиб борамиз. **Бизнинг ҳар қандай харажатимиз - бу кимнингдир даромади.** Аввал жамғариш, ўзингизга тўлаш керак. Буни иқтисод қилиш деб атаманг. Миянгизни даромадни оширишга қаратинг, даромадингизни 1 000 баробарга оширинг. Бу ҳақда ўйланг!

Харажатларда қандай хатоликлар бўлишидан қатъи назар бюджетни режалаштиришни билиш керак.

*Олдимга келган одамга нул консультациясини одатда уй даромадлари ва харажатларини ҳисоблашини таклиф қилишидан бошлайман. Бундан улар даҳшатга*

*тушиадилар. Уларнинг деярли барчаси топганига нисбатан кўпроқ харажат қиласди. Бундай ҳисоб-китоблар кишиларни жиоддий ўйга ботиради.*

Ҳеч ким сизга омборда нон ва сув билан кун кечирсин демаяпти. Фойдали битимдан сўнг ўзингизга қиммат совға қилишнинг айни пайти. Истакларни албатта қондириш керак, йўқса, умуман пул топишнинг нима кераги бор?

Бироқ унутманг, инсоний эҳтиёжлар доимо инсоний имкониятлардан ўзиб кетади. Ойига 500 000 сўм ишлаб топиб жамғара олмаган инсон, 1 500 000 сўм топганда ҳам жамғара олмайди. Шунчаки “Нексия”нинг ўрнига “Ласетти” сотиб олади, жонга теккан Туркия ўрнига Малдив оролларига боради. Қарабисизки пуллар йўқ... Сизнинг харажатларингиз белгиланган бўлиши керак. Пулнинг бир қисми эса бизнесга олиб кўйилиши керак. Ақлли одам ўз вақтида ўзини тия олади.

Бундай тақсимлаш нисбатида у ёки бу буюмнинг нархи катта роль ўйнайди. Нодон кишилар бойлар савдолашмайди деб айтади. Аксинча, яна қандай савдолашади дент. Қимматбаҳо қофозлар бозоридаги ўйинлар, валюта курслари тебраниши - бу бойларнинг севимли машғулотларининг барчаси эмас. Арzonроқ сотиб олиш ва қимматроқ сотиш. Мана бутун арифметика. Ҳеч қачон савдолашибдан уялманг. Сиз ҳақингизда нима деб ўйлашларининг нима аҳамияти бор. Зиқна деган ном- энг ёмон ном эмас. Агар пулингизни исроф қилганингиз учун сизни хурмат қилишади деб ҳисобласангиз қаттиқ адашасиз. Сиз ҳақингизда муносиб тарзда фикрлашади. Маҳсулотни уч баробар қимматига сотиб олган, яна бир алданган аҳмоқ инсон деб аташади.

*Мен беши йил аввал катта пул ишлаб топган бир оиласи билардим. Топилган пулларни сейфда сақлашарди. Агар оила аъзоларидан кимгадир пул керак бўлса, сейфдан олиниб харажат қилинарди. Қайсиadir вақтга келиб пул етмай қолди. Эр-хотин харажатларни ҳисоблашини бошлишиди. Ҳисоблаб чиқиб ҳайрон қолишиди. Уларнинг қўлларидан 500 000 доллар бўлган ва уларнинг нималарга сарфланганлиги номаълум эди. Яна қарздор ҳам бўлиб қолишганди.*

*Энди ҳаммаси бутунлай ўзгарганди. Биз билан бирга ишлаб уй бюджетини юргазишмоқда. Улар дўконлар ва АЁҚШдан олинган барча чекларни йигшишади. Улар хусусий молиявий режса ишлаб чиқшиди ва унга амал қилиб иқтисод қилишига ўзларини ўргатдилар.*

*Ақл билан харажат ва даромадларингизни ўзаро нисбатини аниқлашга нима халақит беради?*

-Келажакда катта даромад умиди

-Ҳаётдаги бир лаҳзалик қувончлардан воз кечишини истамаслик

-Инфляциядан кўркиб ишлаб топилган барча пулни сарфлашга интилиш

-Бадавлат инсондек кўриниш ва бой инсондек ўзидан ҳеч нарсани аямай яшаш

*Бир фирманинг директори яхии пул топарди ваа ишлаб чиқариишини қайта иш қуроллари билан таъминлаш учун 500 000 доллар кредит олишини уddyалайди. Бироқ пулни ўзига хос тарзда ишлатиб юборади. У чет элга боради ва ижобий тажриба йигиб қайтади. У ерда қиммат ресторанларда овқатланади, ҳашаматли ресторанларда яшайди. Сўнг ўз шахрида ресторанларга боради, кечалар, жазманларга пул сарфлайди.*

*Бироқ бир куни пули тугаб қолганлигини тушуниб қолади. Унинг ортидан кредиторлар, давлат органлари, жиноятчилар ов қилишини бошлиайди. Умрининг қолган қисмини яшириниб ўтказишига тўғри келади. У шунча пуллари қаерга кетганини ҳалигача билмайди.*

Шундай қилиб қанча ишлаб топишингиздан қатъи назар тежамасангиз ва иштаҳангизни тиймасангиз муваффақиятга эриша олмайсиз. Ҳар қандай заҳира эртами, кечми ўрни тўлдириб турилмаса тугайди. Бу нарса сизга тўғри келмаса керак.

**6- боб: Машинанинг иккинчи гилдираги: "Пулни сармоя қилиши"**

Автомашинангизнинг иккинчи ғилдираги - бу тўғри сармоя киритиш. Пулга эгалик қилишнинг ўзи кифоя қилмайди, уни сиз учун ишлашга мажбур қилинг. Буни уддалаш учун сиз ақл билан тасарруф қилишни билишингиз керак. Фақат фойда келтирган тақдирдагина уларни сафарбар қилиш лозим. Уларни тикинг, улар сиз учун ишласин. Ахир пул - ғайратли заҳматкаш. Агар шундай имконият бўлса (бу эса фақат сизга боғлиқ), жамғармангиз тезда кўпаяди.

Шуни унумтсангки, жамғарган пулларингиз уларни ишлашга мажбур қилишингизни кутиб ётибди. Улар кераксиз юк бўлиб ётмаслигидан, аввало, ўзингиз манфаатдорсиз. Уларни бирор келажаги порлоқ корхонага сармоя қилиб тикинг. Сиз ҳеч қандай машаққат чекмайсиз, тиккан пулларингиз бу пайтда сизни борган сари бой қилиб боради. Аммо унумтсанг, каминга: “Аланга ол”- дейишнинг ўзи кифоя қилмайди. У ёниши учун ўтин олиб келган маъқул, яхиси қуруқ бўлсин. Сармояда ҳам қоидани яхши билиш керак.

#### *Сармоянинг беши қоидаси мавжуд:*

- 1. Молиялаштираётган ишингизда профессионал бўлишингиз керак.*
- 2. Сизда бозордаги аҳвол ҳақида энг янги маълумотлар бўлиши лозим.*
- 3. Бу бизнесда алоқалар ва фойдали танишларга эга бўлишингиз керак.*
- 4. Молиявий жиҳатдан ҳимояланган бўлишингиз керак.*
- 5. Бу ишда сиздан ўн баробар кўп ишилаб топган яхши устозингиз бўлиши керак.*

Кўпчилик МДҲ давлатларида пул тикиш хавфли деб айтади. “МММ” ва бошқа компаниялар, акционерлик компаниялари билан боғлиқ найранглар барчанинг ёдида. Аммо одамлар сармоя киритмоқда ва бойиб кетмоқда. Ҳозирда республикамизда банклар чет эл банкларига нисбатан юкори йиллик фоиз тўлашмоқда. Бизда йилига 20-24 фоиз,

Фарбда 5-6% фоиз. Бирок ҳали ҳам мамлакатимиз банкларига пул қўйишдан шубҳаланишади.

Баъзидаги шундай ҳолат юзага келадики, пулларимизни қаерга қўйишни билмай қоламиш. Бунга сабаб билимнинг етишмаслиги, иқтисодда бугунги вазиятни билмаслик ва бошқалар. Умуман биз саросимадамиз, пулни эса бекор ташлаб қўйишни истамаймиз. Бундай вазиятда жуда эҳтиёт бўлинг. Омадга ишониб ички интиуцияларингиз измига тушиб қолманг.

*Бир танишиим тери билан савдо қилишини жуда истарди. У ўзи арzon, теридан тикилган сифатли кийимлар, ажойиб аёллар сумкалари ва эркаклар портфеллари, ҳамёнлар билан савдо қиладиган салонга эга бўлишини истарди. Ишини бошлиши учун зарур маблагни йигди. Бироқ корхона у мўлжсаллаган фойдани келтиришига кафолат йўқ эди.*

*Шунда у тери билан шугулланган ташкилотда бир муддат ишлаган иқтисодчини қидириб топди. Бу инсон ҳаммасини тўғри ҳисоблаб чиқиши лозим эди. Маълум бўлишича, транспорт харажатлари даромаднинг ярми транспортга сарфланаркан. Танишиим танлаган жой билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлди. У жойнинг ижараси анча қиммат эди. Бошқа қатор мураккабликлар пайдо бўлди. Охир-оқибатда шундай бўлдики, танишиим танлаган жойда дўкон, ёки салон очишидан маъно қолмади. Танишиимни орзулари рўёбга чиқиши ўрнига аксинча хонавайрон бўлиши кутиб турарди.*

Ўзингиз билмайдиган бизнесингизга пул тикманг. Аввал тиккан маблағингиз қаерда иш беришини ва умуман у ерда иш берадими йўқми, тушунишга ҳаракат қилинг. У изсиз йўқолиши мумкин. Бир тадбиркор, банк бошқарувчиси айтганди: “Одамни нимага пул тикаётганини айт, мен унинг кимлигини айтаман”. Агар ҳеч нарсани ҳисоблай олмаётган бўлсангизу, сизга мўмай даромадни кафолат беришаётган бўлса, ушбу соҳадаги мутахассисларга мурожаат қилинг. Агар улар сизнинг танланган соҳага пул тикиш қарорингизни маъқуллашса, унда bemalol шуғулланинг.

Агар катта пул топишни истасангиз, тавакkal қилишга тўғри келади. Аммо ушбу хавфни камайтириш ҳам ўз қўлингизда. Катта ишбилармонлар бизнес оламида деярли ҳар

доим турли хил хаёлпаратлар кўп бўлади. Уларнинг режалари одатда “ҳаддан ташқари келажаги порлоқ ва муваффақият билан тугамайди”. Сиз ҳам бу муаммога дуч келасиз. Шунинг учун турли лойиҳалар билан иложи борича камроқ муносабатда бўлинг. Мулк билан иш кўрган ишончлироқ. Режа доимий пул тикишни талаб қиласди ва уларнинг қайтиб келиши номаълум бўлади. Лойиҳанинг ўзи ҳеч қандай молиявий қийматга эга эмас. Бу шунчаки фикр, сўз, ҳавонинг тебраниши. Мулк эса ким унга эгалик қилишидан қатъи назар қийматга эга. Сиз доимо уни сота оласиз. Режани сотишингиз эса қийинроқ.

Жойлашган ҳудуди сиздан анча узоқ бўлган ишда шерик бўлишни таклиф этаётган инсонлардан эҳтиёт бўлинг. Ҳар бир инсонга хос бўлган “қўшнининг майсазори доимо меникидан яшилроқ”деган фикрни яхши биласиз. Бу фикрга унчалик ҳам берилиб кетманг. Сиз учун энг фойдалиси ўз шаҳрингизда пул тикканингиздир. Биринчидан, сиз бу ерда шахсан вазиятни кузатишингиз мумкин. Иккинчидан, ўз шаҳрингизда пул тикмоқчи бўлган бизнесингиз ҳақида билишга реал имконингиз кўп бўлади.

Ўзингизни эҳтиёткорлик билан тутиб фақатгина “пул топиш” билан шуғулланмайсиз, балки бундай ҳузур ҳам топасиз.

Қўлдаги маблағни қандай қилиб сармоя қилиш мумкин?

Сизда 5 та кичик хат жилди катта хатжилд бўлиши керак. Олинадиган даромад куйидаги нисбатда хатжилда тушиши керак:



### Даромадингизнинг 100% дан

- 10% ни келажакка
- 10% ни кўнгилхушликка
- 2,5% ни хайр-эҳсонга (10% бошқа мақсадларга)

**22,5%**

### Колган 77,5% дан

- 55% ни компания ҳисобида
- 45% ни шахсий ҳисобда.

Шунда ҳар 7 йилда пулингиз икки ҳисса ошади. Уларнинг катта қисмини инфляция еб кўяди. Агар банкка йилига 14,29% га қўйсангиз, улар икки баробар ошади. Молиявий жиҳатдан хавфсиз бўлиш учун формула бор. Агар сармояга тўғри одамлар танланса,

пуллар ҳар 2 йилда икки баробар ошади. Пул биз ишлаганимиздан тезроқ ошиб кўпайиб боради.

Пулни уйда сақлаб бўлмайди. Унинг ҳар бир тийини ҳам ишлаши керак.

Масалан: агар ҳар икки йилда икки ҳисса ошса (йилига 50% ) ва 1000 доллар тикиб йигирма йилдан сўнг бир миллион доллар оласиз.

1000 долл. → 2000 долл.

2000 долл. → 4000 долл.

4000 долл. → 8000 долл.

8000 долл. → 16000 долл.

16000 долл. → 32000 долл.

32000 долл. → 64000 .долл

64000 долл. → 128000 долл.

128000 долл. → 256000 долл.

256000 долл. → 512000 долл.

512000 долл. → 1024000 долл.

Агар қарта сармоя киритаверсангиз 20 йилдан 1000 долларингиз 10 24 000 долларга айланади.

15 йилдан сўнг 196 608 000 доллар олиш мумкин.

Бир кишининг молиявий жиҳатдан эркин бўлиши учун етарли маблағ топишга 35 йил керак. *Сизга фойда келтирмайдиган 1000 долларлик нарса олганингизда сиз бир миллион доллар йўқотишингизни унумтманг.*



Пулни сиз учун ишлашига мажбур қилинг, шунда бойиб кетасиз.

**Даромад манбанини ошириш.**

55% компания ҳисобида + 10% жамғаридагнимиз = 65% - ушбу суммани банқда молиявий ҳимояланган бўлиш учун сақлаш керак. Сўнг ушбу суммани сиз учун ишлашга мажбур қилиш керак - сармоя қилиб ишлатиш керак.

Сизнинг пул дараҳтингиз қуидаги сармоялардан ташкил топган:

-акция - 10%

-бизнес - 60%

-кўчмас мулк – 30%.

Пулни ҳеч қачон биргина йўналишда сармоя қилиб ишлатмаслик керак. Камида тўртта йўналишга ишлатиш лозим. Агар сизда молиявий ҳимояланганлик учун ҳар доимо мабалағ бўлса унда сиз бойиб кетасиз. Нақд пулни ишонч кредитингизни ошириш ва банк томонидан келажақда сизга хизмат кўрсатишига кредит тизими очилиши учун банқда сақланг. Банк билан муносабатни ривожлантириб бориш лозим. Агар банк билан ишлашни истамасангиз бойиб кета олмайсиз. Биз ўтирган стул тўрт оёқли. Нега кўплаб даромад манбааларига эга бўлиш керак? Буни тоғда ирмоқларнинг пайдо бўлиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Тоғда дарё қандай пайдо бўлади? Албатта томчилардан. Биргина факат даромад, маош билангина бой бўлиш мумкин эмас.

Республикамизда одамлар ҳозирча сармоя киритмай топганларини сарфлаётганлари кузатилган. Фуқароларимиз пулни сармоя қилиш лозимлиги ҳакида энди ўйлаб қолишмоқда. "Келажакка қандай қилиб сармоя киритиш мумкин?" - деган савол тез-тез берилмоқда. Жавоб қуидагича:

-Даромаднинг 10%ни сақлаб қолиш керак

-Агар ойига 100 доллардан сақлаб қолсангиз, икки йилдан сўнг сизда 2400 доллар жамғарма бўлади.

**Пуллар сизга ишлаши учун уларни сармоя қилиб ишлатиш керак.**



Акциялар - компанияга әгалик қилиш ҳуқуқини берувчи қимматбаҳо қоғозлардир. Акцияларда бойиб кетишининг бир қанчада қонуний тизимлари мавжуд. Акциялари фонд биржаларидагы жуда күплаб компаниялар бор, шу қаторда тармоқли маркетинг компаниялари ҳам, ушбу компания әгалари тезда бойиб кетиши мүмкун.

### Сармоя формуласи

Сармояда минимал хавф  $\longrightarrow$  минимал фойда

Сармояда ўртача хавф  $\longrightarrow$  ўртача фойда

Сармояда катта хавф  $\longrightarrow$  катта фойда

Ишлаб топаётган пулларимизга эмас, йўқотаётганиримизга эътибор қаратиш керак. 10 % ишлаб топиш учун 90% ни йўқотиш ақлли иш эмас. Аксинча бўлиши лозим.

Жамғаришни қандай бошлаш мумкин?

-Сизда даромад манбай бўлиши керак.

-Харажатларингизни назорат қилишингиз керак.

-Пулларингизни сақлаб қолинг.

-Даромадингизни оширишни ўрганинг.

- Агар имкониятлар қидирсангиз – сиз уларни жалб қиласиз.

Семинар ўтказаётган вақтимда: “Ким миллионер бўлишни истайди?” - деган саволимга аудиторияда доимо сон-саноксиз қўллар қўтарилади. “Бунинг учун оригинал ғоя, яхши режа, ўзни интизомга бўйсундира билиш, озгина меҳнат керак”, - дейман мен, - “шундай миллионерлардан бири сиз бўлишингиз мумкин”. Расмий маълумотларга кўра 1980 йилда АҚШда 1,5 миллион миллионер бўлган. 2000 йилда бу сон тахминан 50 миллионга етган. Ҳисоб-китобларга кўра Америкада ҳар 4 дақиқада кимдир миллионер бўлади. Тушунинг, миллионер – албатта машхур бўлиши шарт эмас!

Миллионерларнинг кўпи машхурлар (Билл Гейтс, Дональд Трамп, Бритни Спирс ва Опра Уифрилар бўйича ҳукм чиқарадилар) деган кундалик фикрларга қарамай, аслида миллионерларнинг 99% и қаттиқ меҳнат қиласди, тартибли равишда жамғарадилар ва сармоя киритадилар. Улар маблагини, одатда, қуйидаги тўрт усулдан бири ёрдамида ишлаб топишади:

Тадбиркорлик билан, бундай миллионерлар (АҚШ) 75%

Йирик корпорацияда ишлаб -10%

Хусусий амалиёт билан, агар касби шунга йўл қўйса: шифокорлар, ҳукуқшунослар, дипломли ҳисобчилар, дизайнерлар, муҳандислар ва шу кабилар.

Бундан ташқари, 5% атрофидагилар ўз миллионларини савдода ва савдо масаласидаги маслаҳатларда ишлаб топадилар.

Албатта, кўплаб миллионерлар – оддий одамлар, қаттиқ меҳнат қилганлар, даромадининг 10-20% ни жамғариб, уни ўз бизнесига, кўчмас мулкка ёки акцияларга сармоя қилиб кун кечирганлардир. Айнан уларга кимёвий тозалаш шохобчалари, автомобиль сотиш агентликлари, ресторанлар тармоқлари, нонвойхоналар, турли дўконлар, чорвадорлик фермалари ва транспорт фирмаларига тегишли. Аммо агар барвақтрок бошлаб узлуксиз жамғариб, сармоя қилиб киритилса, жамиятнинг истаган табақаларидаги инсонлар миллионер бўлишлари мумкин.

Шубҳа йўқки, оиласини боқиш учун олтинчи синфда мактабни ташлашга мажбур бўлган Озиоли Маккартни исмли аёл хақида барча эшилган ёки ўқиган. У ҳаётининг 75 йилини бошқаларнинг кийимини ювиш ва дазмоллаш билан ўтказган. Жуда ночор яшаган, аммо озгина маошидан жамғаришнинг уддасидан чиқсан. 1995 йилда бутун умри давомида йиқсан пулининг катта қисми 250 000 \$ ни Жанубий Миссипи университетига муҳтоҷ талабаларга стипендия қилиб беришлари учун тухфа қилган. Энг қизиги Озиола 1965 йилда 50 000 \$ни ташкил этган жамғармасини йилига 10,5% берадиган S&P индекс фондига сармоя қилиб киритганда, унинг капитали 250 000 \$ эмас - сал кам тўрт баробар 999 628 \$ ни ташкил этган бўларди.

Саволингизни олдиндан қўраяпман: “Қандай қилиб “автоматик” тарзда миллионер бўлиш мумкин?” Режага мувофиқ тарзда йўл тутишнинг энг содда йўли аввал ўзига ўзи ҳақ тўлаш - мутлақо “автоматик” аснода ишлайдиган режа тузиш, яъни маошингизнинг бир қисмини сиз эмас қандайдир молиявий органлар жамғариб, сармоя қилсин.

Молиявий режалаштириш бўйича мутахассислар ўз тажрибасидан биладики, “автоматик” режасиз жуда кам одамлар ушбу дастурга қаттиқ амал қила олади. Агар сиз хизматчи бўлсангиз, компаниянгизда пуллар автоматик тарзда ўтказиладиган ёки банкдаги жамғарма дафтарига тушадиган пенсия режалари бор-йўклигини билиб олинг.

Компаниянгизда маошингиздан маълум фоизини шундай режага бадал сифатида ўтказишларини келишишингиз мумкин. Агар уни маош келишидан аввал ажратишса, уни ҳеч қачон ўтказиб юбормайсиз. Бироқ ундан ҳам муҳимроғи жамғарилиш жараёни сизнинг кайфиятингизга, уйдаги молиявий келишмовчиликларга ёки бошқаларга боғлиқ бўлмайди. Сармоя ҳақида ўйлаб туриб сизни ёқангиздан тортиб банкка олиб боришига тўғри келмайди. Сиз компания ёки банк билан келишасиз, пулни ажратиб оладилар – вассалом. Пенсия режаларининг имтиёзли томони шундаки, токи пулларни ечиб олмагунингизгача солиқ олишмайди.

Баъзи компанияларда сизнинг бадалингиз улушкини баланслашлари мумкин. Агар сиз шундай компанияда ишласангиз, бу масала билан *дарҳол* шуғулланинг! Бухгалтерияга киринг ва бундай шартномани қандай тузиш мумкинлигини билинг. Бадал фоизини қонун рухсат берган энг баландини белгиланг, аммо 10% дан кам бўлмасин. Агар 10% га етмаса, иложи борича максималини белгиланг. Бир неча ой вазиятни қайта кўриб чиқинг, уни оширишнинг иложи йўқми.

Агар компаниянингизда пенсия бадаллари бўлмаса, банқда индивидуал пенсия ҳисоби (ИПХ) очишингиз мумкин. ИПХ га йилига 3 000 000 сўмгача бадал қўйишингиз мумкин. ИПХ яхшими, ёки жорий ҳисобми банкдан ёки молиявий маслаҳатчидан сўранг. ИПХ очиш учун вақт ва хужжатлар жорий ҳисоб очишга қанча керак бўлса, шунча керак. У автоматик тарзда амал қилишда давом этиши учун жорий ҳисобдан унга автоматик тарзда пул ўтказишларини келишинг

**Если вы считаете, что  
обучение стоит дорого,  
попробуйте узнать,  
сколько стоит  
невежество.**

Роберт Кийосаки



Биз эгалик қиладиган барча нарсаны шартли радиаларга ва пассивларга ажратиш мүмкін. *Актив* – бу пулни үйнегімдегі тортадиган барча нарса, даромад келтирадиган ҳамма нарса. *Пассив* – бу үйнегімдегі пулларни тортыб оладиган нарса, яғни маблағларимизни олиб құядиган нарса. Бой бўлиш учун ушбу тушунчаларни ажрата билиш керак. Активлар сотиб олинг, пассивлар эмас. ”Бадавлат дада, камбағал дада” китоби муаллифи Роберт Кийосаки шундай қоида келтиради: ”Активлар ва пассивлар ўртасидаги фарқни тушуниши зарур. Қашшоқлар ва ўрта табақа активга эга бўляпман деб пассив йигадилар.



Пассивларни дарё тубидаги тошларга ўхшатиш мумкин. Улар ётадилар ва ҳётимиз дарёсини оқишига тўсқинлик қиласидилар. Пассивларга ёдгорликлар - бу Тошкент айлана линиясидаги қуриб битказилмаган уйлар. Уларни қуришни бошлашган, аммо эгаларининг пули тугаб қолган. Шундай қилиб тугалланмаган мўъжиза уйлар турибди: тўсиқ билан ўралган, баъзилари томсиз, деразаларида йиртиқ цеплофанлар. Бошқалар ҳасад қилиши учун сотиб олган, таъмирлашга доимо пул талаб қиласиган қиммат уйингиз – бу мукаммал пассив. Яна нима? Машинани ҳеч ҳам актив деб бўлмайди. Ахир машинага доим қараш керак: ювиш, салонни тозалаш, техник кўрик. Хизмат қилиш даври ҳам узоқ эмас – ўн йилдан сўнг тақир-туқирга айланади. Агар янги автомобиль сотиб олган бўлсангиз, 3-5 йилдан сўнг у икки баробар арzon бўлади, ўн йилдан сўнг – тўрт баробар. Пассивни активга айлантиришнинг истисно вариантлари бор, аммо улар ҳақида алоҳида гаплашамиз.

Қиммат аудио ва видеотехника, олтин буюмлар, минг долларлик костюмлар, 3000-20 000 долларлик соатлар – буларнинг барчаси пул кетказадиган кераксиз лаш-луш ҳисобланади. Пассивларга ишқибозлик инсон табиатида бор. Умумий фикрга кўра бизнесмен фил суягидан ясалган креслода ўтириб олтин ликобчалардан овқат ейиши керак. Унда қадама нақшли мармар сантехника бўлиши керак. Бироқ у ҳолда бу бизнесмен эмас, исрофгар, ўз пулининг душмани бўлган бўларди. Аммо пассивларни жиддий сабабларга кўра ҳам сотиб оладилар. Уларни турли шоуменлар, спортчилар, адвокатлар, шифокорлар, маслаҳатчилар сотиб оладилар. Уларда мижозга кўрсатиш ва қизиқтириш мумкин бўлган завод, банк йўқ. Шунинг учун хурматлилик, профессионализм, хизматлар юқори тўловнинг белгиси – олтин соатлар, қиммат пойабзал, ажойиб костюм. Улар пуллари қанчалик кўплигини кўрсатишни истайдилар. Кўпчилиги, албатта, муболага қиласидилар.

**Активлар.** Активларга сизнинг бизнесингизни, акцияларни, облигацияларни, векселларни, интеллектуал қобилиятни ва кўплаб бошқа нарсалар киради.

-Бу Сизнинг ғояларингиз, ташаббускорлигингиз, қариндошларингиз, танишларингизнинг ғоялари. Сизни ўраб турган барча нарса: музлаткичлар, кийим, телевизор - қачонлардир кимларнингдир ғоялари ва истаклари бўлган.

-Бу аввало, Сизнинг ўзингиз. Активга соғлиғингизни қўшиш мумкин. Агар ўзингизни аъло даражада ҳис қилсангиз, муваффақиятга эришишингиз осон бўлади. Сизнинг ҳолатингиз сизга ва фақат сизнинг куч ва қатъиятингизга боғлиқ.

-Бу билим, нима қилишни ва қандай қилишни билиш керак. Бизнинг компьютер ва виртуал воқелик асримизда бизнесмен бўлиш жуда қийин. Шунинг учун сўнгги пайтларда техник олий ўкув юртларига конкурс яна ошди.

-Бу алоқалар. Улар айниқса, Ўзбекистонда жуда муҳим. Зарур танишларни излаш ва алоқани узмаслик керак. “Зарур” одамлар, ҳеч бўлмаганда кичик фоизга ёки фоизсиз пул берадилар, қонуний ва ноконуний ҳамлалардан сақлайдилар.

-Хозир кўплаб фирмалар ўз ташкилотларида клублар ташкил этишмоқда. Биз ҳам одамларни жалб этиш ва биргаликда ойига бир марта молия ва сармоя соҳасидаги шахсий муаммоларни муҳокама қилиш учун ўз ташкилотимизда “Boy ota” клубини ташкил этдик. У ерга эски қатновчилар ўzlари билан биргаликда янги қатновчиларни олиб келадилар. Менинг бир танишим, даъволашнинг ноанъанавий усуллари бўйича мутахассис ўз марказида шундай клуб ташкил этган. Яна бир фирма профи клуб моделини ишлаб чиқкан. Интернет орқали қўп сонли кишилар билан мулоқот қилиш учун ўзи маълумот жўнатади ва ўзи ахборот йиғади (яъни қарама-қарши алоқани сақлайди).

-Бу сизнинг брэндингиз, машҳур номингиз. Сизнинг машҳурлигингиз ҳам актив. Ажойиб мисол “Кока-кола” компанияси – хозир бу ном билан истаган нарсангизни сотишингиз мумкин. Устозим айтганидек: ”Аввал ўзим учун ном яратдим, сўнг ном менга ишлашни бошлади”.

-Бу интеллектуал мулк: китобларингиз, патентлар, оригинал рационализаторлик таклифлари.

- Бу қимматбаҳо қофозлар, акциялар, фойдали сармоялар.
- Бу пулингиз қўйилган барқарор банк.
- Бу антиқий нарсалар: маркалар, тангалар, суратлар, санъат буюмлари ва ҳоказо.
- Бу кўчмас мулк, фақат, нархи ошадигани, нархи тушадигани эмас.

-Ниҳоят - сизнинг бизнесингиз. Ишни бизнесдан фарқлаб олинг. Ишлашга кодир бўлмаган пайтингизда иш пул келтирмайди! Бизнес боқади. Агентлигингиз, дўконингиз, китобларингизнинг қайта нашр эттирилиши – қийин пайтда ёрдам беради!

Муҳим қоида: активларни сиз учун янада фаолроқ ишлашига мажбур этинг, пассивлар сонини камайтиринг. Кўпинча айнан бу қоидани билмаслиги сабабли кишилар фаровонликка етиша олмайдилар.

Агар сизда олий маълумот деган ажойиб актив бўлса, ундан юз фоиз фойдаланинг. Шунчаки ном учун олий маълумот деган нарса сизга керак эмас. Шунингдек, бошқаларга ёрдам сўраб мурожаат қилишда уялмаслик керак. *Алоқалар - бу сизнинг кучингиз.* Иш бор жода “сўрашга нокулай” деган нарса бўлмайди. Гарчи сизга бирор нарса керак экан – демак бу “қулай”. Тартиб билан фойдали телефонлар, электрон манзилларни, танишларингиз нима билан шуғулланишини ёзиб қўйинг. Одоб ҳақидаги хаёл сизни безовта қилаётган бўлса, бу инсон ҳам сизга ёрдам сўраб мурожаат қилиши мумкинлигини билан ўзингизни тинчлантиринг.

Шундай пассивлар борки, ақл билан ишлатилса, активга айланади. Бу яшаш майдони, уни ижарага бериб яхшигина пул олиш мумкин. Машина – агар унда ишласангиз, актив.


Жуда ғалати активлар ҳам бор. Масалан, тилла. Агар у билан савдо қиласангиз, ундан тақинчоқлар ясасангиз, бу ҳақиқий актив. Бироқ кўп буюмлар вакт ўтиши билан

қийматини йўқотишга мойил. Аммо баъзиларига қиймат қўшилади. Бу турли антиқа эски буюмлар. Улар қанча кўп турса, шунча қадрлироқ.


У ҳолда нега инсонлар кўпинча активлар эмас, пассивлар сотиб оладилар?

- Уларни фарқлай олмайдилар.
- Келажак ҳақида ўйлайдилар.
- Бойроқ кўринишни истайдилар.
- Ёмон одатлари бор.

Активларни сотиб олинг, улар сизга даромад келтиради. Агар қаердадир унча дуруст пассивингиз бекор ётган бўлса, ундан қандай фойда чиқаришни ўйланг. Жуда кўпчилик моливий ҳаётини истеъмол қилиб ва турли инжиқларини қондириб ўтказади. Кўпчилик учун инвестицион модел қуидагича кўринади:



Энди бой инсонлар сармояга қандай ёндошадилар. Улар даромадининг катта қисмини активга, даромад келтирадиган кўчмас мулк, майда бизнес, акция, облигация, олтин ва бошқаларга сарфлайди. Агар бойиб кетишни истасангиз, уларга эргашинг. Молиявий фаолиятингизга улар каби ёндошинг:





Вақт ўтиши билан сиз активлардан келадиган даромад ва даромаднинг турли оқимлари ҳисобига яшашингиз мумкин. Бу ҳақиқий “молиявий эркинлик”.

Саватингиздаги тухумлар қачон катталашишни бошлайди? Ҳисобингиз ўсиб боради ва пулни қандай қилиб сармоя қилиш ҳақида билгингиз келаверади. Эҳтимол, охир-оқибатда, яхши бизнес маслаҳатчининг ёрдами керак бўлиши мумкин. Унинг ёрдамида муваффақият қозонган дўстларимдан сўраб-сuriштириб биттасини топдим. Кейин унинг исмини яна бир неча марта эшитдим. Кейин мен унинг Москва шаҳридаги “Молиявий маслаҳатчилар мактабига” ўқишига кирдим ва энди биз ўзимиз ушбу дастур бўйича Тошкент шаҳрида молиявий маслаҳатчиларни тайёрлаяпмиз ва қулай нархларда молиявий маслаҳатлар бермоқдамиз. Бошланишига мен сизга иккита тавсия бераман, қолганларини сайтимизга ташриф буориб ва молиявий маслаҳатчилар курсларига қатнашиш орқали билиб олишингиз мумкин. Барча маълумотлар ва сармоя, молиявий маслаҳатчиларни тайёрлаш бўйича индивидуал маслаҳатларни [www.xonniyoz.uz](http://www.xonniyoz.uz) дан олиш мумкин.

**Тавсия 1.** Мулкингизни суғурта билан ҳимояланг. Ачинарлиси шундаки, кўплаб бадавлат инсонлар бугун суд жараёнлари, талаф ва шикоятлар (кўпинча асосланмаган) объектига айланмоқда. Хатолар ва баҳтсиз ҳодисалар эҳтимоли бор, мана нима учун ўз

молиявий активларини яхши суғурта полиси билан ҳимоялаш лозим. Агар активингизда майда бизнес бўлса, у янада муҳимроқ. Яхши суғурта агентини топинг – худди молиявий маслаҳатчи ёки активларни бошқариш учун компания топганингиз каби.

**Тавсия 2.** Мулкингизни никоҳ шартномаси ёки биргаликда яшаш келишуви билан ҳимояланг. Агар никоҳланишга шошмасдан, аввалигабойлик йифаман десангиз, молиявий маслаҳатчилар бир овоздан никоҳ шартномаси тузишни тавсия қиласи. Тушунаман, бу жаннатий роҳат-фароғат ва муҳаббат даврида таҳқирловчи, салбий нарса бўлиб туюлиши мумкин, аммо ҳозирги кунларда бундай шартномалар ҳаётий зарур. Неча марта одамлар - эркаклар, аёллар - ўз вақтида никоҳ шартномаси тузишга уялиб ёки ўйламай, уларга қонуний тегишли нарсаларни йўқотганларини кўрганман.

Жияним уйланмоқчи бўлганда, келинимиз никоҳ шартномаси тузишга қарши бўлиш у ёқда турсин, аксинча ўзи ташаббус билдириган. "Мен умуман сенинг бойлигинга кўз олайтироқчи эмасман, - деди келин жиянимга. - Улар сенга қийин меҳнат билан келган ва буларни учрашувимизга қадар топгансан. Шунинг учун агар ўзаро ҳаётимиз рўёбга чиқмаган тақдирда улар сен билан қолишига ишончинг комил бўлсин".

Айнан шу муносабат жиянимга уларнинг ҳаёти шубҳасиз изга тушиб кетишини билдириди, чунки келин унинг пулини эмас, ўзини яхши қўришини англатарди. Мен келин билан фахрланаман, у куёвнинг бойлигига кўз олайтирмаидиган, вазмин, ақлли инсон.

Агар никоҳ шартномаси тузиш ҳақида гап оча олмасангиз, бошқа ҳиссий қийинчиликлар юзага келган вақтда очиқ гапира олмайсиз. Муносабатларнинг сифати ва умри узоқ бўлиши тўғрисида салбий нишона. Оилавий масалаларда яхши маслаҳатчини ва никоҳ шартномаларни судда кўриб чиқсан бир нечта адвокатлар топинг ва икки томонни ҳам қониктарадиган шартнома тузинг. Шубҳа йўқки, бу тажриба сизга муносабатларингизни турли кераксиз бегона нарсалардан тозалайди ва маънавий томондан бирлаштиради.

**7-боб. Билимга сармоя - баҳт ва муваффақият қалити.**

Маълумотингиз қандайлигидан қатъи назар мувафақиятга эришиш учун барча имкониятларга эгасиз. Расмий таълим шахсий ва профессионал ривожланишда яхши пойдевор бўлиб хизмат қилади. Шунга қарамай таъкидлаб ўтишим лозимки, мактаб ва олий ўқув юртларида берилмайдиган билим жуда муҳим. Ҳозирги кунда билимлар ҳажми ҳар уч йилда икки ҳисса ошмоқда. Шунинг учун семинарларим қатнашчиларининг шахснинг ўсиши, коммуникация, ҳиссиётлар ҳақида нечта китоб ўқигани тўғрисидаги саволимга жавоблари ҳар гал кайфиятимни бузади. Натижа ҳақиқатдан ҳам аянчли: беш йил давомида кунига ўртача 0,28 бет. Бу кунига уч қатор демакдир. Шунинг учун бунчалик кўп одам ҳаётдан лаззат олмай яшаётганига ажабланмасак ҳам бўлади.

Китоб ўқишига вақтингиз йўқми? Телевизор, радио, турли газеталар, овқат устидаги самарасиз сухбатлар ва муносабатларни яхшилаш учун кунига қанча вақт сарфлайсиз? Кунига бир соатдан кўп шундайми? У ҳолда сиз ўз таълими учун ойига ҳеч бўлмаганда 50 соат ажратиши мумкин бўлган кишилар қаторига кирасиз. Бу вақт давомида қанча китоб ўқишингиз мумкинлигини биласизми? Ойига камида иккита китоб. Беш йил давомида кунига ўртача 0,28 бет китоб ўқийдиганлар билан солиширганда сиз қаерда бўлардингиз? Нима деб ўйлайсиз, агар йилига ҳеч бўлмаганда 12 та китоб ўқиб чиқсангиз ҳаётингиз бошқача бўлармиди? Бу ўн йилда 120 та китоб дегани. Сизнинг фикрингизча бу сизга бошқаларга нисбатан устунлик берган бўлармиди? Кўпроқ пул топишни, вақтингизни яхшироқ тасарруф этишни ҳиссиётларингизни яхшироқ бошқаришни бошлармидингиз? Нима деб ўйлайсиз, тиккан сармояларингиз неча баробар кўпроқ фойда келтирадар эди? Китоб ўқиши ҳақида гапирганда мен ҳаётни турли доираларига тааллуқли адабиётни назарда тутаяпман.

Қанча вақтингизни иш жойингизда ўтказасиз? Кунига 8 соатми? Бу ўзингиз ва (агар бўлса) оиласизнинг яшаси учун етарли пул топишингизга кифоя агар мувафақиятга эришишни истасангиз, ўзингизга кўпроқ вақт ажратишингиз керак. Шахсий камолатингиз туфайли кўплаб ишлар тезроқ ва самаралироқ амалга ошади. Шунинг учун буни бажариш муҳим.



**“Инсон ҳеч қачон ўрганишидан тўхтамаслиги лозим, ҳаттотки сўнги соатларида ҳам”,** -деган эди ақилли инсонлардан бири Маймонидес. Билимга сармоя муваффақият ва баҳт қалитидир. Агар мендан: **“Вақт ва пулни нимага сармоя қилиб киритиш керак?”,** - деб сўрасангиз. Мен: **“Китоблар, аудио дастурлар, видеофильмлар, семинарлар, кундалигим ва сармоя соҳасида таълим олишга”** - деб жавоб бераман.

**Китоблар.** Беш йил аввал абадий ўқувчи бўламан деб ўзимга ўзим сўз бергандим. Ҳаётимни ўзгарирадиган, яхшилайдиган ҳамма нарсани ўқиб чиқаман деб ўзимга-ўзим

ваъда бердим. Бироқ мен фақат ўқимадим. Барча ўқиганларимни ўзимда синаб кўрдим. Барча янги ёндашиш. *Менинг шиорим: бошқаларнинг кўп ийллик тажрибасини ўн ийл ўрнига бир ийл, бир ой, бир кун ёки бир дақиқада қўллаш учун қисқартириши*. Ҳозир кунига камида бир соат ўқийман таътил вақтида ҳеч бўлмагандан учта китоб ўқийман. Тезроқ ўқиш учун тез ўқиш техникасини ўзлаштириш режасини тузаман. Сизга ҳам шундай қилишни маслаҳат бераман. Уч ийл давомида 50 ийл умримдагидан кўпроқ китоб ўқиб чиқдим. Уларнинг барчаси энди иккинчи қаватдаги иш кабинетимни безатиб турибди. Бу болаларга қолдириш мумкин бўлган энг қадрли меросдир. Менинг ҳаётга бўлган нигоҳимни бутунлай ўзгартириб юборган китоблардан биринчиси Наполеон Хиллнинг “Ўила ва бойиб кет”. У менинг қўлимга айни вақтида, жуда эзилган пайтимда хусусий бизнесга ўтиш вақтида қаттиқ бетоб бўлиб операциядан сўнг уч ийл ўзимни тиклашим керак бўлган маҳалда қўлимга тушиб қолди. Ҳозир шуни биламанки ўша пайтда мен билан содир бўлган барча воқеаларда маълум бир маъно бор эди. Касаллик туфайли кимман, қаерга кетаяпман, ҳаётий мақсадим нимадан иборат каби саволларни ўзимга бера бошладим.

**Аудиодастурлар.** Машина ҳайдаб кетаётган пайтимда доимо руҳлантирувчи ва бошқа аудиодастурларга вақтимни бағишлиман ўзингиз ўйланг кунига неча соатни машинада ўтказасиз? Бир соатми? Унда сиз ойига 30 соат давомида автомобиль ичидаги олишингиз мумкин. Ойига 30 соат қўшимча таълимнинг қандай аҳамияти бор? Катта аҳамияти бор, шундай эмасми? Мен ўзимнинг “Ўтмишдан келган бойлик сирлари ёхуд Самарқандлик энг бой одам” номли биринчи аудио касетамни чиқарганимда, менга кўпчилик телефон қиласидиган, электрон хатлар ёзадиган ва смс хабарларини жўнатиб, ишга, учрашув ва музокараларга кетаётган вақтда йўлда кассетани тинглаш уларга катта ёрдам бераётганини айтадиган бўлди. Кўпчилик уни оилалари билан биргаликда тингларди, сўнг биргаликда муҳокама қилишарди. Мен ўзим сўнгги пайтда дунёнинг етакчи бизнес мураббийларининг юзлаб аудио дискларини эшитиб чиқдим. Кўпинча аудио дастурларини иш юзасидан учрашувларга кетаётган вақтимда, қизимни ўқишига, ишга олиб бораётганимда спорт билан шуғулланаётган пайтимда тинглайман. Шунда дам олиш ҳам фойдали ҳам мароқли ва ибратли бўлади.

**Видеофильмлар.** Видеофильмлар сизга шахсни ривожлантириш, мотивация, бошқарув, коммуникация ва бошқалар ҳақида кўплаб маълумотлар тақдим этади. Улар сизга чексиз сериаллар ва ток-шоулар берадиганданда кўпроқ нарса беради.



**Семинарлар.** Олинган билимларни амалиётга кўчиришни ўрганиш учун мен сизга китобларимдан келтирилган мавзулар бўйича турли семинарларга қатнашни тавсия этаман. У ерда сиз ўзингиз ўн йилда ҳам била олмайдиган нарсаларингизни бир кунда билиб оласиз. Мен буни қаерда биламан, деб сўрашингиз мумкин? Билишимнинг сабаби мен уларни ўзимда синаб кўрдим. Мен кўплаб турли нарсаларни билардим, аммо уларни

амалиётда қўллай олмадим. Китобни ўқиб чиқиб муҳим жойларини эслаб қолишингиз шарт эмас. Сўнгги пайтларда мен йилига 5-7 семинарга қатнашпман.аввалига семинарга бориш учун ҳаттоқи қарз олишга ҳам тўғри келган. Ҳа, шундай! Мен қарзни нафақат бизнесимни ривожлантириш учун, балки семинарлар учун ҳам олардим. Модомики, мен кўплаб сонли инсонларга баҳт ва ҳаёт лаззатини топишга ёрдам беришга ҳаракат қилас эканман, семинарларни катта залларда ўтказишга қарор қилдим, бу ташкилий харажатларни камайтиришга имкон берди. Семинарларимиз натижалари, қатнашчиларнинг баҳосига кўра, жуда зўр. Мен одатда, ўзимга ўрганишни истаган нарсаларим рўйхатини тузаман ва ушбу мавзуларга бағишлиланган семинарларни танлайман. Мен шунингдек, доимо олдиндан таълимга киритадиган (юз баробар бўлим қайтадиган) сармоямни режалаштираман.

**Кундалигингишга сармоя қилинг.** Муҳим сармоя қаторига, шунингдек, муҳим ютуқларингиз, китоб ўқиганда туғиладиган ғояларингиз ва бошқаларни ёзиб борадиган шахсий кундалигингиш киради. Кундалигингиш фойдали ғоялар манбаи бўлиши мумкин. Кундалигимга кун давомида миямга келган ғояларимни ёзиб қўяман. Кундаликни ўқиб чиқиб ўзимга қойил қоламан. Бир саҳифани ўқиганда қанча ғоя туғилиши мумкин! Уриниб кўриш лозим! Агар ҳаёт уни яшаб ўтишга арзиса, ҳаёт уни тасвирлашга ҳам арзиди.

Тўрт йил давомида ўз самарадорлигингишни 10 000% га қандай қилиб ўзгартириш мумкин? Кўплар ўйлайдики, буюк мақсадларга эришиш ва ҳаётда муваффақиятга етишиш учун барча соҳаларда 100% га ўзгариши керак деб ўйлайди. Агар мен сизга ҳаёт айланганингизнинг ҳар қандай соҳасини бор-йўғи тўрт йилда 10 000% га ўзгартириш мумкин, десамчи? Эҳтимол, сиз менга ишонмайсиз! Келинг кўрамиз. Агар ҳафтасига беш кун давомида кунига атиги 0,5% га яхши томонга ўзгарсангиз, ойига 10% зиёд ўзгарасиз. Бир йилда 300% га ўзгарасиз. Шу тарзда давом этсангиз, маълум ҳаёт шароитингизни икки йил давомида 1 000% га, уч йил давомида 3000% га, тўрт йил давомида 10 000% га ўзгартиришингиз мумкин.

Сўрашга ижозат беринг, ҳаёт шароитини (вақт билан муносабатни, шахсий ўсишни, маркетинг қобилияtlарини, сотиш маҳоратини, карьерани, соғлиқни, бошқарувни, муносабатни ва бошқаларни) кунига 0,5% га яхшилаш учун қанча вақт, ҳаракат ва маблағ сарфлаш керак. Ишончим комилки, кунига ўн дақиқадан кўп эмас. Ёддан чиқарманг, ушбу ёки бошқа китобдан биргина фойдали маслаҳат, семинарда олинган биргина ғоя, кимдир томонидан билдирилган, эшитилган ёки ўқилган биргина таклиф ҳаётга бўлган дунёқарашингизни ва маълум вазифани бажаришга ёндашувингизни ўзгартириши мумкин.

Энди сизга бир муҳим савол: “Қачон бошлайсиз? Эртагами?” Йўқ, яхиси бугун бошланг, акс ҳолда кунига 0,5% ни йўқотасиз. Ёдингиздадир, 0,5% нимани англатиши мумкинлиги? Ҳозироқ бошланг, йўқса 0,0001% йўқотасиз. Китобни ўқиётганингизга неча дақиқа бўлди? Ўн дақиқадан кўпми? Табриклайман! Агар шу ҳолда давом этадиган бўлсангиз, кейинги нашрда шу қисмини ўзгартиришимга тўғри келади. Таълим олаётганингизда қуйидагини ёдда туting: ”Агар ҳамма нарсани биламан деб ҳисобласанг, ҳеч бир янги нарса ўргана олмайсан”. (Жон М. Темплтон).

**Сармоя соҳасида билимга эга бўлинг.** Майдо-чуйдадан бошланг ва таълим олишни давом эттиринг. Ҳар ҳафта ҳеч бўлмагандаги қуйидаги икки бандни бажаринг:

- 1) Молиявий масалалр бўйича машғулот ва семинарларга қатнашинг.
- 2) Туманингиздан “Кўчмас мулк сотилади” деган ёзувни қидиринг. Ҳафтасига 3-4 телефон кўнғироғини амалга оширинг ва кўчмас мулк сотиш бўйича агентдан ушбу мулк тури ҳақида гапириб беришини сўранг. Қуйидаги саволларни беринг:
  - Ушбу мулк сармоя ҳисобланадими, агар шундай бўлса, фойда келтирадими?
  - Айни дамда фойданинг миқдори қанча?
  - Фоиз ставкаси қанча?
  - Ушбу туманда турар жойдан ўртacha даромад қанча?
  - Эксплуатацион хизмат кўрсатиш нархлари қандай?
  - Эксплуатацион хизмат кўрсатишнинг камайтирилган тарифи борми?
  - Эгаси бу хизмат кўрсатишни молиялаштириш керакми?

-Молиялаштириш шартлари қандай?

Ҳар бир мулк учун пул оқими ойлик ҳисоботини тузишни машқ қилинг, сўнг бирор нарсани унутмадингизми-йўқми билиш учун, уни ушбу мулк билан шуғулланувчи агентингиз билан кўриб чиқинг. Ҳар бир мулк ноёб бизнес тизимни ташкил қиласди ва алоҳида бизнес тизим сифатида кўрилиши мумкин.

- 3) Бир неча биржа маклерлари билан кўришинг ва қайси компаниялар акцияларини сотиб олишни тавсия этаётганларини тинглаб кўринг. Сўнг кутубхонага бориб ушбу компанияларга тегишли маълумотларни ўрганиб чиқинг. Бунинг учун Интернетдан фойдаланинг. Компанияга телефон қилиб ҳар йиллик ҳисоботларини жўнатишларини сўранг.
- 4) Инвестицион бюллетенларга обуна бўлинг ва уларни ўрганинг.
- 5) Ўқишида, эшитишида ва кўришида давом этинг, молиявий масалалар бўйича телевизион дастурлар билан қизиқинг ва бизнинг “POYGA. Ўйна ва бойиб кет” ўргатувчи тренажер ўйинини ўйнанг.

**5-машқ**

## **ВАЗИФА**

### ***Режани ҳозироқ тузинг***

*1.Бугундан бошлиб мен кунига ҳеч бўлмагандо \_\_ дақиқа китоб ўқийман.*

*Мен ўқимоқчи бўлган китоблар:*

---

---

---

*2. Мен аудиокассеталар сотиб оламан ёки мобиль телефонимга китоблар, тренинглар ва ўкув дастурларини ёзib олиб мунтазам равишда йўлда, дам олишида, эрталаб, ишга кетаётганимда тинглайман.*

---

*Мен тинглашини режалашибирган аудиодастурлар:*

---

---

---

**3. Шахсий ҳаётим ва ишимга ёрдам берадиган семинарларга қатнайман.**

*Семинарлар:*

---

---

---

*Сана:*

---

---

---

Билимнинг қуруқ ўзи қудрат эмас, унга амал қилиш - қудрат демакдир. Сизда шундай бўлғанми, сиз бирон қизиқ нарсани ўқиб чиқдингиз ва тингладингиз ҳамда унинг фойдали эканлигига, ундан фойдаланишингиз кераклигига ишончингиз комил, аммо бундай қилмадингиз. Ўқиб чиқсан бобингиз ҳақида нима дейсиз? Бу маълумот агар амалда кўлласангиз ҳаётингизни ўзгартириш мумкинми? Шубҳасиз. У аллақачон менинг ва миллионлаб инсонларнинг ҳаётини ўзгартириб бўлди. Бугун турли манбаалардан маълумот олиш қийин эмас. (Интернет, DVD, CD, газеталар, журналлар, китоблар ва ҳоказолар.) Муаммо шундаки, кўпчилик инсонлар ундан фойдаланмайдилар. Нега? Ажойиб савол. Ушбу китобдан ўрганадиган нарсаларингизни қандай қилиб амалиётда қўллашни ўрганиш ҳақида кейинги бобларда гаплашамиз. Бироқ аввал сиз қўйидагини тушунишингиз керак: **Икки оғиз сўз барчасини ўзгартиради - ҲОЗИР БОШЛАЙМИЗ!**



Нима эксанг шуни ўрасан ёки бумеранг нега қайтиб келади? Яқында шахсий тажрибамда бериш ва эвазига олиш қонуни нима эканлигини кўриб чиқдим. Мен юзта китоб буюртма бердим ва уларни ходимларим, дўстларим, шерикларим шунингдек, шахсий хаёт ва ишдаги муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин бўлган кишиларга тарқатдим. Бир ой ҳам ўтмай мен қачонлардир тақдимот ўтказган фирманинг хўжайини менга қўнғироқ қилди. У бир фирмада семинар ўтказиш учун мени тавсия қилганини айтди. Буни қарангта барчаси қанчаси тез қайтади! Бироқ бирор нарсага эга бўлиш учун аввалига нимадир бериш керак. Агар қачондир бумерангни отган бўлсангиз мен нима ҳақида гапираётганимни тушунасиз. Сизнинг фикрларингиз бумеранг кабидир. Сиз нима ҳақида ўйласангиз бошингиздан шу нарса ўтади. Ахир сизга: “Аҳа, шундай бўлишини билган эдим” - деган жумлалар таниш.

Яқында мен бир компания агентларини ўқитдим. Улар 30 кишидан ортиқ бўлиб деярли барчасининг иш тажрибаси меникidan ортиқ эди. Шундай бўлишига қарамай мен уларнинг профессионал жиҳатдан ривожланишига ёрдам бера олишимни билдим. Чунки сўнгги уч йил давомида муваффақият ва савдо стратегиясини ўрганиш билан машғул эдим. Савдо ҳақидаги семинар тугагач агентлар тамонидан жуда кўп мақтовлар эшилдим. Уларнинг барчаси менинг тақдимот ўтказиш усулимдан руҳланган эдилар. Кетмоқчи бўлиб турганимда ёшроқ йигит олдимга келди ва деди: “Раҳмат сиз мени уйғотдингиз, бу шунчаки савдо ҳақидаги семинар бўлмади, сиз менда ҳаётга бўлган интилишими

кучайтирдингиз! Сизнинг уч йиллик ранг-баранг тажрибангиз ўн йил ва ундан ортиқ вақт давомидаги бир турдаги тажрибадан кўпроқ аҳамиятга эга”. Офисга қайтар эканман йўлда нима қилдим экан деб ўйлаб қолдим. Ўйлаб кўриб шундай хуносага келдимки, сўнгги уч йил давомида ўзимга тиккан сармоям бумеранг каби ўзимга қайтиб келаётган экан. Ички танглик ва эрксизликдан холос бўлиб бошқаларга ривожланишга ёрдам бериш учун муҳаббатим ва қувватимни намоён қилиб ўзим берганимдана кўпроқ нарсага эга бўлдим.

**8-боб: Машинанинг учунчи гилдираги: “Мухим қонунлардан бири: кўпроқ пул ишлаб топишни ўрган!”**

Автомобилингизнинг учунчи гилдираги - кўпроқ пул ишлаб топишни ўрганиши. Пул ишлаб топишнинг қандай усувларини биласиз? Пул ишлаб топишнинг кўплаб усувлари бор: 4 та қонуний 4 та ноқонуний. Шубҳам йўқки кўпчилигингиз буни қандай қилишини ўзингиз ҳам биласиз. Бироқ шунга қарамай қўйида фақат қонуний усувларни келтираман.

Ноқонуний усувларни сиз билан кўриб чиқмаймиз аммо уларни ҳам билиб қўйишимиз керак. Фақат бир нарсани айтишим мумкин - уларнинг барчаси сизни қашшоқликка олиб боради: Булар қурол-яроқ, наркотик моддалар, спиртли ичимликлар сотиш ва қимор ўйинлари. Шунингдек, ноқонуний йўлларга пул қалбакилаштириш, ўғирлик, сутхўрлик, таъмагирлик, қароқчилик ва бошқалар киради. Мен уйин автоматлари, спиртли ичимликлар савдоси, қимор билан шуғулланган инсонларни биламан, аввалига улар катта давлат ишлаб топишди бироқ бир неча йилдан сўнг улар хеч нарсасиз бўлиб қолдилар.

Тўртта қонуний усувларга қўйидагилар киради:

1. Бу - иш. Сиз вақtingиз ва кучингиз еткунга қадар 2 та, 3 та, 4 та ишларда ишлашингиз мумкин.
2. Ўз бизнесингизни очиши.
3. Кимдир билан бизнесда шерик бўлиш, фойда келтирадиган бизнес тизим яратиши.
4. Акция, облегация ва бошқа қимматбаҳо қофозлар сотиб олиб сармоядорга айланиш.

Пул ҳақида нимани ўрганиш керак? - *Пул қонунлари ва улар билан мумкинаштыруши* қилиши қоидалари. Фақат шундан сўнгини эркин шўнғишини бошлишингиз мумкин. Хар бир кишининг кўп пул ишлаб топишга ва бой бўлишга катта сабаблари бор.

Биринчи сабаб. Бу оила. Инсонлар кимнидир севса - бу инсон учун ҳамма нарса қиладилар. Сиз кимнидир севасизми? Биласизми, севги қудрати дунёдаги энг улуғ қудратдир. Қўшни синфдаги қиз ёки бола ёқиб қолган мактаб йилларини эсланг. Мактабда бу инсонга ёқиши учун ҳамма нарсани яхшироқ бажаришга, яхшироқ кийинишига ҳаракат қилгансиз. Бирор нарсани бажар олмаслигиниз тўғрисидаги фикр хаёлингизга хам келмаган, шундайми? Албатта йўқ. Севадиган инсонга иложсиз нарсанинг ўзи йўқ, фақат севганининг ёнида бўлса унинг учун ҳамма нарса қилса керак бўлса ўзини қурбонликка келтирса. Кимнидир рафиқасини, кимнидир ватанини, кимнидир боласини, кўпроқ пул ишлаб топишга ҳаракат қилишнинг энг катта сабаблардан бири бу севги бу оила. Токи инсон оила қуриб фарзандли бўлмагунга қадар оиласи, фарзандлари ва яшаётган ватани олдида жавобгарлик ҳисси тўлигича номоён бўлмайди.

Иккинчи сабаб. Бу хурмат эътибор. Бу қачонки сизни кучли инсон сифатида тан олсалар, муваффақиятларингизга тан берсалар. Ушбу муваффақият бойлик, лавозимга муносиб бўлиш ҳисси инсонга катта куч беради. Қачонки киши кўп иш бажарса-ю, аммо уни қадрламасалар, кўрмасалар - у хафа бўлади. Ёшлигимизда ота-оналаримиз: “Бизнинг фахримизга айлан!”-дейишарди ва биз бунга ҳаракат қилардик. Фарзандларингизга шундай илик сўзлар айтинг уларнинг муваффақиятини тан олинг, уларни мақтанг ва улар билан фахрланинг.

Учинчи сабаб. Ғалаба ҳиссиёти. Қачонки инсон ғалабани ҳис этса - у ғолибона ўсади. Мисол: альпинист, боксчи, муваффақиятли инсон. Ўз заифлиги ва қўрқуви устидан ғалаба қозониш инсонга куч беради. Бойлар камбағаллардан мана нимаси билан фарқ қилади - улар пулдан қўрқишини енгишган. Агар сиз ваҳима қилсаниз янада кўпроқ ваҳимага тушасиз. Масалан, қачонки қарзга пул берсангиз. Агар сизга пулни вақтида қайтармаса ёки умуман қайтармоқчи бўлишмаса ғазабланишини бошлайсиз. Фикрлашингиз ўзгаради, агар ўзимизга имкон берсак. Бу имкон бериш. Пул ҳаётимиздаги энг асосийси эмас, улар бизга хизмат қилади. Ўз имкониятларингизни пулдан устун

кўйинг! Ҳеч қачон: “Менда яхши ғоя бор аммо пул йўқ” - деб айтманг эътиборингизни сизда энг яхши ва тўғри ғоя бор эканлигига қаратинг.

Тўртинчи сабаб. Хайр-эҳсон. Биз бошқаларга ёрдам беришга мажбурмиз бу бизнинг ака-укаларимиз, опа-сингилларимиздир. Агар инсонлар: “Менда ҳамма нарса етарли менга пул керак эмас” - деб айтсалар, мен уларга: “У ҳолда бошқаларга беринг”-деб айтаман. Менинг мақсадим ҳеч бўлмагандан бир ёки икки кишига ёрдам беришдир. Қашшоқлик бу кассаллик. Қашшоқлик бизга мерос бўлиб ўтади. Ҳеч қачон омадсизлик ва қашшоқликка рози бўлманг. Дунё бўйлаб йўлга чиққанингизда кўп нарсанинг гувоҳи бўласиз.

Инсонлар бой бўлишни исташининг бошқа майдабаблари ҳам бор.

-Қачонки сизга сен бунга қодир эмассан, удалай олмайсан, деб айтганларида. Сиз унга жавобан: “Мен буни бажарман, мен буни уddyалай олишимни исботлайман, ҳаммага кўрсатаман”-деб айтинг. Бир куни ҳамкасларим институтни тугатганимдан сўнг: “Сен ҳеч қачон завод директори бўла олмайсан” - деб айтишди. Онг остимда мен уddyалай олишимни исботлашга қарор қилдим ва директор бўлдим. Қачонки мен божамдан икки қаватли уйнинг лойиҳасига ёрдам беришни сўраганимда у менга: “Сен ҳеч қачон икки қаватли уй кура олмайсан” - деб айтди. Мен қурдим устига устак биттагина эмас.

Дунёда пул жуда, жуда, кўп ..., банклар, сейфлар, кассалар, ҳамёнлар том маънода тангалар, банкноталар ва олтин ғиштлардан парчаланиб кетмоқда. Аммо улар билан қандай қилиб барчага маълум бўлмаган йўл алоқа боғлаш мумкин. Пул сизга келиши учун ва сизни бошқа ҳеч қачон тарқ этмаслиги учун бир нечта қонунларни билиш ва уларга амал қилиш лозим: *Муҳим қонунлардан бири: кўпроқ пул ишишни ўрган!* Пул топишни ўрганишдан аввал, пул ишлаб топишни ўрганиш керак. Бизнесда фақатгина назария эмас амалиёт ҳам муҳимдир. Сиз яхши пул топишни ўрганишингиз керак. Сиз бошқалар қила олмайдиган ишни қила олишингиз лозим. Сиз тақчил маҳсулотни ишлаб чиқаришингиз керак: У кўпроқ қадрланади. Нимададир якка ҳоким бўлиб бойиб кетишингиз мумкин.

*Пионер лагери қайта қуриши бошланиши палласида бизнес ўйини ўтказилди. Болаларга “Мулк тарқатишиди”: Кимдир оиҳона кимдир ётоқхона эгасига айланди. Ҳар*

ким күнглига ёққан нарсани танлади. “Мулк”ни тоза тутиши ва ундан фойдаланганлик учун бошқа болалардан пул-фишка олиши керак эди.

Ким энг кўп пул ишлаб топди деб ўйлайсиз? Қизиги шундаки ҳожатхона эгалари энг кўп пул ишлаб топдилар. Ахир уларсиз иложи йўқ.

Инсонларда мунтазам равишда янги эҳтиёжлар пайдо бўлишини ёдда тутинг. Сўнгги пайтларда мода кийими дўкони - “бутик”лар пайдо бўлмоқда. Инсонлар яхши кўриниш учун ақл бовар қилмайдиган пул тўлашга тайёр. Яқин кунларда тўйхоналар, ресторанлар ва тунги клублар ҳам машхур бўлди. Бу янгилик, қизиқ ва оммабоп шунингдек даромадли. Аммо ҳамма янги нарса ҳам даромад келтирадими? Кексалардан ўрганадиган нарсамиз ҳам кўп.

*Россиядаги Кузнецовлар чинни сулоласи тарихи мунтазам равишида фойдали, ҳақиқий ишга пул тикишига бориб тақалган. 1818 йилда Кузнецовлар Гжелдан унча узоқ бўлмаган жойда чинни заводи қуришини бошладилар. Бу жой тасодифан танланмаган эди. Гжелда ишлаб чиқарии учун зарур барча нарса бор эди: ажойиб тупроқ ва ўрмон.*

1832 йилда Терентий Кузнецов Дулова шаҳрида завод филиалини очганида ҳам иш даромадли эди. 10 йилдан сўнг тиниб-тинчимаган “Чинничилар”да Ригада фабрика қуриши хаёлларига фикри келиб қолди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Кузнецовлар идии товоқ ишлаб чиқарилиши ўзига 50 миллион донага йиллик айланмаси эса 4 миллионни ташкил этди.

*Иш юришаётганини кўриб Кузнецовлар рақобатчилардан корхоналарни ҳамда бир йўла маҳсус технологияларни сотиб олишини бошладилар тез орада улар ҳар қандай харидорни қониқтира оларди. Улар деҳқонлар учун анъанавий фольклор безакларига эга арzon содда идиилар, шаҳарликлар учун соддалаштирилган “Зодагон” сервислари ишлаб чиқардилар. Кузнецовлар ассортиментида ҳаттотки шарқ ҳалқлари харидорлари учун ҳам маҳсулотлар бор эди. Рус чинниси Туркияга ва Эронга экспорт қилинарди. Ишлари гулаб-яшинаб кетди. Кузнецовлар пулни ҳақиқий даромад келтирадиган нарсага тикишиарди. Кузнецовлар империяси фаолияти сўнгида ўзида 18 та корхонани жам қилган бўлиб Россия бозорида етакчи роль ўйнарди.*

Режалар ва лойиҳалар билан қачонки мулк билан кўп йил иш олиб борган бўлсангиз шуғулланган маъқул. Шунда сизни сухбатлар, ваъдалар билан чалғитишнинг,

алдашнинг иложи бўлмайди. Тажриба ва амалиёт керак. Ҳаттоқи Америкада бизнес мактаби битирувчилари дарҳол ўз корхоналарини очмайдилар аввалига улар катта корпорацияларда ишлайдилар, зарурий билимларни эгаллайдилар. Шундан сўнггина бизнес оламига шўнғийдилар. Кўплаб бизнинг тадбиркорларимиз фойдали тажриба ортиргандан сўнг уни Ўзбекистонда ишлатиш учун аввалига чет элда ишлайдилар.

*Бир-бирига қарама-қарши фикрларга кўра барча Америкаликларнинг қонида тадбиркорлик мавжуд эмас. Мен Америка қўшима штатларидан Ўзбекистонга маъруза ўқишига келган икки нафар олимни учратганман. Улар кафедрада кам пул топаётганларини ректор уларни сиқувга олаётгани тўғрисида шикоят қилдилар. Мен уларга: “Ахир сизлар зўр йигитларсиз, сизларнинг ёзган китобларингиз ажойиб, Сиз америкаликларсиз, ақлли одамларсиз, ўз марказингизни очсангиз бўлмайдими” - деб айтдим.*

*-Нима деяпсиз, - хитоб қилишиди улар, - ахир унда биз кўп нарса йўқотамиз: Имтиёзлар, бепул хизмат сафари, кафолатланган нафақа.*

Америкаликлар ким ўз ишини очса ва фақат ўзи учун ишласа, ўша одамгина муваффақиятга эришади. Кўпчилик шундай йўл тутади, аммо шундай инсонлар борки, улар катта маошли иш топадилар ва ўз профессионал билимлари хисобига ўсадилар. Бироқ яна учинчи тоифа инсонлар ҳам борки, улар ушбу икки йўлни бирлаштирадилар.

*Менинг бир танишиим банк бошқарувчиси бўлиб, банк ҳудудида ўз ресторанини очди. Бошқа банк бошқарувчиси шаҳарнинг турли туманларида озиқ-овқат дўконларига эга.*

Кўплаб мансабдорлар шундай йўл тутади. Ахир уларда шахсий бизнес очиш учун пул, давлат кредити, танишлар бор. Таъсисчилар қариндошлари ва дўстлари бўлади.

Агар бошиданоқ иш яхши кетса, бу хотиржам бўлиб, фақатгина “қаймоғини йиғиши” дегани эмас. Бизнес худди ёш болага ўхшайди. Йилдан-йилга кўпроқ овқат ва кийим талаб қиласиди. Унинг таълими жисмоний кучининг мустаҳкамланиши учун мунтазам шуғулланиш зарур. Ўсаётган бизнес доимий пул тикишни талаб этади. Аввало у ҳақида ўйланг, сўнг бойишни ўйлайсиз. Худди генерал биринчи навбатда аскарларига ғамхўрлик қилганидек, бизнесмен ҳам биринчи навбатда ўз бизнесини ўилаши керак. Агар бизнесингизга пул керак бўлса, унинг бир тийинига ҳам тегманг. Давлат тўплаш учун сиз

ҳақиқий спарталик бўлишингиз керак. **Бизнесда энг асосийси капиталнинг миқдори деб ҳисоблайдиганлар нотўғри ўйлайдилар.** Ҳамёнингизнинг залворлилиги, капиталингиз айланиш тезлиги унданда муҳимроқдир. Агар пулларингиз бизнесда иштирок этмай шунчаки ётган бўлса, юз миллион пулингиз бўлган тақдирда ҳам улар фойдасизdir.

Агар фаровонликка эришишни истасангиз бизнесингизни истиқболда ривожлантириш учун фойдаланишингиз мумкин бўлган катта қисмдаги бўш маблағлар қолиши керак. Бунинг учун сиз ишлаб топилган пулларингиз миқдори билан сарфлаган пулларингизни солиштиришни ўрганишингиз лозим. Аммо аниқ амалларга киришишдан аввал ўз молиявий аҳволингизни холис баҳолашингиз керак. Қуйидаги саволларга вижданан жавоб беришга ҳаракат қилиб кўринг:

1. Ўз мулкингизни қандай баҳолайсиз?

- аъло;
- қониқарли;
- ёмон.

2. Даромадингиз қандай?

- аъло;
- қониқарли;
- ёмон.

3. Танишларингизнинг кўпчилик қисми:

- сиздан кўра бойроқ;
- сиз билан тенг молиявий шароитда;
- сизданда ёмон аҳволда.

4. Сиз тежсамкормисиз? Ойлик даромадингизнинг 10 фоизи ёки ундан кўпроқ қисмини жамгаришига тайёрмисиз?

- ҳа;
- баъзида;
- йўқ.

5. Пул ишлаб топши ҳақидаги билимларингизни қандай баҳолайсиз?

- аъло;
- қониқарли;

-ёмон.

6. Ҳозир мавжуд пулингизга қанча вакт яшай оласиз? Агар даромад олишдан тўхтасангиз?

— \_\_\_\_\_ ой;

7. Сиз ўз молиявий аҳволингиздан кўнглингиз тўқми?

Яхши бизнесмен оддий қоидага амал қилиши лозим: харажатлар даромадлардан ошиб кетмаслиги керак. Бироқ кўпинча бундай бўлмайди. Кўплаб фирмалар ушбу қонуннинг қанчалик тўғрилигини англамай, касод бўлишди. Бир танишим машҳур яҳудий миллионер шундай деган эди: “Агар қисқа муддат ичида инқирозга учрашни истасангиз дўйстларингизни фирманингизга ходим қилиб ишга олинг ва молиявий томондан назорат қилманг”.

Харажатлар даромадлар миқдоридан мустақил равишда мавжуд бўлаверади. Инсон ейиши, ичиши, кийим кийиши керак – бунинг учун эса пул тўлаш зарур. Ниҳоят қаердадир яшаши ва ухлаши керак. Бу яна энг паст даражадаги харажатлардир. Шундай қилиб, давлатга солиқ тўлаш ва ишлаб чиқариш даражасини ушлаб туриш учун уни кенгайтириш мақсадида сармоя киритишингиз ҳам лозим. Лекин харажатлар кўламишининг ошиб кетишига кўпинча пассивлар сабаб бўлади. Уларни сотиб олиш одатда тадбиркорликнинг эрта босқичида умумқабул килинган бизнесмен хулқ-автори моделига ўхшашга ҳаракат қилишдир. Аммо бу хатодир. Ҳақиқий бизнесмен тежамкор бўлиши керак. Унинг мақсади турли-туман нарсаларни осиб олиб устунлар ва шерлар билан безатилган, уч қаватли уйда яшаш эмас. Иккита тушунчани аралаштириб юборманг: сизнинг муҳим харажатларингиз ва сизнинг истакларингиз.

*Бир бадавлат шоҳ яшаган экан. Кунларнинг бирида мамлакати бўйлаб саёҳатга отланибди. Йўлда унга камбагал бир қария дуч келибди. Яқинроқ келиб қараса кўп йиллар аввал юрт кезиши мақсадида хуфёна тарзида саройни тарк этган отаси эканлигини кўради. Ҳурсанд бўлганидан шоҳ қашишоқлик кунлари тугаганини айтиб отасини унга қўшилишини сўрайди. Аммо отаси рад этади. Шунда шоҳ отасига ҳеч бўлмаса йўл ҳалтасини пулга тўлдириб бершишини сўрайди. Бироқ йўл ҳалтани олтинга тўлдиришига қанчалик ҳаракат қилмасин у бўшаб қолаверарди. Шунда унинг ичига яна икки қоп солишиди. Аммо фойдаси бўлмади. Ниҳоят шоҳ ўзида бор жами олтинни унга солади.*

*Бироқ у таслим бўлмади ва саройдан уч тия олтин олиб келишини буюорди. Бу олтинлар ҳам халтани ичидан изсиз гойиб бўлди. Шунда шоҳга кекса отаси шундай деди:*

*-Ўғлим бу фойдасиздир. Бу йўлхалта менинг истакларимдир. Мен бир умр уларни қондиришига ҳаракат қилдим. Бироқ уни уddyалай олмадим...*

Ҳақиқий бизнесменнинг мақсади – пул топиш мақсадида унга янги пул келтирадиган пул ишлаб топиш. Ҳақиқий бизнесмен катта маблағларни шубҳали нарсаларга сарфламайди. Худди ўн, ўн беш йилдан сўнг темир-терсакка айланадиган қиммат машина сотиб олиш ёки худди шу каби бошқа тез бузиладиган маҳсулот харид қилиш каби. Шунинг учун ҳақиқий бизнесмен тежамкор бизнесмендир. Унда ортиқча пассивлар бўлмайди.

Харажатлар ошибб кетмаслиги учун бюджетни режалаштиришни билиш керак.



**Қандай қилиб кўпроқ пул ишлаб топиши мумкин?** Шундай савол билан кўпчилик менга семинар вақтида мурожаат қилишади. Мен сизга даромадларингизни оширишда фойдаланишингиз мумкин бўлган ғояларни бераман.

**Биринчи ғоя** – ўз ишингизда тадбиркор бўлиши.

Бугун дунёда кўплаб ривожланган компанияларда ишчилар ва раҳбарлар орасида тадбиркорликни сингдиришмоқда. Агар шундай компанияда ишласангиз ёки раҳбарингизни сиз очган пул манбаларидан сизга фоиз ажратишга кўндирангиз даромадингиз дарҳол ошади.

Эҳтимол, раҳбарингизда ҳали товарлар ва хизматлар билан қондирилмаган мижозлар рўйхати мавжуддир. Эҳтимол, сизнинг бўлимингизда берилган вазифаларни

шунчалик яхши уddyалаяптиларки, ишчиларда бошқа бўлимлардан қўшимча ишлашга вақт қолаяпти. Эҳтимол, раҳбарият тўлиқ фойдалана олмаётган қандайдир техника, етказиб бериш соҳаси, маркетинг тадбири ёки бошқа ўзига хос активлар мавжуд. Сиз ушбу активларни пулга айлантириш режасини ишлаб чиқишингиз ва раҳбариятга таклиф этишингиз мумкин. Ишдан ташқари вактда қўшимча ҳақ эвазига лойиха устида ишлайсиз ва ушбу активлардан максимал фойда ундира оларсиз. Қўшимча маблағдан ташқари бу иш сизга ҳақли равишда хизмат лавозимида кўтарилишингизга сабаб бўлар.

### *Иккинчи гоя – эҳтиёжни топниш ва уни қондириши.*

Американинг энг муваффақиятли ихтирочиси Томас А.Эдисон ўз таржимаи ҳолида шундай деган эди: “Мен барча нарсани одамларга нима фойда келтиришини аввал ўйлаб кейин ихтиро қилганман... Мен аввал дунёда нимага эҳтиёж туғилаётганини аниқлардим сўнг уни ихтиро қилишни бошлардим”. Кўрганингиздек инсон тарихидаги муваффақият қозонганларнинг аксарияти бозор талабини аниқлашарди ва уни қондириш ечимини топишарди, аммо кўпчилигимиз нима кераклиги ёки ҳатто нима мумкинлигига қизиқиб ҳам кўрмаймиз.

Агар сиз шахсий бизнесингизда ёки қўшимча ишдан кўп пул ишлаб топишни орзу қилсангиз қондирилмаган эҳтиёжни аниқланг ва уни қондириш воситасини топинг. Бу ноёб ёки ноодатий кўникумалар билан одамларни таъминлаш учун умумфирли маълум кишилар гурухи сайти бўладими, жамиятнинг талабларига жавоб берадиган янги маҳсулот бўладими хуллас, сиз тузишингиз мумкин бўлган бизнес ёки хизматга эҳтиёж доимо топилади. Бугунги кунда мавжудлиги одатий ҳол бўлиб қолган кўплаб ихтиrolар ва хизматлар “қондирилмаган эҳтиёжлар”дан пайдо бўлган. Бироқ ҳақиқат барибир ҳақиқатлигича қолади. Кимdir ўзи ёки бошқалар мухтоҷ бўлган нарсани аниқлаган ва биз бугун фойдаланаётган буюм ёки хизматни яратган.

Қандай эҳтиёжни аниқлашингиз мумкин? Улар атрофимизда жуда кўп. Фақат уларни дикқат билан кузатиш керак. Сиз ким эканлигингиз аҳамиятсиз – ёзги таътилда пул ишламоқчи бўлган коллеж талабасимисиз, бутун камчиликларни битказиш учун ойига 1 000 000 сўм айни муддао бўладиган уй бекасимисиз ёки ўз ишини кенгайтириш имкониятини излаётган тадбиркормисиз бунинг фарқи йўқ. Билингки эҳтиёж катта пул

ишлаб топишингизга ёрдам берадиган құдратли имкониятдир. Буни мисолда кўришингиз мумкин бўлган кишилар доимо топилади.

### **1- Қандай қилиб янги фикр Майкл Миллионерга айлантироди?**

1980 йилда этикетка сотувчи фирма агенти Майкл Миллионрга ойига қўшимча юз доллар зарар қиласди. Фирманинг энг йирик мижозларидан бири ажойиб таом тайёрлайдиган TGI Friday's ресторанлар тизими эди. Уларга омбордаги маҳсулотларни белгилашнинг ишончли усули керак эди. Мақсад ишчилар тез бузиладиган маҳсулотларнинг қайси бирини амал қилиш муддати тугашини билиб айнан ўшанисини биринчи навбатда ишлатиши тизимини йўлга қўйиш эди. Бу жараён маҳсулот айланмаси деб аталади. Майкл билан учрашувдан аввал улар ёпишма лента, маркердан фойдаланаардилар ёки девонхона моллари дўконидан рангли конфеттилар сотиб олишарди ва деворга чоршанба қизил билан белгиланган жадвал чизиб қўярдилар. Хўш, муаммо нимада эди? Шунчаки бу ёпиштириладиган қоғозларнинг ҳеч бири музлатгич камералари деворида яхши ёпишмас эди.

Шунда Майкл улар учун маҳсус паст температурага мослашган ҳар бирида хафта кунлари ёзилган рангли наклейкалар комплекти - Daydotsни ихтиро қилади. У TGI Friday's га бундай наклейкалар керак бўлдими, демак бошқаларга ҳам керак бўлиши мумкинлигини тушунди. Яқин орадаги барча ресторанларга маҳсулотини таклиф қилишни бошлади. Бироқ тез орада уларнинг барчасини таъминлаб бўлди, узокдагиларга етиб бориши эса қимматга айланарди. Майкл асосий ишини эса ташлай олмасди: ғоя билан-у, лекин ҳар куни қорин тўйғазиш керак-ку! “Уч нафар бола, ипотека, иккита машина учун кредит – ийӯқ мен ҳозир ишдан бўшаб, бутун вақтимни Daydotsга бағишлий олмайман. Чўнтағим бўм-бўш эди. Асосий ишимни ташламай маҳсулотимни бозорга олиб кириш учун миямни қотиришга тўғри келди. Ана шундан сўнг почта буюртмалари бўйича савдо қилиш фикри миямга келди”. Майкл хотинининг машинасини гаровга қўйиб 6 000 доллар олди ва битта саҳифага Daydotnинг хусусиятларини тушунтириб эълон тайёрлади ва пули етганича бир неча ресторанларга жўнатди. Бу биринчи жўнатмаси бўлишига қарамай, кўп буюртма тушди. Тўрт йил давомида хотини билан ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда кечқурунлари уйда ишлашди.

Ҳозир Майклнинг компанияси 3 миллион каталог жўнатади ва ҳафтасига 100 миллион Daydots ишлаб чиқаради. Шундай қилиб у ўз эҳтиёжини кўриб ва уни қондириш учун астойдил меҳнат қилди. Ўттиз йилдан сўнг Майклга 4 миллиардлик Fortune 500 компанияси таклиф билан мурожаат қилди ва Daydotshni 10 миллион долларга сотиб олди. Қўшимча бир неча юз доллар ишлаб олиш ва болаларни мактабни тугатишларига имкон бериш мақсадида очилган касаначилик корхонасидан бошланган иш Майклга катта бойлик келтирди. Майкл Миллиорн эҳтиёжни аниқлади ва уни қондириш учун ижодий ва иқтисодий йўл топди.



## **2-мисол. Биз, инсонлармиз.**

1990 йилнинг бошида эр-хотин Дистенфилдлар таваккал қилиб бир корхонага ишга киришди. Улар муваффақиятли тарзда давлат хизматида меҳнат қилишарди, бироқ қачонлардир ўзгариш бўлишини қаттиқ орзу қилишарди. Шундай қилиб, улар бозорни, барча маҳсулот ва хизматларни ўрганиб чиқиб зарурий хизматни топа олмадилар. Бу яхшигина пулга барча учун очиқ бўлган юридик хужжатларни тузиш идораси эди.

Умуман бунинг ажабланарли жойи йўқ эди. Ўша кунларда барча ўз қўлида минглаб доллар пулни ушлаб турарди. Бунинг ўрнига бир неча дақиқа кетказиб мураккаб бўлмаган хужжатларни расмийлаштириш мумкин эди. Тўғри тузилган банкротлик тўғрисидаги хужжат 1500 доллар, ажрашиш тўғрисидаги гувоҳнома 2000 дан 5000 долларгача туарди. Ҳамманинг ҳам бунга қурби етмасди.

Дистенфилдлар оддий инсонларга хизмат кўрсатадиган 399 ва ундан кам долларга хукуқий шаклларни тўлдириб берадиган хизматни йўлга қўйиш ҳақида ўйлаб қолишиди. Юридик жараёндан сирлилик қопламасини олиб ташлайдиган ва инсоний тил билан унинг имкониятларини тушунтириб берадиган хизматни йўлга қўйиш.

Санта-Барбарада кичкина бир бинонинг биринчи қаватида Дистенфилдлар ғоясини рўёбга чиқаришни бошладилар. Шундай усулда, “Биз, инсонлармиз” компанияси вужудга келди. Ҳозир бу эр-хотиндан иборат гурухда 30 та штатда 150 дан ортиқ идора бор. Сўнгги ўн йилда улар 500 мингдан ортиқ мижозга яхши нархларда 60 турдаги хукуқий масалалар бўйича ёрдам бердилар. Эҳтиёжни топиб уни қондириш дегани мана шундай бўлади.

Нью-Йорк шаҳар кенгаши олдидаги “Биз, инсонлармиз” тўғрисида ижобий фикр билдирган мамнун мижознинг воқеаси бунга исбот бўла олади. Бу инсон бир неча кун давомида компанияни текширган ва билганларини Нью-Йорк мери Рудольф Жулианига ҳисбот беради. Мер оддий инсонларга арзимаган пулга юридик жараёнларни енгиллатишига мўлжалланган хизмат билан қизиқиб қолади. Энди у - “Биз, инсонлармиз”нинг шериги ва унинг номи фирмага умумий ишончни ошишига ёрдам бермоқда. “Биз, инсонлармиз” шундай гуллаб кетдики, яқинда Дистенфилдларга ниҳоятда жиддий инсонар гурухи фирмани янада юқори даражага кўтариш мақсадида уни сотиб олишни таклиф қилишди. Шундай қилиб, уларнинг жамият учун қулайлик яратиш мақсадида ташкил этган хизматлари минг баробар бўлиб ўзини қоплади.

Шунга ўхшаш эҳтиёжни шахсий ҳаётингизда ҳам кўряпсизми? Атрофингиздачи? Дунёда жавобга, таъминланишга, ҳал қилишга ёки бартараф этишга муҳтож саволлар, заруриятлар ва муаммолар борми? Агар маҳсус таклиф ёки хизмат мавжуд бўлса, бартараф этиш осонроқ бўладиган муаммо борми? Агар кимдир сизга услугуб ёки тизим тақдим этса, амалга оширишингиз осон бўладиган ишдаги шерикларингиз ёки

доираниздаги инсонлар билан умумий мақсадларингиз ёки фикрларингиз борми? Сизда мамнуният баҳш этадиган машғулот ва яна кўпроқ фойда келтириши мумкин бўлган ихтиро ёки хизмат борми? Шахсий ҳаётингизда нима етишмаётгани, уни енгилроқ ва бекаму-кўст                    қиласидиган                    нима                    етишмаётганига                    қаранг.



### **3-гоя. Янгича ва кенг фикрланг.**

Дейв Линижер RE/MAX асосчиси ва бош бошқарувчиси ёш бўлишига қарамай муваффакиятли риелтор эди, аммо одатдагидек 50 фоиз даромадини ўзи ишлайдиган фирма воситачисига беришга тўғри келаётганидан шикоят қиласади. Бироқ кенг фикрлашга одатлангани туфайли бошқа йўлини – уйларни яхшироқ сотиш ва ишлаб топилган пулни кўпроқ қисмини ўзига қолдириш усулини излашни бошлади.

Тез орада ойига 500 долларга ижарага берилаётган унча катта бўлмаган мустақил риелтор идорасига дуч келади. Бундан ташқари, унга қўшиб бир хизматчи ва ёлғиз, ишда етарли тажриба ортирган риелторларга ўзлари мижоз қидириб маркетинг билан шуғулланиш учун айрим хизматлар ҳам бунинг ичida эди. Албатта худди Дейв каби бундай риелторлар муваффакият қозониш учун обрўли фирманинг ёрдамига муҳтож эмасди. Аммо профессионал бошқариладиган риелторлик фирмаларидан фарқли равища бундай “ижара” идораларида кўзга кўринарли директорлар марка, кўптармоқли офисга ва харажатларини минглаб агентларга бўлиш имконияти йўқ эди. Бу эса бироз ноxуш ҳолат.

“Нима учун чатишма яратиш мүмкін әмас? – ўйлади Дейв. – Агентларга күпроқ мустақиллік ва 50 фоиздан ортиқ даромадни қолдириб, шу билан биргалиқда керакли ёрдамни берадиган фирма очиш мүмкін-ку?”

Шундай қилиб, RE/MAX пайдо бўлди. Девийнинг кенг фикрлаши ва келажакни кўра билиши ҳамда бошлангич 5 йил давомида қандай қилиб бўлмасин омон қолиш истагининг мустаҳкамлиги туфайли. RE/MAX 50 та мамлакатда ишлайдиган 92 000 агентдан иборат улкан, тез ривожланаётган риелторлик тармоғига айланди. Кўшимча харажатлар бу ерда назорат қилинади, барчага бўлинади, инсонлар катта ташкилотнинг бир қисми ҳисобланади, аммо ўз рекламасини ўзи олиб бориш ва барча харажатларни чегириб ташлагандан сўнг қанча маблағ ўзига қолиши бўйича мустақиллигини саклаб қолади.

Модомики, Лини Жернинг янги гояси минглаб риелторлар талабига жавоб бериб қаттиқ меҳнат, қатъият ва эҳтирос ҳамроҳ бўлган экан орзу йилига миллиард доллар даромад келтирадиган бизнесга айланди. Агар сиз янгича ва кенг қўламда фикрлашни истасангиз қанчалик баланд чўққига чиқишингиз мумкинлигини тасаввур қилинг.



#### **4-гоя. Интернет орқали бизнес билан шугулланинг.**

Бугунги кунда интернет орқали бизнес билан шуғулланиш жуда осон: ҳаттоқи асосий ишдан чалғимасдан ҳам бунинг имкони бор. Сиз тор доирадаги бозор талабини

аниқлаб уни қондиришингиз мумкин, шунда ҳам бутун дунё бўйлаб минглаб ва ҳатто миллионлаб манфаатдор инсонлар билан иш кўришингиз мумкин.

Жўнатиш учун на қути, на конверт талаб этиладиган. Сиз электрон китоблар, аудио файллар, таъминот дастурлари, дарслик, машғулот материаллари, маҳсус ҳисботлар ва маърузалар, амалий тавсия курслари ва бошқа информацион маҳсулотларни сотишингиз мумкин. Бошқа нарсалар ҳам сотсангиз бўлади. Бу ҳам мураккаб эмас масала фақатгина ким нимага муҳтожлигини аниқлаш, бу инсонлар билан қандай боғланиш, таклиф этилаётган маҳсулотни сотиб олишга қандай кўндириш.

Бундан ташқари, энди интернет етарли даражада ривожланган бозордир. Юзлаб сайtlар, информацион бюллетенлар ва клублар - agar сайт эгаларига фоиз таклиф қилсангиз ёки шўъба дастури созлай олсангиз сизга мижоз бўлиши мумкин бўлган - обуначилар, ташриф буюрувчилар ва аъзоларга эгалар. Интернет орқали савдо бозорини топишни ўрганиб олишингиз билан бошқа инсонларнинг ҳам маҳсулотларини сота олишингиз мумкин. Бир инсон маҳаллий заргарга келиб тақинчокларни интернет орқали сотиш фикрини сўради. Заргар бу ҳақида ўйлаганини аммо бу масала билан аниқ шуғулланиш учун бўш вақти бўлмаганини айтди. Шунда ҳалиги киши даромаддан маълум фоиз эвазига сайт яратиб сотувни йўлга қўйиб беришни таклиф қилди. Заргар бажонидил рози бўлди. Иш ҳар иккаласи учун ҳам муваффақиятли бўлиб чиқди.

Бир талаба университетдаги тибиёт факультетида таълим олиш учун оилавий харажатларини қоплаши учун интернет бизнес яратишга қарор қилди. StoresOnline.com ёрдамида сотиши мумкин бўлган маҳсулотни қидирди ва сийдикдаги наркотик моддасини дарҳол анализ қиласидиган восита топди. Кейинчалик алкоголь ва ҳатточи бошқа наркотик моддалар бўйича ҳам булар каторига қўшилди. Ҳозирда унинг даромади 100 минг доллардан зиёдроқ. Биринчи ойда унга бор-йўғи бюортма тушди кейинги ойда кутганларидан яхшироқ маблағ ишлаб топишиди. Ҳозирда эса уларнинг даромади рафиқаси билан болалари уйда ўтириши ва унинг ўқишни давом эттиришига етади. Интернет бизнес туфайли унинг деярли қарзлари йўқ. Пулни етказиш учун фақатгина талабалик судасига қараб қолган жойи ҳам йўқ.



### **5-гоя. Тармоқли маркетинг.**

Маҳсулот ва хизматларини тармоқли маркетинг орқали сотаётган минглаб компаниялар мавжуд. Соғлиқ ва тўғри овқатланиш маҳсулотлари, косметика, ошхона идишлари, ўйинчоқлар, ўқув материаллари, телефон хизматлари ва ҳаттоқи арzon ҳукуқий ва молиявий хизматлар -истаган турини топиш мумкин. Интернетда озгина вақт изласангиз чексиз имкониятлар топишингиз мумкин. Кўпчилик инсонлар катта даромад топишни йўлга қўйган. Албатта уларнинг даражаси оддий ҳолат эмас балки истисно ҳолатдир. Аммо миллионлаб инсонлар тармоқли маркетингда иштирок этиб асосий маошларига минглаб долларлар қўшишмоқда ва миллионерга айланмоқда. Сўнгги статистик маълумотларга кўра АҚШда 90-йилларнинг ўртасидан буён тармоқли маркетингнинг ўзидан 100 000 миллионер етишиб чиқсан.

Тўғри кўплаб тармоқли маркетинг компаниялари тезда тугаб қолаяпти ёки ноқонуний ишлайпти, маҳсулотларини мамлакат қонунчилигини бузиб олиб кирайпти. Энг қўрқинчлиси улар ёлғон йўллар билан, эски хужжатларни ёки қонунга тўғри келмайдиган қоғозлар билан уларга ишонадиган инсонлар гуруҳини жалб қилмоқда. Кейин маълум бўлишича, компания ноқонуний ишлаётган бўлиб чиқаётган бўляяпти. Ахир инсонлар, етакчилар орқасидан боргандилар, уларга ишонгандилар, тармоқли маркетинг ғояларига умид қилгандилар. Ўзларининг шахсий манфаатларини “етакчилар” тармоқли маркетинг ғояларидан устун қўйишмоқда. Шунинг учун унга киришдан аввал маҳсулотлари ишончлилиги ва фаолиятининг қонунийлигига ишонч ҳосил қилинг. Бозорда кўп йиллардан бери ишлаётган катта обрўга эга компанияни топинг,

маҳсулотларини сотиб олинг, таътиб кўринг, ёкиш-ёқмаслигини текширинг. Харидорларга яхшилик тилаб маҳсулотга меҳр қўйиб сиз ўз тармоғингизни яратиб яхшигина пул ишлаб топишингиз мумкин. Жуда катта имкониятларга эга савдо фаолиятлари тури унчалик кўп эмас, яъни озгина пул тикиб катта даромад олиш мумкин бўлган турларини назарда тутмоқдамиз. Ҳозир Ўзбекистонда ҳам молиявий заводхонлик, ижодий тасавур ва интуицияни ривожлантириш ва шахсий ўсиш бўйича таълим берадиган тармоқли компаниялар ҳам мавжуд. Сиз улар ҳақида [www.xonniyoz.uz](http://www.xonniyoz.uz); [www.pouga.com](http://www.pouga.com) сайтларида билишингиз мумкин.

Пул шундай хусусиятга эгаки ўзи қаттиқ қадрлаган инсонига томон интилади. Кучингизни қаерга йўналтиришга қарор қилишингиздан қатъи назар энг асосийси иш берувчига, мижозларга ёки харидорларга иложи борича фойдали бўлишдир. Бунинг учун уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, улар муҳтож бўлган қўшимча хизматлар кўрсатиш ва маҳсулот етказиб бериш керак. Эҳтимол, ниманидир ўрганиш, янги қўнималар ортириш, муносабатларн кенгайтириш ёки кўпроқ вақт сарфлаш лозим бўлади. Бироқ нимани қандай яхшироқ бажариш жавобгарлиги тўлигича сизнинг бўйнингиздадир. Ўзингизни, билим ва маҳоратингизни такомиллаштириш имкониятларини изланг. Агар танлаган йўлингизда илмий даражা ёки қандайдир диплом шаҳодатнома керак бўлса бекордан-бекорга бу ҳақда муҳокама қилишни бас қилинг ва бориб бунга ҳам эгалик қилинг.

Даромадлар сизга қувонч бағишлиши, молиявий ишонч бериши ва етарли бўлиши учун манбаи бир нечта бўлиши керак. Шунда уларнинг бирортаси куриб қолса – одатда асосий иш, - сиз умуман пулсиз қолиб кетмайсиз. Менда доимо бир нечта даромад манбаи бўлган ҳаттоқи цехда оддий уста бўлган пайтимда ҳам заводдаги мусиқа гурухига раҳбарлик қиласадим касб танлаш кабинетида ишчилар учун ўқув семинарларини олиб борарадим.

Сиз ҳам қўплаб қўшимча даромад йўлларини топишингиз мумкин, фақат излаш лозим. Бу истаган иш бўлиши мумкин: дам олиш кунлари юқ машинангизда ахлат ташиш, қўшимча дарс ўтиш, мусиқа дарси, кўчмас мулкка сармоя киритиш, интернет орқали савдо. Бундай имкониятларни адоги йўқ. Агар сиз китобсевар бўлсангиз ўқилган китобларингиз шарҳи киритилган сайт яратишингиз мумкин. Amazon-сом ресурси билан алоқа каналини йўлга қўясиз ва у сизга каналингиз орқали сотилган ҳар бир китобдан

фоиз тўлаши мумкин. Шунингдек, санъат ашёларини сотиб олиш ва сотиш бунга мисол бўлади. Асосий фаолияти маъruzачилик бўлган бир киши шарқ санъатини севади. Йилига икки марта Хитой ва Японияга боради ҳамда санъат ашёларини арzon нархда сотиб олади. Ўзига ёққанларини қолдиради қолганларини яхшигина фойда эвазига ўзи “тарбиялаган”, сони ошиб бораётган коллекционерларга сотади. Сафар натижасида шахсий коллекцияси текинга тушади, шунингдек яхшигина даромад келтиради. Мен ёзги таътилда эски Хитой мебеллари билан худди шундай йўл тутадиган мактаб директорини танийман. Сўнг уларни уйида ёки гаражида сотиб юборади. Рафиқам 20 йилда бери тўқиши билан шуғулланадиган устоздан тўқишини ўрганяпти бу аёл фақатгина таълим бермайди, балки фирмага эга. Унинг ва шогирдларининг маҳсулотини машхур йирик дўконлар ва маҳаллий бутиклар сотиб оладилар.

Бир неча даромад манбайнини ташкил этишда иложи борича камроқ вақт ва бошланғич капитал талаб этадиганларига эътибор қаратинг. Ахир сизнинг асосий мақсадингиз - барчасини шундай йўлга қўйиш керакки қачон ва қаерда истасангиз ўша ерда ишлаш ва яхшигина дам олиш учун танаффус уюштира олиш. Агар оқимлар сони жуда кўп ва улар ҳаддан ташқари сочма бўлса, сиз асосий даромад манбайнингизни йўқотишингиз мумкин. Буларнинг барчаси ҳакида, пул оқимлари, кўплаб бизнеслар ва ҳаётдаги мавжуд сув ости тошлари тўғрисида батафсил равишда бизнинг “POYGA” молиявий ўргатувчи ўйинда иштирок этиш орқали танишишингиз мумкин.

Аксарият кишилар катта пул ишлаб топишни бошлашади, жуда муҳим қоидани унутиб қўйишади: **“Кўп топиш учун кўп сарфлаш керак”**. Худо йўлида ўн фоиз даромадингиздан беришингиз энг ишончли гаров ҳисобланади (мусулмонларда даромадининг 1/40 ёки 2,5%). Бу қоидани кўпгина сармоядор бойлар муваффақиятли бажаришмоқда. Сиз ҳам мунтазам равишда пул ажратиб доимий мўл-кўлчилик келтирувчи космик кучни ишга солишингиз мумкин. Бу пуллар фақатгина олувчига эмас биринчи навбатда берувчига фойда келтиради. Астойдил эҳсон қилиш Худонинг марҳамати билан маънавий яқдиллик пайдо қиласи ҳамда қалбда инсонларга ва Яратганинг барча жонзорларга меҳр уйғотади. Ўндан бир қисм - Худонинг ўз мавжудотларини мўл-кўлчиликка чўмдириш иродасидир. Ахир, сиз қанчалик муваффақиятли бўлсангиз, шунчалик кўп нарсангизни бошқалар билан баҳам кўра оладиган

олам учун кўргандай бўласиз. Алоҳида инсоннинг фаровонлиги ошиши умум жамиятнинг фаровонлиги ошгани далилидир.

Улар иккита. **Пулли эҳсон.** Номидан ҳам маълумки даромадингизнинг 10% (2,5%)ни масжидга ёки маълум бир хайрия тадбирига ажратиш назарда тутилади.

**Мехнат эҳсони** - бу сиз ўзингиз бегараз тарзда масжидга ёки хайрия ташкилотига ёрдам беришдир. Айни дамда фақатгина АҚШнинг ўзида кўнгиллиларга муҳтоҷ 18000 зиёд шундай ташкилот мавжуд.

Бир машҳур тадбиркор, исмини айтиш шартмас, ўндан бир қисмини ҳар доим ҳам бермасди. Бироқ барчасини йўқотиб бутунлай таназзулга учраш арафасида ўзига ўзи шундай деди: “*Тўхта. Ахир мен бой эдим. Бой бўлиш соҳасида машъала деб ҳисобланардим ва доимо бошқа инсонларни бунга ўргатардим. Буларнинг ҳаммаси қаерга йўқолди? Қаердадир хато қилдим*”. Охир-оқибатда бойлигини қайта тиклади, аммо ўзи учун қимматли дарс олди: “*Ўндан бирини беришнинг қудратига ёки ишонасан, ёки йўқ. Агар ишонсанг, марҳамат қилиб ҳар ҳафта ҳафталик даромадингдан ажрат*”- дерди у ўз ўзига. Буни англаб етганидан сўнг оғишмай бу қоидаги амал қилди ва бирданига унинг олдида бутун олам ўз эшикларини очди. Катта қарзлари бўлишига қарамай, бор нарсаси учун тақдирдан миннатдор эди. Тез орада янги имкониятлар эшикларини кенг очди. Унинг айтишига кўра ҳозир унда имкониятлар шунчалик кўпки уларнинг барчасидан фойдаланиш учун 10 та ҳаёт ҳам камлик киларкан. Ўз мисолида бошқаларни ўндан бирини беришга руҳлантириб келади.

Бир аёл устозимга: “Биз эрим иккаламиз ўндан бир қисмини ҳеч ҳам берга олмаяпмиз. Зўрға ипотека кридитини тўляяпмиз, ойига яшаш учун 2000 доллар қолаяпти, баъзи пайтлари ойнинг охиригача зўрға кун кўраяпмиз”- деб шикоят қилди. Устозим уни огоҳлантириди: “*Ўндан бирини бирор нарсага эга бўлиш учун эмас, эга бўлганликлари учун берадилар, сизларнинг эса у сиз ҳам омадингиз келган. Тақдирни қилган яхшилигига, яхшилик билан жавоб беришнинг доимо бирор усулини топиш мумкин. Ер юзида 7 миллиардга яқин инсон яшайди, улардан истагани сизнинг ўрнингизда бўлиб қолишни истарди. Ўндан бирини тақдир сизга берган имкониятларига, баҳтига ва неъматларига миннатдорчилик сифатида қайтарилади.*” Устозим ўндан бирини бериб ҳеч

нарса кутмайди чунки самодан барака ва марҳамат унга аллақачонлар ёғилганини тушунади. У олгани учун беради.

Пул бу гүнг. Агар уни дала бўйлаб бир хил тенг миқдорда сочсанг яхши ҳосил оласан. Агар бир жойга тўдалаб қўйсанг бадбўй ҳиддан бошқа нарса олмайсан. **Барчага маълумки - баҳам кўрилган қувонч кўпаяди, баҳам кўрилган қайгу камаяди.** Бу нарса муввафакият ва бойликка ҳам тегишли: Бўлишсангиз ишингиз бароридан келади муввафакиятлар кўпаяди, оқибатда ҳар ким ўз фойдасига эга бўлади.



***Бизнес соҳасида таълим олинг.***

- 1) Бир нечта брокерлар билан учрашиб туманингизда бизнеснинг қайси турлари яхши ривожланаётганини суриштиринг. Савол бериш ва тинглаш қобилияти орқали қанчадан-қанча маълумотга эга бўласиз.
- 2) Тармоқли маркетинг семинарига ташриф буюриб ушбу бизнес тизим ҳақида билиб олинг (мен ҳеч бўлмаганде учта турли тармоқли маркетинг компанияси устида тадқиқот олиб боришингизни тавсия қиласман).
- 3) Қандай франшизалар ва бизнес тизимлар қўлланилаётганлигини кўриш учун туманингиздаги бизнес бўйича семинарлар ва савдо кўргазмаларига ташриф буюринг.
- 4) Бизнес бўйича газета ва журналларга обуна бўлинг.

## **II- қисм: Молиявий эркинликка қандай әришиш мүмкін?**

### **9-боб: Қайси нарсага әтъиборингизни қаратсанғыз үша нарсага әга бўласиз!**

Агар бойишга интилсанғызу, аммо пулни қадрламасанғыз бойиб кета олмайсиз. Бойликнинг ўзи сиз томон интилишига ҳаракат қилинг. Агар интилиш оташи ичингизда ёнмаса, бойлик сизни ташқи томондан қамраб олишини кутмасанғыз ҳам бўлади. Бойликка әришиш учун мақсаднинг аниқ бўлиши муҳим. Айтганимиздек дикқатингизни нимага қаратсанғыз, ҳаётда үша нарсага әришасиз. Бу қоида янги иш, бизнесни кенгайтириш, мукофот олиш, айниқса, бойликка әришиш ва бадавлат инсон турмуш тарзи билан яшашга тааллуклидир.

Бой бўлиш учун биринчи навбатда онгли қарор қабул қилиш талаб этилади. Мен институтда, иккинчи курс талабаси бўлган вақтларим йиққан пулларимга Волга дарёси бўйидаги шаҳарларни кемада томоша қилишга борганимда бой бўлишга қарор қилган эдим. Бу саёҳатга қадар “бой бўлиш” дегани нимани англатишини яхши тасаввур қила олмасдим. Шунда мен ҳаётда истаган қўп нарсаларимга - саёҳат қилиш, истаган мамлакатга бориш, мақсадларга әришиш, истаган ишим билан истаган пайтимда истаганимча шуғулланиш - бойлик туфайли әриша олишимни тушундим.

Агар сиз бойишни истасанғыз, - бунинг имкони борми, йўқми, буни ўйламай - чин дилдан бунга қаттиқ қарор қилишингиз керак. Энди бойлик сиз учун нимани англатишини аниқлаб олинг. Айнан қанча пулга эга бўлишни истайсиз, таъсаввур қила оляяпсизми? Дўйстларимдан баъзилари миллионер бўлиб нафақага чиқишини истайдилар. Бироқ баъзиларга миллионнинг ўзи кифоя қилса, бошқаларга 30 миллион, 100 миллион доллар керак. Сўнгилари супер бой бўлишга интиладилар, чунки бу уларга кенг кўламдаги хайрия ишлари билан шуғулланиш имкониятини беради.

Агар сиз ҳали таасавурларингизни, айниқса молиявий мақсадларингизни аниқлаштириб олмаган бўлсанғыз, бунинг вақти келди. Устига-устак қуйидагича ёзма равища:

*Менинг йиллик соғ фойдам \_\_\_\_\_ доллар бўлади.*

*Мен кейинги йилли \_\_\_\_\_ доллардан кам пул ишилаб топмайман.*

*Мен ойига \_\_\_\_\_ доллар жамғараман ва сармоя киритаман.*

*Мана қандай янги молиявий кўниkmани мен ҳозироқ ишилаб чиқшини бошлиман \_\_\_\_\_.*

*Қарздорлик бўлмаслик учун, мен \_\_\_\_\_.*

Ҳаёtingиз орзуси сизга қанчага тушишини ва оқибатини баҳолаб олинг. Бойликка эришиб бугун ва келажакда қандай ҳаёт кечиришни исташингизни аниқланг.

Ҳозирги ҳаёtingиз ўтмишдаги фикрларингиз ва амалларингиз натижасидир. Яқинлашиб келаётган ҳаёт бугунги фикрларингиз ва амалларингиз натижаси бўлади. Ҳаёtingиз бир-икки йилдан сўнг сиз ҳозир истаётгандек бўлиши учун сизга қанча пул кераклигини ҳал қилинг. Бу ишлардан четлашгач орзунингизни рўёбга чиқариш учун ҳам шунча пул кераклигини англатади. Агар билмасангиз, кейинги йили сиз олмоқчи ва қилмоқчи бўлган жами нарсалар қанчага айланишини хисобланг. Бунга ижара тўлови ёки ипотека, овқат, кийим, тиббий хизмат, машиналар, коммунал тўловлар, таълим, таътил, истироҳат, сугурта, жамғарма, сармоя ва хайр-саҳоватни киритиш мумкин. (Бутун Ўзбекистон бўйлаб бизнинг ташкилотда “Шахсий молиявий режа” тузишни батафсил ўрганишингиз мумкин. [www.xonniyoz.uz](http://www.xonniyoz.uz) сайтидан зарур маълумотларни олинг.) Ҳар бир буюм ва ҳаракатингизни тасаввур қилинг, буларнинг барчасини рўёбга чиқариш учун қанча сарфлаш кераклигини ёзиб чиқинг. Ажойиб ресторанларда овақтланаётганингизни, орзунингиздаги автомобиль рулида ўтирганингиз, орзунингиздаги жойда таътилни ўтказаётганингизни, орзунингиздаги уйга кўчиб ўтаётганингизни тасаввур этинг. Онгингиз буларнинг барчаси хомхаёл деб қабул қилишига йўл қўйманг. Орзунингиздаги ҳаёт қанчага айланишини хисоблаб аниқ билиб олинг.

Нафақага тайёргарлик кўра туриб воқеликка ҳақиқат кўзи билан қаранг. Нафақага чиққач, ишламай ҳозирги турмуш тарзингизни давом эттириш учун қанча пул зарурлигини аниқланг. Мен, масалан, 80 ёшгача ишимини тарқ этмоқчи эмасман. Сиз қачон ишинингиздан кетмоқчисиз? Агар ишни бутунлай тарқ этиш сизнинг режанингизда бўлса, нафақа даврида ойига 1000 доллар топиш учун сизга 230 000 долларни сармоя пули керак. Агар сиз миллион доллар пулни 6% ставка билан сармоя қилган бўлсангиз, бу сизга тахминан ойига 4300 доллар келтиради.

Бу пул сизга етадими йўқми бу бир қанча омилларга боғлиқ. Масалан уй қарзини узганмисиз, қанча одамга ёрдам беришингиз керак, турмуш даражангиз қандай бўлишини истайсиз ва х. Ҳар ҳолда агар ғайриодатий фаол ҳаёт кечиришни истасангиз, кўп саёҳат қилсангиз, ойига 4300 доллар бугун ҳам етмайди. Инфляция ҳисобига келажакда етмаслги аниқ.

Биринчи навбатда пулингиз қанчалигини ҳал қилинг. Кўпчилик инсонлар аслида пуллари қанчалиги ҳақида тасаввурга эга эмаслар. Масалан, мажбуриятларингизни чегириб ташлаганда мулкингиз қанчалигини биласизми? Жамғармангизда қанча пулингиз бор? Қарзларингизга қанча тўлайсиз ва йилига қанча пул фоизларга кетади? Сиз тўғри сугурталанганимисиз? Сизда молиявий режа борми? Кўчмас мулк режасичи? Васиятнома? У тахрир қилинганми?

Агар бойиб кетишни истасангиз қайси молиявий босқичдалигинги, қайси босқичга етишмоқчи эканлигингизни ва бунинг учун нима қилиш лозимлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингиз лозим.

### **1-босқич: Мажбуриятларингиз чегирига мулкингизни аниқлаб олинг.**

Агар сиз ҳали буни билмасангиз, унда:

1. Молиявий маслаҳатчи чақириб ҳисоблаттиришингиз мумкин.
2. Молиявий саводхон ва мустақил бўлишни истайдиган оддий инсонлар учун молиявий хизматлар ва маслаҳатлар тақдим этувчи (Бизнинг “POYGA” номли ташкилотимиз сингари) ташкилотларга аъзо бўлинг. У ерда молиявий режа мутахассиси одатда талаф этадиган нархдан камроқ нархда мулкингиз қийматини аниқлашга ёрдам берадилар.
- 3.”Шахсий молиявий ҳисбот” сингари маҳсус дастурга эга бўлинг.

### **2-босқич: Нафака даврида нима сизга керак бўлишини аниқлаб олинг.**

Энди нафақага чиққанда қандай молиявий эҳтиёжларга эга бўлишингизни хисобланг. Унумтманг, нафақага чиққанда энг аввало сизга молиявий мустақиллик зарур. Молиявий режалаштириш бўйича яхши мутахассис ишлаш заруриятисиз турмуш кечириш учун етарли фоиз, дивиденд, даромад, муаллифлик ажратмалари олиш учун қанча жамғарма ва сармоя керак бўлишини айтади.

Молиявий мустақиллик кўнглингизга ёқкан иш билан шуғулланиш, саёҳат қилиш, хайр-саҳоват билан шуғулланиш – истаганингизни қилишга имкон беради.



### **З-босқич: Нимага қанча сарфлаётганингизни аниқланг.**

**Бугунги авлод ва иқтисодиётнинг биринчи раками мувоффик молиявий саводхонликнинг етишимаслиги. Кўпчилик ҳақиқатдан ҳам бир ойда қанча пул сарфлаётганини билмайди. Агар харажатларингизни ҳеч қачон хисоблаб кўрмаган бўлсангиз, аввалига доимий харажатларингизни ёзинг:**

- Ипотека бўйича тўловлар

- Автомашинага
- Ссудаларга
- Сүғурта бадаллари
- Ижара тўлови
- Кабел телевидениесига, интернетга, фитнес-клубга ва бошқа барча тўловлар.

Кейин ўзгарувчан харажатларни ярим йил учун ўртача хисобланг, айнан: коммунал хизматлар, телефон харажатлари, озиқ-овқат, кийим-кечак, машина харажатлари, тиббий хизмат ва бошқалар. Нихоят бир ой давомида катта-ю кичик харажатларингизни, машина бензинидан тортиб ичган қаҳванингизгача ёзиб боринг. Ой охирида нимага қанча сарфлаётганингиз ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлинг. Караб чиқинг нимага ҳақиқатдан ҳам муҳтожсиз ва нимани олиб ташласангиз бўлади. Бу ишингиз ортиқча харажатларни қисқартиришга ёрдам беради, агар улар мавжуд бўлса.

#### **4-босқич: Молиявий саводхонликни ўрганиши.**

Афсуски, дунёning ҳеч бир ерида, на бирор мактабда, на бирор бошқа ўқув муассасасида шахсий молиявий режа тузиш ва молиявий саводхонликни ўргатишмайди. Молиявий саводхонликни ўрганиш ва ўз молиявий фикрлашувини ўзгартириш учун инсонга кўп вакт ва меҳнат керак бўлади. Сиз нафақат молиявий мақсадларингизни кўриб чиқиб, ҳар ойда харажатларингизни назорат қилиб, пулингиз ҳаракатини диққат билан кузатишингиз лозим, балки молия ва сармоя тўғрисида кўпроқ нарса билишингиз керак. Шунинг учун мен кейинги йили ойига ҳеч бўлмагандан молия бўйича битта яхши китоб ўқишингизни тавсия қиласман.

Молиявий саводхонликка элтувчи бошқа йўл – соғлом молиявий келажак қуришингиз учун пул билан муомала қилишни ўргатадиган мутахассисларни топиш. Сиз пулни фоиз келтирадиган акция ва облигацияларга, ижарага бериб нақд пул олишингиз мумкин бўладиган кўчмас мулкка тикишингиз мумкин.

Демографик портлаш даврида туғилған ва ҳозир эллик ёшда бўлғанларнинг барчаси каби Улуғбек ва Волида ўзлари учун фаровон ва тўқ ҳаётни барпо этиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмаган. Уларнинг фикри ёлланиб ишлашга “дастурлаштирилган” бўлиб, ҳар иккаллари ҳам астойдил меҳнат қилиб пул жамғаришарди. Нотўғри пул тикиш эвазига пулларининг деярли ярмини йўқотганларидан сўнг, улар яхшироқ йўлларни излай бошладилар. Шунда улар “Хусусий капитал” деб аталган, молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотга аъзо бўлиб, таклиф этилган курс бўйича шуғулланишни бошлишди. “Ўтмишдан қолган бойлик сирлари” китобини ўқиб чиқиб ҳамда ”POYGA” ўйинини ўйнаб улар молиявий тушунчалар бўйича фикрларини ўзгартиришди. Кўчмас мулкка пул тикиш фикрига ўтишди. Улар риелтор хизмати билан боғланиб ёз мавсумида маълум бир мулкни харид қилдилар. Икки йил ўтгач бир нечта уйга эга бўлдилар, уларни ижарага бериб яхшигина даромад олишмоқда. Ундан ташқари автомашина сотиб олиш бўйича даромадли агентлик ва қандайдир уй бизнеслари ҳам бор. Мана шу тарзда, истаганлари ва вақт, пул топиб молиявий саводхонликка тикканлари, қоидаларни амалга татбиқ этганлари эвазига ҳаётлари буткул ўзгарди ва энди ҳеч қачон аввалгидек бўлмайди.

*Куйида инсонларни (нафақат молиявий) бойлик билан қандай муносабатда бўлишига ўргатувчи, ишилаб чиқилган модель келтирилган. Унда келтирилган диаграммани кўриб чиқиб тўрт турдаги турли активларга (имтиёзга) эга эканлигинизни кўрасиз.*

### ***Бойликни кўпайтириши ва барқарор сақлаши тизими***

*Активларни оптимальлаштириши*

**Инсоний “активлар”  
Такомиллашиш/севиши**

Оила Соғлиқ Маънавият  
Бахт Хотиржамлиқ Этика  
Ахлоқ Феъл-атвор Маънавий қадриятлар  
Фақатгина сизга хос қобилияtlар  
Одатлар Келажак Мерос

**Интеллектуал активлар  
Англамоқ/ўрганмоқ**

Заковат Расмий маълумот  
Ҳаётий тажриба  
(ҳам ижобийси ҳам салбийси)  
Обрӯ Қоидалар Гоялар  
Ўзаро муносабатлар Анъаналар  
Муносабатлар Кўникмалар Истеъдод

Бойликни  
кўпайтириш ва  
барқарор  
саклаш  
тизими

**Молиявий активлар  
Капиталлаштириш/ишлаб топиш**

Нақд пул Акциялар ва облигациялар  
Пенсион режа Бизнес  
Кўчмас мулк Ҳаракатланадиган мулк  
Молиявий ва моддий мол-мулк

**Фуқаролик активлари  
Тикиш/ бериш**

Солиқлар Хусусий фондлар  
Молиявий, инсоний ва интеллектуал  
активларга катта маблағ

Танлов ва  
назорат

**Биринчи – бу сизнинг инсоний “активлар”ингиз.** Бунга оила, соғлик, феъл-автор, фақат сизга хос бўлган қобилиятлар, сизнинг маданий меросингиз, ўзаро муносабатларингиз ва одатларингиз, этикангиз, ахлоқингиз ва маънавий қадриятларингиз.

**Иккинчи – интелектуал активларингиз.** Бунга кўникмаларингиз, истеъдодингиз, заковатингиз, маълумотингиз, ҳаётий тажрибангиз, обрўйингиз, ишлаб чиқкан қоидаларингиз, ғояларингиз, мерос бўлиб қолган ёки жорий қилган анъаналарингиз, шу йиллар давомида яратган алоқаларингиз.

**Учинчи – молиявий активларингиз:** нақд пул, акциялар ва облигациялар, нафака учун жамғарилган пуллар, кўчмас мулк, бизнесингиз ва бошқа ҳар қандай мулкингиз (масалан ноёб буюмлар коллекцияси).

**Тўртинчи – фуқаролик активлари деб аталади.** Бунга фақат тўлайдиган солиқларингиз (улар орқали таъмирлайдиган хизматлар ҳамда инфраструктура) киради. Бунга сиз катта хайрия бадалларингиз орқали “бошқаларга жўнатадиган” солиқлар кириши мумкин. Агар супербойлар қаторига кирсангиз, хусусий фондингиз ҳам бўлиши мумкин.

Бадавлат оилаларда мана қандай савол бериш мумкин: “*Агар сиз фақатгина иккита секторни мерос қилиб қолдиришишингиз мумкин бўлганда қайси бирини қолдирган бўлардингиз?*” Барча бир овоздан **инсоний ва интелектуал активлар**, деб жавоб беради. Шу икки активга эга бўлиб ҳам уларнинг фарзандлари бойиб кетиши мумкинлигини тушунадилар, пулнинг ўзи билан бошқа активларсиз охир-оқибатда пул ҳам йўқотилади. Компаниямизда бизлар бой оилаларга мана шу модель бўйича таълим берамиз. Тўрттала секторда ҳам активларни тўлдириб, соддалаштириб кейинги авлодга беришни таълим берамиз.

Мен сизга келтирилган диаграмма бўйича келтирилган тўрттала секторни ҳам тузиб чиқиб оптималлаштириш ҳақида ўйлашни таклиф этаман. Агар бунинг уддасидан чиқсангиз, балансга келтирилган, барча нарсани қамраб олган ҳақиқий бойликни яратасиз

ҳамда пулда тегишли истиқболни қўра бошлайсиз. Ахир улар фақат янада юқорироқ чўққига эришиш воситаси холос.



### ***10-боб. Орзунгиз қанча туради?***

Тренингларимда шу саволни берганимда кўпчилик ўйламасдан туриб: ”Миллиард доллар. Юз миллион доллар.” – деб жавоб беради. Кимдир эса сал пастроқдан келиб: “Миллион доллар” - деб айтади. Улар бу рақамларни қанча кўп бўлса, шунча яхши қабилида осмондан олишади. “Орзуларингизни қандай ҳисобладингиз?” - деган кейинги саволимга келганларнинг бирортаси жавоб бера олмайди. Орзуни ҳисоблашнинг усулини қуидаги машқда келтираман. У ёрдамида орзунгиз қийматини баҳолашингиз мумкин бўлади.

Статистика бўйича инсонларнинг орзулари миллион долларга яқин туради. Ушбу миллион долларни биз нимага ишлатишни орзу қиласиз?



-Шаҳар маркази туманларида банк томонидан қурилган кўп хонали уй

- Чимён ёки Қибрай тоғларида дала ҳовли
- Сўнгги моделдаги жип ёки “Ласетти Шевролет”
- Бутун дунё бўйлаб саёҳат қилиш имконияти
- Кўнглилдагидек жамғарма
- Фарзандларининг ўқиши учун маблағ
- “Шахсий бизнес” (айнан қандайлигини аниқлашга қўпчилик қодир эмас) учун пул.

Шахсий бизнесга эга бўлмаганлар айнан шундай фикрлайдилар. Бизнесменлар учун корхоналари биринчи ўринда туради. Улар бизнесларини кенгайтириш ёки янгисини йўлга қўйиш учун пулга эга бўлишни орзу қиласидилар. Ундан кейингина бошқа нарсалар ҳақида ўйлай бошлишади.

Бизнесмен нимани орзу қиласи? Муваффақият ва эркинлик ҳақида. Генри Фордни эслайлик. Ахир воқелик унинг энг улкан орзуларидан ўзиб кетмадими? Генри Форд кичик шаҳарчада квадрацикл деб аталган митти механизмдан якка ўзи иш бошлаганди. Ҳозир Форд - машинадан кўра каттароқ ва қўпроқ маънони англатади. У космик парвозларни бошқариш, тиббиёт ва қаттиқ моддалар физикаси соҳасидаги тадқиқотлар,

шунингдек, бошқа кўплаб соҳалар бўйича марказдир. Бунинг сири нимада? Дўстларим менга асосий гап доимий иш ва янги ғояларда деб айтишади.

## 6-машқ

### **Орзуларингиз қанча туришини қандай ҳисоблаш мумкин?**

1. Аввалига барча истакларингизни ҳисоблаб чиқасиз. Уларнинг қанчалик даражада ҳаққонийлиги ҳақида ўйламанг.
2. Алоҳида турларга ажратиб чиққач, унинг тўғрисига тахминий нархини ёзинг. Барча орзуларингизни қийматда ифодалаб олинг: уйнинг, машинанинг, тўйининг, кийимнинг, қиймати.
3. Унумтманг нима бўлган тақдирда ҳам асосий капиталга тегманг. Шунинг учун энг катта харидоларни фақатгина бўлиб тўлаши шарти билан олинг. Энди кредит бўйича ойлик тўловлар қанчалик катталигини ҳисобланг. Соддалаштириши мақсадида кўчмас мулкни 120 ойга (10 йилга), боишқа харидоларга 50 ой (4 йилга) олишини тақлиф қиласиз.

Масалан, уйни 500 000 \$ га сотиб олмоқчисиз. Бу суммани 120 га бўлинг. Шунда сиз ойлик 41 666\$ бадал плюс 4 дан 6 фоизгача банк кредит устамасини оласиз.

Бундан ташқари, қиймати 60 000 \$ бўлган машинани сотиб олмоқчисиз. Бу суммани 50 га бўласиз ва ойига 1200 \$ кредитни ёпиши бадали билан бирга беши йиллик фоизига эга бўласиз.

Дейлик, сиз саёҳат қилишини яхши кўрасиз ва ҳар иили бир нечта сафарга чиқасиз. Уларнинг жами 5000 долларни ташкил этади. Бу суммани 12 га бўлсангиз 416,6 доллар чиқади. Бу уибу сафарлар тўлаши учун ҳар ойда тўлашингиз лозим бўлган пул бўлади.

5. Молиявий эркинликка (мустақилликка) эришгандан сўнг энди барча жорий харажатларни санаб чиқинг. Уларни сиз шунингдек, фоизлардан олган даромадингиздан тўлашини истайсиз. Молиявий хавфсизлигинизни режсалаштирганда санаб ўтган

харажатларга эътиборингизни қаратинг. Бирок кўркамроқ турмуши тарзида сизнинг харажатларинги анча ўсиши мумкин.

Шундай қилиб. Буларнинг барчасини тўлаши учун ойига капиталдан қанча фоиз даромад олишингиз керак.

<i>Орзулар</i>	<i>Қиймати \$</i>	<i>Ойлик харажатлар \$</i>
1.Уй	500 000 \$	41 666 \$+6% = 44 165 \$
2.Машина	60 000 \$	1 200 \$
3.Саёҳат	5000 \$	416,6 \$
<b>Жами:</b>	<b>565 000 \$</b>	<b>45 782,5 \$</b>

Орзуларингизнинг ҳар ойлик қиймати **45 782,5 \$** туради.

Энди ўзингизнинг ҳар ойлик оиласиди харажатларингизни белгилаб олинг:

- Овқат
- Уй хўжалиги
- Хизматкорлар
- Автомобиль
- Сугурта
- Солиқлар
- Телефон
- Таътил
- Майдо-чуйда харидолар
- Кўнгил очишлар
- Совгалар
- Малака ошириши
- Хайр-эҳсон ва муҳтожларга ёрдам
- Бошқалар
- Жорий харажатлар - жами:

Орзулар учун ҳар ойлик тўлов - жами: \_\_\_\_\_

*Молиявий хавфсизлигингизни таъминлаши учун ойлик бадал – жами\_\_\_\_\_*

*Ойлик сумма - Жами\_\_\_\_\_. Ҳисоблашга осон бўлиши учун доллар курсига ўгириб олинг.*

*Энди сиз яхши яшашингиз учун зарур суммани биласиз. Энди тилла тухумлар катталигини аниқлаб олгач, товуқнинг катталигини аниқлашингиз лозим. Йилига 8% дан келиб чиқамиз. (оига 0,67%). Сиз ҳар ойда ишлатишингиз мумкин бўлган суммани 150 коэффициентига кўпайтириши лозим.*

*Ойлик харажатлар истакларингизни (орзуларингизни) ҳисобга олган ҳолда \_\_\_\_\_ \$ x 150= \_\_\_\_\_ доллар.*

*Барча истакларингизни рўёбга чиқариб яшаши учун нимага муҳтож эканлигингизни биласиз.*

Барча инсонлар молиявий эркинликка инталадилар. Молиявий эркинлик нима? Қачон сиз ўзингизни молиявий эркин деб айта оласиз? Молиявий эркинлик - бу қачонки, ўз бизнесларингиздан даромад олсангиз, дивидендлар ҳисобига ишламасдан яшай олсангиз, қолган пулни эса сармоя қилсангиз. Агар ўзингиз учун жавоб топишни истасангиз, ўзингизга шундай савол бериб кўринг: “Молиявий эркин бўлиш учун ойига қанча пул топиш керак?”. Мана агар ойига шунча маблағ бўлса, мен молиявий эркин инсон бўламан. Масалан, 10 000 долларни олайлик. Энди уни 150 коэффициентига кўпайтиринг, шунда сиз молиявий эркин бўлишингиз учун сизга керакли бўлган сумма келиб чиқади.

$10\,000\$ \times 150 = 1\,500\,000 \$$

Агар бу суммуни йилига саккиз 8% билан сармоя қила олсангиз, йилига 120 000 \$ га эга бўласиз, бу рақамни 12 га бўлсангиз ойига 10 000 \$ бўлади.

Қачонки, бир ойда керак бўладиган маблағингизни 150 га кўпайтира олсангизгина молиявий жиҳатдан эркин инсонга айланна оласиз.



Агар сизда ҳозир ҳеч нарса бўлмаса? У холда молиявий ҳимояни 6 ойга тузиш керак. (кейинги бобда кўриб чиқамиз). Бу биринчи қадам, сўнг молиявий эркинликни таъминлаш учун кейинги қадамлар.

Доктор Дипак Чопранинг фикрига кўра эркинлик тўрт босқичли тушунча тарзида тақдим этилиши мумкин:

- 1-босқич:** “Нима истасам, қандай истасам қиласман” имконияти.
2. Моддий, ҳиссий, ақлий ва маънавий истакларимизни рўёбга чиқариш имконияти.
- 3-босқич:** Кишилар ёки шароит босими остида ҳаракат қилишдан қочиш имконияти.
- 4-босқич:** Ички сабаб туфайли тўғри қарор қабул қилиш, ички сабаб туфайли тўғри амалларни бажариш. Эволюциянинг, ўзини намоён қилишни ўсишига олиб борувчи танловни амалга ошириш.

Ҳеч қачон пулга эга бўлмаган ва пули бўлмаган инсонлар пул ҳаётдаги мақсади деб ҳисобламайдилар. Улар ўйлардиларки: “Ўзимни ҳавода турувчи қасрлар билан алдагандан кўра, яхшиси бугун кичик муваффақиятга эришаман, сўнг эртага яна бир кичик муваффақиятга эришаман”. Бу нуқтаи назар нотўғри. Аҳволи ёмон бўлганда кичик нарсага интилиш инсонга хосдир. У жуда кўнгилсиз мashaққатлар бўлса ҳам, майда-чуйдалар тубсизлигидан тирмашиб чиқаётганлиги унга кўпроқ ишонч беради. Бироқ унинг олдида катта муаммо пайдо бўлади. Бироқ қачонки катта муаммо чиққандагина, унинг кичик мақсади тўсилади. Дарҳол

инсонга беҳудага қутулишни истайдиган қўрқув, шубҳа қайтиб келади. Агар у катта орзуни танласа, у ўзини йўқотиб қўймайди, чунки катта орзуси қўланкасида бу муаммолар майда бўлиб қўринади. Онг остингиз ҳам “ҳавода турувчи қасрлар”га яхшироқ жавоб қайтаради. Сиз уларни тасаввурингизда доимий тарзда биргина қўринишда янгилаb тураверасиз, бу эса тасаввурдаги қўринишни онг остида тезроқ акс этишини кафолатлади. Кичик орзуларни эса доимий тузатиб туришга тўғри келади, бу эса онг остини эскиларини ўзлаштирмасидан аввал янгидан-янги тасаввурларни қабул қилишга мажбур қилиш демақдир.



**Мақсад нима?** Күпчилик буни буюм, машина сотиб олиш деб тушунадилар. Мақсад – бу майда буюмлар ва ғояларга әгалик қилиш мажмуи эмас, бу сизни фаол тарзда ҳаракат қилишга мажбур қиласынан да сизни ҳиссиёттегі күмадиган маёқдир. Ўзимиз учун дархол аниқлаштириб олайлик - мақсаддан мақсадни фарқи бор. Сиз шуғулланишингиз лозим бўлган бир неча анъанавий йўналишлар.

-Соғлиқ

-Ички олам (қалб хотиржамлиги ёки баҳт)

-Оила

-Атрофдагилар билан муносабатлар

-Пул.

**1. Танловнинг тўғрилиги.** Аввал ўзимиз учун ҳақоний имкони бор бўлган вазиятни тасаввур қиласиз. Сиз поликлиникага келасиз, қувноқ шифокор ўн икки бармоқли ичагингизни текшириб сизга кутилмаган хабарни айтади. Айнан ташхисни айтади: *chronikus nichrenakus*. Бу ташхис билан ярим йилдан кўп яшаб бўлмайди.

Энди савол: ярим йиллик умрингиз қолган бўлса ҳам мақсадингиз сари боришда давом этасизми? Агар – ҲА бўлса, унда табриклаймиз, сиз тўғри йўлдан кетаяпсиз. Аммо агар фикрларингиз тахминан бундай бўлса: “Қуриб кетсин (дўкон, битмаган уй, шериклар билан келишувлар ва хоказо), ўлсан ҳам мусиқа билан ўлай, нима бўлса, бўлсин, яшаб қолиш, ҳаётдан лаззат олиш керак!” У ҳолда, ҳечқиси йўқ, сиз кўпчиликни ташкил этдингиз. Охир оқибатда, бу инсонлар умумий омманинг 95% ни ташкил қиласиди.

Келинг яна бир ҳолатни тасаввур қилайлик. Кўчада кетаяпсиз, олдингизда чийиллаб қизил “Феррари” орқасидан “Ламборжини” тўхтади. Улардан сўнгги моддада кийинган гўзал қизлар тушиб келиб, лотореядан 100 000 000 ютганингиз билан табрикламоқда! Энди сизни барча севади - ахир сиз катта маблағ ютиб олдингиз! Энди савол: мақсадингизга боришда давом этасизми? Агар жавобингиз “Ҳа!” бўлса, унда сизга гап йўқ. Агар “Йўқ!” бўлса, унда билмадим, ҳаётда ахир сизга нима кераклигини аниқлаштириб олиш керакда, дўстим!

Сўнгги вазият. Супермаркетга кириб, балиқ сотиб оласиз, тонгда у одам овози билан гапира бошлади: “Сен ҳаётимни сақлаб қолдинг, истаган нарсангни фақат бир мартагина сўрагин. Муҳайё қиласман”, дейди. Энди савол: “Истагингиз рўёбга чиққандан сўнг мақсадингиз сари боришда давом этасизми?” Агар “Ҳа” бўлса, айнан сиз каби инсонлар - замонамизнинг ақли, виждони, ифтихоридир. Айнан улар муваффақиятга эришадилар.

**2. Аниқлик.** Сиз ўз ҳаётингизни каталог бўйича савдо билан тенглаштиришингиз мумкин. Тасаввур қилинг фирмага телефон қилиб айтяпсиз: “Мен бирор яхши, унча қиммат бўлмаган, ранги, ўлчами тўғри келадиган, эримга ёқадиган нарса жўнатишингизни

сўрайман”. Нима деган жавоб оласиз? (Вариантлар кўп. Аммо мен иккитасини келтираман. Бириси немисча, бириси эса ўзбекча).

Немисча вариант (зерикарли) – “Каталог нашрини, артикл рақами, аниқ ўлчови, ранги, манзилингиз, исми шарифингизни айтинг”.

Ўзбекча вариант (самими) – (узоқ танаффусдан сўнг) “Нима деяпсан,... калланг борми?...Майли, бирор нарса жўнатармиз.Faқат пулини тўлашни унутма, хўпми?!”

**“Билмайман нима”ни буюриб, ўша буюртма берган “Нималигини билмайман” ни оламиз.** Кўп пул хоҳлайман - мақсад эмас, тилка-пора қалбнинг чақириғи, дод-фарёди, инграши, холос. Ойига 10 000 доллар истайман, десангиз, сал яхшироқ, аммо бу ҳам ишга ёрдами кам. Эътиборга лойик вариант - **Шахсий Молиявий режадан** келиб чиқадиган сумма. Асосий мақсад машина, квартира, дала ҳовли ва ҳоказолар бўлиши мумкин эмас. Оралиқ босқич бўлиши мумкин. Аммо асосий мақсад бўлмайди. Нега?

Жавоб оддий - кимдир нимадир сотиб олган бўлса, эсланг, бу пуллар узоқ йиллар нима мақсадда тўпланганди: баҳт, эйфория, қониқиш ҳосил қилиш учун. У қанча давом этди? Мана у! Машина иш тулпорига айланди, қачонлардир орзуларнинг олий чўққиси бўлган икки хонали квартира аллақонлардан бери торлик қилиб қолган, - илгаригидек саройларда яшаш истаги билан ёнмоқдасиз. Бироқ ҳали чораси бор. Агар мақсадни тўғри танласангиз, йўл-йўлакай буларнинг барчасини олишингиз мумкин.

**Шундай қилиб. Эргашиш ва амалга оширишга муносиб мақсад - севимли ишдир.**

**1-режа.** Сиз севимли ишингизни етарли миқдордаги пул билан боғлай олдингиз? Сизга шон-шараф ва мақтовлар бўлсин! Аммо сиз кабилар саноқли. Севимли ишингиз кўп пул келтирмаса нима қилиш керак? У ҳолда 2-режа ишга тушади.

**2-режа.** Сизнинг иштирокингизсиз ҳам сизга етарли даражада пул келтирадиган бир неча тизим яратасиз. Шундан сўнггина севимли ишингиз билан шуғулланасиз.

### **3.Диққат-эътиборни мақсадга қаратии.**

Мисол тариқасида Амстердамдаги эркаклар ҳожатхонаси ҳақида күлгили воқеани келтирамиз.

*Хуллас, муаммо шундан иборат эдики, номаълум сабабга кўра ҳожатхонанинг сийдик оқизиладиган чаноги жойлашган хона доимо ифлос бўларди. Ё эркаклар мўлжасдан адашардилар, ёки Голландиялик эркаклар паришонхотир, бепарво эдилар. Аммо муаммо мавжуд эди, яъни пол устида.*

*Шундай қилиб олимлар кенгаши йигилди, улар уч кеча-ю, уч кундуз донишмандолар гиёҳини чекдилар, бироқ ҳеч нарса ўйлаб топа олмадилар. Шунда улардан энг ёши бақирди: “Эврика!!! Келинг ҳожатхона чаногига пластикдан пашша ясаб ёпиширамиз?!” Айтилган топшириқ вақтида бажарилди.*

*Эркаклар мақсадга эришидилар, яъни қизиқ машғулотга эга бўлдилар! У ерга кирувчилар бутун эътиборини бир ерга жамлаб бавл қиласидан бўлишиди. Нима бўлганда ҳам ҳожатхона тозагина сақланадиган бўлди.*

Хар куни гуноҳга бошловчи иблислар, ёқимли машғулот махлуқлари ва кутилмаган ишлар жонзотлари атрофимизни қуршаб олиб эндинга асосий ишингиз билан шуғулланишни бошлаганингизда сизга ҳужум бошлайдилар. Шунда сиз бизнесда дорвоз мисоли дор устида юра туриб атрофга қарайсиз ва диққатингизни, мувозанатингизни йўқотиб “Кейин бирон кун” деган тубсизликка ағанаб кетасиз.

Хулоса: *агар уддасидан чиқсангиз - шундай қилингки, севимли ишингиз етарли даражада пул келтирсин.* Агар иложини қила олмаётган бўлсангиз, бизнесни шундай ташкил қилингки, ундан пассив даромад олинг. Қолган вақtingизни севимли машғулот билан шуғулланишга сарфланг.

Асосий қоидалардан бири мақсадни тўғри белгилаш - охиридан бошлаш зарур. Яъни бунинг нима учун кераклигини ҳаққоний сабабларини излаш. Кўплаб инсоний ҳаракатларни тушунтирувчи иккита асосий назария мавжудлигини бошидан билиш керак:

Биринчи: фрейд назарияси – асосида либидо ётибди. Иккинчи: асосида норасолик комплекси ётади.

Энди техникага ўтамиз:

1. Аввалига нима исташингизни ўйлаб аниқланг?
2. Сўнг ўйланг – у сизга жудаям зарурми? Сизга айнан шу керакми? Нима сабабдан? Бу мақсадга эришишнинг бошқа усувлари борми?
3. Ўйлаб топганингизни юзга кўпайтиринг.

Иккинчи банднинг муҳимлиги тўғрисида яна икки оғиз. Кўпчилик кишилар орзулари, истакларининг, уринишларининг асл сабабини топа олмайдилар ва умрларини “Хўш нима? Шу ҳаммаси? Бахт қаерда? Кейини нима?” деган саволлардан бошқа нарса келтирмайдиган мақсадларга сарфлашади.

Масалан сиз учун жуда муҳим:

- 1.Олий ўкув юртига кириш.
- 2.Инглиз ёки итальян тилини ўрганиш.
- 3.Ишга жойлашиш.
- 4.”Нексия” сотиб олиш.
- 5.Квартира сотиб олиш (икки қаватли ёки уч қаватли уй сотиб олиш)
- 6.20 000 долларлик узук ёки соат сотиб олиш

Энди энг муҳим жойи: асл сабабини излаш ва топиш, - “**Бу сизга нима учун керак?**”



## **1.Институт.**

А.Билмайман. Олий маълумот керак. Ўқимасдан ҳеч қаерга ишга жойлаша олмайсан.

Б.Мияни ривожлантириш лозим. Дунёқарашни, тил бойликни ўстириш лозим. Бўлажак алоқаларни яратиш.

## **2.Тил.**

А.Мени тезроқ бирор жойга ишга олишларига ёрдам бўлади. Бирон жумлани бошқа тилда айтиш обрўни оширади (ҳатто хато қилиб айтган тақдирда ҳам).

Б.Ишга ёрдам сифатида (агар иш бўлса).

В.Хобби сифатида, умумий ўсиш учун.

### ***3.Ии.***

А.Нима ҳисобига кун кўраман? Маоши яхши. Яхши лавозим. Уйга олиб борадиган нарсам бўлади.

Б.Пул керак.

### ***4.Машина.***

А. Чунки зўр, ажойиб, айни муддао. Обрў. Вазият тақозо қилади. Қўшнилар ҳасаддан ёнсин. Ҳар куни барчани ҳайратда қолдириш билан биргаликда ўз иззат-нафсингизни ҳам қондиради.

Б. А нуқтадан Б нуқтага кўчиш қулай ва ўнғай.

### ***5.Уй ёки квартира.***

А.Бунда ягона мезон олинади - “\_\_\_\_\_никидан яхшироқ ва каттароқ бўлиши керак.”

“Чунки айни дамда имконим етади”.

Б.Қулайлик ва ўнғайлик.

### ***6.Узук ва соат.***

А.Барча кўриб тан олиши керак, аммо шундай кўриши керакки, уларнинг кўрганларини мен кўришим керак.

Б.Ташқи бойликлар билан ички норасоликни бартараф этиш.

В.Вақтни кўриб туришим учун. Менга ишончли соат керак. Ҳиндулар тақинчоқларни севгандек мен ҳам безакларни ёқтираман.

Буларнинг барчаси сизга нега кераклигини аниқлаб олгандан сўнг “Энг баланд” чўйқини ўзингиз учун мақсад қилиб белгилаб оласиз. Яъни:

*Агар олий даргоҳ бўлса,* энг зўрини танланг (дейлик) ЎзМУ ёки Гарвард. Ўқишдан асосий мақсад - энг зўр билимлар, танишларга эга бўлиш, балки фаҳр туйғуси - ахир сиз энг зўрига арзийсиз.

*Агар тил бўлса,* - бирданига иккита ёки учтасини ўрганинг. Мияни тез ўстиради.

*Агар пул бўлса,* - ўзингизга вазифалар белгиланг ва миллиондан кам бўлмаган лойиҳалар билан қизиқинг. Ўзингизга белгилаган масала ёки вазифангиз автоматик тарзда ечим ва жавобини излайди - табиат бўшлиқка бардош бера олмайди (миядаги бўшлиқ бундан мустасно).

*Агар машина бўлса,* энг қулай ва ўнғайнини олинг.



*Агар квартира ёки уй бўлса,* яхши тумандан қулай уй танланг.

Қолган барчаси табингизга боғлиқ.

Оддий инсоннинг одатдагидек, ёндошуви қимматли йилларни арзимаган мақсадларга сарфланишига сабаб бўлади. Бошланишига чилангар бўлиб ишлашдан

бошла”, кейинги ҳаётингда иш боши бўлиб туғуласан ва вазир даражасигача кўтариласан”. Бироқ Высоцкий тўғри қўйлаганди – “Агар дараҳт каби тўмтоқ бўлсанг, баобаб бўлиб туғилган бўлсанг, минг йил, то ўлгунингга қадар баобаб бўлиб яшайсан”.

Ҳар куни уйғониб миллион долларлик (1000 долларлик эмас, 2000 долларлик эмас) бизнес ғоя ўйлаб топишни ўзингизга вазифа қилиб қўйинг. Миянгизни бу милионни излашга, излашга, излашга мажбур қилинг. Охир-оқибатда улар топадилар, чунки сиз унга бошқа чора қолдирмадингиз. Дейлик агар сиз икки марта хато қилсангиз, одамлар устингиздан: “Қаранглар, аҳмоқ келяпти. У миллион доллар ўрнига 500 000 доллар ишлаб топган!” – деб кулганда доимо овтуладиган киши топилади.

**Хулоса: Мақсад қанчалик улуғ бўлса, уни амалга ошириб ўзингиз ҳам шунчалик улуғворлашасиз.** Бунинг устига илк меваларини аввал бошланишида таътишга муваффақ бўласиз. Улуғворликнинг сабаби - ўзингиз миллион долларлик шахсга айланганингиз бўлиши керак. Миллион кетади, шахсиятингиз эса ўзингиз билан доимо бирга қолади!

## 7-машқ

### *Менинг орзуларим*

*Кўйида келтирилган машқ орзуларингизни тушунниш ва англаб етишига қаратилган. Уни ақлий машқ сифатида бажарии мумкин. Жавобларни ўйлаб, сўнг уларни ёзинг. “Чуқурроқ қазии”ни маслаҳат бераман. Агар шундай йўл тутсангиз жавоблар ҳам чуқурроқ бўлади ва яхшироқ хизмат қиласди.*

*Аввалига тинчлантирувчи мусиқа ёқинг ва ҳеч ким сизни безовта қилмайдиган осуда жойда қўлай жойлашиб олинг. Сўнг қўзларингизни юминг ва онг остингиздан ўша сиз яшамоқчи бўлган юксак ва баркамол ҳаёт манзараларини тақдим этишини сўранг. Барча саволларни дарҳол берманг, қуийидаги туркумлар бўйича навбатма-навбат сўранг:*

1. Аввал ҳаётингизнинг молиявий томонига эътиборингизни қаратинг. Баркамол турмушингиздаги баркамол йиллик даромадингиз қанча? Нақд пул оқими нимага

ўхшайди? Жамгарма ҳисоб рақамларида ва сармояларда қанча пул ётибди? Мажбуриятларни айриб ташлаганды мулкингизнинг тўлиқ қиймати қанча?

2. Орзунгиздаги уйнинг кўриниши қандай? У қаерда жойлашган? Ойнадан қарагандаги манзара қандай? Ховли ва боз қандай? Бассейн ва отхонаси борми? Деворларнинг ранги қандай? Уйдаги мебел жиҳозлари қандай? Деворларга суратлар осилганми? Улар қандай? Ажойиб уйнгизни айланиб чиқинг. Яхшилаб томоша қилиб ҳар бир детални яхшилаб ўрганинг.

Бу босқичда уйни қай тариқа қўлга киритганингиз ҳақида ўйламанг."Йўқ, мен Туркияда яшай олмайман, топадиган пулим жуда кам"- деб ўзингизга зарар келтирманг. Онг остини салбий тасаввурлар билан дастурлаш мумкин эмас. Сиз ақлий нигоҳингиз билан истаган нарсангизни (ижсобийликни) кўрганингизда "топадиган пулим жуда кам" ни (салбийликни) онг ости зиддият деб қабул қиласди.

3. Энди машина ва сиз учун муҳим бўлган, молиявий жиҳатдан имконингиз етадига бошқа мулкларни тасаввур қилинг.

4. Энди мукаммал иш ёки лавозимни тасаввур илинг. Қаерда ишилайсиз? Нима билан шуғулланасиз? Ким билан ишилайсиз? Қай турдаги мижозлар, буюртмачилар ёки келувчиларолдингизга ташриф буюрадилар? Маошингиз қанча? Балки бу хусусий иш бўлиши ҳам мумкин.

5. Кейин бўши вақтингиз, таътилингиз, дам олишингизга эътибор қаратинг. Ўзингизга ажратган бўши вақтда дўстларинги ва оиласингиз билан нима иш қиласиз? Севимли машгулотларингиз борми? Улар нималар? Таътилда қаерга боришини орзу қиласиз? Қандай қўнгилхушилик қиласиз?

6. Кейингиси - тана аъзоингизнинг баркмоллиги ва жисмоний согломлик. Бирор касаллик билан касалланмаганмисиз? Неча ёшгача яшишини истардингиз? Сиз очиқкўнгилмисиз, ҳотиржаммисиз, ҳар бир кунингизни қувонч билан қарши олиб мамнун ўтказасизми? Ҳаётий қувватга тўламисиз ва фаол турмуши тарзини ўтказмоқдамисиз? Сиз

*мослашувчан ва күчли мисиз? Гимнастика билан шуғулланыпсизми, фойдали маҳсулот билан түгри тартибда овқатланыпсизми? Етарли даражада сув истеъмол қиляпсизми?*

7. Энди яқинларингиз ва дўстларингиз билан ўзаро муносабатлар тўғрисидаги масавурларга ўтинг. Оилангиз билан муносабатингиз қандай? Дўстларингиз кимлар? Сизни улар билан муносабатингиз қандай? Бу муносабатлар қандай кўриниш касб этмоқда? Дўстларингиз билан бир-бирингизни яхши кўрасизми, қўллаб-қувватлайсизми, ишонасизми? Биргаликда айнан нима билан шуғулланасиз?

8. Шахсий қизиқишилар ҳақида нима дейсиз? Ўзингизни ўқшига қайтганлар, дарсга қатнаётганлар, семинарлар ва маъruzаларга бораётганлар, эски аламлардан халос бўлиши чораларини излаётганлар ёки маънавий жиҳатдан ўсаётганлар қаторида кўраяпсизми? Медитация билан шуғулланыпсизми? Бирор-бир мусиқа асбобини чалишини ўрганиши ёки таржимаи холингизни ёзишини истайсизми? Марафонда чопии ёки санъат билан шуғулланишини истайсизми? Дунё бўйлаб саёҳат қилишини-чи?

9. Ниҳоят ўзингизга танлаган ва яшаётган жамият ва давлатга диққатингизни қаратинг. У қандай? Унда қандай ижтимоий воқеалар юз бермоқда? Сизнинг хайрия фаолиятингизчи? Бошқалар ўртасидаги ижтимоий тафовутни бартараф этиши учун нималар қиляпсиз? Ёрдамчиларингиз кимлар?

*Сиз жавобларни топишингизи билан кетма-кет ёзиб боришингиз мумкин ёки машқни бошдан охир бажариб кўришингиз шундан сўнггина кўзларингизни очиб жавобларни ёзишингиз мумкин. Нима бўлганда ҳам, машқни якунлаб барчаси ёзма равишда қайд этинг.*

*Жавобларингизни ҳар куни қайтадан ўқинг. Онгингиз ва онг остингиз диққатини орзулалингизга қаратишдан тўхтаманг.*

Энди қуйида тўғри мақсадларни танлашингизда ёрдам берадиган текст парчасини келтирамиз:

*“Китоб бошидан охирига қараб ўқилса, бизнес эса тескари тарзда юритилади. Бунда охиридан бошланади, яъни мақсаддан бошланади ва сўнг унга эришиши учун барча ишлар амалга оширилади”.*

*Гаролд Женин америкалик иши бошқарувчи*

*“Ҳаддан ташқари улкан мақсад белгилашимиз ёмон эмас, ҳаддан ташқаари улкан бўлмаган мақсадлар белгилаб уларга эришишимиз ёмон”.*

*“Эришиб бўлмайдиган нарса ортидан қувиб, иложи йўқ нарсани бажсарамиз”.*

*Роберт Ардри америкалик ёзувчи*

**Тузоқлардан эҳтиёт бўлинг.** Тузоқни сизга нафақат ўтмиш, бугунги кунингиз ҳам тайёрлаши мумкин. Жуда кўпчилик инсонлар орзунинг рўёбга чиқиши айни дамда машғул бўлган фаолият турлари билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Аслида ҳаёт мазмуни умуман бошқа соҳада яширин бўлиши мумкин. Унинг қалити сизнинг ўтмишингизда яширин бўлиши мумкин. **Ёшлигингиздаги юз ўгирган орзуларингизни ёдга олинг.** **Тушунинг ҳаётингизни бутунлай ўзгартириши учун сизда етарли куч бор.**

Биринчи тузоқ катта: **“Хеч қачон ҳаётим ўтиб бўлди деган фикрга борман”.** Агар орзунингизни ҳаётга татбиқ этишга уринмасангиз, буни сиз учун бошқа хеч ким қилмайди.

Тушиб қолишингиз мумкин бўлган иккинчи тузоқ унчалик билинмаслиги мумкин, аммо айнан у кўплаб орзуларни аста-секин ҳалок қилиши мумкин. Бу маъно: **“Хозир орзуларга берилиши мақсадга мувофиқ эмас, бунинг ҳозир қулай пайт эмас”**. Тушунинг, янги иш бошлаш учун мукаммал пайтнинг ўзи йўқ. Ҳар гал янги ишни кейинга сурар экансиз, ундан узоқлашиб борасиз.

Бир куни бир одам уйининг қалитини йўқотиб қўйиб уни излашни бошлайди. Уни кузатиб турган қўшни аёл унга ёрдамини таклиф қилди. Астойдил барча бурчакларни кўздан кечирар экан, қўшни аёл бу кишининг доимий тарзда фонар атрофидан узоги билан бир-неча қадам нари-берисида излаётганини сезди. Ҳайрон бўлган аёл унга бошқа

жойларни ҳам қидиришни таклиф қилди – ахир у калитни фақат фонар олдида эмас, бошқа жойда йўқтган бўлиши мумкинлигин таъкидлаганда, эркак жавоб берди: “Албатта мен калитни бошқа жойда йўқотган бўлишим ҳам мумкин, аммо шу ер ёруғ экан”.

Инсонга доимо теледастурлар рўйхати, театр дастури, тарнспорт ҳаракати жадвали зарур. У ўз ватқини назорат қилишни истайди. *Аммо ҳаракат тезлиги йўналишиданда муҳимга айланса, бу кулгили эмасми?* Йилларни бекорга исроф қилиб дақиқаларни тежсан ва орзуларни ҳалок қилиш хавфли эмасми? Буларнинг барчаси фақатгина ҳаракатланаётган йўналиши ҳақида ўйлаб кўрмагани учун. Чунки у ажойиб кунларнинг бирида уйғониб кечаги ва бугунги инсон эмаслигини англаб етмаган.

Жилберт Каплан йигирма беш ёшида биринчи журналга асос солди. У оддий меҳнатга муккасидан кетган киши эди. Ўн беш йил давомида у журнални етакчилардан бирига айлантириди ва аддини сезиларли оширди. Каплан суикалаб ишларди. Кейин қирқ ёшга тўлгач, бирдан журнални сотиб юборди. Нима юз берди?

Кунларнинг бирида Каплан “Малернинг иккинчи симфонияси” ни эшитди. Товушлар, мусиқа уни сеҳрлаб қўйган, қалбида аллақачонлардан бери мудроқ босиб ётган ҳисларини уйғотиб юборганди. Аммо ундан ташқари яна нимадир бор эди: у симфонияни бошқача талқин қилиш мумкинлигини ва унга нимадир етмаётганлигини тушунди. Малер буни эшитганда эҳтимол ранжиган бўларди.

У нашриётини сотиб дирижер бўлишга қарор қилди. Атрофдагиларнинг барчаси уни ақлдан озибди деб ўйлади. Ахир у авваллари ҳеч қачон дирижерлик қилмаган ва бирорта асбобни чалмаганди. Ҳатто, дўстлари ҳам уни ақли жойида эмас деб ўйлай бошладилар. Ҳатто нотани билмайдиган бизнесмен қирқ ёшида дирижер бўлишга қарор қилганди. Жуда кулгили! Бироқ Каплан танқидга эътибор бермади. У ўзига бунданда юксак мақсадни белгилади - Малер симфониясини ҳеч ким шу вақтгacha ижро этмаган даражада ижро этишга қарор қилди.

У ўрганишни бошлади. У энг зўр дирижерлардан дарс ола бошлади. У тўхтамасдан орзусини рўёбга чиқариш йўлида меҳнат қилди. Фақат икки йил ўтгандан

сүнгина бу рёёбга чиқди. 1996 йилда Жилберт Каплан улкан муваффакият қозонган мұмтоз мусықа албомини ёзіб чиқарди. Үша йилнинг ўзида машхур дирижер сифатида Зальцбургда мұмтоз мусықа фестивалини очиб берди.

Ҳар гал фикрларингизни орзуга қаратған ҳолда ҳозир жойлашған нұқтандырылған интилаёттан нұқтандырылған орасыда алоқа яратасыз. Ҳар сафар бу орзу амалға ошади деган ишонч сизде ошиб боради. Ишонч муваффакиятта йўналтирилған самарали ҳаракатта айланади. Бунда пайдо бўлған баҳс туфайли ишонч мақсадга элтувчи йўлларни аниқроқ кўришга имкон беради.

Кўнглингизга ёққан ҳаёт билан яшанг! Олдингизда доимо танлов турибди: биз ёки орзуимизга мувофиқ тарзда яшаймиз, ёки бошқа инсонларга орзуларини рёёбга чиқаришларига ёрдам берамиз. Шунинг учун орзуларингизни пучакка чиқарадиган ушбу тузокларга тушманг.

Хаттоқи оғатлар ҳам биздаги руҳиятни бузмаслиги керак. Биз билан кейинги ҳаётимизни маъносиздек кўрсатишга қодир даҳшатли воқеалар юз бериши мумкин. Бунда фожеалар да имкониятлар яширин эканлигини унутмаслик лозим.

**11-боб : Молиявий ҳимояни яратиш – ўз ва оиласын олдидағи бурчдир.**



Бир ажайиб шарқ мақолига қўра: "Инсон тақдирида ёзилган баҳтсизликлардан қутулиши мумкин, аммо ўзи-ўзига чақириб олган баҳтсизликлардан қутулиши мушкул." Ҳеч ким бу ҳаётда барчаси хамирдан қил суғургандек осон бўлишига кафолат бермайди. Шундай вазиятлар юз берадики, боши берк кўчага кириб қоласиз. Ўзингиз, ўз жисмоний ва ҳиссий соғлифингиз, оиласиз учун молиявий ҳимоя бунёд этишингиз керак. Молиявий ҳимоя сизни кучли қилади. Ахир бу ҳаётда ҳеч ким фалокат ёки тақдирнинг зарбаларидан суғурталанмаган, аммо сиз уларга тайёрланишингиз ва уларни хотиржам қарши олишингиз мумкин. Мураккаб вазиятда сизнинг тенгсиз халоскорингиз энг керак вақтда ишлатиладиган захирангиз бўлади. Токи барчаси яхши кетаётган экан, унга кетган пул исрофгарчиликдек туюлиши мумкин. Аммо унумтманг бизнес ҳам яширин шаклдаги жанг. Агар сиз ақлли жангчи бўлсангиз фронт орқасига мустаҳкам окоп, танкка қарши чуқурлар ва мағлубиятга учраганда чекиниладиган, олдинги қаторларни тўлдиришга ёрдам берадиган пистирмалар тайёрлашингиз лозим.

Молиявий эркинликка эришишдан аввал молиявий ҳимоя ва хавфсизликка эришишингиз лозим. Қуида сиз билан молиявий ҳимоя, молиявий хавфсизлик ва молиявий эркинликни кўриб чиқамиз.

Мақсадга етишиш учун қанча вақт ва пул керак? Эҳтимол, сиз мақсадни тўғри белгилашнинг муҳимлиги тўғрисида кўп эшитдингиз. Бу кучни молиявий жиҳатингизга қаратиш тўғрисида ўйлаб кўрдингизми?

Илтимос саволга жавоб беринг. Дейлик даромад манбааларингиз бирданига тамом бўлди, қарздорларнинг ҳеч бири сизга қарзини бермаяпти. Фирмангиз касодга учради. Сиз хайдалдингиз ёки касодга учрадингиз. Қанча пайт ҳисобларни тўлашингиз ва кун кўришингиз мумкин? Мен тренингларимда ушбу вазиятда бир кун ҳам яшай олмайдиган инсонларни учратганман.

Молиявий ҳимоя хақида гапирилгандан айнан шу назарда тутилади. Кутимаган вазиятлар юзага келганда захирангиз борлиги учун яхши яшашни давом эттиришга қодир бўлишингиздир. Мерфи қонунига кўра: “Омадсизлик билан тугаши мумкин бўлган кўплаб нарсалар омадсизлик билан тугайди”.

Шундай қилиб ўзимизни қандай ҳимоя қилишимиз мумкин? Энг керак вақтда ишлатиладиган захирани қай тарзда тўғри ташкил қилиш мумкин? Аввалига бир ойлик тирикчилик даражангизни аниқланг. Ҳатто бемор бўлганда ҳам тўланиши лозим бўлган барча доимий харажатларингизни ёзинг. Агар ёлланма ишчи бўлсангиз фақат биринчи қисм- хусусий харажатларни тўлдиринг. Агар тадбиркор бўлсангиз, ишга доир харажатларни ҳам ёзинг.



***Хусусий харажатлар:***

- Ипотека/ижара
- Озиқ-овқат/хўжалик харажатлари
- Автомобиль
- Суғурта
- Солиқларга олдиндан тўлов
- Алиментлар
- Телефон
- Кредитлар
- Бошқалар

Ойига жами:

***Ишга доир харажатлар:***

- ипотека/ижара
- иш юритиш қиймати

-иш ҳақи

-телефон

-ўринбосарингиз

-кредитлар

-бошқалар

Ойига жами:

Молиявий жиҳатдан ҳимояланган бўлишингиз учун зарур ҳар ойлик даромадингиз қанчалик катта?

Хусусий харажатлар-

Ишга доир харажатлар-

**Жами харажатлар:**\_\_\_\_\_

Қанча муддатга молиявий жиҳатдан ҳимояланган бўлишлик хавфсизликка бўлган ўз эҳтиёжингиз ва оптимизмингизга боғлиқ. Дейлик, сиз бетоб бўлиб колдингиз ёки иш жойингизни йўқотдингиз. Яна соғайиб, сизга роҳат бағишлайдиган янги иш топгунингизга қадар неча ой ўтади? Ўзини ҳимоялангандек ҳис этиш учун кўпчилик инсонларга 6 ойдан 12 ойгача бўлган захирага муҳтож.

Нима деб ўйлайсиз яна даромад олишни бошлагунгинга қадар қанча вақт талаб этилади? Эҳтимол, 6 ойдан 12 ойгача?

Энди молиявий ҳимояланган бўлишингиз учун зарур маблағни топиш учун ойлик ҳаражатингизни молявий ҳимояга муҳтож бўладиган ойлар сонига кўпайтирасиз.

\_\_\_\_\_ сум.х \_\_\_\_\_ ой=\_\_\_\_\_ сўм.

Мисол: 500 000 сўм сизнинг ойлик ҳаражатингиз 12 ойга кўпайтирамиз= 6 000 000 сўм - бу сизнинг 12 ойлик ҳимоянгиз.

Сиз ҳосил қилган сон сизнинг ҳимоянгиз учун зарур ўта минимум сон ҳисобланади.  
**Ушбу суммага эга бўлиш - ўз олдингиздаги, соғлиғингиз ва ҳиссий ҳолатингиз олдидағи қарзингиздир! Шунингдек, оиласигиз олдидағи қарздир!**

Юқоридаги таъкидланган маблағга эга бўлган тақдирдагина сизни қониқтирадиган янги фаолият турини излашга вақтингиз бўлади. Шундагина хотиржам дам олишга кетишингиз мумкин. Ҳеч қандай ижобий ҳодиса юз бермаган тақдирда ҳам ушбу захира билан ўзингизни ҳимояланганданек ҳис этасиз. Ҳимояланган бўлиш эҳтиёжига ҳар ким муҳтоҷ. Асабларингиз қанчалик мустаҳкамлигидан қатъи назар кучга тўлиб самаралироқ ҳаракат қиласиз. Молиявий ҳимоя шундай куч бағишлайдиган сабаб бўла олади.

Ҳеч ким тасодифлардан, баҳтсиз ҳодисалар ёки тақдир зарбаларидан ҳимояланмаган. Аммо уларни муносиб қарши олиш учун ҳар ким эҳтиётини қилиб қўйиши мумкин. Тақдирнинг кутилмаган зарбаларига ян шунингдек молиявий эҳтиёжнинг ҳам қўшилиши хунук ҳолатни касб этаган бўларди. Молиявий муаммолар туфайли сиз муросага боришга мажбур бўласиз.

Фирмангиз учун молиявий ҳимоя. 1996 йилда Германия 508 000 янги фирмага асос солинди ва улардан 443 000 таси фаолиятини тўхтатди. Германиядаги таъсис этилган корхоналарнинг 80% и илк икки йил давомида омадсизликни бошдан кечиришларининг сабаби капитал етишмаслигидир. Иккинчи сабаби: мижозларнинг тўлов интизомининг жуда қолоқ даражада эканлиги. Шундай қилиб, қарзлардан халос бўлиш ва тўловларнинг

кечикирилиш энг катта муаммолар ҳисобланади. Шунинг учун молиявий ҳимояга нафақат шахсий ҳаётда балки фирмада ҳам зарурият мавжуд. Ўйлаб кўринг, агар фирмангиз тўсатдан даромад олишдан тўхтаса, молиявий ҳимоянгиз қанча муддатга етади.

Баъзи мижозларингиз кечикиб пул тўлайди, баъзилари адвокатингизнинг қатъий талаб қилишидан сўнг пул ўтказиб беради. Баъзилар сиз аввал молиялаштиришингиз лозим бўлган суднинг қароридан сўнг қарзни узди. Баъзида кутилмаган ҳолатлар туфайли жараёнда мағлуб бўласиз. Баъзан эса ғолиб бўлган ҳолда зарар кўрасиз, чунки тўловга ноқобиллиги туфайли ҳеч қанча маблағ ундира олмайсиз. Демак, фирмангиз учун ҳеч қачон тегинилмайдиган молиявий захира барпо этишингиз керак экан. Сизнинг тадбиркорларга хос қалбингиз азобланади агар фирмани кенгайтириш учун айниқса ўсишг бошланган даврда барча маблағларни ишлата олмасангиз. Бироқ кутилмаган вазиятлар ҳақида ҳам ўйланг. Ҳеч қачон доктор Мерфини унутманг: Омадсизлик билан тугаши мумкин бўлган кўплаб нарсалар омадсизлик билан тугайди.” Шунинг учун: ***сармоя киритган яхши, аммо сармояни керакли вақтда киритиш керак.***

Иқтисодиётимиз даврий ривожланяпти. Ҳозир иқтисодиётда пасайиш даври келди. Кейинги пасайиш ҳам алббат бошимизда бор. Ўша пайтда сизнинг корхонангиз шубҳасиз касодга учрайди. Бироқ эҳтимол, айни шу таназзул пайтида имкониятингиздан фойдаланиб қолиш учун етарли даражада нақд пул бўлар. ***Сармоя киритши учун имкониятлар ҳеч бир вақтда кучли танazzал вақтидагидек катта бўлмайди. Фақат ўша пайтда нақд пул бўлса бас.***

Молиявий ҳимояси бўлмаганлиги сабабли ёпилишига тўғри келган фирмаларни санаб ўтиш учун бизга минглаб китоблар керак бўлади. Шунингдек, инқироз вақтида нақд туфайли қудратли фирмага айлана олган фирмалар рўйхатини тузишимиш ҳам мумкин. Хуллас, биринчи навбатда молиявий ҳимояни барпо этинг. Тўғри тикилган пуллар тез кўпаяди. Инқироз пайтида улар сизни касодга учрашдан сақлаб қолади ва имконият яратади.

Молиявий ҳимоя яратиш учун қанча вакт талаб этилади? Бу ерда оддий қоида амал қилади: мақсад қанчалик кичик бўлса, унга шунча тез эришасиз. Бу катта мақсадлар кўйишга зиддият ҳисобланмайди. Узоқ муддатли мақсадлар қанчалик йирик бўлса, уларга эришиш шунчалик ҳаққонийдир. Молиявий ҳимоя яқин, иложи борича тезроқ эришиш лозим бўлган мақсад ҳисобланади. Яқин муддатли мақсад кичик бўлиши лозимлигигнинг уч сабаби:

1.Биринчи мақсад қанчалик кичик бўлса, унга шунчалик тез эришасиз.

Мисол: Маишатпараст Сарвар 500 000 сўм соф даромад олади ва улардан 475 000 сўмига муҳтож. У ойига фақат 25 000 сўм иқтисод қила олади. Ҳимоялангадек ҳис этиши учун унга 10 ойлик захира керак, пул шаклида 475 000 сўм талаб этилади. Ҳар ойда 25 000 сўм ажратганда бунинг учун 1,5 йил ёки 19 ой керак бўлади.(% сиз) Гап энг кичик мақсад ҳақида кетаётган экан Сарвар бунга қизиқиқмайди ва ундан воз кечади. Доктор Мерфи эса “муюлиш”да кутиб турибди.

Қурумсоқ Сирожиддин шунингдек 500 000 сўм ишлаб топади ва у ҳам ўн ойлик молиявий ҳимояга муҳтож. Аммо у ҳар ойда 350 000 сўм сарфлайди. Шунинг учун унинг мақсади унча катта эмас. Унга бор-йўғи 350 000 сўм керак. Иккинчидан у ойига 150 000 сўмдан иқтисод қилади ва икки ярим ойда мақсадига эришади!

2. Агар сиз камроқ ҳаражат қилсангиз қўпроқ иқтисод қилишингиз ва молиявий ҳимояга тезроқ эришишингиз мумкин.

3. Агар мақсадга эриша олсангиз муваффакиятга эришасиз.



Биз бюджет режаси ёки Шахсий Молиявий Режа деб атаймиз уни. Мен қатъий бюджет режалари тарафдори эмасман. Аммо ҳар бир инсон вақти вақти билан шуғулланиб туриши керак. Биринчидан: ойига қанча сарфлаётганин аниқлаш учун. Иккинчидан: нимага сарфланыётганини кўриш учун.

Пулли тренингларда мен одатда ташриф буюрувчиларга ўз уй даромадлари ва ҳаражатларини ҳисоблашни таклиф этаман. Натижадан улар даҳшатга тушадилар. Уларнинг деярли барчаси топганидан кўп сарфлайди. Бундай ҳисоб-китоблар жиддий ўйлашга мажбур қиласди.

Ҳаражатлар даромадлардан оз бўлиши учун бюджетни режалаштириш керак. Молиявий ҳимояга эришгунга қадар бюджетингизни пухта ўйлашингиз керак. Бюджет режасини тузишда айниқса: “Кучли жиҳатларингни яхшилаш ва кучсизлигингни енгишга ёрдам бериш учун ўзингга устоз топ”- деган фикр тўғри. Бюджетни тузишда у қадар кучли бўлмасангиз қандай йўл тутиш керак? Бюджетни аниқлашда кўпчилик қийналади, шунинг учун бизга мурожаат қилинг. ([www.xonniyoz.uz](http://www.xonniyoz.uz)) Агар бюджетни аниқлаш сизнинг кучли томонингиз бўлса, ушбу уч соҳада самарали натижаларга эришиш ва ҳақиқий мўъжизалар яратиш мумкин.

Қайси бири яхшироқ кўпроқ пул топишми ёки камроқ ишлатишми? Сизда ҳар икки имконият ва яна бир қўшимча имконият мавжуд. Биз орзу-ҳавасларимизни қисқартирамиз ёки маблағларимизни кўпайтирамиз. Униси ҳам буниси ҳам бир мақсадга олиб боради-натижка бир хил. Ҳар бир инсон қарор қабул қиласди ва тажриба ҳосил қиласди. Агар инсон бетоб ёки қашшоқ бўлса, орзу-истакларни қисқартиришнинг қийинлиги аҳамиятсиз, унданда муҳимроғи имкониятларни ошириш бўлади. Агар инсон фаол, ёш, давлатманд, соғлом, кучли бўлса, истакларни қисқартиришданда кўра имкониятларини ошириш мумкин. Агар инсон ақлли бўлса, бойми ёки камбагалми, ёш ёки кексами, касал ёки соғломми бундан қатъи назар унисини ҳам, бунисини ҳам бажаради. Шунинг учун токи молиявий ҳимояга эришмагунингизга қадар осон уддасидан чиқаётган ишингизни бажаринг.

Шундай қилиб ўйлаб кўринг, нима учун молиявий ҳимоянгиз йўқ:

- сиз кечаги кун ҳақида ўйламанг;
- узоқ муддатли пул қўйилмаларига ишонманг;
- инфляциядан кўрқасизми?

У ёғи ундан осонроқ кечади. Бошланиши доимо мушкл бўлади. Сиз маслагингиз ва одатларингизни ўзгартиришингиз керак. **Осон нарса бошида қийин бўлади, қийин нарса кейин осонлашади.** Иктисод қилиш қийин эмас. Ақлли сармоя қилиш мушкулроқ ишдир. Аммо бу ҳам енгил, чунки барчасини енгиллаштирадиган сармоя киритиш шакллари бор. Шунингдек, яхши маслаҳатчилар ва пухта билимли танишларингиз бор.

**Молиявий ҳимоя учун капитални нима қилиш керак?** Тегилмайдиган захирани фақат сармояга ишлатиш мумкин. Захирангиз бекор турмай ишлаши учун аниқ режа, капитал муомала қилиш стратегиясини тузиш керак. Асосий шартлар – ушбу сумма ёки ҳеч бўлмаса унинг бир қисмиистаган пайтингизда тасарруфингизда бўлиши керак. Бу шартни қандай қилиб бажариш мумкин? Молиявий ҳимоянгизни жамғарганингиздан сўнг унинг бир қисмини молиявий ҳимояни таъминлаш мақсадида банкка ёки банк сейфига жойлаштирасиз. Нима бўлганда ҳам бу пулларни ишончли жойлаштирасиз. У ерда улар яхши ҳимоя остида бўлади ва истаган пайтингизда олиб кетишингиз мумкин. Бу тарзда улар нафақат тасарруфингиздан ташқарига чиқиб кетмайди, балки шунингдек сиз учун ишлайди ҳам. Бошқа қисмини сармоя қилишингиз мумкин. Аммо шундай сармоя қилиш керакки, истаган пайтингизда тасарруфингизга тўлиқ қайтара олишингиз керак. Агар таваккалчилик даражаси катта бўлмаса, даромад ҳам шунга яраша бўлади. Бу ерда гап сизнинг хавфсизлигинги ҳақида кетяпти, шунинг учун сиз ҳеч қачон бу пулларга тегмаслигингиз керак- фақат жуда зарур пайтдагина унга қўл урасиз. Бу ер чайқовчиларнинг жойи эмас.

Бошқа бирор нарсага нима бўлган тақдирда ҳам тегиши мумкин эмас. Бекорга уни фавқулодда вазият учун асраб қўйилмайди ахир. Истисино ҳолатлар деб мутлақо иложсиз вазиятлар назарда тутилади. Тегилмайдиган захира учтида чайқовчилик амалларини бажариш мумкин эмас. Улар сармоядан фарқли равишда бошқача табиатлидир. Сиз бирор нарсани кейин фойдасига сотиш учун сотиб оласиз. Аммо сотишга қадар, биринчидан, ҳеч қандай даромад олмайсиз, иккинчидан, пулингизни қўлдан чиқарасиз. Бу нимани англатади? Тегилмайдиган захирангизга уй ёки қиммат соат сотиб олиб ўзингизни доимий молиявий ҳимоядан маҳрум қиласиз. Хусусий уй ёки қиммат соат сармоя эмас, чайқовчилик ҳисобланади.

Кредитни қайтар олмаслик қачонлардир жиноят ҳисобланарди. Қадимги Вавилонда бунинг учун қулликка маҳкум этардилар. Кейинроқ уларни қарздорлар чуқурига ташлардилар. Бугун эса биз қайта ва қайта ҳаёт молявий ҳимояси йўқ инсонларни жазолаётганини кўраяпмиз. Масалан, кока-кола. Доктор Жон Пембертон шакар ва сувдан омухта яратди. Кока барглари, ёнғрқлар ва кофеин. Биринчи йили рекламага 73,96 доллар сарфлади. Бор-йўғи 50 долларлик маҳсулот сотди. Бу нисбат 5 йил давомида яхшиланмади. Капитал етишмаганлиги туфайли доктор рецептни 2300 долларга Атлантилик аптекачига сотиб юборди. Савдо рағбатлантириш учун унда етарли пул бор эди. 11 йилдан сўнг у фирмани ва рецептни Эрнст Вудрафга 25 млн. долларга сотди. Банкир фирмани акционерлик жамиятига ўзгартирди. Биринчи йили у акцияларни 40 млн. долларга сотди ва фирмани сотиб олишга кетган ҳаражатларини фойдаси билан қайтариб олди.



1929-1937 йилларда жаҳон иқтисодиётида турғунлик даври. Аммо ўша пайтда хам кишилар капитални сармоя қилдилар. 1932 йилда Кока-Кола акциялари донасини 20 доллардан сотиб олғанлар, 1937 йилда 160 доллардан сотишга муваффақ бўлдилар. Кимдир охир замон ҳақида гапириб турган пайтда кимдир пулини саккиз баробарга кўпайтириб олди. Фарқ нимада? Капиталга эгалик қилишда! Шундай қилиб, пулларни бармоқларингиз орасида оқиб кетишлирига йўл қўйманг. Ҳеч бўлмаса, уларнинг бир қисмини сақлаб қолинг. Бу сизни ҳар қандай нуқтаи назардан ҳам тақдирлайди- нафақат молиявий томондан. Сизга дарҳол молиявий ҳимоя яратишга киришиш мушкул туюлаяпти. Бироқ ишнинг усиз сизга янада оғир бўлади.

Молиявий ҳимоя яратиб сиз катта молиявий мақсадларга эришиш учун замин яратдингиз. Агар масалан сиз молиявий ҳимоя учун 150 000 долларга муҳтож бўлсангиз, ушбу суммани 20 йилга йиллик 15%га қўйиш орқали таҳминан 2,4 миллион доллар

оласиз. Бундай фоиз ставкаларига эришиш мумкин. agar сиз 20 йил давомида ойига кўшимча равиша 1500 доллар иқтисод қилсангиз ва уларни йилига 12% га қўйсангиз, яна 1,3 миллион оласиз. Жами сизда 3,7 миллион бўлади.

Факат бу сиз учун етарлими йўқми гап шунда. Сиз бу пулларингиз билан орзуларингизни рўёбга чиқара оласизми? Молиявий мустақиллик сиз учун нимани англатади ва бунинг учун сизга қанча пул керак? Бироқ бу масалаларга мурожаат қилишдан аввал молиявий хавфсизликни яратиш лозим.

### ***12-боб: Молиявий хавфсизлик ва молиявий эркинлик.***

Молиявий ҳимояга эришишингиз билан тасарруфингиздаги барча пулларни молиявий хавфсизликка эришишга қаратинг. Молиявий хавфсизликка эришганингиздан сўнг бошқа ҳеч қачон капиталингизни сарфламайсиз. Сиз истаган жойингизда яшашингиз, истаган ишингиз билан шуғуланишингиз, барча қарзларни тўлашингиз мумкин бўлади. Ўзингизни сизга қувонч бағишлайдиган ва ҳақиқатдан ҳам истеъдодингизга мос ишларга бағишлашингиз мумкин.

“Иқтисод қила олмайдиган инсон ақлли деб аташга арзимайди.” - К. Стоун. Биринчи мақсадингиз молиявий ҳимоянинг кўплаб афзалликлари бор:

-Сиз муваффақиятли тарзда инқрозга бардош бера оласиз

-Ҳимояланганлик ҳиссини сезасиз.

-Сиз ҳар қандай кутилмаган вазиятларга тайёрсиз.

Аммо молиявий ҳимоянинг бир камчилиги бор.

Молиявий ҳимоянинг қандай камчилиги бор? Зарурат туғилганда барча пулларни сарфлашга түғри келади. Инқироздан осон ўтиб олган бўлсангизда капиталингиз йўқ бўлади. Шунинг учун қачонки фоизига кун қўра оладиган етарли даражадаги капиталга эга бўлган тақдирдагина ўзингизни ишончли сезасиз.

Яна бир марта нима бўлганда ҳам тўлашга түғри келадиган харажатларни санаб ўтинг. Бу ерда олдинга катта қадам ташлаш ҳақида гап кетаётгани йўқ. Кейинроқ сизнинг орзунгиз учун молиявий эркинликка (мустакилликка) эришиш режасини тузамиз. Ҳозир эса нима бўлган тақдирда ҳам қаердан пул олишни ўйламай яшашингиз мумкин бўлган хавфсиз вазиятни яратмоқчимиз. Демак, сизда “пул машина”си бор. Сиз олтин тухум кўядиган товуқ ўстирдингиз. Энди бир ойда кетадиган барча зарур харажатларингизни санаб ўтинг.



- Ипотека/ижара
- Озиқ-овқат/хўжалик харажатлари
- Автомобиль
- Суғурта
- Солиқларга олдиндан тўлов
- Алиментлар
- Телефон
- Кредитлар
- Бошқалар
- Иқтисод (таътил, катта харид)
- Малака ошириш
- Мухтожларга ёрдам

**Ойига жами:**\_\_\_\_\_

Шундай қилиб қанча капиталга мухтожсиз? Сизга ҳар ойда яхши яшашга керак минимал суммани белгиладингиз. Сиз юқорида келтирилган харажатларни қоплашга кифоя қиласиган фоиз келтирадиган капиталга мухтожсиз. Савол. Бу пулларни қанча фоизга тикишингиз мумкин? Сўмда пулларингизни йилига 24%, долларда 8% сармоя қилишингиз мумкин. Нима бўлганда ҳам гап хавфсизлик ҳақида кетаяпти.

Асосий формула:

## **Хар ойлик харажатлар жам x 150=Зарур капитал**

Мисол: Дейлик ҳар ойлик харажатларини қоплаш учун Набижонга 5 000 доллар керак. Формула бўйича ҳисоблаймиз:

$5000\$ \times 150 = 750\,000\$$  - ҳар ойда ихтиёрида 5000\$ бўлиши учун Набижонга 750 000\$ керак. У олтин тухум қўядиган 750 000\$ лик товуғига тегмаслиги, ундан бир цент ҳам олмаслиги лозим. У барча қарзларини тўлаши бундан ташқари катта харидга ва таътилга пул йиғиши керак. Набижон 750 000 АҚШ доллари билан молиявий хафвсизликка эришди. Энди у пулинни йилига 8% даромад эвазига банкка қўйиб капиталининг фоизи ҳисобига ишламамасдан кун кўрса ҳам бўлади.

Энди марҳамат қилиб молиявий хавфсизлик учун муҳтож бўлган суммангизни ҳисоблаб чиқинг. Ҳар ойлик харажатларингизни 150 коэффициентига кўпайтиринг, шунда зарур капиталга чиқасиз. Асосий формулани қайтарамиз:

### ***Ҳар ойлик харажатлар суммаси x 150= Зарур капитал***

Ўйлаб кўринг шундай маблағ сизда ҳозир бўлганда нима қила олган бўлардингиз? Тасаввур қилингни 6 ойлик умрингиз қолган. Саволга жавоб беринг:

- Яна нима қилишни истардингиз?
- Қандай жойларга борган бўлардингиз?
- Қандай инсонлар билан бирга бўлишни истардингиз?
- Яратганларингиз сиздан кейин ҳам яшashi учун нима яратган бўлардингиз?

Эҳтимол, сиз абадий бўлмаса ҳам узоқроқ умр кўрасиз. Агар сиз учун ҳақиқатдан ҳам муҳим бўлган нарсаларни бажаришингиз учун ҳалақит берәётган нарса пулсизлик бўлмасачи? Кўряпсизми, пулга улар етарли эътибор қаратмаслик қанчалик хавфли. Сиз ҳаётингизни баҳтли ўтказишга мажбурсиз!

Сиз ҳозир ёзган сумма ҳаётингизни буткул ўзгартиради. ”Бу пуллар кун тартибингизни қайдаражада ўзгартирган бўларди?” Ҳозир шуғулланаётган ишда ишлашда давом этармидингиз? Биз қачонки севган ишимиз билан шуғуллансанакгина ҳақиқатдан ҳам ўша ишни яхши бажара оламиз. Сизга ҳузур багишлайдиган, севадиган ишингизни бажаринг. инсонлар уларга баҳт, қувонч багишлайдиган фаолият билан шуғулланмасликларининг асосий сабаби ту етишимаслигидир. Бу энергия сарфидир.



**Энди келинг молиявий эркинликни кўриб чиқамиз.** Кимдир уни молиявий мустақиллик деб атаса, кимдир уни молиявий эркинлик дейди. Маъноси битта. Эҳтимол сиз молиявий хавфсизлик эришишни якуний мақсад деб ҳисоблаётгандирсиз. Эҳтимол сиз кўпроқ нарса, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлишни истарсиз. Биласизми кўпчилик ўз орзуларига эришмайдилар. Чунки улар ҳеч қачон бунинг нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлаб кўрмаганлар. Улар орзулари қанча туришини билмайдилар. Биз китобнинг бошида орзуингиз қанча туришини кўриб чиққандик. Айнан шу нрасани ҳозир такрорлаймиз.

Жуда муҳим қоида. Сиз бошқа ҳеч қачон капитлингизга тегмайсиз. Сиз барча орзуларингизни олтин тухумлар ёрдамида рўёбга чиқарасиз. Бу орзуларингизни тўлаш учун олтин тухумлар етарли даражада катта бўлиши керак деганидир. Агар молиявий

мустақилликка эришган бўлсангиз-у, ўзингизга уй сотиб олмоқчи бўлсангиз, ўз пулингизга сотиб оласиз. Аммо у ҳолда капиталингиз камаяди, сиз буни истамассиз. Шунинг учун барча катта харидларни капиталнинг фоизи кўринишида оладиган ҳар ойлик даромадингиздан тўлайдиган кредит ҳисобига амалга оширасиз.

Мақсадларга эришиш учун пулни қай тарзда яхшироқ сармоя килиш мумкинлигини ўйланг. Пул тикишнинг уч стратегияси мавжуд:

### ***1. Молиявий эга бўлган вақтдаги пул тикиши стратегияси.***

Сиз энди учта турли, кетма-кет жойлашган молиявий режага эгасиз. Ҳар бир режа учун капитла тикишнинг бошқа стратегияси керак. **Ҳаваскорлар стратегияси ва профессионаллар стратегияси мавжуд. Ҳаваскорлар стратегияси қисқа муддатли муваффақиятга мўлжалланган.** Ҳаваскорлар фақат бугунги кунга эътиборларини қаратадилар ва эртага ҳам яшашларини унутадилар. Улар бир умр бир хил муаммо билан курашларига тўғри келади, чунки улар ақлли иқтисод қилиш йўли билан ҳеч қандай молиявий муаммо йўқ бўлган шароитни яратиш имкониятини қўлдан чиқардилар.

Профессионаллар бошқача йўл тутадилар. Профессионал стратегиялар, аксинча, узоқ муддатли баҳтини назарда тутадилар, чунки молия доимо ҳаётнинг бошқа соҳалари ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Улар энди яшаяптилар ва ўз келажакларини энди тайёрлаяптилар. Шунинг учун улар аввал ўзларига ҳақ тўлаяптилар. Сиз ҳам молиявий профессионалга айланинг. Баҳона йўқ. Ўз ҳаётингизга ўзингиз хўжайнисиз. Энди орзуларингизга мурожаат қиласиз.

Молиявий ҳимояга эришмагунингизга қадар таваккал қилмаслигингиз керак. Шунинг учун ишончли капитал қўйилмаларни танланг. Бундан ташқари, бу босқичда сиз хавфни тақсимлашга эътиборингизни қаратишингиз лозим. **Хеч қачон барча пулни битта саватга солманг, ҳатто “барча пул” – 1000 доллар бўлган тақдирда ҳам.** Унутманг хавфнинг тақсимланиши даромад олиш имкониятингизни оширади.

Бошқа ишончли қўйилмалар қаторига ҳаётингизни суғурталаш киради. Аммо қуйи ставкаларни ҳисобга олган ҳолда капиталингизнинг 10-20% дан ортиқаси сармоя қилмаслигинги керак. Суғурта ҳодисаси юз берганда энг кам пул тўлайдиган полисни танланг. Биринчи режани рўёбга чиқаришда мутаассиб акционерлар ёки аралаш фондлар билан чекланишингиз лозим. (батафсил маълумотни “Молиявий маслаҳатчилар мактаби”да ёки [www.xonniyoz.uz](http://www.xonniyoz.uz) сайтидан молиявий маслаҳатчилардан индивидуал маслаҳат олишингиз мумкин)

*Молиявий ҳимояни барпо этишида ишончлилик биринчи ўринда тұради*, деган фикрга қаттиқ амал қилинг. Ўз навбатида сиз кам даромадга кўнишингиз ва бир қисм нақд пулларингизни банк сейфига қўйишингиз керак. Молиявий ҳимоя учун ҳеч қандай хавф бўлмаслиги керак!

## ***2. Молиявий хавфсизликда пул тикии стратегияси.***

Молиявий хавфсизликка эришиш учун пул бошқача тақсимлашингиз лозим. Пулнинг 40% камтаваккал қўйилмаларда, 40% маблағни ўртатаваккал қўйилмаларга ажратишингиз мумкин. Узоқ вақт қўйилган пулларга тегмаганлигинги туфайли ўрта қиймат таъсири туфайли хавф камаяди. Қолган 20% юқори таваккал қўйилмаларга ажратишингиз мумкин. Бунинг учун тез ўсаётган бозор ёки алоҳида мамлакатлар учун қўйилмаларга мослашган жамғармалар мавжуд. Яъни барчасига мос жамғармалар бор.агар маблағлар узоқ муддатга қўйилган бўлса, бу ерда хавф пасаяди. Бошқа томондан қараганда эса катта даромад олиш имкони мавжуд.

Молиявий хавфсизликка мўлжалланган пуллар ҳеч қачон юқори таваккалга ёки чайқовчилик битимларига тикилмаслиги жуда муҳимдир. Бу пулларга ҳеч қачон тегманг ва уларни шундай сармоя қилиб ишлатингки, хавфсизлигинги зарар етказмасин.

### **Формула**

( молиявий хавфсизлик учун сармоя )


**40%-мутаассиб сармоялар**

## **40%-мўътадил сармоялар**

## **20%-хатарли сармоялар**

### **3. Молиявий мустақил бўлгандаги пул тикиш стратегияси**

Молиявий хавфсизликка эришгандан сўнг бир қисм пулни молиявий мустақиликка эришишга сармоя қилинг. Бу сиз қалтис тадбирларга қўл уришингиз мумкин. Сиз 20%, 30% даромад берадиган капитал қўйиладиган таклиф излайсиз, униси ёки бунисида мағлуб бўлсангиз ҳам уни бошқа сармоялардан олган юқори даромад билан қоплаб юборасиз. Буларнинг барчаси учта чеҳлак кўринишида тасаввур қилиш мумкин.



Молиявий мустақиллик (20% дан 30% ўрта ва юқори таваккалга эга қўйилмалар)

Молиявий ҳимояни яратиш учун сиз иложи бўлса таваккалсиз пул тикишингиз керак. Молиявий ишончлиликни қўлга киритиш учун сиз 12% лик даромад келтирадиган барқарор қўйилмаларни танлайсиз. Молиявий мустақилликка эришиш учун молиявий

мустаҳкамлик учун зарур бўлмаган пулларни олиб 50% гача бўлган миқдорини ўрта ва юқори тавваккал даражасига эга қўйилмаларга сарфланг. Ҳатто агар барча нарса сизга қарши бўлса ҳам сиз молиявий хавфсизлигингиз учун зарур бўлмаган қисминига тавваккал қилган бўласиз.

Доимо аввал биринчи қопни кейин иккинчисини тўлдиринг. Иккинчи чеълакдан тошиб кетган сувни (молиявий хавфсизлик учун зарур бўлмаган пулни) учинчи чеълакни тўлдириш учун ишлатинг. Шу тарзда, сиз ҳеч қачон тавваккал қилмайсиз. Агар сармоянинг ушбу фалсафасига амал қилсангиз, ҳеч нарса омадсизлик билан якун топмайди. Сиз хавфсизликдасиз ва сизда орзуингизга эришиш учун баҳарнав имконият мавжуд.

Молиявий эркинликка эришиш қийинми? Молиявий эркинликка эришиш учун биринчи қадам- онгли равишда қарор қабул қилишдир. Агар сиз ҳеч қандай қарор қабул қилмаётган бўлсангиз, барчасини эски ҳолича қолдиришга қарор қилган бўласиз. Албатта бу мушкул. Аммо унга эришмасликдан ёмонроқ. Бахтили бўлишнинг икки йўли бор: биз истакларимизни кисқартирамиз ёки имкониятларимизни оширамиз... Агар сиз ақлли бўлсангиз унисини ҳам, бунисини ҳам бир вақтда қиласиз. Бутун кучни бериш қийин. Бироқ аста-секин ҳалок бўлиш бунданда оғир. Бу оламда нималарга қодирлигингни билмай яшаш ёмон. Фақатгина бор кучимизни бериб ҳақиқатдан ҳам яшаш нима эканлигини ҳис этишишмиз мумкин. Шундагина вазифамизни бажарамиз, ҳаётимиз маъно касб этади. Агар ҳақиқий ҳаётни тотиб яшамоқчи бўлсақ, бошқа йўли йўқ.



Сиз ҳақиқатдан ҳам молиявий эркин бўлишни истайсизми?

Европадаги миллионерлар қуидаги тарзда тақсимланадилар:

-74% тадбиркорлар

-10% етакчи менежерлар ( айниқса бошқарув аъзоси даражаси)

-10% эркин касб вакиллари ( шифокорлар, архитекторлар, адвокатлар)

-5 сотувчилар

-1% бошқалар

Кўряпсизки:

-биринчидан, агар хусусий ши очмасангиз ёки бошқарув кнгашига раҳбар қилиб сайланмасангиз миллионер бўлиш имкониятингиз мавжуд эмас.

-иккинчидан, агар тадбиркор бўлсангиз бойиш учун энг зўр имкониятлар юзага келади. Эҳтимол, хусусий иш очишида катта таваккал ва кўплаб камчиликлар бор, бироқ 4 миллионердан 3 таси тадбиркор.

Ўз вақтида дунёning энг бой одами Пол Гетто айтганди: “Бир иккита мустасно ҳолатларни ҳисобга олмасак бойишнинг биргина йўли - хусусий корхона очиш.” **Жуда бой бўлиши учун хусусий иш очиши керак.** Бу бу ерда фикрлар бир-биридан фарқланади. Моҳиятан олганда хусусий иш иқтисодиёт ва сармоядан қўра кўпроқ нарса талаб қилади. Фақатгина тўғри йўналишда кетишнинг ўзи кифоя қилмайди. **Сиз тўғри йўналишда катта катта сакрашни** амалга оширишингиз керак. Таваккал ва хато қилишдан қўрқиши сизни ожиз бўлиб яшаб юришга мажбур қилишига йўл қўйманг. Қачонки бор кучимиз билан ҳаракат қилсаккина қўнглимиз тўлади.



### **13-боб: Қандай қилиб пул топамиз?**

Пул топиш мүшкүлми? Ҳеч қачон! Атрофга назар солинг. Кишилар турли соҳаларда пул топмоқдалар: нефть бизнесида, нашриётда, компьютер сотиб, озиқ-овқатта қўшимчалар ва қурилиш моллари сотиш орқали. Пул ишлаб топиш йўллари ҳақиқатдан ҳам чексиз. Катта капитал тўплай олганлар шундай дейишади: “Пуллар оёғимиз остида ётиби. Фақат уларни кўриш керак”. Академик, иқтисодчи Швелев интервьюсида шундай деганди: “Иқтисодиёт - фан, санъат, ахлоқ ва соғлом фикр бирикмасидир”. Бу сўзларни бизнесга тааллукли дейиш мумкин. Бизнес фандан кўра санъатга яқинроқ. Демак унда асосийси амалиёт ва соғлом фикрдир. Худди сузишни фақат сувда ўрганиш мумкин бўлганидек бизнесни юритишни ҳам фақат амалиётда ўрганиш мумкин.

Бизнесменнинг мақсади – пул ишлаб топишга хусусий машина яратиш. Бизнес - бу олтин тухум туғадиган товуқ. Пулни ҳамма нарсадан ҳар қачон топиш мумкин. Сиз давлат ташкилотида ишлайсизми? Яқинда фирмага ишга кирдингизми? У ҳолда сиз ўзингиз ўша товуқсиз. Ўзингизда пул ишлаб чиқаринг. Профессионаллик, улдабуронлик ва қатъият бош менжер даражасигача кўтарилишга имкон яратади. Давлат тузилмаларида сизга мутахассислигингиш ва маълумотингиз ёрдам беради: мутахассисларга доимо кўп тўлашади.

Сиз ким учундир эмас, ўзингизда ишлайсиз. Шу фикрнинг ўзи сизга қувват бағишлиши керак. Бу сизга муваффақиятга эришишга имкон беради. Қўйидаги сифатлар:

- профессионализм
- ўзига хослик
- бизнес ёки ишни тўғри ташкил қилиш
- ўз маҳсулот ва хизматларини сотиш
- реклама ва ўзини ўзи реклама қилиш, алоқалар.



Ўзбекистондаги ва чет элдаги бизнес китлари ушбу оддий бандаларни доимо ёдда саклаб келишган. Шу сабабли муваффақият қозонишган! Қуйидა Ўзбекистонда ва чет элда бизнесни бошқарған таниқли бизнесменлар маслаҳатларига асосланган бизнес моделлари келтирилгандар. Уларнинг бебаҳо тажрибасидан фойдаланинг.

**Биринчи модел.** Сиз ўз дўйконнингизни очасиз. Маблағингиз, танишларингиз бор. Режа ишлаб чиқилгандар. Бунинг устига муваффақиятли дўйон бизнеслари кўплаб амалий мисоллар бор. Аммо унутманг, жуда рақобатли соҳага кириб келаяпсиз. Сиз яккаҳоким эмассиз. Рақобат учун қурашни бошидан бошлиш керак. Сизни бошқалардан нима ажратиб туради, шуни ўйланг. Сизнинг маҳсулотингиз арzonроқми ёки сифатлироқми? Сиз ҳали эгалланмаган тўрни эгалладингизми? Энг тўғри ва оддий йўл шу: чеккароқ туманда янги дўйон очиш. Аммо бир неча ой ўтиб барибир рақобатчилар пайдо бўлади. Бунга тайёр бўлинг!

**Иккинчи модел.** Сиз мутлақо янги бизнес бошлайпсиз. Бу ҳамма нарса бўлиши мумкин: экологик дизайн, психолингвистика ёки умуман бошқа йўналиш. Бу ерда сиз якка

ҳокимсиз, рақобатчилар йўқ. Бу яхши. Ёмон жиҳати ҳали ҳеч ким бу соҳада ишлаб кўрмаган. Реклама, савдо тизимини ташкил этиб мижоз қидиришингизга тўғри келади. Айтгандек, янги бизнеснинг вариантларидан бири: бир фаолият соҳаси маҳсулотини бошқа соҳада ишлатиш. Бир томондан маҳсулот машҳур, бошқа томондан – бошқа ҳеч ким ундан фойдаланмаган. (ажойиб мисол: амизамин ва виагра)

Биз қандай пул топамиз? Деярли барча инсонларни даромад олиш усулига қараб уч гурухга ажратиш мумкин. Улардан қайси бирига тааллуқли эканлигингизни топишга ҳаракат қилинг.

*Биринчи гурӯҳ*. Сизга нима билан шуғулланаётганингизнинг аҳамияти йўқ. Асосийси: пул кўпроқ тўлашса бўлди. Шиорингиз: мен қандай пул топишни биламан. Ҳаттоқи шуғулланмоқчи бўлган ишингиз ҳақида кам нарса билсангиз ҳам бу сизни тўхтата олмайди. Сиз вазиятни англаб етиш учун эксперт ва профессионалларни жалб этишга тайёrsиз.

*Иккинчи гурӯҳ*. Тайёrlанган ишингиз билан шуғулланишга тайёrsиз. Сиз учун асосийси: танлаган бизнесингизда профессионал бўлиш. Сиз адвокат, шифокор, дастурчи, архитектор ёки молиячисиз.

*Учинчи гурӯҳ*. Фақат сизга ёқкан нарса билан шуғулланишга тайёrsиз. Севимли ишга каллангиз билан шўнғиб профессионал иш учун зарур малакага секин-аста эга бўлиб борасиз. Сиз каби инсонлар одатда мода олами, реклама, дизайн, ресторон бизнеси ёки Интернет бизнеси билан боғлиқ.

Юқорида келтирилган моделлар ва гурухлар, табиийки, шунчаки кўрсатмалар.

*Мактабда ўқиб ўтирган пайтларимда олтин ёки қумуши медал олиши ҳаётий муваффақият гаровидир. Аммо барчаси анча мураккаброқ. Баъзи медал олган синфдошларим мактабни тугатиб университетга кирдилар. Энди эса ахлат титиб бўшиши тўплаб юрибдилар. Чунки улар алгебра ва тригонометрияни мукаммал билардилар, аммо ҳаётни яхши тушунмасдилар.*

Файласуф Макиявелли аллақачонлар айтганди барча воситалар яхши, бироқ ҳамма воситалар ҳам натижа беравермайды. Кимдирда бугун фойда берган чора бошқа бирорда фойда бермаслиги мүмкін. Йигирмата ташкилотдан фақат иккитаси омон қолади. Агар улардан муваффақият учун нима керак деб сўрасангиз, улар турли сабабларни айтадилар ва ҳаммалари ҳақ бўладилар.

Нима учун бизнесдаги муваффақият ҳақида бадавлат инсонлар нима дейишини эшишиб кўрмаймиз? Улар биз учун яхши маслаҳатчи бўлардилар. Шундай эмасми? Мана баъзи омадли, таниқли тадбиркорларнинг фикрлар:

Лу Добс CEO Space corp. Нью-Йорк асосчиси, бошқарув кенгаши раиси:

“Концепция ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилишда метафизика тааллуқли нимадир бор. Иш бошлиётган корхоналар бошқаруви – бу ўйланмаган бошқарувдир. Бизнесимнинг фазоси, соҳаси ҳақиқатдан ҳам чексиз имкониятларни ўзида пинҳон сақладиди. Биз Интернет асрида яшаяпмиз. Бир ярим йилдан сўнг янги бизнес анъанавий корхоналар дуч келаётган муаммоларга дуч келяпти. Бизнесни юритишни қачонлардир иш берган усулини аксиома тариқасида қабул қилманг. Бозордаги вазиятдан фойда топишга ҳалақит берадиган ташкилий маъданият ва жараённинг вужудга келишидан қочинг. Бюрократик рухият компанияда хукмронлик қилиши мумкин”.

Мелисса Бредли BHC Inc. асосчиси ва президенти: Нью-Йорк.

“То бизнес юритиш ва йил давомида кун кечиришга етарли даражада маблағга эга бўлмагунга қадар иш бошламанг. Камида шунча пайт давомида сизда даромад бўлмайди. Сиз шу давр мобайнида харажатларингизни қоплай олишингизга ишончингиз комил бўлиши керак. Кўпчилик менинг олдимга келиб бундай дейди: “Бу энди мен асос солган компания эмас”. Улар шунчаки корхона бошқарувини қўлдан бой берадилар. Бизнесни астойдил бошқарадиган инсон директор лавозимини эгаллаган инсон эмас, пул тиккан одам бўлади.”

Элиот Канг Kang&Lee Advertising Inc., асосчиси ва президенти

*“Агар бозорни эгаллашда пешқадам бўлишини истасангиз вақтингизнинг камида ярмини бозорни ўзини жадаллаштиришга сарфлашингизга тўгри келади. Вактимнинг етмиши фоизини асли осиёлик америкаликлардан иборат бозор сегментининг истиқбли порлоқ эканлигини исботлашга сарфладим. Худди шу муаммоларга бошқа агенликлар ҳам дуч келадилар. Аввал сен бозорни юргазиб юборасан, кейин эса компанияни.*

*Сиз бозорни ўзлаштиришини бошлаганингизда биринчи навбатда у етарли даражада каттамий йўқми шунга ишонч ҳосил қилинг. Реклама бизнесида мижозларни эътиборини қарата олишингиз учун бозор сегментини камида 10 миллион киши ташкил этиши керак. Веб-сайтлар бўлса, кунига юз миллионлаб ташириф буюрувчилар бўлиши керак. Бундан кўриниб турибдики, ўлчовлар тушунчаси ва мезони ўзгариб бўлган.*

*Айни дамда биз биз бозоримизнинг 30% ни назорат қиласяпмиз. Ундан кўпрогини эгаллашни уddyасидан чиқа олмаяпмиз - биз ҳар бир туркумдан фақатгина биргани мижозга хизмат қила оламиз. Компания ўсишидан тўхтади. Биз ходимларимизни тўплайдик ва савол бердик: “Хозиргидек бизнесни юритшида давом этсан икки йилдан сўнг аҳволимиз не кечади? Бозорда ўрнимизни сақлаб қола оламизми? ”Ўсишини давом эттириш учун маблагларга бошқа компанияяга ёки агентликлар тармогига кўшилган ҳолда эга бўлишимиз мумкинлигини англаб етдик.”*

McCan-Erikson, Нью-Йорк бошқарув раиси ва ижодий директори Нина Ди Сеза:

*“Реклама агентлигида ким ишга ким кўпроқ мослигини тушуниш осон. Сиз инсонлар билан суҳбатлашишингиз ва ким мижозлар билан муомала қилишига устамонлигин аниqlашибингиз мумкин. Сўнг буни шахсан текширишингиз мумкин. Ўйлайманки, ҳар қандай компанияда ҳатто иирик компанияда ҳам энг зўрини аниqlashi осон.*

*Инсонларга баҳо бериш билан биргаликда мен ишлар режасини ишлаб чиқаман. Қатъийлик муҳим. Ҳеч нарсага бутунлай ишонч ҳосил қилишининг иложси йўқ, бундан қочишининг иложси йўқ. Шундай экан бу нарса сизни тўхтатиб қўймасин. Агар сизда қарор қабул қилиш учун етарли саксон фоиз маълумот бўлса, ҳаракатни бошланг. Агар қарор*

*нотўғри бўлиб чиқаса, уни ўзгартириши мумкин. Энг асосийси вактингизни кутишига сарфламанг. Вактни қайтар олмаслигингиз аниқ*

*Эҳтимол ўз гуруҳингизни ташкил қилиши учун янги инсонларни топишингизга тўғри келар. Кимнидир ҳайдашингизга тўғри келар. Қарорингиз қанчалик қатъий бўлса, уни шунчалик эҳтиёткорлик билан ҳаётга татбиқ қилишингиз керак. Акс ҳолда, сиз барчани чўчитиб юборишингиз мумкин. Унумтманг: барча ишларингиз компания гуллаб-яинанишига қаратилган бўлиши керак”*

Storagt Systems GroupIBM сорг.Сомерс, катта вице-президенти Линда Сэнфорд Нью-Йорк:

*“Мижозларнинг гапига қулоқ солинг. Шахсан ўзингиз қулоқ солинг. Бу қилиниши лозим бўлган биринчи иш. Агар сиз испоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқаётган бўлсангиз, бу ишини энг яхиси истеъмолчилар эҳтиёжси ва истагидан келиб чиқиб бажарган маъқул. Компания билан ҳамкорлик қилишидан мамнун мижозлар билан гаплашинг. Норозилари билан гаплашинг. Уларнинг тармогида нимлар қилинишини тушунишига ҳаракат қилинг. Уларни нима безовта қилишини аниқланг. Уларда нимлар юз берадётгани, улар сиздан нима кутаётганини аниқлаб муаммоларингиз доирасини аниқлашингиз мумкин. Бу сизга стратегиянгизни бозор шароитининг ўзгаришишига мос равишида ишлаб чиқишингизга ёрдам беради.*

*Мижозларга фирмада ишлар қандай кетаётганини тушунтиришини унумтманг. Агар сизда муаммолар бўлса, улар албатта билиб оладилар. Яхиси сиздан эшишганлари маъқул. Инқирозни енгигиб ўтиши учун қандай чоралар кўрилаётганини мижозларга айтиб беринг. Шунда улар сиз билан қоладилар. Агар сиз мижозларингизни унумтмасангиз, ҳеч қачон хато қилмайсиз”.*

Кўпчилик Ўзбекистон ва МДҲ давлатларида пул топиш қийинроқ деб ҳисоблайди. Аммо ундин эмас. Қийинчилик ҳамма жойда бор, ҳаттоқи ўша Америкада ҳам. Бир бизнесмен танишимнинг айтишишига кўра Ўзбекистонда пул топиш осонроқ экан. Шунингдек пул қонунлари ҳамма жойда бир хил ишлайди. Рус ёзувчиси Пелевин “лаве”

(liberal values, либерал бойликлар) сўзини таржима қилинмаса ҳам бутун дунёда тушунадилар.

Энди навбат ўзбекистонлик бизнесменларга.

Фирма соҳиби, Ваничкин Дмитрий Иванович:

*Бизнесда асосийси: янги ва самарали гоялар. Пул асосийси эмас. Агар пул келтирадиган гоя бўлса сармояни ҳар доим топса бўлади. Энг энг муҳим таркибий қисм: самарали жамоа. Учинчиси: бошлангич даврида бизнесни, фирмани тўгри бошқариши. Қийинчиликларга тайёр туринг.*

Омадли бизнесмен, фирма эгаси, Ахмад Халилов:

*Мен ишини пул ўтказмалардан бошладим. Инглиз ва хитой тилларини мукаммал биламан. Мен ўз ишимни барпо этдим. Чунки ўзимга ўзим хўжайин бўлишини, ўз пулим ва вақтимни ўзим истагандек тасарруф этишини истайман. Аммо тўла мустақил бўлишининг иложи йўқ. Биз барчамиз ҳаётда бир-биримизга муҳтожмиз. Нималарда муҳтожмиз, мана гап нимада. Давлатга ва банкларга муҳтожликни шундай қилиши керакки, бу муҳтожлик сизга фойда берсин. Бизнесдаги энг катта қийинчилик – маблағ етиши маслиги. Ечими-кредитлар. Аммо кредитлар – бу катта хавф. Бир пайлар фирмамиз катта кредит олган ва барчаси шундай тугадики, биз кредитлар тиканагига чирмасиб қолдик. Бизнесда асосийси молияни бошқариши, айниқса харажатларни. Уларни қаттиқ назорат қилиши керак. Акс ҳолда кредитларсиз уddaлай олмайсиз.*

*Албатта пул оқимини кўпайтириб, уларни тежайдиган яхии молиячини ёллаш керак. Бундай инсонлар афсуски жуда кам. Сиз янги имкониятлар излашингиз керак: ишилаб чиқарии жараёнини соддалаштириши, маҳсулот таннархини камайтириши. Бизнесда асосийси – сотииш. Аммо шерикларни ва оммалаштирувчиларни ўз кучингизга ишонтиришишингиз ва ишонч кредитини топишингиз қийин, айниқса фаолиятингизни энди бошлиған бўлсангиз жуда қийин...*

Бизнес маркази эгаси, Алишер Орипов:

*Мен катта мұваффақиятга танишларим орқали эришгәнман. Биринчи фирмамни - катта кредит олғач очғанман. Пуллар кафолатсиз, деярли чин сүзимга ишониб берилган. Шунчаки менда маблаг бериши мүмкін бўлган танишлар бор эди. Танишларингиздан даромад олиш ва бизнесингизни қуришида фойдаланинг.*



- Шундай қилиб бизнесда мұваффақият қозониш учун сизга қуидагилар керак:
- бизнесни қаттиққўллик билан назорат қилиш
  - бошқаларнинг ҳаракатини кузатган ҳолда ўз йўлидан бориш
  - профессионалларни шерикликка олиш
  - сармоя қилиш ва кутишни билиш
  - иложи борича кўпроқ маҳсулот сотиш. Сотиш, сотиш ва яна сотиш!
  - Мижозлар билан тўғридан-тўғри алоқа боғлаш, уларнинг фикрини билиш.

Үзгаришлар доимо юз беради. Улардан на яшириниб бўлади, на беркиниб бўлади. Улар бизнинг ҳоҳишимизга қарамайди. Собиқ Иттифоқнинг тарқалиб кетиши, бизнинг шахсий тўхтовсиз интилишимиз, техник янгиликларнинг доимий пайдо бўлиши, билим олиш зарурияти – мукаррар үзгаришларга мисол. Барчамиз үзгаришларга турлича муносабат билдирамиз. Хуллас, барча инсонларни үзгаришларга бўлган муносабатига кўра уч тоифага ажратиш мумкин.

**Революционерлар.** Барча нарсани шулар уюштиради. Бу инсонлар янги ва синалмаган нарсаларни хуш кўрадилар ва ҳар доим жамиятга қандайдир ғайриоддий ва ҳатто ҳайратланарли янгилик тақдим этадилар.

**Мутаассиб.** Улар ҳар қандай үзгаришлардан қочадилар. Янгиликни мутлақо маъқул кўрмайдилар ва уни ҳар қанақасига танқид қиласидилар. Ўз атрофларида барқарорлик қобиғини яратишни яхши кўрадилар: аниқ кун тартибига риоя қиласидилар, маълум қатъий либос услубини маъқул кўрадилар.

**Ўзгаришларга интилувчилик.** Кўпичлик айнан шу гурухга тааллуқли. Ахир янгиликка интилиш инсонга хос-ку. Барчамиз саёҳат қилиш, очилмаган манзилларни кашф қилишни, қизиқ инсонлар билан сухбатлашишни хуш кўрамиз. Бизни янги ғоялар ва кашфиётлар ҳаяжонга солади. Аммо янгиликлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетганда, оддий инсон таажжуб ва қўрқувни ҳис эта бошлайди. Олимларнинг исботлашига кўра 10-20 фоизлик үзгаришлар инсонлар томонидан хушнудлик билан қабул қилинади, аммо 50 ёки 100 фоизлик үзгаришлар совук қабул қилинади.

*Ҳар қандай реклама ўз бошидан үзгаришлар инсонларга қанчалик оғир таъсир қилишини қўришидек азобни ўтказган. Мижозлар кўпинча “мутлақо янги реклама”ни истайди. Бироқ уларга тайёр лойиҳани кўрсатишса, улар даҳшатга тушадилар. Янгилик жуда кўп бўлса, - бу ёмон. Шунинг учун ўрганган рекламачилар камдан-кам ҳолатларда стандарт схемани 10-20% дан кўпроқча үзгартирадилар, янги бўёқлар, қисмлар қўшадилар. Аммо жиiddий үзгаришларга йўл қўймайдилар.*

*Кўплаб автомобиль фирмалари дизайн соҳасида турли-туман тажрибалар ўтказадилар. Ранг, ҳажм, қисмлар билан ишлайдилар. Бироқ уларнинг машиналари барибир таниши бўлиб қолаверадилар. Биз ҳеч қачон “миңубиси”ни “мерседес” билан адаштирмаймиз.*

*Шундай қилиб: янги қулай - бу таниш эскидир. Ўзига хослик одатдагиликка асосланиши керак. Аммо ўзгаришлар барибир зарур. Янгиликни қабул қилиш ва мустақил ўзгаришга тайёр бўлмаганлар мағлубиятга маҳкумдирлар.*



*Голливудга назар ташлаймиз. Арнольд Шварценеггерга шухрат машҳур жангари фильмлардан сўнг келган. Шавқатсиз терминаторни эсланг! Бироқ актер ҳар йили бир хил роль ижро этишини истамасди. Фильмларнинг бирида вақтинчалик болалар боғчасига тарбиячи бўлиб ишга киришга мажбур бўлган полициячи ролини ижро этади. Атрофи болаларга тўла Арни манзарасининг ўзи қанчалик қизиқ. Бошқа бир фильмда у ҳомиладор эркак ролини ўйнайди...*

*Бошқа голливуд актерлари ҳам ўз ролларини алмаштириб турадилар. Масалан, барчага маълум ва машҳур “мафиози” Роберт Де Ниро сўнгги пайтларда комедияларда пайдо бўла бошлади.*

*Ўзгаришларга мослашиш зарур. Ўзгаришларга тўғри мослаша билиш қобилиятини олимлар “толерантли” деб атайдилар. Бу термин келиб чиқишига кўра француз дипломатқ Талейранга бориб тақалади. Дириектория, Наполеон ва Людовик XVIII даврида ҳам у*

ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллаган. Айёона фитналар уюштириш ва ўзгарувчан вазиятга мослашиш қобилияти унга ёрдам берган.

Тажриба шуни күрсатыптика, одамлар ўзгаришларнинг ўзидан эмас, уларнинг жуда тез бўлишидан жабр кўраяптилар.”Секин-аста” ўзгаришлар баҳтсиз ҳодисадан соғлиқни бирдан йўқотишдан кўра сурункали касаллик ёки қариллик сингари енгилроқ қабул қилинади. Секин-аста ҳароратнинг тушиши ҳароратнинг бирданига ўнлаб градусга тушиб кетишидан кўра ёқимлироқдир. Мана нима учун чет элга доимий яшашдан кўра дам олишга бориш осонроқ.

Бироқ унумтманг, кескин ўзгаришларга бардош берган ютади. Айнан шундай инсонлар хаётда муваффақиятга эришадилар. Улар ўз қишлоқларини тарк этадилар ва пойтахтга йўл оладилар. Учинчи даражали дунё мамлакатларидан Европа ёки АҚШга кетадилар. Улар ўнлаб марта ишларини алмаштирадилар токи, уларни муваффақият чўққисига олиб чиқадиган ишни топмагунларига қадар. Бизнес нимаси биландир бокс рингини эслатади. Бу ерда ҳам тўхтаб қолиш мумкин эмас. Зарбалардан қочиб зарбалар бериш учун доимий ҳаракатда бўлиш керак.

Табиат бизни ўзгаришларга тайёрлади. Инсондаги мослашиши инстинкти ер юзидаги бошқа жонзотларни кига қараганда анча юқори. Ўзгаришлар ижобий таъсир қиласди. Улар ўзингда ўзингни кашф қилишингга ёрдам беради. Қўрқмас, қатъий, уддабурон ўзимизни. Бизда ўзимиз билмаган сифатларни очиб беради. Ўзгаришлар ўзингни юзага чиқаришга ишора қилувчи йўналиш белгиларидир.

*Березовский ўз вақтида олим, Гусинский эса режиссер бўлган. Аммо вазият ва давр ўзгарди. Иккови ҳам ўзида тадбиркорлик қилишга истеъодод борлигини аниқлашиди. Газманов қачонлардир совутиши қурилмаларини ясаган. Бироқ биз уни ажойиб қўшикчи сифатида таниймиз.*

Сабр-бардошингиз қанча? Келинг кичик тест орқали ўзгаришларга бардошингизни текшириб кўрамиз. Ўзингизни ўзингиз текширинг. Саволларга жавоб беринг ва натижасини ўйлаб кўринг.

## **8-машқ**

-Зарур бўлганда ҳам ўзгаришлардан қочасизми?

-Ҳаётда, ишида, оиласда ўзгаришларга тез-тез жазм қиласизми?

-Истамасангиз ҳам маълум ўзгаришлар билан баравар қадам ташлаш истагингиз борми?

-Ўз доирангизда (оиласда, ишида) сиз ўзгаришлар бўйича етакчимисиз? Кийинии услугубингиз, турмуши тарзингизни ўзгартиришини яхши кўрасизми?

-Компьютер учун янги дастурлар, уяли телефон ва майший техниканинг янги функцияларини тез ўзлаштиряпсизми? Ёки эскитехинкадан фойдаланиб уни янгисига алмаштириши ниятингиз йўқми?

Зарур битта аниқ ўзгаришларга муносабатни аниqlаши янада мушикулроқ. Қарор қабул қилишидан аввал ўзингизга қўйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг:

-Ушибу ўзгаришларда нима маъно бор? Улар менинг ҳаётимни қандай ўзгартиряпти?

-Мен нимадан қўрқаман, нега ўзгаришларга қаршилик кўрсатяпман?

-Қандай йўқотишилар эҳтимоли бор ва уларни қандай камайтириши мумкин?

-Фойда олиш учун ушибу ўзгаришларга қай тарзда мослашии мумкин?

-Ўзгаришлар бўлмаса, мен нима йўқотишиим мумкин?

Конфуций вафоти чоғида бир нарсадан пушаймон бўлган: Ицзиннинг Ўзгаришлар китобини охиригача ўқимаганига. Бинобарин бизнинг замонимизда воқеалар ривожи анча тез. Бизнинг ўзгаришлар китобимиз доимо ўзгариб туради. Уни ўқиб чиқишига шошилинг!

Дунёда биз сиз билан қўйида кўриб чиқадиган **Ўзгариш Конунлари** мавжуд.



**Биринчи қонун. Барча нарса оқади, барчаси ўзгараади...** Ким қузатган, энг катта күнгилсизликлар биз уларни кутмаганимизда содир бўлади! Биз заифмиз, душманни тўлиқ қурол билан кутиб олишга тайёр эмасмиз. Ҳаддан ташқари барқарорлик қотиб қолишга сабаб бўлади. Собиқ Иттифоқнинг қандай тарқаб кетгани, ер юзидан Рим империясининг қандай ғойиб бўлганини эсланг... Бизнесда тўхтаб қолиш жоиз эмас. Ҳар доим хушёр туринг, акс ҳолда душманларингиз эътиборсизлигингиздан фойдаланадилар ва қақшатқич зарба берадилар.

**Иккинчи қонун. Ўзгаришлар - бу янги имкониятлар.** Агар сиз қалтис вазиятга тушиб қолган бўлсангиз, бунга хурсанд бўлишингиз керак. Вазият тақозоси билан сизда ижодий қобилияtlар юзага чиқади. Фақатгина муҳим ва энг кутилмаган қарорлар ёрдамида берк кўчадан қутилиб чиқиб кетишингиз мумкин. Онгингизга эрк беринг! Унинг ўзи йўл қидирсин! Кўраяпсизми, ўзгаришларнинг яхши томони ёмон томонидан кўпроқ. Совет Иттифоқининг парчаланишини яна бир эсга олайлик. Ўша пайтда кўпчилик барқарор маош ва ижтимоий кафолатларнинг йўқолишидан қайғуга тушганди. Илмий институтлар ёпилиб, инсонлар бир бурда нонсиз қолганди. Бироқ йигирма йил ўтди. Уларнинг кўпчилиги янги имкониятлар излашди ва совет давридагидан ўн баробар кўп пул топаяптилар. Эндиликда улар нафақат совет давлатларига балки бутун дунёни

кезишга қодирлар. “Волга” машинаси энг катта орзу эмас, бизда “Нексия”, “Ласетти” каби ўз автомобилларимиз, “Исузу” каби микроавтобусларимиз ва бошқалар пайдо бўлди. Омади чопганлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган “Шевроле Жип Капитва” да сайр қилмоқдалар.

**Учинчи қонун. Ўзгаришлар бизнесни юргазади.** Ходимларингизни безор қилишни ўрганинг. Улар изланишда бўлсинлар. Шундагина сиз энг зўр натижаларга эриша оласиз. Ўз-ўзига қўйиб берсангиз, ҳаёт билан бўладиган олишувда мағлуб бўлиб қолишингиз мумкин. Ахир у бир дақиқа ҳам тўхтамай бизга янги вазифалар қўймоқда... Аммо ахир ҳаёт бизга қанча туртки берса - ўзимизни юзага чиқариш учун шунча кўп имкониятга эга бўламиз.

Шундай қилиб, ўзгаришлар - бу жуда зўр. Фақат бунга тайёрлар, янгиликка мослашувчанлар учун. Бизнес учун бу энг муҳим сифат. Ахир унда муваффақиятнинг гарови бўлган янгиликлар ва ўзгаришларга мойиллик бор. Унутманг: истасак, истамасак ўзгаришлар юз беради. Улар билан ҳамнафас бўлиш керак. Ҳар кун ва ҳар соат ўқиши, ўрганиш истагини йўқотмаслик, ўзгариш ва изланиш хоҳишини сақлаб қолиш, ташки ўзгаришлар: ишдаги, оиласидаги, бизнесдагиларга тайёр бўлиш ҳамда ички ўзгаришларга: янги ғоялар, истаклар, интилишларга тайёр бўлиш муҳим.

Ёдда тулинг, дунё бир жойда турмайди! Фақат ўтмишга ёпишиб олиш керак эмас. У ўтиб бўлди. Мисол учун бир неча йил аввал Интернет нималигини билмасдик. Энди эса бу тармоқ секин-аста ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб бормоқда. Футурист олимлар фикрига кўра олдинда бизни янада қизиқ нарсалар кутиб турибди. 4-5 йилдан сўнг навбатдаги қашфиёт ҳаётимизни ўзгартириб юборади - ўзбек тадбиркорлари чет эллик тадбиркорлардан ўзиб кетадилар. Эҳтимол уларда тажриба камдир, аммо улар экстремал вазиятларда бекарор бозорга осонликча мослашадилар. Инқироздан сўнг бозоримиздан кўплаб чет эл компаниялар чиқиб кетди, уларнинг ўрнини инқироздан омон чиқкан кўплаб ўзбек компаниялари эгаллаб олдилар. Ахир чет элликлар фавқулодда вазиятлар бўлмайдиган тинч муҳитда ишлашга ўрганганлар. Биз эса нималарни кўрмадик... шундай экан сиз нимадан қўрқасиз?

Унутманг: ҳар ким бой бўлиши мумкин, ҳар биримизда бунга етарлича куч-кудрат бор! Туртки керак холос! Уйғонинг ва пул ишлаб топишни бошланг! Елкангиздаги бошингизда етарлича қувватингиз бор. Сиз Ўзбекистонда яшайсиз ва сиз учун кўплаб имкониятлар бор. Кўрқув, ҳаракатсизлик ва сустликни ташланг. Келажак бугундан бошланади!

Мен бир йилда бир марта Ўзбекистонга таклиф қиласиган устозларим ва менинг “Хусусий капитал”, “ВАҚТ. МАЛАКА ВА МАҲОРАТ. АЛОҚАЛАР. ИШОНЧ КРЕДИТИ”, ”Яша ва бойиб кет” тренингларим ҳаракатга даъват бўлиб хизмат қиласиди. Келинг ва сиз пушаймон бўлмайсиз! Энди бизда ўйлаб кўришингиз мумкин бўлган информация бор. Агар муваффақиятнинг яна бир таркибий қисмни қўрмоқчи бўлсангиз - олға! Шунда исмингиз бошқалар учун намуна бўлади.


Хўш, ишон ҳосил қилдингизми? Тўғри ўйлашни ва қатъий ҳаракат қилишни билмайдиганларга бизнес оламида ўрин ийёқ. Агар бошида ҳаммаси яхши кетган тақдирда ҳам алданиб қолиш керак эмас. Агар сиз аввалгидек фикрлашингизни бой инсонларнига алмаштиргмаган бўлсангиз, эртами кечми қоқиласиз. Бизнес ғойиб бўлади - ўрнига бир тўда қарз пайдо бўлади...

Умид қиласанки, ушбу китоб сизга тўғри стратегияни ишлаб чиқишингизга ёрдам беради. Бироқ унутманг амалиёт ҳар доим назариядан фарқ қиласиди. Бу ерда келтирилган тажрибалар ишонч ва ҳақиқат бўлиб хизмат қилиши учун уларни машқ билан мустаҳкамламоқ керак. Мен айнан шу билан шуғулланмоқдаман. Тренингларимга келувчи инсонлар кейинги келганларида бизнесдаги ўз муваффақиятларига ўзлари бовар қилмай қоладилар. Рақобатчилар сиқувга олади, шериклар панд берадилар, кредит бермайдилар... Аммо менда шуғулланиб улар ишга бошқача назар билан қарашни бошлайдилар. Кўплаб янги истиққболларни кўришни бошлайдилар! Натижада энг факир бизнес ҳам гуллашни бошлайди! Ишонмайсизми? Келинг ва ўрганинг!

**14-боб. Молиявий эркинликка эришиши воситалари.**

Авалги китобларимда биз Пул оқими квадрантини юзаки кўриб чиққандик. Келинг пул оқими квадранти нима эканлигини, қайси квадрантда жойлашганимизни ва келажакда қайси квадрантда бўлишни орзу қилишимизни батафсил кўриб чиқамиз.

Ҳар биримиз Пул оқимининг квадрантининг тўрт чорагидан бирига тегишлими. **Қаерда жойлашганимиз пул бизга қаердан келишиига қараб белгиланади.** Пул оқими квадранти бизнес оламини ташкил қиласидан тўрт турдаги инсонни ўзида мужассам қиласидан. Квадрант умуман олганда уларнинг кимлиги, нима билан шуғулланшини тасвирилаб беради. У сизга айни дамда қайси секторда жойлашганингизни ва **молиявий эркинликка элтувчи шахсий йўлингизни** танлаганингизда қаерга боришингизни аниқлаб беради.



**Квадрантнинг чап томони.** Сектор *E* – ёлланма ишчи, хизматчи. Кўпчилигимиз иш хақига суннамиз, шунинг учун ёлланма ишчилар туркумiga кирамиз. Ёлланма ишчига бўш вақт борми? - Йўқ, бўш вақт йўқ. Улар бошқаларга пул эвазига вақтларини сотадилар ва уларда иш билан вақт ўртасида бир неча соат қолади холос. Ҳозир *E* сектори жойлашган бўлиб пул оқими квадрантининг ўнг томонига ўтмоқчи бўлганларга цуидаги фикр муҳим бўлиши керак: **"Инсонлар ишда эмас, балки бўши вақтларида бойиб кетадилар".** Яъни ишдан сўнгги вақтингизни нимага сарфлайсиз, қандай фикрларни бошингиздан ўтказасиз, қандай китоблар ўқийсиз, қандай инсонлар билан учрашасиз.

Бошқалар шу вақтда ўзларини иш билан таъминлайдиганлар туркумiga киради. Секторига тадбиркорла киради. Улар ўзларига ишлайдиган бўлганлари учун ўз вақтларини

бошқараётгандек туюлади. Аммо биринчи қарашда шундай туюлади. Ўзи сотувчи бўлган дўкон хўжайинини уч кунга таътилга кетганини ёки тармоқли маркетинг компаниясидаги бир кунини ҳам мижоз қидиришга сарфламаган тадбиркорни тасаввур қилинг.”Ўз пулига иш сотиб олган” инсонлар вақтни тасарруф этиш борасида энг заиф гурух ҳисобланади. Бу инсонларга катта босим билан ишлайдилар ва ташки томондан фаровон яшайдиган бўлиб қўринсаларда уларга вақт даҳшатли тарзда етишмайди. С да доимо бир кунда қилиниши керак бўлган ишлар рўйхати туради. Шу тарзда бир кунда иккинчи кунга ўтилади.

Униси ҳам буниси ҳам Квадрантнинг чап томонида жойлашган. Квадрантни кўриб чиқиб айтишимиз мумкинки, чап томонда хизматчилар ва ўзида ишловчилар ишлаб топган пулларини индивидуум сифатида оладилар. Бу шуни англатадики, уларнинг даромади чегараланган. *Даромадлари қобилияtlари ва бажарии учун зарур шахсий вақт билан чегараланган.*

Квадрантнинг ўнг томони. Квадрантнинг ўнг томони бошқача. Квадрантнинг ўнг томони шахсий бизнеси ёки сармоясидан даромад оладиганларга тегишли. Муваффакиятли инсонлар квадрантнинг ўнг томонида жамоа бўлиб ишлайдилар. Улар муваффакиятга эришишнинг шахсий тармоқларини яратадилар. Уларнинг даромади чегараланмаган, у бошқаларнинг вақтига асосланган ва бошқаларнинг пули улар учун ишлайди. В ва I сектори кишиларининг энг катта сири- улар ўз вақтларини усталик билан бошқариш билан бир қаторда бошқаларнинг вақтидан ҳам жуда унумли фойдаланадилар. Бу уларга озгина вақтда катта даромад олиш ва қисқа муддатда катта бойлик тўплаш, баъзиларига молиявий эркин бўлиш имконини беради.

Квадрантнинг чап томони

Квадрантнинг ўнг томони

Иш	Тармоқ
----	--------

Алоҳида шахсият		Жамоадек ишлайди
Даромад чегараланган		Даромад чегараланмаган

Саноат асрининг эски ғоялари ахборот асирида ишончлилик ва барқарорликни таъминлаб беролмайди. Ахборот асирида кишиларда телевизор олдида ёки дам олиш билан “истаганча” фойдаланиб бўлмайган бўш вақт пайдо бўлаверади. Кишилар энди кўпинча катта компаниядаги ишни эмас, балки ҳатто бир неча компанияда эркин агент бўлиб ишлаш вазифасини ихтиёр этадилар. Кўпчилик кўп пул ишлаб топади, аммо улар ишламасликнинг иложи йўқ. Уларда пул бор, бироқ эркинлик йўқ. Биз ҳам пули, ҳам эркинлиги бор инсонлардек фикрлашни бошлашимиз учун мухитни ўзгартиришимиз зарур. Пул оқими квадрантининг чап томонидан ўнг томонига ўтиш ҳал этиш лозим бўлган энг асосий масала.


Шахсий бизнес ва сармоя билимларини эгаллашингиз ўзингизни шахс сифатида намоён этишингизда, инсонлар хурматига сазовор бўлишингизда, фақат ўзингиз ишонадиган ишларни юритишда ҳақиқатдан ҳам чексиз имкониятлар очиб беради. Бизнесни шунчаки қайта ишлаб чиқариш, товар сотиш ёки хизматлар кўрсатиш деб тушуниш билан уни тизим деб қабул қилиш ўртасида катта фарқ бор.

Дунё бойликлари бир ҳовуч инсонлар қўлида :


-4% инсонлар бойликнинг 96%га эгалик қиласди, аҳолининг 96% и қолган 4% бойликка эгалик қиласди.

Савол туғилади: нега? Қизиқ факт: агар дунёning барча бойликларини барча инсонларга тенг бўлсак, тез орада шу 96% бойлик яна 4% аҳолининг қўлида тўпланади. Нега бундай деб сўрашингиз мумкин? Чунки: **“Дунёдаги бадавлат инсонлар тармоқ излайдилар, бошқалар эса иш излайдилар.”**- деб айтганди Р.Кийосаки.

Мен сизларни нимадан огоҳлантирумокчиман. Кўплаб тармоқли маркетинг компанияларига аъзо бўлган устозингиз В секторда эмас, S секторида жойлашган. Бундай устозлар умумий ишларга эмас, В секторида муваффакият қозонишингизга ёрдам берадиган савдога оид билимларингизни ривожлантиришга эътиборини қаратади,



Бу пирамида. Бу тизим бошқарувчи,



бу тизим эса – бизнесмен.

Күпинча тармоқли маркетинг компанияларида кишилар мен унга аъзо бўлишимим билан бизнесменга айланиб қоламан деб қаттиқ хато қиладилар. Ўз тренингларимда мен уларга кўпинча савол билан мурожаат қиласман:

-Сиз қайси квадрантда жойлашгансиз? У сизга тўғри келадими? Сиз бу хаётда ким эканлигингизни ўйлаб кўринг – бошқарувчимисиз ёки етакчимисиз? Бошқарувчи етакчидан нимаси билан фарқ қиласди?

Кишилар менга ҳар доим, мен бизнесменман, деб жавоб берадилар. Тўғри жавоб қуйидагича бўлади:

-Ўзингиздан қўйироқдаги, кучсизроқ инсонни бошқарсангиз- демак бошқарувчисиз. Агар ўзингиздан кучлироқ инсонни бошқарсангиз – демак раҳбарсиз. Агар қўл остингиздаги жамоада бизнесменлар бўлса, демак ўзингиздан кучлироқ инсонларни ёки ўзингиз каби инсонларни бошқараояпсиз ва сиз бизнесменсиз.

Сиздан юқорида турувчилар сизни қаерга олиб боришмоқчи эканликларини ҳис эта билишингиз керак. Агар S секторига бўлса, кўпроқ маҳсулот ҳақидаги маълумотларга, савдо – сотикқа ва ишлаб топадиган пул эътиборларини қаратадилар. Ҳақиқий компания, шу жумладан В сектори тармоқли маркетинг компаниялари ҳам фақатгина маҳсулот сотиб сиздан юқорида бўлганларга фойда келтиришингизга эмас, балки сизни ҳар томонлама тараққиётингизга

диккатини қаратади. Токи тўла ўзгаргунга қадар кўп вақт талаб этилади, унгача қўпчилик кетиб олади.

Улар секторни ўзгартиришни истаганлари учун эмас, факат пул ишлаб топишни истаганлари учун кетиб қоладилар. Турли тармоқли маркетинг компанияларидаги устозларнинг биринчи вазифаси сизни Е ва S секторларидан В ва I секторларига ўtkазишга интилиш бўлиши керак.

Атроф-муҳитни ўзгартиришдан бошланг. Атроф-муҳитни ўзгартириш жуда муҳим, айниқса бошида, чунки инсонлар кўп вақтларини Е ва S йўқотадилар. Бу – ёмон, аммо инсонлар кўп вақтларини ушбу секторларда ўтказадилар, яъни ишда. Кўп вақтингизни ишда ўтказишингизга қарамай, бошланишига ҳеч бўлмаса, олти ой давомида баҳоли қудрат семинарлар, тренинглар, учрашувларга қатнанг. Мен буни тавсия этаётганимнинг сабаби “Нима эксанг, шуни ўрасан” деган гапнинг жуда тўғрилигига ишонаман.

Агар В ва I секторлари бўйлаб ҳаракатланишга тайёр бўлсангиз иложи борича сиз каби фикрлайдиган инсонлар билан кўпроқ муомалада бўлинг. Сизнинг ташкил этиш режангиз биринчи навбатда бизнесменларни, ўз жамоангизни, тизимингизни яратишдан иборат бўлиши керак.

Куйидагилар муҳим бўлиши керак:

- 1.Бошқаларга ёрдам бермоқчиман.
- 2.Ўзимга ёрдам бермоқчиман.
- 3.Ўзим ўрганиб бошқаларга ҳам ўргатмоқчиман.

#### ***“POYGA” ўйинининг афзалликлари:***

- 1.Одамларга қай тарзда кўп пул ишлаб топиш ва уларни сақлаб қолишни ўргатиш. Кишиларнинг молиявий келажагини яхшилаш.
- 2.Ўрганишдан ҳузурланиш ва орзуларни, иктисадий келажакни муҳокама қилиш.

3. Ўйин атрофига ишбилармон жамоаларни тўплаш.
4. Бизнесга янги кишиларни киритиш.
5. Кишиларнинг пул ҳақидаги тасаввурларини ўзгаритиш.

Бизнинг ўйинимиз вақтичоғлик, жамоа тузиш воситаси, шунинг билан биргаликда кўп сонли инсонларни бизнесга киритиш йўлидир. Қиласиган ишингиз фақатгина ҳомийингиз сиз билан биргаликда ўйнашини илтимос қилиш холос. Сиз қандай қилиб кўп пулга эга бўлиш ва бошқаришни ўрганасиз. “POYGA” ўйини сиз тараққиётнинг барча босқичларидан ўтишингиз; шахс, бизнесмен сифатида оёқка туришингиз; бу йўлнинг ҳар бир босқичида тўғри ва самарали ҳаракат қилишни ўрганишингизга кўмак берадиган қилиб тузилган.

***Бизнинг “POYGA” ўйинимизда ва ҳар бир бизнесмен ўз ҳаётида ўтадиган босқичлар:***

**1-босқич: “Ёлланма ишчи”** – “Барқарор иш ва яхши маош...” Сиз ёлланма ишчисиз. Сизни хурмат қилишмайди, ҳеч нарсага арзитишмайди, бир тийинга олишмайди. Агар кўпроқ нарсани хоҳлаб қолсангиз ҳайдаб юборишади. Агар синиб қолсангиз ўринингизга бошқасини топишади. Сиз ёқмай қолсангиз ҳеч бир сабабсиз ҳам бўшатиб юборишлари мумкин.



*Ёлланма иичининг бу босқичдаги асосий ҳаёттй қадриятлари: минимал талабларни қондириши учун етарли барқарор иши ҳақи.*

**2-босқич: "Мутахассис"** – “Мен билимларим ва малакамга яраша маош олишни истайман...” Сиз ҳалиям ёлланма ишчисиз, бироқ сизда сизни қимматли ходимга айлантирадиган билим ва тажриба бор. Сиз маошни оширишларини секингина талаб қилишингиз мумкин. Сиз шунчаки, алмаштириш мумкин бўлган ишчи эмассиз, балки алмаштириш қийин бўлган, яхшиси алмаштиришдан кўра эҳтиёжингизни имкон қадар қондириб туриш лозим бўлган ишчисиз.

Бу босқичда сиз ишсиз қолишдан қўрқмайсиз, модомики худди шунча маош тўлайдиган иў топа олишингизга ишонасиз.

Бу босқичда сиз учун асосий муҳим нарсалар:лавозим ошиши, маош қўтарилиши



**3-босқич: "Профессионал"** - “Менинг бир соатим 100 доллар туради,ман ўз нархимни биламан, менсиз уddyalай олмайсиз. Агар муаммо бўлса, мен уни ўзим ҳал этаман...” Сиз ҳақиқиат профессионалсиз, раҳбарият ва бизнес учун бебаҳосиз. Сиз тенгсиз ходимсиз, сизсиз механизм тўкилмайди, аммо унинг ишида жиддий тўхташ вужудга келади. Энди сиз шартларингизни қабул қилдиришингиз мумкин. Сизга кўпчиликнинг иши боғлиқ ва сизда ўзингизга ишонч пайдо бўлган. Қаерда, ким билан қандай пулга ишлаш ўз ихтиёргизда эканлигини англаб турибсиз. Сизга иш берувчи унчалик керак эмас, аммо сиз иш берувчига жуда кераксиз.

*Сиз учун муҳим бўлган нарсалар: билим ва маҳоратингиз учун иложи борича юқори маош олиши, шахсий бизнес яратишга илинжи.*

**4-босқич: "Тадбиркор"** - “Мен ўз-ўзимга ишлайман ва ҳеч кимга ҳисобот бермайман. Бу ҳаётда барчаси менга, яъни менинг истакларим, ақлим, қувватим, қатъийлигимга боғлиқ”.

Бўлди эрта тонгда соат 8 да туриш, ишга бориш, мажбуриятларга эга бўлиш, хисобот бериш ва маош олиш жонингизга тегди. Сиз ўз ишингизда билишингиз лозим бўлган барча нарсани биласиз. Бошқалар учун қилаётган барчасини ўзингиз учун қила оласиз. Бошқалар учун ишлаб топаётган пулингизни ўзингиз учун ишлаб топа оласиз. Сиз бошланғич капитал тўпладингиз ва ҳозирча ягона инсон фақат ўзингиздан иборат шахсий бизнесингизни бошлайпсиз. Аммо шу тўғри йўлдасиз.

*Бу босқичда энг муҳим нарсалар: айланманинг иложи борича ошиши ва мижозлар сонининг кўпайиши. Идеал нуфузнинг шаклланиши ва сақланиши, кучли жамоанинг шаклланиши истиқболи ва сиз фақат раҳбар вазифасини бажарадиган барқарор бизнес яратиш*



**5-босқич: “Бизнесмен” – “Менинг ишим – даромад олиш учун барқарор тизим яратиш ва уни бошқариш...”**

Бунинг удаладингиз! Пул топадиган шахсий жамоангиз ва механизмингизни яратдингиз. Ҳар бир таркибий қисм ўз ўрнида жойлашган. Ҳар ким ўз мажбуриятларини билади ва уларни бажаради. Тизим ишга тушиб жадал ишламоқда. Сиз фақат ишни назорат қилишингиз ва алоҳида қисмларни ишини тезлатишингиз керак. Пул энди тўхтовсиз оқмоқда. Яна қаердан пул ишлаб топиш ва қандай механизм яратиш ҳақида ўйлаш учун вақтингиз сероб. Нима ейман, қаерда яшайман, нима кияман, нимада юраман ва ҳоказо ташвишларингиз бўлмайди. Миянгиз майда муаммолардан холи, у асосий нарсага –ҳайратланарли муваффакиятга эришишга дикқатини қаратган. Сиз ушбу - пул ишлаб топиш жараёни билан касаллангансиз.

Бу босқичда сиз учун асосий аҳамиятли нарса: ўзингизни намоён қилиш, ҳурматга сазовор бўлиш, бойлик, ҳукмронлик, фахр, ҳашаматли ҳаёт.

**6-босқич:** “*Сармоядор*” - “Мен пул тикишиб пассив даромад олишим мүмкін бўлган бегона бизнес тизимлар излаяпман...” Механизмингиз ҳажми жуда катталашиб кетди. У жуда мураккаб, у жуда кўп алоҳида қуий бўлимларга эга. Сиз унга хизмат қиладиган жуда кўплаб мутахассисларни ёллайсиз. Механизм катта пул келтиради. Аммо сиз оператор бўлиб ишни кузатишдан чарчадингиз. Сиз таркибий қисмларнинг бузилиб қолишидан, ишламаслигидан, секин ишлашидан безор бўлдингиз. Бизнесингизда барқарорликка халақит бераётган инсоний омил жонингизга тегди. Сиз ҳаётдан, харажатлардан, қарорлардан, босимдан чарчадингиз. Сиз бошқа ўйлашни истамайсиз – у сиз ҳам бу ҳаётда жуда кўп ўйладингиз. Энди сизда одамлар эмас, ўзига хосликка эга бўлмаган ва кутилмаган қарорлар қабул қилмайдиган пуллар ишлашини истайсиз. Шунинг учун кўчмас мулкка сармоя киритиш ва ўз капитал қўйилмаларидан пассив даромад олиш мақсадида бошқа инсонлар томонидан яратилган барқарор бизнес тизимлар билан шуғулланинг.



*Уибу босқичда энг муҳими: тинчлик, барқорорлик, хотиржамлиқ, шахсий ҳаёт, оила, болалар.*

Энди юқорида келтирилган босқичларни таҳлил қилиб чиқинг, қайси босқичда эканлигинизни аниқланг. Кўплаб ўйинчилар дунёнинг ишлари қанда юритилишини тушуниб олганлар, кўп нарсага эришганлар, бироқ улар барибир “POYGA” ўйинини ўйнайдилар, чунки кўпроқ нарсага эришишни истайдилар.

Биринчи босқичда жойлашганлар учун бу ўйин сув ва ҳаводек зарур. Акс ҳолда бу инсонлар забунликка маҳкумлар. Бу ўйин уларга “Камбагал инсонлар” фикрлашидан “Бой инсонлар” дунёқарашига ўтишга ёрдам беради. Бизнесменлар қандай фикрлайди, қарор қабул қиласи, шуни англашга кўмак беради. “Бизнесмен” ва “Сармоядор”ларни “Ёлланма ишчилар”, “Мутахассилар”,


"Профессионал"лардан фарки фақатгина пулларини түгри тасарруф қила олиш ва пассив даромадлар яратиш махоратидадир. Бу санъат "POYGA" ўйинида ўрганишингиз мумкин бўлган энг асосий нарса. Сиз ўйинни ёлланма ишчи, мутахассис ёки профессионла ролида бошлайсиз ва сармоядор даражасигача барча босқичларни босиб ўтасиз (бу энди омадингизга боғлиқ).

Е ёки S квадрантларида молиявий ҳимояланганлик ёки молиявий эркинлик топиш мумкинми? Афсуски, бу квадрантларда молиявий ҳимояланганлик ва молиявий эркинликни топиш мумкин. Ҳакиқий ҳимояланганлик ва эркинликни квадрантнинг ўнг томонидан топиш мумкин.

Пул оқими квадрантининг фойдалигининг яна бир сабаби алоҳид бир инсоннинг ҳаёт тарзини кузатиш имкониятидир. Кўплаб инсонлар вактларини ва ҳаётларини ҳимояланганлик ва эркинликка бағишлийдилар, аммо бунинг ўрнига бир ишдан бошқасига ўтиш билан тугатадилар.

Масалан: Р.Кийосаки ўз китобида болаликдаги дўсти ҳақида мана нима деганди:

-Мен ундан ҳар беш йилда хабар эшишиб тураман, ҳар гал зўр иш топганидан ҳаяжонда бўлади. У ажойиб иш топганидан жуда мамнун бўлади. У ўзи орзу қилган компаниясидан иш тпгани учун хурсанд. У ишини севади, катта лавозимни эгаллаган, катта маош олади, яхши инсонлар билан ишлайди, ажойиб имтиёзлар бор, лавозим янада кўтарилишига қулайликлар мавжуд. Тахминан тўрут йилдан сўнг билсан, яна умидлари пучга чиққан. У ишлайдиган компания сотқин ва ноинсоф бўлиб чиққан. Компания ходимларига заррача ҳам хурмат кўрсатмаслиги маълум бўлган. Лавозимини оширмаганлар, кам маош тўлашган. Ярим йил ўтгач у яна хурсанд. У хурсанд, чунки яна ажойиб иш топган. Унинг ҳаёт йўли худди ўз думини тишлайман деб бир жойда айланаётган итга ўхшайди. Унинг схемаси қуйидагича кўринишига эга:




У ҳаётини бир ишдан бошқасига ўтиши билан ўтказаяти. Ҳозирча у яхши яшаяпти, чунки унинг зеҳни ўткир, ташқи томондан келишган, ёш тигит. Аммо йиллар ўз таъсирини ўтказаяти, энди

одатда у даъвогарлик қилган ишларга ундан ёшироқларни ишга олишияпти. Аммо у бир неча юз доллар йигди, на нафақга, на ҳеч қачон эга бўлалмайдиган уйини сотиб олишига, на болаларни қўллаб-қувватлашига - уларни тарбияси ва коллежда таълим олишига қолдирмади. У одатда: "Мени хавотирланадиган жойим йўқ. Мен ҳал ёшиман. Менда ҳали вақт бор." - дейди. Қизик, дерди у ҳозир.

Фикримча В ёки I квадранти томон тез ҳаракатланиши учун у қатъий ҳаракат қилишида давом этиши керак. Янги муносабат, таълим йўналиши шаклланиши жараёни бошлиниши керак. Токи тасодифан унинг омади чопмагунча, лотереядан ютмагунча ёки уйланишига бирор бадавлат аёлни топмагунча қолган умрининг охиригача қаттиқ меҳнат қилишига тўғри келади. Шунинг учун кўплаб бадавлат инсонларнинг маслаҳати: "Ўзингизга хос бирор иш қилинг!"

Е квадрантидан S квадрантига ўтиш. Шу бугунги даврдаги фавқулодда касодга учрашлар даврида кўпчиликнинг йирик компаниялардан ҳафсаласи тир бўлиб шахсий бизнес бошлиши учун ўзларининг аввалги ишларини ташламоқдалар. Оилавий бизнесда кескин портлаши юз бермоқда. Кўп инсонларшаҳсий бизнес очишга қарор қилмоқдалар. "Ўз ишини юритиш" ва "ўзига хўжайин бўлиш".

Уларнинг мансабга қўтарилиши йўллари қуйидагича кўринини касб этади:



Кишилар танлайдиган барча ҳаётий йўллардан буниси учун мен кўп куйинаман. S квадрантида мен энг кўп муваффақиятга эришиласиз, аммо энг кўп хавфга ҳам дучор бўласиз. S квадранти – энг қийини ҳисобланади. Бу ерда омадсизликка учрашиши эҳтимоли ҳам катта. Бироқ агар уларни енгид ўтсангиз, муваффақият омадсизликдан ҳам ёмон бўлиб чиқши мумкин. Бу

нарса юз бершишининг сабаби агар сиз *S* дагидек муваффақият қозонсангиз бошқа квадрантдагидан анча кўпроқ ишилашингизга тўғри келади. Шунингдек, жуда узоқ вақт тер тўкишингизга тўғри келади. Қанча узоқ вақт муваффақият қозонсангиз шунча узоқ вақт меҳнат қиласиз.

*Нега *S* вакиллари бошқалардан кўп меҳнат қилишининг сабаби катта компанияларда бир неча менежер ва ишилар бажарадиган ишларни бир ўзлари қилишлари ёки жавобгар бўлишиларига тўғри келади. *S* вакиллари кўпинча қўнгироқларга жавоб бершидан, қарзларни тўлаши, савдо агентларига қўнгироқ қилиши, озгина маблагга реклама тайёрлаши, истеъмолчилар билан иши юритиши, ишиларни ёллаши ва ҳайдаш, солиқчилар билан муомала қилиши, давлат инспекторлари билан муносабатда бўлиши ва ҳоказолардан бошлайдилар.*

*Шахсан мен кимдир шахсий бизнес очмоқчи эканлигини айтса, этим жунжикади. Мен уларга эзг тилакларимни билдириб қоламан, бироқ шу билан бирга қаттиқ хавотирга тушаман. Мен бир умр ийққанини, дўстлари ёки оила азоларидан олган қарзини шахсий ишига тиккан ҳаддан ташқари кўп *E* квадранти вакилларини кўрдим. Тахминан уч йиллик тинимсиз меҳнат ва курашдан сўнг бизнес касодга учрайди. Жамгармалар, кўп йиллик меҳнатнинг эвазига бу инсонлар бўйинларигача қарзга ботганлари қолади.*

*Бундай бизнес билан шуғулланувчиларнинг ўнтадан тўққизтаси беш йилдан сўнг касод бўладилар. Ўша омон қолганларнинг ўнтадан тўққизтаси кейинги беш йилда инқирозга юз тутади. Бошқача қилиб айтганда, майда бизнеснинг 100 дан 99 хили ўн йилдан сўнг бутунлай йўқолади.*

*Дастлабки, беш йилда кўплаб касодга учрашларнинг сабаби тажриба ва капиталнинг этишимаслигиdir. Дастлабки беш йилдан омон чиққанларнинг кейинги беш йилликда хонавайрон бўлишининг сабаби гайрат ва шиҷоатнинг этишимаслигиdir. Узоқ соатлик оғир меҳнат охир-оқибатда кишини синдириб қўяди. *S* квадранти вакилларининг кўпчилиги ишида абгор бўладилар. Мана нима учун юқори даражадаги малакали профессионаллар фирмаларни ўзгартирадилар ёки бирор янги иши бошлишга интиладилар. Шунинг учун шифокорлар ва ҳуқуқшуносларнинг ўртacha умр кўриши бошқа касбдагиларнига нисбатан кам. Уларининг ўртача умри 59 ёш, бошқаларники эса 70 йил.*

*Амал-тақал қилиб күн күраётганлар тонгда уйғониб шига бориши ва бутун умр давомида меҳнат қилишига ўрганганлар чоги. Гүёки улар бошқа нарсани билмайдилар. Күплаб ақлли S лар айни авжига чиққанда, гайратлари сүнмасидан бизнесларини сотиб юборадилар. Сотгандаям тули ва гайрат борларга сотадилар. Бир қанча вақт четда кузатиб турадилар ва яна бирор янги ши бошлайдилар. Бироқ бундай инсонлар ўйиндан қачон чиқши кераклигини ҳам билишлари лозим”*




### ***15-бооб: Бизнес тизимларнинг уч тури.***

Биз ўзимизга кўпинча савол берамиз: ”Кандай қилиб тез бойиб кетиш ва эркин бўлиш мумкин?”. Ўнг томондаги квадрантларда сиз тез бойиб кетишингиз мумкин, чунки сиз қонуний равишда соликларни тўлашдан қочишингиз мумкин. Кўпроқ пулни саклаб қолишга қобилиятли бўлгач, бу пулларни сиз учун ишлашга мажбур қилишингиз мумкин.

Иш туфайли эришиладиган ҳимояланганликнинг схемаси:

## МАКТАБ



Бундай одамлар одатда ўз ишларини аъло даражада бажарадилар. Таълим ва иш сарфланган кўп йиллар уларга тажриб бўлиб хизмат қиласди. Муаммо шундаки, пенсия лойиҳаларини билишсаларда улар В ва I квадрантлари ҳақида кам биладилар. Улар ўзларини молиявий жиҳатдан ҳимоялангандек ҳис этадилар, чунки уларни фақат ишга ёки профессионал ҳимояланганликка ўргатганлар.

Молиявий жиҳатдан ҳимояланган бўлиш учун Е ва S квадрантларида иш бажаришдан ташқари В ва I квадрантларида билимдон бўлишни таклиф этамиш. Ўз қобилияtlарингизга ишонч ҳосил қилганингиздан сўнг Квадрантнинг иккала тарафида инсонлар, табиийки, ҳаттоқи пуллари кўп бўлмаган тақдирда ҳам ўзларини кўпроқ ҳимоялангандек ҳис этадилар. Билим – куч. Улар қилиши керак бўлган ягона иш билимларидан фойдаланиш учун қулай фурсат пойлашдир, шунда сизда пул пайдо бўлади.

Мана нима учун Парвардигор бизга иккита оёқни берган. Агар оёғимиз битта бўлганида доимо ўзимизни омонат, ишончсиз ҳис этган бўлардик. Ўнг ва чап томонни билиб олиб, икки квадрантда қандай ҳаракатланиш бўйича билимга эга бўлиб ўзимизни ишончли ҳис этамиш. Фақат иши ёки касбини биладиган инсонлар фақат битта оёқка эгалар. Ҳар гал иқтисодий ўзгаришлар шамоли эсганда, икки оёқлиларга нисбатан улар кўпроқ тебраниб кетадилар.

Молиявий ҳимояланганлик Квадрантнинг иккала томонидаги пул оқимимни таъминлаб беради.

Мисол: шундай инсонлар борки, пул оқимининг иккала томонида ҳам намуна бўлиб хизмат кила оладилар. Улар иш туфайли қаттиқ ҳимояланганлар, шунингдек Квадрантнинг ўнг томонида улкан молиявий фаровонликка эришганлар. Уларнинг иккиси ҳам ўт ўчирувчи. Уларда яхши, доимий маош, катта имтиёзлар бор. Улар ҳафтада икки кун ишлайдилар. Улар уч кун профессионал сармоядор сифатида ишлайдилар, қолган уч куни оила даврасида дам оладилар.

Бир одам эски уйларни сотиб олади, уларни таъмирлайди ва ижарага беради. Бошқа одам вақтини компания манфаати йўлида акция соҳасини таҳлили қилишга сарфлайди. Уларнинг иккови 20 ёшидан, сармоя билан шуғулланишни бошлаганидан буён етарли даражада пассив даромадга эришдилар. Улар ишларини севадилар ва барча имтиёзларга эга бўлган ҳолда нафақага чиқишини истайдилар. Сўнг улар озод бўладилар, чунки улар Квадрантнинг иккала томонида неъматлар бераётган омаддан баҳра оладилар.

Пулнинг ўзи сизга ҳимояланганликни таъминлаб бера олмайди. Ҳисоб-рақамида миллионлаб пулга эга бўла туриб ўзини ҳимоясиздек ҳис этадиган инсонлар сероб. Нега? Чунки бу пуллар уларнинг иши ёки бизнесидан келган. Агар бу пуллар ғойиб бўлиб, уларнинг иш фаолияти якунига етса, у ҳолда улар нима қиласидилар?

Катта иқтисодий ўзгаришлар даврида бойлик соҳасида доимо кўплаб тўнтаришлар юз беради. Сизни ёмон ахволда қолдиришларига йўл қўйманг ва қўрқманг. **Хатто агар сизда кўп микдордаги маблағ бўлмаган тақдирда ҳам билим олишга пул тикиш жуда муҳим, чунки ўзгаришлар содир бўлганда уларга тайёр бўласиз.** Нима бўлишини ҳеч ким олдиндан айта олмайди, шундай экан, нима бўлганда ҳам тайёр бўлган яхши. Бу хозироқ таълим билан шуғулланишни бошлаш кераклигини англаатади.

**Йўл танлаш.** Инсонлар танлаши мумкин бўлган турли молиявий йўллар мавжуд. Афсуски, кўпчилик иш туфайли эришиладиган ҳимояланганлик йўлини танлайдилар. Қачонки иқтисодиёт кучсизланса, улар янада тушкунликка тушиб шу турдаги ҳимояланганликка ёпишиб оладилар. Охир-оқибатда бутун хаётларини ишда ўтказиб юборадилар.

Ҳеч бўлмаганда: *ишида ва сармоя киритишда, ҳам яхши, ҳам ёмон пайтларда ишоч ҳиссини берадиган молиявий ҳимояланиши бўйича билимли бўлишини маслаҳат берамиз.* Асосий сир шундаки, ҳакиқий сармоядорлар кучсиз бозорларда катта маблағ топадилар. Улар пул қилишининг сабаби, сармоядор бўлмаганлар ваҳимага тушиб сотиб олиш керак бўлган пайтда сотадилар. Мана нима учун иқтисодий ўзгаришлардан қўрқмаслик керак, чунки ўзгариш бойлик бир жойдан бошқа жойга, бир қўлдан бошқа қўлга қўчишини англатади.

Хозирги кунда юз бераётган иқтисодий ўзгаришлар қисман компанияларнинг сотилиш ва қўшиб юборилиш билан боғлиқ. Масалан: бир танишим компаниясини сотиб ҳисоб-рақамига 15 млн. доллар қўйди. Унинг хизматчилари ўзларига бошқа иш излашларига тўғри келди. Хўжайнингизнинг иши сизни бой қила олмайди. Факат сизнинг ишингиз сизни бой қила олади, агар сиз буни истасангиз. Агар пулни бошқариш бўйича малакангиз бўлмаса, дунёning жами пуллари ҳам сизни қутқара олмайди. Агар сиз бюджетга ақл билан маблағларингизни солсангиз ҳамда В квадрантида, ёки I квадрантида билимга эга бўлсангиз, сиз катта шахсий муваффақият, эркинлик йўлида турибсиз. Бадавлат ва камабагал инсон ўртасидаги ягона фарқ, уларнинг бўш вактда шуғулланадиган ишидадир. Агар ҳар доим банд бўлсангиз, квадрантнинг иккала томонида ҳам банд бўлинг. Агар буни уddaласангиз, сизда кўпроқ бўш вакт топиш ва молиявий эркинликка эришиш имконияти кўпроқ бўлади. Качонки, сиз ишда бўлсангиз, бор кучингиз билан ишланг. Шунда бошлигингиз сизни қадрлайди. Ишдан сўнг пулингиз ва бўш вақтингиз билан нима қилишингиз, тақдирингизни ва келажагингизни аниқлаб беради.

Маҳоратни ошириш учун аввалига В да яхши бўлиш керак. Шу ёрдамида сиз профессионал сармоядор бўлиш учун олдинга ҳаракатланишингизда зарур пул оқими билан ўзингизни таъминлаб оласиз. В сифатида олиб бораётган бизнесингиз сизни пул билан таъминлайди. Улар ёрдамида сиз яхши сармоядор бўлиш учун зарур билимни эгаллайсиз. Омадли сармоядор бўлиш учун керакли билимни эгалалагандан сўнг нимага мен “пул топиш учун ҳар доим ҳам пул керак эмас” деяётганимни тушунасиз.

**Хозирда** В квадрантида омадга эришиш аввалги пайтлардагидан анча осонрок. Худдики авваллари технологик янгиликлар кўплаб вазифаларни осонлаштирганидек, технология В квадрантида тезроқ муваффақиятга эришишга ёрдам беради. Бу минимал миқдорда маош берадиган иш топишдек осон бўлмаса-да, бу тизим В квадрантида кўплаб кишилар молиявий муваффақиятга эришишларида қўл келади.

В квадрантига ҳаракатланишда қандай мақсад қўйилиши лозим? Сизнинг мақсадингиз тизимни эгаллаш ва ушбу тизимни сиз учун ишлашига мажбур этадиган инсонларни тизимга жалб қила олишдир. Сиз ўзингиз бизнес-тизим ишлаб чиқишингиз ёки бирор тизимни сотиб олишингиз мумкин. Бу тизимни Квадрантнинг ўнг томонидан чап томонига ўтишингизга, молиявий эркинликка эришишингизга ёрдам берадиган кўприк деб хисблашингиз мумкин.



**Бизнеснинг қандай асосий турлари мавжуд ва уларнинг заиф ва кучли жиҳатлари қайсилар?** Ҳозирда бизнес-тизимларнинг учта асосий тури кенг қўлланилади.

**I.S типидаги анъанавий корпорациялар**, хусусий фирмалар, масъулияти чекланган жамиятлар, акционерлик жамиятлари. Бу турдаги бизнес-тизим қачонки сиз ўз тизимингиз ишлаб чиқсангиз пайдо бўлади.

**II. Франшизалар.** Бу турдаги бизнес тизим қачонки сиз қандайдир мавжуд тизимни сотиб олсангиз вужудга келади.

**III. Тармоқли маркетинг.** Бу бизнес-тизим қачонки пул тикиб қандайдир мавжуд тизимнинг бир қисмига айлансангиз пайдо бўлади.

Бу турларни ҳар бирининг кучли ва заиф жиҳатлари мавжуд. Шундай бўлсада, уларнинг барчаси охир-оқибатда бир хил натижа беради. Агар ишлар тўғри юритилса, ортиқча жисмоний уринишларсиз барқарор даромад олишга эришиш мумкин. Бизнесни ривожланадиган ва ўсадиган қилишдаги муаммо шундаки:

**1.Шахсий тизим ишлаб чиқиш учун узоқ ва оғир меҳнат қилиш керак.** Эҳтимол бу йўлда сиз битта узоқ вақт гуллайдиган компания яратиш учун икки ёки учта компанияни қўлдан бой берарсиз.

Масалан: Р.Кийосаки узок вақт рафиқаси билан уйсиз, ишсиз қолиб кетдилар. Чунки улар ўз бизнес-тизимларини яратиш билан шуғулландилар. Бу S турдаги анъанавий корпорация билан франшизанинг чатишмасидан иборат бизнес-тизим эди. В квадранти тизимни ва инсонларни билиш каби билимларни талаб этади.

**2. Муваффақият –ёмон муаллим.** Қачонки муваффақиятсизликка учрасак шундагина ўзимиз ҳакимизда күпроқ нарсаны билиб оламиз. Шунинг учун муваффақиятсизликдан қўрқмаслик керак. Шунинг учун муваффақиятга эришмаган инсонлар , бу ҳеч қачон касодга учрамаган инсонлардир.

**3.Компания яратишда** аввал бошланишидан энг қийин иш иккита ўзгарувчан нарсанинг йўқлиги:

**-тизимлар**

**-бу тизимни қурадиган инсонлар.**

Агар иккала ўзгарувчилар – инсонлар ва тизим иш бермаса, ҳалокатга учраш эҳтимоли катта. Баъзида омадсизликнинг сабаби инсондами ёки тизимдами аниқлаш мушкул бўлади.

Авваллари В квадрантининг вакилига айланиш учун йирик бизнес компаниялари, қандайдир корпорация ва S турдаги оиласиб корхоналаридан бири бўлиш лозим эди. Шунинг учун барча билимлар хатолар ва таваккал усули билан эгалланарди.

Биз эндини “франшиза” сўзини эшитдик. Ҳозирча франшизани амалиётда қўллаётган компаниялар Ўзбекистонга кириб келганича йўқ. Биз эндини “McDonalds”, “Kentucky Fried Chicken”, “Taco Bell” ҳақида эшитяпмиз. Улар ҳали бизнинг нутқимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурмаган. **Франшиза - бу кела жасак тўлқини.** Энди франшиза гоясини тушунган инсонларнинг бойлиги ошиб бормоқда. Улар эгалик ҳуқуқларини бошқаларга сотишни бошлашмоқда. Уларнинг мақсади - бошқаларда ўз бизнесини яратиш учун заррача бўлсада имконият пайдо бўлсин. Франшизалар ўзи бизнес яратишни истамайдиганлар ёки эплай олмайдиганлар учун айни муддао. Бунинг учун ҳеч бўлмаганда франшиза сотиб олиш учун 250 000 доллар керак.

Е сектори вакилларини В секторига кўчириш учун кўпчилик бир усулдан фойдаланади. Бу усульнинг номи **“иш воситасида ўқитиши”**. Ўзаро зич боғланган сулолалар бир авлоддан

бошқасига берадиган йўлдир. Муаммо шундаки, жуда кўпчилик инсонлар В квадранти вакилига айланиш усулини ўрганиш бўйича имтиёз ёки қулай имкониятга эгадирлар.

**В квадрантига тезда ўтишда ёрдам берадиган усуллар борми?** Ҳа, В квадрантига тезда тушишингизга ёрдам берадиган учта усул бор.

**Биринчи усул:** Устоз топиш. Устоз – бу сиз энди қилмоқчи бўлиб турган ишингизни бажариб бўлган ва муваффақият қозонган инсондир. Маслаҳатчи изламанг. Маслаҳатчи – буни қандай қилишни ўргатадиган, аммо ўзи бажармаган инсондир. Кўпчилик маслаҳатчилар S квадрантида жойлашган бўлади. Қандай қилиб В ва I вакилларига айланишини ўргатишга уринадиган S вакиллари атрофимизда тўлиб ётибди. Менинг устозим маслаҳатчи эмас, ҳақиқий устоз эди. Устозим берган маслаҳатларнинг энг муҳими куйидагиси эди: “Сенга берадиган маслаҳатларидан жуда эҳтиёт бўл. Нима деб маслаҳат бераётгандарига қулоқ сол ва биринчи навбатда маслаҳат қайси квадрантдан келаётганига эътибор бер”. У тизимлар билан боғлиқ барча нарсани ҳамда кишиларга қандай қилиб раҳбар-етакчи бўлишни ўргатган. Эътибор беринг, менежер ёки бошқарувчи бўлишни эмас. Бошқарувчи (етакчи) лар қўл остидагиларга паст назар билан қарайдилар. Раҳбар-етакчилар эса инсонларни ўқимишлироқ ва профессионалроқ бўлишга ўргатадилар. Аввалги бобда икки пирамида раҳбар-етакчилар ва бошқарувчилар фарқини кўриб чиқкан эдик.

Хусусий бизнес яратишни **ўргатишнинг анъанавий усули** - обрўли ўқув муассасида билим олиш ва хизмат лавозими тезда ўсадиган истиқболли иш жойига кириш. Билим олиш муҳим омил ҳисобланади, чунки ўқиш вақтида сиз бухгалтерия ҳисоби асосларини ва молиявий рақамларнинг бизнес тизимига қандай дахли борлигини билиб оласиз. Шунга қарамай, дипломнинг борлиги ҳар қандай тизимни бошқаришга қодир эканлигинизни англатмайди.

Бирор йирик компанияда фойдаланиладиган бизнес тизимни ўрганишингиз учун ушбу бизнеснинг турли жиҳатларини 10-15 йил ўрганишингизга тўғри келади. Шундан сўнггина ушбу бизнесни тарқ этиб ўз бизнесингизни яратишингиз мумкин. Гуллаб-яшнаётган йирик компанияда ишлаш - устозингиз ишингизга пул тўлагани билан бир хил нарса.

**Ҳамто устозингиз ва меҳнат тајсрибангиз бўлган тақдирда ҳам таълим беришнинг биринчи даражасали усули қизгин иши ва меҳнат ҳисобланади.** Шахсий бизнес-тизимни яратиш

учун жуда кўп таваккал ва хатолар, харажат, қоғозли даҳмаза талаб этилади. Буларнинг барчаси сиз қўл остингиздагиларга таълим беришга урингизда содир бўлади.

**Иккинчи усл. Франшиза сотиб олиши.** Тизимларни ўрганишнинг бошқа усули франшиза сотиб олишdir. Сиз франшиза сотиб олганда, синовдан ўтган ва ўзини оқлаган, ишлаётган тизимни сотиб оласиз. Бозорда жуда кўп ажойиб франшизалар бор. Франшиза сотиб олиб сиз ўз тизимингизни яратишнинг ўрнига ишчиларингизни тайёрлашга эътиборингизни қаратишингиз мумкин. Тизим сотиб олиш катта бир муаммони - В квадрантига ўтиши муаммосини бартараф этади. Кўплаб банклар бирор янги кичик бизнес корхонасини очишдан кўра франшиза сотиб олишга кредит беришни афзал билишларининг сабаби банклар тизимнинг қанчалик мухимлигини, яхши йўлга қўйиб бўлинган бизнесни давом эттириш таваккалчилик даражасини камайтиришини тушунадилар.

Франшиза сотиб олаётганингизда кичик бир огоҳлантириш. Илтимос, албатта “ўзи бирор нарса яратмоқчи” бўлган S квадрант вакили бўлманг. Агар тайёр тизимли франшиза сотиб олмоқчи бўлсангиз Е квадранти вакили бўлинг. Шунчаки, барчасини маслаҳат берганлариdek бажаринг. Ҳеч нарса франшиза сотиб олганлар ва уни сотганлар ўртасидаги суд можаросидек фожиавий манзара касб этмайди. Бундай келишмовчиликларнинг асосий сабаби - ушбу тизимни сотиб олган инсонлар тизимни яратган инсон истаганидек эмас, ўzlари истагандек қилиб ўзгартирмоқчи бўладилар. Агар ўзингиз истаган бирор нарса яратмоқчи бўлсангиз, тизимларни ва инсонларни бошқариш маҳоратини ўрганганингиздан сўнггина киришинг. Бизнесни ушлаб туриш ва уни гуллатиб юбориш учун қўплаб тизимларни билиш керак: маркетинг тизими, молиялаштириш ёки ҳисоб тизими, олди-сотди тизими, ишга олиш тизими ва ишдан бўшатиш тизими, ҳуқуқ тизими ва бошқа тизимлар. Бизнес омон қолиши ва гуллаб-яшнаши учун барча тизимларни 100% ҳисобга олишингиз ва ишлатишингиз керак. Масалан:

Самолёт - тизимлардан иборат тизимдир. Агар самолёт ишдан чиқса, дейлик ёнилғиси тугаса, қўпинча авиаҳалокат содир бўлиши тайин. Бизнесда ҳам худди шундай. Сиз таниш бўлган тизимлар муаммо туғдирмайди, сиз билмайдиган тизимлар ҳалокатга сабаб бўлади.

-Инсон танаси - тизимлардан иборат тизимдир. Барчамизниг бошимиздан яқин кишисини йўқотишдек аччиқ тажрибага эга. Бу инсонларимизда ички тизимлардан қайси биридир, масалан, дейлик қон айланиш тизими ишдан чиқсан бўлиб, бу ўз навбатида касалликни бошқа тизимларга тарқалишига олиб келган.

Мана нима учун ишончли бизнес - тизим яратиш мураккаб иш. Ахир ҳар қандай сиз унугтан ёки эътибор қаратмайдиган тизимлар ҳалокат сабаби бўлиб чиқиши мумкин. Мана нима учун қандайдир маҳсулот ёки ғояга эга Е ва S лойиҳаларига сармоя тикиш тавсия этилмайди. Профессионал сармоядорлар синовдан ўтган тизимларга сармоя киритишга ва ушбу тизимни бошқаришни биладиган инсонлар билан иш кўришга мойилдирлар. Шунинг учун банклар ишончли тизимларга ссуда берадилар ва тизимларни бошқармокчи бўлган инсонларни кузатадилар. Агар ақлли сармоядор бўлишни истасангиз сиз ҳам шундай йўл тутишингиз лозим.



**Учинчи усул. Тармоқли маркетинг билан шугулланиши.** Бу тизим MLM кўп босқичли маркетинги ёки тўғри тақсимот тизими деб аталади. Худди франшизада бўлгани каби дунё хукукий тизими аввалига тармоқли маркетингни тақиқлашга уриниб кўрди. Ҳар қандай янги тизим ёки ғоя кўпинча галати ва шубҳали деб баҳо бериладиган даврни бошидан кечиради. Аввалига мен ҳам тармоқли маркетингни сафсата деб ўйлагандим. Аммо йиллар давомида тармоқли маркетингда ишлайдиган турли тизимларни ўрганиб чиқдим. В квадрантида ушбу бизнес турида кўпчиликнинг муваффақиятли ишбилармон инсонларга айлангани гувоҳи бўлдим.

Аксарият инсонлар тармоқли маркетинг ёрдамида чин юракдан ва астойдил бизнес яратишга киришишган. Унча катта бўлмаган бадал эвазига (кўпинча 200 долларгача) инсонлар мавжуд тизимни сотиб олишлари ва дарҳол ўз бизнесларини бошлашлари мумкин. Компьютер саноатидаги технологик жараён туфайли бу корхоналар автоматлашган ва барча бош оғриқ девонхона моллари дандир. Фармойишлар, тақсимот, қарзлар, хисоб режалари барчаси тармоқли маркетингни бошқариш дастурий таъминоти орқали бошқарилади. Янги тақсимловчилар ҳар қандай кичик бизнес корхонаси очганда дуч келадиган муаммолардан хавотирланмайдилар, ушбу автоматлашган бизнес тизим орқали барча уринишларини бизнес яратишга қаратадилар.

Кўчмас мулқда миллиард доллардан ошикроқ ишлаб топган инсон тармоқли маркетинг дистрибутори сифатида шартнома имзолади ва ўз бизнесини яратишни бошлади. У пулга муҳтож эмасди. Нима учун бу ишни бошладингиз деган саволга у:

*-Мен қайсидир соҳанинг мутахассиси бўлиши учун ўқишига кирдим. Менда молиячи дипломи бор. Инсонлар мендан қандай қилиб бой бўлганим ҳақида сўрашади. Мен уларга кўчмас мулк бўйича кўп миллионлик битимлар, юз миллионлик пассив даромадларим ҳақида сўзлаб бераман. Шунда улардан баъзиларининг индамай жўнаб қолгани ёки кўзни шамагалат қилиб кетиб қолганини сезиб қоламан. Ана шундагина мен уларнинг мен каби кўп миллионлик кўчмас мулкка сармоя киртишига имкониятлари йўқлигини тушунаман. Шунинг учун улар ҳам мен кўчмас мулкдан етишган пассив даромадга мен каби олти йил ўқиб, ўн икки йил сармоя тикиб эмас, осонроқ йўлдан бориб эришишиларини истадим. Ишонаманки, тармоқли маркетинг инсонларга токи улар профессионал инвестор бўлишини ўргангулларига қадар улар учун зарур пассив даромад яратишларига қулай имкониятдир. Мана нима учун мен уларга тармоқли маркетинг билан шугулланишини тавсия этаман. Агар уларнинг пуллари кам бўлган тақдирда ҳам беши йил йиққан пулларини кўпроқ миқдордаги пассив даромад олишини бошлиши учун тикишилари ва сармоядорга айланишилари мумкин. Шахсий бизнесни ишлаб чиқиши билан бир вақтда ҳам ўрганиши учун етарли вақт, капиталга эга бўладилар ва мен билан биргаликда катта битимларга сармоя киритадилар.*

Ҳозир унинг ишлари ушбу бизнесда ҳам кўчмас мулк бизнесида ҳам жуда яхши кетаяпти. У шундай деганди:

*-Аввалига мен инсонлар сармоя учун пул топишларига ёрдам беришга бу ишни бошлаган бўлсам, эндиликда эса янги бизнесдан янада бойиб бормоқдаман.*

Ойига икки марта шанба кунлари у машғулотлар ўтказади. Биринчи йиғилишда у инсонларни бизнес-тизимларга ва В квадрантига қандай тушишни ўргатса, иккинчи йиғилишда молиявий саводхонлик ва топқирликка ўргатади. У “I” квадрантининг ақлли вакилларига айланишини ўргатади. Унинг тингловчилари сони кескин ошиб бормоқда.

**Шу ерда савол туғилади: “Шахсий франшиза ҳам бўлиши мумкини?”** Тармоқли маркетинг хусусий франшиза сотиб олишга ўхшайди, бунинг устига нархи кўпинча 200 доллардан кам бўлади. Кўплаб машхур савдо белгилари нархи миллион доллардан кам эмас. Мана нима учун биз инсонларга тармоқли маркетинг билан ҳам ҳисоблашишини маслаҳат берамиз.

Тармоқли маркетинг оғир меҳнатдан иборат. Ҳар қандай квадрантда ҳам муваффакият шиддатли меҳнат орқали эришилади. Агар сиз квадрантнинг ўнг томонига ўтишингизга ёрдам берадиган бирор яхши ташкилотни топмоқчи бўлсангиз. Асосий устунлиги фақат маҳсулоти эмас, таълим йўналиши бўлиши керак. Шундай ташкилотлар борки, улар фақат сизни савдо агенти сифатида ишга қабул қилишдан манфаатдор бўладилар. Баъзи ташкилотларнинг раҳбар-етакчилари бизнес юритаётган мамлакатида одамларни алдаш, қалбакилик, ноконуний фаолият олиб боришга уринадилар. Бунинг натижасида кўплаб МДХ давлатларида суд жараёнлари гувоҳи бўлдик. Аммо шундай ташкилотлар борки, сизга таълим бериш ва сизни муваффакиятга эриштиришни биринчи ўринга қўядилар.

**В квадрантида муваффакиятли бизнесмен бўлиш** учун иккита муҳим нарса ўрганишингиз мумкин



**Муваффакиятли инсон бўлиш учун сиз рад этилиш қўрқувини енгишни ўрганишингиз ва бошқалар нима дейишидан хавотирланишни бас қилишингиз керак.**

**Одамларни бошқаришни ўрганиш зарур.** Ҳар хил тоифадаги одамлар билан ишлаш – бизнесдаги энг қийин вазифа. Инсонлар билан муроса қилиш ва уларни руҳлантиришини ўрганиш лозим бўлган бебаҳо нарса бу - маҳорат хисобланади.

Квадрантнинг чап томонидан ўнг томонига ўтиш нафақат бажарадиган ишингиз билан боғлик, балки ким бўлиш мақсадини олдингизга қўйганингиз ҳам бунга алоқадор. Уятчанликни енгишни, бошқаларнинг фикрига боғлиқ бўлишни, одамларни бошқаришни ўрганинг шунда омад сизга кулиб бокади. Шунинг учун тармоқли маркетинг ташкилотлари фаолиятини ёқлаймиз, чунки у биринчи навбатда сизни савдо агенти сифатида эмас, балки шахс сифатида тараққий этишингизни биринчи ўринга қўяди.

Қуйидаги сифатларга эга ташкилотларни излаш лозим:

Ўзини оқлаган, иқтисодий ўсиши бўйича ижобий баҳога сазовор бўлган, кўп йилларга мўлжалланган тақсимот тизими ва қоплаб бериш режасига эга.

Сиз муваффакият қозонишингиз мумкин бўлган, сиз ишонадиган, бошқалар билан баҳам кўрадиган бизнес учун қулай имкониятларга эга.

Шахс сифатида тараққий этишингиз учун замонавий, узоқ муддатли таълим дастурларига эга. Квадрантнинг ўнг томонида ўзига ишонч туйғуси муҳим.

Қатъий мураббийлик дастурларига эга. Сиз маслаҳатчилардан эмас, етакчилардан ўрганмоқчисиз. Етакчилар Квадрантнинг ўнг томонида жойлашганлар ва муваффакият қозониб бўлганлар. Улар сиз ҳам муваффакият қозонишингизни истайдилар.

Сиз ҳурмат қиласидиган ва бирга ишлашдан мамнун бўладиган кишиларга эгалар.

Агар бу ташкилот ушбу беш мезон бўйича талабга жавоб берса, фақат шу тақдирдагина уларнинг маҳсулотига эътибор қаратсангиз бўлади! Жуда кўп одамлар маҳсулот ортидаги ташкилот ва бизнес-тизимга эмас, маҳсулотга қарайдилар. Агар сиз савдо агенти ишини излаётган бўлсангиз ва S секторида қолмоқчи бўлсангиз, маҳсулот сиз учун жуда муҳим бўлади. Аммо агар

узокмуддатли “В” га интилаётган бўлсангиз, у ҳолда тизим, таълим ва одамлар мухимроқ хисобланади.

**Вақтнинг қадрлилиги** - энг мухим активларимиздан биридир. Тармоқли маркетинг компаниясида ҳақиқий муваффақиятнинг мезони бўлиб сизнинг вақтга нисбатан эҳтиёткора муносабатингиз ва қисқа вақт давомида қаттиқ меҳнатингиз натижасида катта ва узок муддатли пассив даромадга эга бўлишингиз билан белгиланади. Кўл остингизда кучли ташкилот яратишингиз билан, ишлашни тўхтатишингиз мумкин. Даромадингиз оқими эса яратган ташкилотингизнинг фалит туфайли тўхтамайди. Тармоқли маркетинг компаниясида энг мухим муваффақият қалити бўлиб ҳали ҳам ўзингиз ва ташкилот томонидан узоқ муддатли мажбуриятни - сизни ушбу бизнесда етакчи қилиб шакллантиришни тенг бўлиб олишдан иборатдир.

**Тизим эркинликка кўприк бўлиб хизмат қиласими?** В квадрантида муваффақиятли инсонга айланишга фақатгина жасур ва бадавлат инсонлар айланиши мумкинлигига бир неча йил бўлди, холос. Бугун биринчи навбатда технологиядаги ўзгаришлар туфайли омадли бизнесмен бўлишдаги хавф камайди ва деярли шахсий бизнес-тизимга эга бўлиш имконияти деярли ҳар бир инсонда бор.

Савдо белгилари ижараси ва тармоқли маркетинг сизнинг шахсий бизнесингиз ривожининг мушкул қисмини ўз бўйнига олди. Сиз бирор бир синовдан ўтган тизимга эгалик хукуқига эга бўласиз. Сўнг эса сизнинг ягона ишингиз хизматчиларингизнинг билим даражасини ошириш бўлиб қолади холос. Бу бизнес тизимларни квадрантнинг чап томонидан ўнг томонига ўтища хавфсизликни таъминлаб берадиган кўприк деб тасаввур қилинг. Бу молиявий эркинликка элтувчи кўприкнинг худди ўзгинасидир.

**3-қисм. Бойлик уни қабул қилишга тайёрларни, уни кутаётган ва у билан роҳатланишни биладиганларни танлайди.**



**16-боб: Ўзингизда пулга нисбатан ижсобий муносабат уйготинг!**

Агар қүёш нури катталаштириладиган ойна орқали фокусга тўпланадиган бўлса унда, олов ёқса бўлади. Аммо бунда маълум бир шартлар бажарилиши керак. Агар шиша қофоздан жуда узоқ бўлса, нур тарқалади ва олов пайдо бўлиши учун етарли даражада иссиқлик бермайди. Сувни 100 градусгача қиздирсангиз у қайнайди. Ҳарорат 99 градусга чиқса, сув қайнамайди. Самолёт осмонга кўтарилиши учун керакли даражадаги тезликка етиши лозим. Ундан кам ҳар қандай тезлик учишга эмас, балки учиш йўлаги сўнгидаги ҳалокатга олиб келади. Ракета ернинг тортиш кучини ёнгиши учун биринчи космик тезликка эришиши керак. Шундагина у орбита атрофида ҳеч бир мешекватсиз айлана олади. Бироқ агар керакли тезликка зигирдаккина миқдорда етмай қолса ҳам Ерга қулаб тушиши аниқ.

Баъзи инсонлар молиявий муваффақиятга эришиш учун қаттиқ мешекват чекадилар. Улар барчасини тўғри бажараётгандек туюладилар - мақсад қўядилар, китоблар ўқийдилар,

семинарларда қатнашадилар. Барча амалларни тұғри бажарадилар. Бирок омад учун нимадир етишмайды уларга. Бошқалар эса деярли худди шу ишларни бажарадилар, аммо пулға күмилиб кетадилар. **Фарқи нимада?** Фаровонликка эришиш учун аввал *ички мослашувчанликка* эришиш керак - бу шундай ҳолатки, ичингиздаги “мен”нингзининг барча қисми тұғри созланған ва ўзаро келишувчан бўлиши керак. Сиз камида учта асосий омилни созлашингиз лозим: ***истак, ишонч ва ўзини хурмат қилиши.***

Пуллар ўз психологиясига эга эканлигини кўпчилик билмайди. Одамлар буни билмайдилар. Шунинг учун бу инсонлар ҳеч қачон молиявий меваффақиятга эриша олмайдилар. Камбағаллик айб эмас, шунчаки миянгиздаги жараёнлар инъикоси холос. Китобларимдаги барча гап шунга бориб тақаладики, ***молиявий меваффақият сизнинг онгингизда бошланади.*** Кейин бойлик йиғишнинг қуйидаги босқичларидан ўтиш лозим:

- Биринчи наебатда сиз бойишни ҳоҳлашингиз ва бойишингиз лозимлигини қаттық истанг ва бунга қарор қилинг.*
- Кейин бойиб кетишингиз мумкинлигига, бунинг иложи борлигига ишониш,*
- Ўзини ўзи хурмат қилиши, сиз чин дилдан бойликка арзишингизга ишонишингиз керак.*
- Сўнг сиз бу ҳақдаги фикрга бутун дикқатингизни қаратишингиз ва уларни худди юз бергандек масаввурингизда жонлантиришишингиз керак.*
- Ниҳоят бунинг учун интилиши, интизом, доимий қатъийлик лозим.*

Агар ушбу омиллардан бирортаси издан чиққан бўлса, қувватингиз камаяди ва самарадорлиги йўқолади. Масалан, сиз бой бўлмоқчисиз ва бунга ўзингизни муносаб деб сезаяпсиз, аммо бир неча марта омадсизликка учраганингиздан сўнг буни уddaрай олмас эканман деган фикр сингиб колади. Иккита омилгина етарли эмас. Сиз мослашувчан эмассиз. Сизда иккита двигател ёқилган, орбитадан чиқиб кетиш учун эса учта бўлиши керак. Сизга ерга тушиб кетишингиз аниқ. Таниш жумла? Етарли даражада энергия ишлаб чиқиш учун – қайнаш нуқтасига, биринчи космик тезликкa эришиш учун - камида биз санаб ўтган омилларнинг ҳеч бўлмагандан биринчи учтаси бўлиши керак. Менингзининг ҳар бир таркибий қисми – юрак, ақл, руҳий ҳолат - керакли иш режимга чиқиб олиши керак. Барча тизимлар яхши ишлайди, сиз мослашувчансиз.

Аммо кўпчилик ҳаттоки бойлик тўплашнинг биринчи босиқчига эриша олмайдилар. Кўпинча уларни пул билан боғлиқ ишончсизлик ва бойликка муносабимани ўзи деган шубҳа чегаралаб қўяди. Ўзингизнинг пулга бўлган муносабатингизнинг чегараланганигини тан олинг. **Бойиб кетии учун аввало ҳар қандай салбий фикр ва пул билан боғлиқ ҳар қандай чегараланганилик ҳиссини аниқлаши, тан олиши ва ундан холос бўлиши керак.** Тўкин-сочинлик ва фаровонликка салбий муносабатда бўлиш ғалати туюлиши мумкин, аммо бу тушунчани кўпинча биз болалигимиизда онг остилизга сингдириб оламиз ва умримизнинг охиригача бутун ҳаётимизга ёмон таъсир этишига ўзимиз билмаган ҳолда ижозат бериб қўямиз. Сизга айтган сўзларимизни эслайсизми?

*Пул дарахтда ўсмайди.*

*Бизда ... (сотиб олиши)га боршига пул йўқ.*

*Пул - фақат пулни топади.*

*Барча ёмонликларнинг илдизи - пул.*

*Барча бойлар золим, расво ва ахлоқсиз.*

*Бойларнинг барчаси инсофсиз худбинлардир.*

*Ҳамма ҳам миллионер бўла олмайди.*

*Бахтни сотиб олиб бўлмайди.*

*Бойлар фақат пул ҳақида ўйлашади.*

*Пул - бу тош: қалбга оғир ботади.*

*Агар бой бўлсанг, маънавиятга эришишинг осон.*

Бу тушунчаларнинг барчаси миянгизда тўпланиб бориб сизнинг кейинги молиявий муваффақиятларингизни йўққа чиқариши мумкин. Чунки улар онг остингизга жойлашиб олиб онгли мақсадларингизга таъсир кўрсатади.

Болалигингиз, ўсмирилигингиз ёки ёшлигингизда ота-онангиз, буви, бувангиз, ўқитувчиларингиз, маънавий устозларингиз, дўстларингиз ва ҳамкасларингиз пул ҳакида нима дейишган? Масалан, менинг отам бойлар ишчилар синфини эксплуатация қилиб бойлик йигишиган, деб айтганди. У доимо пуллар осмондан тушмайди, дараҳтда ўスマйди, балки оғир меҳнат билан қўлга киритилади деб таъкидларди. Биз уйда сигир, қўй ва парранда боқардик. Уларга қараш учун оғир меҳнат килишимга тўғри келарди. Бир куни байрамдан олдин отам озгина пул ишлашга қарор қилди ва уйга бочкада кийим бўяш учун кукунсифат бўёқ олиб келди. Авваллари кишилар кийимларини эскилиги билинмаслиги учун ёки шунчаки вақти-вақти билан рангини ўзгартириш мақсадида уларни бўярдилар. Бу бўёқ халқ орасида алоҳида эҳтиёж билан фойдаланиларди ва баъзида уни топиш бироз мушкул бўларди. Босмахонада отам томонидан пакетчалар тайёрланарди ва акам бўлса ўқишдан сўнг қўлда ушбу бўёқни турли қўшимчалар ва туз билан пакетчаларга соларди. Отам мени ҳам меҳнатга ўргансин деб акамга ёрдам беришга буюради. Тенгдошларим билан кўчада ўйнашнинг ўрнига ота-онамга пул ишлашга ёрдам берардим. Отам оғир бочкаларни чердакка кўтариб чиқиши ва маҳсулот тайёр бўлгандан кейин пастга олиб тушишига тўғри келарди. Натижада бир ойлик меҳнат давомида отам радикулит касалини орттириб олди, бўёқ нархи эса тушиб кетди. Унинг аянчли мисолида биз қанчалик оғир меҳнат қилинмасин, тўкинликка эриша олмаслигимизни тушуниб етдик. Шунингдек, мен ҳам тўғрисуёз одам бундай йўл тутмаслигини, милицияга отам ноқонуний цех очди, деб хабар бераман деган гаплар билан қилиқ кўрсатдим. Ахир бизни шундай руҳда тарбиялашган эди. Биз тўғрисуёз вижданан иш кўриши керак, деган фикр ва ишонч билан катта бўлгандик. Отамнинг бел оғриғига отасига қарши борадиган “идеал даражада вижданли” даражада тарбиялаганидан юрак оғриғи ҳам қўшилди. Сўнг улғайгач пулни ижобий қабул қилиш ва муносабатимни ўзгартириш учун ўз устимда кўп ишлашимга тўғри келди.

Бир аёлга жуда катта маблағ мерос қолди. Бу мерос унда қаттиқ нафрат туйғусига сабаб бўлди. У ўз бойлигидан уяларди ва бир сўмини ишлатишга ҳам журъати етмасди. Семинарларимиздан бирининг мавзуси пул эди. Пул ҳакида гап кетганда, у баралла овоз билан пул унинг оиласини бузганини таъкидларди. Унга мерос қолдирган отаси ҳеч қачон уйда ўтирас экан. Отаси барча вақтини пул тўплашга сарфлар экан. Натижада онаси ичқиликка ружу қўяди. Уйда жанжаллар ҳатто муштлашувлар бошланади. Шунинг учун бу аёлнинг болалиги жуда аянчли бўлганига ажабланмаса ҳам бўлади. Аммо бора ақли билан барчасига айбдор пул эмас, отасининг меҳнатга муккасидан кетгани эканлигин тушунмас эди. Модомики, болаликнинг кучли

таассуротлари узоқ вақтгача (баъзиларда бир умрга) сақланиб қолар экан, унинг пулга бўлган салбий муносабати онг остидан янгича кўринишдаги нафрат бўлиб сизиб чиқди.

Пулни роҳат билан ишлаб топиш ёки сарфлашга халақит берувчи пулга нисбатан шу каби чекловчи нуқтаи-назарлар жуда кўп. Масалан:

*1. Отадан кўп пул топши жоиз эмас.*

Семинарларимдан бирида биз чекловчи эътиқодларни аниқлаш ва улардан халос бўлиш устида иш олиб бордик. Тингловчилардан фикран болаликка қайтиб бундай эътиқоднинг манбанини топишларини сўраганимда, Жамшид болалигидаги бир кунни ёдига олди. Унинг ёши 17 да бўлиб савдо менежери бўлиб ишлаётганига энди бир ойдан ошган ва биринчи маоши-500 000 сўмни олганди. 50 ёшли отаси заводда ишларди ва уйга 300 000 сўм маошини олиб келганди.

Ўша куни Жамшид деди: ”Отам олган пулимни кўриб ҳеч нарса демади, аммо унинг юз ифодасидан тушундимки, ич-ичдан ўзини тахкирлангандек ҳис этганди. Мен ўйладимки: “Мен отамни хафа қилиб кўйдим. Шундай ажойиб, виждонли инсонни ўзини кераксиздек ҳис этишига сабаб бўлиб қолдим”.

Ўша куни Жамшид отасини юзида кўрган уят ва хафагарчиликни кўрмаслик учун онг остида ҳеч қачон отасидан кўп пул топмасликка қарор қилганди. Биз семинарда бу аянчили қароридан халос бўлиши учун ёрдам бергандан сўнг бир ой хам ўтмай яхшигина маблағ ишлаб олиши мумкин бўлган шартнома имзолаганини эшитдик.

*2. Бойиб кетии - оиласинг ахлоқ кодексини бузии.*

Мен хизматчи оиласида катта бўлганман. Отам дўкон мудири эди ва бутун умри давомида давлат корхонасида ишлади. Нима учундир оиласизда бойларга ишончсизлик бор эди. Бойлар оддий халқни қийнайди, ишчилар синфини сиқади ёки жиноятчи бўлади. Бойиб кетиш оиласга, биз тарбияланган ғоя, синфга хиёнат қилиш билан баробар эди. Табиийки, мен “ёмон инсон” лардан бири бўлиб қолишни истамасдим.

*3. Катта пуллар - катта муаммолар.*

Дўстим Анвар доимо кам, аммо мунтазам даромад олишни маъқул кўраади. Психолог ёрдамида муваффакиятига тўсиқ бўлаётган ушбу болаларча қарорининг нотўғри эканлигини англади. Отаси ўғли скрипка чалишни ўрганиши учун кўп нарсадан воз кечишига тўғри келганди. Анвар аввалига эски скрипкасида чалишни бошлади, аммо тез орада ўртача диапазондаги ёғоч асбобга ўтади. У бошқа ўқувчилардан ажralиб тура бошлади, мусиқа ўқитувчиси ота-онасига мурожаат қилиб дедилар: “Ўғлингизнинг ажойиб истеъоди бор. У яхшироқ скрипкада чалишга муносиб”. Бундай скрипка катта пул туради. Оилада пул бўлишига қарамай, скрипкани ўқитувчи танлайдиган ва бу Янги йил байрамига совға тариқасида топшириладиган бўлди. Эрта тонгда Анвар хонасида ташқарига чиқиб ўрамни олиб ғилофни очди, силлиқланган ёғочдан ишланган ажойиб скрипкани кўрди. У умрида бунданда чиройлироқ нарсани кўрмаганди. Анвар ота-онасига миннатдорчилик билдирумокчи бўлиб турганда, онаси айтди: “агар синглинг тирик бўлганда эди бунга пулимиз етмаган бўларди” (синглиси етти ёшида вафот этганди).

Шу дамда унинг онг остида инсон қанча кўп муваффакиятга эришса, яқинларига шунча кўп балолар - ҳам молиявий, ҳам хиссий муаммолар келади деган фикр пайдо бўлди. Энди айнан мана шу онг остидаги эътиқод унинг онгли равишда интилаётган муваффакиятига тўсиқ бўлди. У жабр-жафо бўлишни истамагани учун муваффакиятга эришишга ҳаракат қилмади, энди бу хатосини тўғрилашга ҳаракат қилмоқда.

Ҳозирги кундаги хисоб-ракамингиздаги маблағ, соғлифингиз, сотув ҳажми, жамиятдаги ўрнингиз, - бу аввалги нуқтаи-назарингизнинг воқелиқдаги аксидир. *Агар сиз моддий дунёдаги ютуқларингизни астойдил ўзгартириши ёки яхшилашини истасангиз дарҳол фикрларингизни ўзгартиринг.* Келиб чиқиши болаликка бориб тақаладиган тўсқинлик қилувчи шартли рефлексларни жуда оддий, аммо анча самарали бўлган уч босқичли усул билан тезлаштирувчи ва ҳал этувчи дастурларга алмаштириш мумкин. Бу машқларни ёлғиз бажариш ҳам мумкин, аммо икки киши ёки гурӯҳ бўлиб бажариш самаралироқ ва қизиқроқ бўлади.

**9-машқ**

**Фикрларингизни ўзгартиринг**



### **Аввалги чекловларни ёзиб чиқинг.**

Масалан: “Пул - бу барча ёмонликларнинг издизи”.

### **Уларга қарши чиқинг,эътирози билдиринг ва уларнинг устидан қулинг.**

Эски чекловларни йўққа чиқарувчи янги насиҳатомуз фикрлар рўйхатини тузиш орқали бунга эришиши мумкин. Улар қанчалик серзарда ёки кулгили бўлса онгингиздаги дастурларни ўзгартириши шунчалик самарали бўлади:

-*Пул - ҳар қандай хайр-саховатнинг илдизидир.*

-*Пул - ажойиб таътилнинг илдизи.*

- Эҳтимол пул золим одамлар учун барча ёмонликларнинг илдизидир, аммо мен пулни дунёни яхшилаш учун сарфлайдиган меҳрибон,бағрикенг,раҳмодил ва кўнгилчанг инсонман.

*Ҳаттокази, пул ҳақидаги янги фикрларингизни карточкаларга ёзишингиз ва ёнингизда олиб ўқиб юришингиз мумкин. Бундай кундалик машқлар пул соҳасидаги муваффақиятларингизга ёрдам беради.*

## **1Мұтлақо қарама-қарши дастур яратынг.**

Бұңың дастур фақатгина аввалғы әсқи дастурлар ингизнің қарама-қаршисы бүлмаслиги керак, балқы етарлы даражада таъсирли бўлиши керак. Уни гапирганингидан бутун баданингиз роҳатдан титираб кетиши керак. Масалан, мана бунга ўхшаш: “Шахсан мен учун пул – бу муҳаббат, қувонч ва ҳузур-ҳаловатли меҳнат манбаи.” Уни тасаввур қилиб бўлгач, овоз чиқариб тақрорлаган ҳолда хона бўйлаб юринг. Сўнг уни кунига бир неча маротаба бир ой давомида тақрорланг, шунда у ёдингизда мустаҳкам муҳрланади.

Кучли ҳиссиётлар миянгиздаги нейрон дендритлардаги микроскопик ҳужайралар ривожисига кўмак беради. Ушбу майда ҳужайралар туфайли миянгиздаги алоқа яхшиланади, янги дастурлар ва эътиқодларнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Улар эса ўз навбатида сизнинг янги молиявий гоялар ингизни рўёбга чиқишида кўмаклашади. Бұңың дастурлар ингиздеги ғояларни тақрорланг. Мана, масалан, мен қандай сеҳргарлик йўқ - инсон миясининг фаолияти ҳақидаки аниқ илм-фан бу!

Унутманг: молиявий муваффақият ҳақидаги гоялар ўз-ўзидан туғилмайды! Сиз миянгизда тўхтовсиз тарзда фаровонликка элтувчи ғояни тақрор ва тақрор айлантиришингиз керак. Фаровонлик ва молиявий муваффақият ҳақидаги фикрларга эътиборингизни қаратган ҳолда сиз буни ҳар куни бажарашингиз лозим. Сиз доимий тарзда атайлаб ушбу фикрлар ва тимсолларга диққатингизни қаратсангиз, улар охир-оқибатда сизнинг аввалғы чекловчи эътиқодлар ингизни дастурлар ингизни сикиб чикаради ва онгингизни эгаллаб олади. Агар сиз тезроқ молиявий мақсадга эришмоқчи бўлсангиз, ҳар куни пул ҳақидаги **ижобий ғояларни** тақрорланг. Мана, масалан, мен қуйидаги фикрлардан ўзимда самарали фойдаланганман:

-*Аллоҳ – менинг ризқ берувчим. Катта пуллар менга осонгина ва тез келади.*

-*Энди менда ният қилган ишларимни бажариишим учун заруриятдан ҳам кўп пул бор.*

-*Пуллар менга кутмаган жойларимдан ҳам келади.*

-*Ҳар куни ва ҳар соатда даромадим ошиб бормоқда, ишилайманми, ухлайманми ёки кўнгилхушлик қиласманми, фарқи йўқ.*

-*Барча саромояларим даромад келтираяпти.*

-*Кишилар мен муҳаббат ва роҳат билан бажарадиган ишга пул тўлашлари менга ёқади.*

-Ҳар бир сарфлаган сўмим менга бир неча баробар бўлиб қайтиб келади.

-Ҳар бир сармоям менга фойда келтираяпти.

-Менда кўп пул пайдо бўлайпти, мен уларга муносибман ва уларни мен ўзим ва бошига инсонларнинг фойдаси учун сарфлаяпман.

-Ҳар бир нафасда бойлигим ошиб камбағалчилик ҳиссиёти йўқолиб бораяпти.

Ёдда сақланг: сиз содир бўлиб бўлди деган кучли ҳиссиёт билан ижобий натижага келтирадиган ҳар қандай гояни миянгизда қайта-қайта такрорлаган ҳолда онг остингизга сингдиришингиз мумкин.

Миллионерларга хос бўлган фикрлаш дастури тезроқ ўрнашиши учун озод бўлиш қувватидан фойдаланинг. Ижобий насиҳатомуз гояларни ўзингизда такрорлаб юриб шубҳасиз қўйидагича эътиrozларга дуч келасиз:

-Кимнинг кўзойнагини артмоқчисан?

-Сен ҳеч қачон бой бўла олмайсан.

-Қанча такрорлаш мумкин? Пул - фақат пулга қараб интилади.

Ички эътирозни сезган ҳолда аввалига уни ёзиб қўйинг. Сўнг кўзингизни юминг ва шунчаки фикр озодликка қўйиб юборинг, у билан ҳамроҳ бўлган ҳиссиётларни ҳам. Биз ушбу фикрларни ва ҳиссиётларни эътиборга олмаймиз, ўзимизга боғлаб қўямиз, уни кетишига қўймаймиз. Қилишимиз лозим бўлган иш уларни бир марта ҳис этиб қўриб озодликка қўйиб юборишдир. Бу ишни кўзи очиқ ҳолда ҳам бажариш мумкин, бироқ кўпчилик қўзни юмгандан фикрни жамлаш осонроқ деб ўйлашади. Уларни қолдириш ёки қўйиб юбориш – бу танлаш имконияти. Бу сиз ўйлагандан ҳам осонроқ.

Ҳар гал сизда пул ҳақидаги чегараловчи ёки салбий фикр пайдо бўлганда, шунчаки шу оддий вазифани бажарсангиз бас. Қуйида буни бажаришнинг бир неча усуллари келтирилган.

**10-машқ**

**Мен ҳозир нимани ҳис этаяпман?**

*Салбий фикрлар ёки эътиқод пайдо бўлганда улар билан бирга келадиган ҳиссиётларга диккатингизни қаратинг.*

***Мен уларни маъқуллашим ва ижозат беришим мумкинми?***

*Канча истасалар шунча вакт сиз билан бирга бўлсинлар.*

***Мен уларни қўйиб юборишим мумкинми?***

*Ўзингизга ушибу саволни беринг. Иккала жавобни ҳам қабул қиласа бўлади.*

***Уларни қўйиб юборишим мумкинми?***

*Ўзингизга ушибу саволни ҳам беринг. Агар жавоб йўқ бўлса, ёки ишончингиз комил бўлмаса, ўзингиздан сўранг: “Қайси бири яхшироқ - бу ҳиссиётларни ўзимда қолдириши ми ёки уларни қўйиб юбориши ми? ”*

***Қачон?***

*Мана бу – улар сизни тинч қўйиб ўз йўлларидан кетишларига таклиф. Унутманг: бу ҳиссиётларни қўйиб юборишига қарорни истаган пайтингизда, хоҳлаганингизда қабул қилишингиз мумкин.*

*Ушибу машқни маълум бир ҳиссиётдан озод бўлганингизни ҳис этмагунга қадар такрорланг.*

***Истаган нарсангизни худди унга эга бўлгандек тасаввур этинг.*** Кундалик тасаввурларингизда пулни ва молиявий мақсадларингизга эришганингизни кўришни унутманг. Орзу қилган даромадингизни нарсаларни тасаввур қилинг - турли чеклар (иш ҳаки, муаллифлик қалам ҳаки, кўчмас мулқдан даромад) катта дивидендлар, нақд пул тўлайдиган инсонлар ҳакида ҳисботлар. Идеал банк ҳисботлари, кўчмас мулқ портфели ва сизга тегишли акциялар нархи ошгани тўғрисидаги маълумотлар. Агар барча молиявий мақсадларингизни рўёбга чиқарсангиз нима сотиб олишингиз, амалга оширишингиз ёки нимага қўмаклашишингиз мумкинлигини ўйлаб кўринг. Тасаввурингизни шу даражада ишлатингки, натижада майнин ипак кийимни баданингизга сийпаланиши, дунёнинг энг ажойиб оромгоҳларида ётиб олиб массаж олаётганингизни, уйингизнинг барча бурчакларида турган севимли гулларингиз ва бежирим кийимларингизга сепилган қимматбаҳо атиrlар хидини туйинг. Сўнг бу тасаввурга овоз

сезгиларини қўшинг, масалан, виллангиз жойлашган соҳил бўйидаги тўлқинлар шовқини ёки янги “Порше” автомобилингиз моторининг ёмшоқ ўт олиши ва ҳоказо. Бундай тўкин-сочинликни батафсил тасаввур қилган ҳолда уларни воқеликка кўчиришингиз осон бўлади.

Онгингизни эга бўлишни истайдиган тимсоллар билан худди уларга бўлиб бўлгандек ёки бажариб бўлгандек тўлдиринг.

## 11-машқ

### *“Тасаввур экрани”*

1. *Бу машқни 3 дан 1 га қараб санаган ҳолда бошлийсиз. Қулай тарзда ўтириб олинг.*
2. *Кўзларингизни юминг. Чуқур нафас олинг, чиқаринг, уч марта хаёлда уч, уч, уч деб тақрорланг ва уч сонини тасаввур қилинг.*
3. *Иккинчи марта чуқур нафас олинг, чиқаринг, икки, икки, икки деб тақрорланг ва икки сонини тасаввур қилинг.*
4. *Яна бир марта чуқур нафас олинг, чиқаринг ва уч марта хаёлингизда бир, бир, бир деб тақрорланг ва бир сонини тасаввур қилинг.*
5. *Энди сен ҳар бир мақсадда фойдаланишинг мумкин бўлган 1 босқичига эришидинг.*
6. *Янада чуқурроқ, янада согломроқ фикрлаш даражасига эришиши учун мен 10 дан 1 гача санайман ва ҳар бир камаядиган сон янада чуқурроқ, янада согломроқ фикрлаш ҳиссиётини чақиради.*
7. *Ўн, тўйқиз - янада чуқурроқ, 8,7,6 – янада чуқурроқ, 5,4,3- янада чуқурроқ, 2,1.*
8. *Сиз аввалгидан чуқурроқ, согломроқ фикрлаш даражасига эришидингиз. Сиз кўзларингизни юмиб янада чуқурроқ, янада согломроқ фикрлаш даражасига эришишингиз мумкин. Кўзларингизни юминг.*

9. Ўзингизни бутунлай бўши қўйшига ҳаракат қилинг. Бу бўшашии бутун танангиздан оёғингиз учига қараб ҳаракатлансан.

10. Қаттиқ бўшашии – бу ажойиб ҳиссиёт ва организмнинг жуда ҳам соглом ҳолатидир. Янада чуқур ва соглом фикрлаш даражасига эришишингиз учун мен бирдан учгача санайман ва бармогимни чертаман. Шу дамда сен тасаввур оламига, ўзингининг орзунгдаги дам олии масканингга шўнгийсан. Шундан сўнг мен гапиришдан тўхтаман ва қачонки яна овозимни эшиитишни бошлаганингизда, бир соат вақт шундай фикрлаши билан ўтади. Менинг овозим сизни безовта қўлмайди, сиз чуқур нафас оласиз, ўзингизни бўши қўясиз ва янада чуқурроқ фикрлар орамига гарқ бўласиз. Бир, икки, уч. Овозимни яна эшиитмагунингизга қадар тасаввурингиздаги идеал дам олии масканингизга кўчиб ўтинг. Ўзингизни бўши қўйинг. Бармогимни чиқиллатиб чертаман.

11. Ўзингизни бўши қўйинг. Чуқур нафас олинг ва ўзингизни янада бўши қўйинг. Сиз овозимни эшиитишда давом этасиз, фикрлашининг ушибу ва бошқа босқичларида, ташқа онг босқичида ҳам менинг дастурларимни бажаршида давом этасиз. Бу сиз учун фойдали. Сиз шундай бўлишини истайсиз. Шундай бўлади ҳам.

12. ”Ўзингизни бўши қўйинг”, деган вақтда танангизнинг, миянгизнинг ва онгингиzinнинг барча ортиқча ҳаракатларини, функцияларини тўхтатинг. Сиз жисмоний ва психик жиҳатдан бутунлай ўзингизни бўши қўясиз.

13. Мен сизни 1 дан 5 гача санаган ҳолда ҳозирги фикрлаши босқичингиздан янада чуқурроқ фикрлаши даражасига кўтаришиим мумкин. Мен 5 деганимда сиз тетик, бардам, соглом эркин ҳис этасиз.

14. Оддий инсоннинг фикрлаши билан даҳонинг фикрлаши ўртасидаги фарқ шундаки, даҳо фикрлашининг юқори даражаларидан фойдаланади ва уларни ўзига хос ишлатади. Энди сиз фикрлашининг янада юқори даражаларидан фойдаланаяпсиз. Улардан ўзига хос тарзда фойдаланаяпсиз.

15. Тасаввур экранини дастурлаш. Тасаввур экранини яратиш учун кўзларингизни юминг ва уларни озгина юқорига қаратинг. Паидо бўладиган бўшилик тасаввур экрани ҳисобланади. Юмуқ кўзларингиз билан бўшиликда тасаввур экранини ҳис этинг.

16. Тасаввур экранидә муаммо, инсон ёки вазият тимсолини тасаввур қилинг. Муаммони яхшилаб ўрганинг, яни барча тафсилотларини белгилаб қўйинг.
17. Муаммони ёки мавжуд вазиятни ўрганиб муаммони ўчириб ташланг. Уни ўчириб ташланг, уни қай тарзда гойиб бўлаётганини тасаввур қилинг - хуллас, муаммо тимсолидан халос бўлиши учун истаган ишингизни бажаринг.
18. Сўнг тасаввур ёрдамида ўзингиз истаган ечим манзарасини яратинг. Мижозга барчасини тушунтирган ҳолда у билан қандай сұхбат қуришингизни тасаввур қилинг. Мижоз бўни сиз истагандек, янгича маънода тушунади.
19. Энди сиз муаммони лойиҳага айлантиредингиз. Келажакда сиз лойиҳа ҳақида ўйлашингизга тўғри келганда сиз яратган ечим тимсолини эсга олинг.
20. Муаммо тимсолининг ўзига қайтманг. Ҳеч қачон лойиҳа ҳақида ўйламанг, дарҳол ечим ҳақида ўйланг. Сиз бу ечимни вақти-вақти билан кучайтиришингиз мумкин. Унумтанг сиз ечимни яратиб бўлдингиз ва уни қачон воқеликда ўз аксини топишини кутаяпсиз холос.
21. Унумтанг, тасаввур оламида мақсадга эришиши учун сиз қарама-қаршиликдан эмас, ҳамкорликдан фойдаланишингиз керак. Ўзингизни бўши қўйинг ва бу нарсанинг ўй-хаёлингизда содир бўлишига имкон беринг, сўнг ушибу лойиҳа амалга ошиши учун зарур қадамларни ташланг, ҳаракат қилинг.
22. Тасаввурлар экранини қўллаш ва унинг ёрдамида хаёлий тимсоллар яратиш доҳийликнинг маркибий қисми бўлган тасаввур қудратини оширади.
23. Ҳар доим фикрлашининг ушибу босқичларида бўлган вақтларингизда ҳам жисмоний, ҳам ақлий фойдалали самараларга эришиасиз. Бу босқичлардан жисмоний ва ақлий томондан фойдаланишингиз мумкин.
24. Бу босқичлардан яқинларингиз, дўистларингиз ва танишларингизга ёрдам бериш учун фойдаланишингиз мумкин.
25. Бу босқичлардан ёрдамга муҳтож ҳар бир инсонга жисмоний ва руҳий кўмак сифатида фойдаланашингиз мумкин. Бу босқичлардан бирор инсонга зарар етказиш учун фойдаланиб бўлмайди.

26. Агар бу сизнинг мақсадингизга айланса, фикрлашининг бу босқичларидан фойдалана олмайсиз. Доимо бу босқичлардан мақсади эзгу, муносиб, ҳалол, тоза ва самимий ижодий йўл билан фойдаланасиз.
27. Бу олам биз ва биздан кейингилар учун ҳаётдаги энг яхии жой бўлиб қолиши учун сиз ижодий йўлнинг бир қисмига айланасиз.
28. Барча инсонларга ёшидан келиб чиққан ҳолда ота-онангизга, ака-ука, опа-синглингиз, ўғил-қизингизга муносабатда бўлгандек ёндошиласиз.
29. Сиз ўзига хос инсонсиз, сиз тушуниши, ҳамдард бўлиши ва ёрдам бершига қодирсиз.
30. Бир дақиқадан сўнг мен 1 дан 5 гача санайман ва бармоғимни чертаман, шунда сиз кўзингизни очасиз ва ўзингизни тетик, бардам, идеал даражада, олдингидан анча яхии ҳис этасиз.
31. Қачонки фикрлашининг ушибу босқичида бўлсангиз доимо кўриши ва эшиитиши қобилиятингиз яхшиланади.
32. Бир, икки ва секун уйғонасиз.
33. Уч. Қачонки, беши деганимда кўзингизни очасиз, ўзингизни тетик, бардам, идеал даражада, худди қувват, куч қўшадиган уйқудан уйғонгандек ҳис этасиз.
34. Тўрт, беш. Бармоғимни чертдим. Кўзларингиз очиқ тетик, бардам, соглом, идеал даражада, аввалгидан анча яхии ҳис этаяпсиз ўзингизни.

**17-боб. Машинанинг тўртинчи гилдираги: “Ҳеч бир сабабсиз баҳтли бўлинг ва бу жараён билан роҳатланинг”**



### ***Тўртинчи гилдирак - ушбу жараён билан роҳатланиши ва баҳтли бўлиши.***

Ушбу жараён билан қай тариқа роҳатланиш мумкин? Баҳтни сотиб олиш мумкинми? Баҳтни сотиб олиш мумкин - сиз ҳозиргина китобга пул сарфлаган ҳолда буни бажардингиз. Ҳеч бўлмаганда ”ҳар қандай сабаб туфайли баҳтли” ёки “сабабсиз баҳтли” бўлиш, инсоннинг ич-ичидан келадиган баҳтга эришиш учун биринчи ва энг муҳим қадамни ташладингиз.

Ҳозир ушбу китобда айнан шу мавзуда гапиришимиз айни муддао. Чунки бугун бизнинг ҳаётий муҳи эҳтиёжларимиз қондирилган ва моддий кулайлик даражамиз ўсган, шунинг учун ҳаётдан яна нимадир истаймиз. Қиммат машина сотиб оламизми, саёҳатга чиқамизми, мансабимиз ошадими ёки олий лига жамоасида ўйнаймизми бари-баридан баҳт излаймиз. Аммо буни уддасидан чиқа олмаймиз. Ҳакиқий баҳт ва бу баҳтдан лаззатланишдан ҳам кўра каттароқ эҳтиёжни ўзимга тасаввур кила олмайман.

Ироқ мамлакатига сафар қилган вақтларимда давлат ҳали Саддам Ҳусайн бошқаруви остида бўлиб, тўлигича иқтисодий қамал қилинган эди. Мен эса у ерда яшовчиларни кузатишга кўп вақтимни сарфлардим. Электр энергияси, совуқ сув қувурлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа неъматлар йўқ эди. Аммо шунга қарамай, одамларда кучли рухият, ҳазил-мутойиба туйғуси ва бир-бирларига бўлган табиий дўстона муносабат яққол кўзга ташланарди... Улар баҳтли эдилар. Албатта, уларнинг батига сабаб қашшаоқлик эмасди.

Мен дунёнинг турли бурчакларида кўплаб қашшоқ эркак, аёл ва болаларни кўрганман. Улар мashaққат билан аранг кун кўйардилар. Шунингдек, мен барча йилт этган, кимматбаҳо нарсаларни сотиб оладиган, шу билан биргаликда ўзининг баҳтли тақдиридан роҳатланадиган ҳамда “Пулга баҳт сотиб ололмайсан” деган гапни тасдиқловчи тақдир эгаларини ҳам учратганман.

Тажрибам шуни кўрсатяптики, баҳт орзудаги буюмларга эришиш ёки моддий бойликлардан юз ўгириш билан боғлиқ эмас. У мавжудлиги моҳиятини анча чуқурроқ ўйлагандан сўнг англаш. Биз учун ташқи муҳитга алоқадор бўлмаган, ичимиздан келадиган мен “сабабсиз баҳт” деб атайдиган ҳақиқий баҳт керак. Ироқликларнинг орасида ўтказган вақтим менга мақсадимни аниқлаб олишга ёрдам берди: *қаердалигим ва нима иш билан шугулланаётганимдан қатъи назар турмуш тарзимни ўзгартирмаган ҳолда баҳтли бўлишининг универсал усулини топиш.*

Эҳтимол, сиз ҳам шу сабабга кўра бу китобни ўқияпсиз. Ҳар бир инсонда бу истак туғилиши билан пайдо бўлади: ҳамма ҳар доим баҳтли бўлишни орзу қиласи. Балки сиз барча жиҳатларга кўра фаровонликка эришгандирсиз, аммо баҳт шкаласи бўйича яна бир поғонага кўтарилишни истарсиз. Ёки эҳтимол сиз қаттиқ азобларни бошдан кечираяпсиз ва бошқалар қандай қилиб ҳаётдан роҳат олаётганини тушунмаётгандирсиз. Балки сизнинг ўз орзуларингиз бор, бироқ ташқаридаги ҳеч бир нарса тўлдира олмайдиган қандайдир ички бўшлиқни хис этаётгандирсиз.

Сизни хурсанд қилмоқчиман: нимадан бошлашингизнинг аҳамияти йўқ. Ҳаттоқи, ҳозир сизда ҳаммаси жойида бўлган тақдирда ҳам бу боб сизга янада баҳтли бўлишга ёрдам беради. Сизда баҳт генлари бўлиши ёки лотереяда ютиб олишингиз ёхуд авлиёга айланишингиз шарт эмас. Ушбу саҳифани охиригача ўқиб бўлганингиздан сўнг умрингизнинг охиригача ҳақиқий ва узлуксиз баҳтни қандай хис этишни билиб оласиз.

Ўсмирлик пайтимда мен руҳий мувозанат излашни бошладим ва бу излаш кирқ ёшдан ошгунимга қадар давом этди. Охир-окибатда ушбу бобда келтирилган ғайриоддий кашфиётларни топдим. Шунча вақт ишладим, ривож топдим, ўзаришга ёрдам берувчи семинарларга қатнашдим. Йиллар давомида мен муваффакият қоидалари ҳақида дарс бердим.

Мен уларни ҳаётга татбиқ этдим ва анча муваффақиятли инсонга айландим. Аммо “мен баҳтлиман, чунки...” деган гоя менда хукмрон эди. Муаммо шунда эдики, буларнинг барчаси менга мен орзу қилган баҳтни келтирмасди.

Атрофга разм солиб машхур ёки муваффақиятли бўлмасада баҳтлироқ инсонларни кўярардим. Кимнингдир оиласи бор эди, кимдир ёлғиз эди. Қайси биридадир пул кўп бўлса, бошқасида бир тийин ҳам йўқ эди. Кимнингдир соғлиғи жойида эмасди. Қонуний савол туғиларди: **инсон ҳеч бир сабабсиз ҳам баҳтли бўла оладими?** Кўплаб психологлар сизни баҳтли қиласидиган нарсаларни топишни ва қувонч келтирадиган машғулот билан шуғулланишини тавсия этадилар. Бунинг ёмон жойи йўқ, аммо бу сизга ҳақиқий ва доимий баҳт келтирмайди.

Бир йил аввал Жиззахда муваффақиятга эришиш ҳақидаги семинарда дафтарларини олиб қуйидагича ёзишни сўрадим: “100 қатор: ким бўлишни, нима қилишни ва умримнинг охиригача нимага эга бўлишни истайман”. Улар дафтар варагини учта устунга ажратиб каттаю- кичик истакларини санашни бошладилар. Кимдир чет элга боришни орзу қиласди, кимдир “Каптива Шевролет” га эга бўлишни истаса, бошқа кимдир тармоқли маркетинг компаниясида етакчи бўлишни хоҳласа, бошқа бирор Швецияга бориш, бутун дунёни самолётда айлангиси келарди. Инсонлар лавозимнинг энг баланд чўққисига эришишни, бутун дунёда очликни тугатиш, урушларни тўхтатиш, сурати “Топ 100” журналида босиб чиқарилишини истайди. Баъзи саҳифаларнинг тагида шундай ёзилганди: “Баҳтли бўлишни истайман”, - аммо мени ҳайрон қолдиргани кўпчилик айнан шу сўзни унугани эди. Ахир рўйхатдагиларнинг барчасидан мақсад ҳам баҳтли бўлиш эмасми?

Вақт ўтиши билан баъзи-баъзида ҳаётдаги асосий нарса нима эканлигини яна бир бор ҳис этишга урингандек ушбу саҳифаларни ўқиб чиқардим. Орзуларимиз қанчалик ажойиб бўлмасин, бизнинг асосий истагимиз бошқа нарсада. Агар асл моҳият эътибори билан олганда энг қаттиқ истайдиган нарсамиз баҳтли бўлишдир. Гап шундаки, баҳт жуда ҳам ўзига жалб қилувчан, мафтункор, етишиб бўлмасдир. Унга эришасизми йўқми барча ишларингиз баҳтли бўлишга қаратилгандир. Ҳаттоқи баҳтни инсон ҳаётининг моҳияти деб атаган Арасту уни барча мақсадлар мақсади деганди.

Бутун дунё бўйлаб тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, инсонлар орзулари рўйхатини бошига, бойлик, ижтимоий даража, яхши иш, шуҳратдан ҳам олдин баҳтни қўядилар. Бу ҳар

қандай маъданият, ирқ, эътиқод, ёш ва турмуш тарзига эга инсонга тааллуқлидир. Тадқиқотлар баҳтнинг накадар муҳимлигини кўрсатяпти: баҳтли инсонлар узокроқ яшайдилар, соғлиқларида ва атрофдагилар билан муносабатда камроқ муаммо бўлади. Аслида баҳт ҳаётнинг барча соҳасида муваффақиятга эришишга ёрдам беради.

Афсуски, аксарият инсонлар ҳақиқий давомий баҳтни ҳис этишмайди. Мана ачинарли статистика:

-30 фоиздан камроқ инсонларни баҳтли деб ҳисоблашади.

-25 фоиз амеркиаликлар ва 27 фоиз европаликлар ўзларини руҳий сиқилиш ҳолатидаман деб ҳисоблайдилар.

-Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг прогнозларига кўра 2020 йилга келиб умумий касалликлар рўйхатида юрак касалликлари иккинчи ўринга чиқиб олар экан.

Турмуш даражамиз ҳеч бир даврда бўлмаганидек ўсиб бораётганига қарамай тушкун руҳий ҳолатдамиз. Кераксиз буюмларни қанчалик кўп сотиб олсан, ўзимизга шунчалик ёмон. Ушбу бобда мен қандай қилиб бевосита кўп пул ишлаб топиш, муваффақиятга эришиш ёки атрофдагилар билан муносабатни яхшилаш ҳақида гапирмокчи эмасман. Бунга мен бошқа бобларда батафсил тўхталганман. Бу бобда шахсан мен ўзим ҳаммадан ҳам кўпроқ билишини истаган нарса ҳақида тўхталмоқчиман. Бу боб мен 40 йил мобайнида жавоб излаган саволларга жавоб беради. Улардан бири мен учун энг муҳимидир, умид қиласманки сиз учун ҳам шундай: **қандай қилиб мен ҳақиқий баҳтга эриша оламан?**

Нима учун бир тоифа инсонлар бошқаларидан баҳтлироқ? Агар сиз билан кафеда ўтириб чой ичиб ўтирган бўлганимизда мен сиздан : “Сиз баҳтлимисиз?”- деб сўраган бўлардим. Сиз нима деб жавоб берган бўлардингиз? Баъзилар: “Шубҳасиз! Жуда баҳтлиман!”- деган бўларди. Аммо жуда камчилик бу жавобни берган бўларди. Кўпчилик: “Баъзи-баъзида”- деб жавоб берган бўларди. Шубҳасиз, охир-оқибатда ярим одамлар: “Йўқ, ҳеч ҳам...”- деб жавоб берган бўлишарди. Баъзилар ҳеч нарсага қарамай ҳаётдан лаззат олишни

билишади, бошқалар эса катта мاشаққат чекиб ҳам баҳтга эриша олмайдилар. Яна күпчилик эса шуларнинг ўртасида, аросатда юришади. Бундай фарқнинг сабаби мен юқорида таъкидлаб ўтган баҳтнинг чегарасини белгилаб қўйишдадир. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики: ҳаётингизда нима бўлишидан қатъи назар сиз белгиланган баҳт чизигига қараб интиласиз. Худди вазнингиз сингари баҳт чегарасини ҳам ўзгартириш учун кўп меҳнат қилиш керак.

Олимлар лотереяда ютиб олганларнинг ўзларини қандай тутиш бўйича тадқиқот ўтказишган. Уларнинг кўпчилиги қувонч ва баҳт оламига чипта олдим деб ўйлашган. Бир йилнинг ичида уларнинг баҳт даражаси лотерея ютишдан аввалги ҳолатига қайтган. Фалажликни енгиб ўтган инсонларда ҳам худди шу нарса кузатилгани ажабланарли. Тахминан бир йилда улар бошланғич баҳт даражаларига қайтишган. Тажриба қандай бўлишидан қатъи назар ижобийми ёки салбийми инсонлар белгиланган баҳт ўлчовига қараб интиладилар. Кейинги тадқиқотлардан фақат учтасигина ушбу қоидадан истисно ҳолатни қайд этган: турмуш ўртоғини йўқотиш, сурункали ишсизлик ва қаттиқ муҳтожлик.

Узоқ муддатли тадқиқот ва тажрибалардан ҳосил бўлган кашфиёт шундан иборат бўлдики, баҳт даражамизнинг 50 фоизи ирсият билан боғлиқ бўлиб туғилганимиздан бизда мужассам бўлади, қолган 50 фоизи ҳаётимиз давомида шаклланиб боради. Одатда биз қувноқ ва тетикмиз, ёки аксинча, ғамгин ва маъюсмиз, чунки шундай туғилганимиз, қолган ярмига сабаб ҳаётий тажрибамиз таъсири остида шаклланган фикрлар, ҳиссиётлар, эътиқодлардир. Қолган 50 фоиз ҳақидаги маълумот қизиқроқ бўлиб чиқди. Баҳт устидан ўтказилган сўнгги изланишлардан шу нарса маълум бўлдики, баҳтимизнинг 10 фоизигина фаровонлик даражамиз, оиласија шароитимиз ва ишимиз билан боғлиқ экан. Қолган 40 фоизи бизнинг кундалик фикрларимиз, туйғуларимиз, сўзларимиз ва амалларимиз билан боғлиқ. **Мана нима учун баҳт даражасини мустақил ошириши мумкин.** Иситиш мосламасини ёққанингиз каби баҳт даражасини янада улуғроқ даражага кўтариш учун уни шундоққина ёкиб юборишнинг ўзи кифоя.

Биз бутун бошли ҳаётимизни баҳт излашга сарфлаб юборамиз, унга интиламиз, фаровонликка, гўзаллик, атрофдагилар билан самимий муносабатлар, лавозимга ва бошқаларга эришишни истаймиз. Барчасини ёчими оддийгина - шунчаки баҳт даражамизни юқорига кўтариш керак холос. Менимча, баҳтни излашга катта микдордаги вақт ва қувват сарфлашдан аввал ўзингизни баҳт даражаси паст бўлган инсонлар тоифасига киришингизни олдиндан

билганингиз маъкул. Барча баҳтли инсонлар ҳеч бир сабабсиз баҳтлидирлар. Баҳтга сабаб шарт эмас.

Қачонки сиз чиндан баҳтли бўлган вақтингизда ташқаридан баҳтни қабул қилишга эмас, баҳтни ташқарига чиқаришга ҳаракат қиласиз. Баҳтли бўлиш учун атроф-оламни бошқариш шарт эмас. Сиз баҳт учун яшамаяпсиз, баҳт туфайли яшаяпсиз. Бу асосий янги гоя. Кўпчилик яхши ҳодисалар сабабли баҳтли бўлишга интиладилар. Одатда инсонлар баҳт деганда яқин дўстлари билан яхши муносабатлар, катта лавозим, моддий таъминланганик, ҳашаматли ўй, машинага эга бўлиш, куч ва истеъдоддан тўғри фойдаланишни тушунадилар. Бу биз фойдали буюмларга эга бўлганимизда оладиган лаззат холос.

Мени нотўғри тушунманг, мен шундай баҳт тарафдориман! Аммо бу масаланинг факат бир томони. “Яхши ҳодисалар туфайли баҳт” ҳаётнинг ташқи таъсири билан боғлиқ баҳтдир. Ташқи ҳодисалар ўзгариши билан бу баҳт аста-секин ғойиб бўла бошлайди. ”Сабабсиз баҳт”-бу ҳақиқий баҳт бўлиб, бу хотиржамлик ва оромнинг нейрофизиологик ҳолати ва у ташқи омилларга боғлиқ эмас. ”Сабабсиз баҳт”ни қаттиқ қувонч, эйфория, яхши кайфият ёки ижобий ҳиссиётлар тўлқинининг олий нуктаси билан солиштириб бўлмайди, чунки бу ҳолатларнинг барчаси вақтингчалик ҳисобланади. Бундай баҳт дегани суткасига 24 соат, ҳафтасига етти кун аҳмоққа ўхшаб юриш керак ёки ёлғондакам кўтаринки рухни ҳис этиш керак дегани эмас. Гап ҳиссиётларда эмас. Аслида, сабабсиз баҳтли бўлган ҳолда истаган ҳиссиётни: ғам, кўрқув, ғазаб ёки дардни туйишингиз мумкин, аммо бунинг асосида хотиржамлик ётади.

Агар ҳеч бир сабабсиз баҳтли бўлсангиз, демак, сиз сўзсиз баҳтлисиз. Бу ҳаётингизда барчаси идеал даражада бўлишини англатади - ҳар қандай вазиятда ҳам сиз баҳтли бўлиб қолаверасиз. Ўн учинчи асрда яшаган шоир Румий буни шундай таърифлаган:

**“Шодонман, лек бунга жиддий сабаб йўқ,**

**Жўшқинман, оташнинг бунга дахли йўқ,**

**Енгилман, тарозда зарра вазним йўқ”.**

“Сабабсиз бахт” нинг афзалликлари:

- Енгиллик ва тетиклик ҳисси.
- Ғайрат ва яшамоқлик ҳисси
- Очиқлик ва куч оқими ҳисси
- Севги ва атрофдагиларга шафқат ҳисси
- Үз ҳаёти ва мақсадларига завқ-шавқ
- Ҳаёттый уйғунликни ҳис этиш
- Ҳаёттинг ҳар бир лаҳзасини ҳис этиш.

Хеч бир сабабсиз қанчалик баҳтлисиз? Қуйида танишадиган анкетангиз бугунги кунда қанчалик баҳтли эканлигингизни күрсатиб беради. Бундай анкетларни аввал түлдириган бўлсангизда улар сизнинг айни ўша вактдаги ҳолатингизга мўлжалланганлигини сезмаган бўлишингиз мумкин. Яъни улар сизнинг баҳт даражангизни ҳаётингиздаги воқеалар (иш, лавозим, моддий фаровонлик, атрофдагилар билан муносабатингиз ва бошқалар) дан келиб чиққан ҳолда ташқи шароитингиздан кўнглингиз қанчалик тўқлигини аниқлаб берадилар. Бундай анкеталар “яхши воқеалар сабабли баҳт” даражасини ўлчайди. Бу ерда эса “сабабсиз баҳт” даражасини аниқлашга ёрдам берадиган бошқа саволларни кўрасиз.



## **12-машк**

**“Сабабсиз баҳт” даражасини аниқловчи анкета**

*Ҳар бир вазиятни 1 дан 5 гача бўлган шкала бўйича баҳоланг:*

*Номъёри - 1*

*Деярли йўқ - 2*

*Озгина - 3*

*Асосан шундай - 4*

*Шундай - 5*

*Мен кўпинча ҳеч бир сабабсиз ўзини баҳтли ва кўнгли тўқ ҳис этаман.*

*1      2      3      4      5*

*Мен бугунги күн билан яшаяпман.*

1        2        3        4        5

*Мен ўзимни тирик, сергайрат ва бардам ҳис этаяпман.*

1        2        3        4        5

*Мен кучли хотиржамлик ва ҳузур-ҳаловатни бошдан кечираяпман.*

1        2        3        4        5

*Ҳаёт мен учун ғаройиб саргузаштадир.*

1        2        3        4        5

*Мен нохуши вазиятлар таъсирига берилмайман.*

1        2        3        4        5

*Мен ишларимга завқ-шавқ ва шитиёқ билан мұносабатда бўламан.*

1        2        3        4        5

*Мен омад менга ҳамиша кулиб боқишиига ишионаман.*

1        2        3        4        5

*Мен тез-тез куламан ва хурсанд бўламан.*

1        2        3        4        5

*Барча юз беражтган воқеалардан дарс оламан ва тақдир инъоми деб қабул қиласман.*

1        2        3        4        5

*Мен миямдан ортиқча нарсаларни чиқариб ташлашини ва кечиришини биламан.*

1        2        3        4        5

*Мен ўзимни яхши кўраман.*

1      2      3      4      5

*Ҳар бир инсонда мен бирор яхши нарсани излайман.*

1      2      3      4      5

*Мен ҳаётда ўзгаритириши мумкин бўлганини ўзгаритраман ва ўзгартириб бўлмайдиганини шундайлигича қабул қиласман.*

1      2      3      4      5

*Мен атрофимни мени қўллаб-қувватлайдиган инсонлар билан ўрайман.*

1      2      3      4      5

*Мен бошқаларни танқид қилмайман ва шикоят ҳам қилмайман.*

1      2      3      4      5

*Салбий фикрлар мени қайегуга солмайди.*

1      2      3      4      5

*Мен шукроналик ҳиссини тұяман.*

1      2      3      4      5

*Мен қандайдир улугликни ҳис әтаяпман.*

1      2      3      4      5

*Мен мақсадни тушиуни мени илҳомлантиришини ҳис әтаяпман.*

1      2      3      4      5

*Балларни ҳисоблаи.*

*Агар сиз 80-100 балл үйкән бўлсангиз – сиз “сабабсиз баҳт”ни кўп ҳис этасиз.*

*Агар сиз 60-79 балл үйкән бўлсангиз – “сабабсиз баҳт” бўйича кўрсаткичларингиз яхии.*

*Агар сиз 40-59 балл үйкән бўлсангиз – ҳаётда “сабабсиз баҳт”нинг учқунлари бор.*

*Агар балингиз 40 дан кам бўлса – “сабабсиз баҳт” бўйича тажрибангиз жуда кам.*

Натижангиз қандай бўлишидан қатъи назар сиз ҳар доим “сабабсиз баҳт” томон ҳаракатланишингиз мумкин. Мен юқорида келтирганимдек қайси пайт бошлишингиз муҳим эмас, **асосийси, бошлишингиз**. Амалиётда ҳаётий қоидаларни ва баҳтга элтувчи одатларни ўзингизга сингдирганингизда анкетани қайта тўлдиринг. Балларни доимий хисоблаб юришингиз шахсий ўсишингизни жадвалини тузишингизга ёрдам беради.



Ҳеч бир сабабсиз баҳтли танишларингиз ҳақида ўйланг. Улар кўпинча бизга қуёш каби таъсир қиласи, яъни улар ўзидан иссиқлик ва ижобий кувват тарқатади. Улар мутлақо некбин одамлардир, чунки улар нафакат стаканнинг яримлигини кўрадилар, балки улар ўзлари билан ушбу стаканни тўлдириш учун кўзача олиб юрадилар. Бундан ташқари, улар бошқаларнинг

стаканини түлдиришни уддасидан чиқадилар. Баъзида улар тартибсиз олам аро жимлик ва сукунат маркази бўлганлари ҳолда ўзларида шунчаки ички хотиржамлик ва мамнуниятни сақлаб юрадилар. Бундай инсонлар билан вақт ўтказиш хуш ёқади, чунки улар бизга энг маҳзун кунларимиизда ҳам кайфиятимизни кўтаради.

Бахтилилк даражаси юкори инсонлар – худди биз каби оддий инсонлардир. Уларда маҳсус имкониятлар, кўшимча юрак ёки рентген нигоҳи йўқ. Шунчаки уларнинг одатлари бошқача. Ҳаммаси шунчалик жўн. Психологларининг фикрига кўра инсон юриш-туришининг 90 фоизи асосида одатлар ётади. Шу сабаб баҳтли бўлиш учун уларни тартибга келтириш керак. Баъзи китоблар ва теледастурлар сизга шунчаки баҳтли бўлишни таклиф этадилар: карор қилинг ва баҳтга эришинг. Шахсан мен бунга қўшилмайман. Худди шу тарзда сиз буюк пиониначи бўлишга карор қилишингиз ва тез орада натижасини кўришингиз мумкин. Бироқ сиз мақсадга эришиш учун зарурий қадамларни ташлашга қодирсиз. Масалан, мусиқа чалишни ўрганиш, фортепианодан дарс олиш. Машқлар орқали ўзингизни зарурий қолипга соласиз ва натижада яккахон концерт беришингиз мумкин. *Шу тарзда сиз баҳтли инсонлар одатларини ўзлаштирган ҳолда баҳтга эришишингиз мумкин.*

Сизнинг ўтмишдаги одатий фикрларингиз ва хулқингиз миянгизда худди граммофон пластиинкасидаги чизиқлари сингари маҳсус нейрон йўлакчаларини яратган. Биз қайта ва қайт фикрлаганимизда ва ўзимизни одатдагидек тутганимизда нейрон йўлакчалари янада чукурлашади. Худди шундай даладаги сўқмоқ ҳам кенг йўлга айланаб кетади. Баҳтсиз инсонларда салбий нейрон йўллари кўпроқ бўлади. Мана нима учун сиз миянгиз ишлашини ҳисобга ололмайсиз ва баҳтли бўлишга қарор қила олмайси! Баҳт кўрсаткичингизни ошириш учун янги йўлакчалари барпо этиш керак.

Далай – лама айтганидек, қайсиdir одатлар баҳтингизга сабаб бўлади, қайсилариdir аксинча. “Баҳтли бўлиш санъати” китобида у шундай деб ёзади:

*“Баҳтга ва қайегу элтувчи омилларни аниқлашдан бошлиши маъқул. Шундан сўнг ҳаётингиздан қайегуга элтувчи омилларни секин-аста ўчириб, баҳтга элтувчиларини қолдириши лозим”.*

“Сабабсиз баҳт”га эришишимизга йўл кўймайдиган иккита муҳим афсона бор. Бу “Қанча кўп бўлса” афсонаси ва “Мен баҳтли бўламан, қачонки” афсонаси. Улар маданиятимизга шунчалик сингиб кетганки, деярли барчага тааллуқли бўлиб қолган.

**“Қанча кўп бўлса” афсонаси.** Кўпчилигимиз “Қанча кўп бўлса” афсонасининг қурбонига айланганмиз, яъни қанча кўп нарсага эга бўлсак ўзимизни шунча яхши хис этамиз. Кўпроқ предметга ёки “ёркин ажойиб буюмларга” эгалик қилиш истаги оммавий, секин-аста мустаҳкамланиб борувчи ва кўпинча файриихтиёрий ишончга асосланган: буюмлар, муваффақият ва пул бу баҳтга тенг. Статистика бу нотўғри эътиқод эканлигини кўрсатмоқда.

-Америкаликларнинг ўртача индивидуал даромади сўнгги эллик йилда икки ярим баробардан ортикроққа ўсади, аммо уларни баҳтлилик даражаси аввалгидек қолди.

- (“Форбс” журнали маълумотига кўра) Энг бой инсонлар рўйхатига кирувчиларнинг 40 фоизи ўртача америкаликка нисбатан баҳтсизроқ.

-Америкаликларнинг индивидуал даромади 12 000 доллар бўлган тақдирда ҳам бу нарса баҳт даражасига таъсир этмайди.

Барча нарсага эга инсонлар – энг баҳтли инсонлар эмас. Агар аксинча бўлганда эди Голливудда баҳтли инсонлар кўпроқ бўларди! Бизда ҳалигача ўзига мафтун этувчи сингиб кетган фикр мавжуд: пулга баҳтни сотиб олса бўлади. Жилла қурса, бизда шундай бўлади деб умид қиласиз. Яқинда ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, турли хил даромад оладиганлар ҳам пулга баҳт сотиб олиш мумкин деган бир хил фикрни билдиришган.

Бир куни мухбир “Гетти Ойл” нефть компаниясининг асосчиси, дунёдаги биринчи миллиардер Ж. Пол Геттидан сўради: *“Сиз дунёдаги энг бой инсониз. Пулим етарли деб ҳисоблайсизми?”* У бир оз ўйланиб туриб деди: *“Ҳозирча йўқ”*. Бизнинг барча нарсага эга бўлиш истагимиз бизга ҳақиқий қувонч келтирмаслигига бу ёркин мисол бўла олади. Нега тўхташ шунчалик қийин?

Чунки ишлаб чиқарувчилар буни истамайдилар. Реклама “Қанча кўп бўлса” афсонасини абадиylаштириш учун керак. У иқтисодимизнинг двигателидир. Сизни нотўғри яшаётганингиз ва баҳтли бўлишингиз учун кўп нарса кераклигига ишонтириш учун ҳар йили миллиардлаб доллар сарфланади. Сиз ҳозир нима ҳақида ўйлаганингизни биламан: “Мен савдо компанияларининг акцияларига эътибор бермайман. Улар менга умуман таъсир кўрсатмайди”. Кечирасиз-у, аммо мен сизнинг хомхаёлларингизни бузаман, улар таъсир килади. Сиз бунга қарши хеч нарса қила олмайсиз. Бу кўп такрорланадиган реклама мурожаатлари онг остингизга таъсир этади ва

ишенчимизга айланади. Агар шундай бўлмаганда реклама берувчилар бундай катта маблағ сарфламаган бўлишарди.

Агар ҳеч нарсага қарамасдан баҳтли бўлишимиз мумкин бўлганда ҳаётимиз қандай бўларди? Қачонки ҳеч бир сабабсиз ички баҳтни ҳис этсангиз, барча нарсадан ўзингиз мамнун бўласиз ва у нарсалар сизга мамнуният баҳш этишини кутиб ўтирмайсиз. Сиз “Қанча кўп бўлса” афсонасидан халос бўлишга кодирсиз.

**“Мен баҳтли бўламан, қачонки” афсонаси.** “Мен баҳтли бўламан, қачонки” афсонаси - “Қанча кўп бўлса” афсонасининг қариндоши. Қуйидаги фикрларнинг қайси бири сизга яқин?

-*Қачонки турмуш қурсам баҳтли бўламан.*

-*Қачонки яхшироқ иш топсам баҳтли бўламан.*

-*Қачонки фарзандли (яна бир фарзандли) бўлсам баҳтли бўламан.*

-*Қачонки болаларим мактабга чиқса баҳтли бўламан.*

-*Қачонки ишикни ёки ўзимни тан олишиша, юқори баҳо бериишича баҳтли бўламан.*

-*Қачонки ишдан бўшасам баҳтли бўламан.*

Машхурларидан яна бириси:

-*Қачон 5 (10,15,20) килограмм озсам баҳтли бўламан*



Бундай “Мен бахтли бўламан, қачонки” лардан қанча ўйлаб топишингизнинг аҳамияти йўқ. Кўйилган мақсадларга эришиб бир лаҳзалик мамнуният ҳис этасиз холос ёки умуман умидларингиз пучга чиқади. Эришган охирги бешта мақсадингиз ҳакида ўйлаб кўринг. Улар сизга бахт келтирдими? Бу бахт қанча давом этди? Сизга барибир нимадир етишмаётганлигини ҳис этасиз ва бошқа нарсадан бахтни излашга киришасиз. Қаттироқ ва яна қаттироқ ҳаракат қиласиз ва ўзингизча бундай дейсиз: “Яна озгина ҳаракат қилсан барчасига эришаман. Агар шу нарсага эриша олганимда эди. Мен бахтли бўлган бўлардим”. Айлана ичидаги олмахонга ўхшаб қоласиз – ташқи ҳолатларни назорат қилишга уринган ҳолда бир жойда айланиб чопаверасиз. Сиз доимо бор нарсангизни йўқотишдан кўркасиз. Шунинг учун биз брендимиз ва ўйинимизни “POYGA” деб атаганмиз. Логотипимиз эса айланадаги олмахон. Ўйинимизни ўйнасангиз бетакрор ҳиссиётларни бошдан кечирасиз ва токи сизни “Мен бахтли бўламан, қачонки” деган хаёллар бошқарар экан бахт келажақда сизни кутаётгандек бўлиб туюлаверади, аммо унга ета олмайсиз. Ваҳоланки, ҳақиқий бахтни хозироқ ҳис этишингиз мумкин.

Гарвард университетининг психология фани бўйича хурматли профессори Даниэл Гилберт томонидан ўtkазилган тадқиқотлар натижалари “Мен бахтли бўламан, қачонки” афсонасининг

мутлақо фойдаси йүқлигини күрсатди. "Бахтга қоқилганды" китоби муаллифи Гилберт инсонлар келажақда уларни баҳтли қилиши мүмкін бўлган нарсани аниқлашга қодир эмаслар, деб ҳисоблади. У бунга тақрор ва тақрор ишонч ҳосил қилган. Биз қандайдир мақсадга эришгандан сўнг ҳис этадиган баҳт туйғусини ортиқча муболага қилиб юборамиз. Таътилга борганда, лавозим ошганда, ким биландир бошқача алоқани йўлга қўйганимизда ўзимизни қанчали яхши ҳис этишимизни ўзимизча тасаввур киламиз, аммо буларга эришгандан сўнг истаганимиздек баҳтли эмаслигимизни тушунамиз. Бундан ташқари, бизга баҳт келтириши керак бўлган нарсага биз осонликча кўникамиз ва эга бўлган нарсамиз туфайли пайдо бўлган қувончли ҳаяжон бизни тарқ этади.

Бахтлироқ бўлиш учун биз баҳт "кўпроқ ва яхшироқ" деган тушунчаларга боғлиқ эмаслигини англашимиз керак. **Биз нимага эгалигимиз аҳамиятсиз, "сабабсиз баҳт" кейин эмас ҳозир мавжуд.**

### **18- боб: Ҳозироқ баҳтли бўлинг ва ўзингизни баҳтли ҳис этинг!**

Сир ҳақиқатдан ҳам ишляяптими? Мени текшириб кўрмоқчи бўлдим ва ўз тажрибамда синаб кўрдим: шубҳасиз, ишляяпти. Шундан бери мен ундан ҳар кун фойдаланаяпман. Сир ва тортишиш қонунини ҳаётингиздаги ҳамма нарсага нисбатан ишлатишингиз мүмкин. Яратиш жараёни сиз яратмоқчи бўлган барча нарса учун бир хилда давом этади - пул билан ҳам истисно ҳолат йўқ. Пулни ўзингизга тортиш учун бутун эътиборингизни бойликка қаратишингиз керак. Пул етишмаслигига доимо қайгу чексангиз, ҳаётингизга кўп пул олиб кира олмайсиз: ахир сиз пулим кам деб ўйлайсиз. Пул етишмаслигига эътиборингизни бурсангиз - улар етишмаётган вактда вазият янада чигаллашишига сабабчи бўласиз.

Сиз фикрларингизга янги учқун тақдим этишингиз керак, ҳамда бу фикрлар ҳозирнинг ўзида сизда пул етарли эканлигини таъкидлаши лозим. Сиз тасаввурингизни ишлатган ҳолда пулингиз етарли эканлигига ўзингизни ишонтиришингиз лозим. Бу жуда қизиқ машғулот! Пулингиз кўплигини тасаввур қилишингиз билан ўзингизни яхши ҳис эта бошлайсиз. Модомики, қайфиятингиз кўтаришлар экан, пул ҳаётингизга дарё бўлиб оқади. Эга бўлишни истаган суммангизга чек ёзинг. Ҳар куни чекка қаранг ва ушбу сумма сизда мавжудлигини ҳис этинг. Уларни сарфлаётганингизни, унинг ёрдамида ўзингиз сотиб олган буюмларни тасаввур қилинг. Бунинг қанчалик ажойиблигини ҳис этинг! Пуллар сизники эканлигини унутманг: уларни

сўрашингиз билан улар сизнига айланди. Биз шундай чек ёрдамида катта миқдордаги маблағга эга бўла олган юзлаб инсонлар билан танишмиз. Бу ажойиб ўйин, у сизга фойда келтиради.

Инсонлар биргина сабабга кўра истаганлариdek пул топмайдилар: улар ўз фикрлари билан пул оқимига тўсқинлик қиласидилар. Ҳар бир салбий фикр, хиссиёт ёки туйғу барча яхшиликларга, хусусан пул келишига ҳам тўсқинлик қиласиди. Бу бутун борлиқ пулни сиздан яшираёттганлигини англатмайди. Ахир сизга зарур бўлган пул ҳозирнинг ўзида мавжуд. Агар сизда пул етарли бўлмаса, демак сиз ўзингиз пул оқими йўлига ғов бўляяпсиз. Сиз буни фикрларингиз билан ҳис қиласидиз. Сиз фикрларингизни етишмовчиликдан мўл-кўлчиликка томон ўзгартиришингиз керак. Етишмовчиликдан кўра кўпроқ бойлик ҳақида ўйланг шунда торози у томонга ён босади. Бойликни чақиринг.

*Сиз ҳаётдан истагингизга элтувчи энг қисқа йўл - ҳозироқ баҳтли бўлинг ва ўзингизни баҳтли ҳис этинг!* Бу пулга ва бошқа барча истаганларингизга эга бўлишнинг энг қисқа йўли. Бутун борлиққа қувонч ва баҳт тўлқинларини таратишга ҳаракат қилинг. Шу тарзда сиз қувонч ва баҳт (нафакат тўқлик ва моддий фаровонлик) келтирадиган янада кўпроқ нарсани ўзингизга торласиз. Истагингизга эришиш учун сиз нур таратиш. Агар сиз баҳт ва қувонч таратсангиз, улар сизга тимсоллар ва ҳаёт тажрибаси кўринишида қайтиб келади. Тортишиш қонуни сизнинг яширин фикр ва туйғуларингизни акс эттиради ва намоён қиласиди ва улар сизнинг ҳаётингизга айланади.

*Комиллик ҳақида ўйланг – токи ичингизни тўлдирмагунингизга қадар бошқаларга ҳеч нарса улаша олмайсиз.* Ўз оламимизнинг яратувчиси ўзимиз бўламиш ва яратишни истаган ҳар бир истагимиз ҳаётимизда ўз ифодасини топади. Фикрларимиздан фойдаланганимизда улар накадар қудратли. Ҳар бир бажарадиган ишимиз қандайdir фикрга асосланади. Фикр сўз, хиссиёт ва амал вужудга келтиради. Амаллар ниҳоятда қудратли, чунки фикр бизни амалга бошлади. Биз яширин фикрларимиз қандайлигини тушунмаслигимиз мумкин, аммо ўйлаганимизни амалларимизда кўриш мумкин. Ниманидир ҳаётингизга татбиқ этиш тараддуудида бўлсангиз, амалларингиз истакларингизга зид келиб қолмаслигига ҳаракат қилинг.

Масалан, комил эркак топишни истаган аёл воқеаси. У барчасини тўғри бажаради: у эркак қандай бўлиши кераклигини аниқлаштириб олди, унинг сифатлари рўйхатини тузди, уни тасаввур қилди. Бироқ бундай эркак ха деганда пайдо бўлавермасди. Кунлардан бир куни машинасини гаражга кўйди. Бирдан килган иши - машинани гаражнинг ўртасига жойлаштиргани - истагига

қарама-қарши эканлигини тушунди. Агар машинани гараж ўртасига қўйса, эри машина қўйишига жой қолмайди-ку! Аёлнинг амалидан: “Мен ўзим сўраётган нарсага эга бўлишимга ишонмайман” - деган маънони англаш мумкин. Шунинг учун у дарҳол ҳисобини олиб машинани гараж чеккароғига қўйди ва идеал эркак учун жой ажратиб қўйди. Сўнг ётоқхонага кириб кийим жавонида ҳам орзусидаги эркак учун жой ажратиб қўйди. Авваллари кроват ўртасида ётарди, энди эса эркак учун жой ажратган холда ўз қисмида ётадиган бўлди. У ушбу барча амалларни худди истаганига эришгандек ҳис этиш учун бажарди ва унинг ҳаётида орзусидаги эркак пайдо бўлди, ҳозирда у баҳтли оилалардан бири.

Истагингиз ҳақида ўйланг ва бажараётган ишларингизда у акс этишига, сўраётган нарсангизга зид келмаслигига ишонч ҳосил қилинг. Ҳозирнинг ўзидаёқ истаганингизга эришаётгандек йўл тутинг. Унга эга бўлаганингиздагидек ўзингизни ҳис этинг. Улуғвор умидларингизни ўзида мужассам этган амалларга қўл уринг. Истагингизга эришишга шароит яратинг шунда сиз ушбу умидларга кучли сигнал жўнатган бўласиз.

Шахсий ҳаётда инсонлар орасидаги муносабатда ким билан муносабатга киришаётганингиз жуда муҳим. Аммо мен фақат сизнинг шеригингиз ҳақида гапираётганим йўқ. Биринчи навбатда сиз ўзингизни англаб етишингиз лозим. Қандай қилиб сиздан бошқалар мамнун бўлишини кутишингиз мумкин, ахир ҳали ўзингиз ўзингиздан мамнун бўлаётганингиз йўқ-ку? Тортишиш қонуни ёки Сир ҳаётингизга худди ўша нарсани олиб келади. Сиз буни аниқ тушуниб етишингиз керак. Жиддий ўйлаб кўриш лозим бўлган масала қуидагича: **“Бошқалар сизга муносабатда бўлишини истаганингиздек сиз ўзингизга муносабатда бўласизми?”**

Агар бошқалар сизга муносабатда бўлишини истаганингиздек сиз ўзингизга муносабатда бўлмасангиз ҳеч қачон одатдагидан бошқачага ўзгартира олмайсиз. Сизнинг амалларингиз – бу қудратга эга ғояларингиздир. Агар сиз ўзингизга муҳаббат ва ҳурмат билан муносабатда бўлмасангиз, яхшиликка муносаб эмасман, жиддий эмасман деган сигнал тарқатасиз. Бу сигнал тарқалади ва сиз кўплаб ўзингизга ёмон муносабатлар гувоҳига айланасиз. Инсонлар фақатгина натижа холос. Фикрларингиз эса сабабдир. Ўзингизга муҳаббат ва ҳурмат билан муносабатда бўлишни бошланг – шундай сигналлар жўнатинг, янги тўлқинга боғланинг. Шунда тортишиш қонуни Оламни ўзгартиради, ҳаётингиз сизни севадиган инсонларга тўла бўлади.

Кўплаб инсонлар яхши кўриниш учун ўзларини бошқаларга қурбон қиласилар. Бу хатолик! Ўзини қурбон қилиш дунё неъматларининг етишмалигига асосланган фикр. Худдики сиз бундай

дайсиз: "Яхши нарсалар барчага етмайди шунинг учун мен амаллаб турман". Бундай фикрлар ижобий хисобланмайди ва охир-оқибатда хафагарчилик ва кўнгилсизликларга олиб боради. Неъматлар барчага етади, ҳар ким истакларининг рўёбга чиқиш чиқмаслигига ўзи масъул ва жавобгардир. Сиз бошқа бирорвнинг орзусини амалга ошира олмайсиз, чунки унинг ўрнига фикрлаш ва ҳис этишга қодир эмассиз. Сизнинг вазифангиз – сизнинг ўзингизсиз. Агар ўз баҳтингиз ва яхши кайфиятни биринчи ўринга қўйсангиз, сиздан тараладиган ажойиб тўлқин сизга яқин ҳар бир инсонга таъсирини кўрсатади.

Сиз ўз муаммоларингизни ҳал этасиз.Бошқа бирорвга бармоғингизни бигиз қилиб: "Сен менга беришинг керак. Кўпроқ бер"- деманг. Бунинг ўрнига ўзингиз бошқаларга кўпроқ беринг. Вақт топиб уни ўзингизга бағишиланг, кўнглингизни ва ўзингини тўқ қилинг, шундагина сиз бошқаларга бера бошлайсиз. "*Муҳаббатга эга бўлиш учун... муҳаббатга ичингизни тўлдиринг, то уни ўзингизга магнит сингари тортмагунга қадар*"- деганди Чарльз Энел. Кўпчиликка ёшлиқдан ўзини охирги ўринга қўйишини ўргатишган, шунинг учун бизда яхшиликка муносаб эмасман деган ҳиссиёт пайдо бўлган. Ҳиссиёт кучайгани сари ўзимизни камситилган ва номуносаб деб ҳис этишимизга сабаб бўладиган кўплаб вазиятларни биз ўзимизга чакириб олганмиз. Бироқ сиз ушбу фикрингизни ўзгартиришингиз керак.

Токи ўзингиз лиммо-лим бўлмагунингизга қадар бошқаларга ҳеч нарса бера олмайсиз. Шунинг учун энг аввало ўзингиз ва ўз қувончингиз ҳақида қайғуришингиз лозим - бошқалар ўзлариники ҳақида қайғурсинлар. Ўзингизни шод қилиш кўнглингизни кўтаришга уринар экансиз, беихтиёр атрофингиздагиларга ҳам қувонч улашасиз. Ўз шуълангиз билан умрингиз давомида катта-ю кичикка ўрнак бўла оласиз. Қачонки қувноқ бўлсангиз, атрофдагиларга бирор нарса бериш тўғрисида ўйлашга уринишнинг ҳожати қолмайди, бу нарса худди нафас олишдек табиий тус олади.

Инсон ўзини севиши керак, чунки ўзни севмай туриб инсон ўзини яхши ҳис этиши ва баҳтли бўлиши мумкин эмас. Сиз ўзингизга ёмон муносабатда бўлсангиз, Худо сизга атаган эзгулик ва муҳаббатга тўсиқ қўйиб қўясиз. Ўзингизга ёмон муносабатда бўлсангиз бу гўёки ўзингизда ҳаётни сиқиб чиқарган билан баробардир. Ахир дунёдаги барча ажойиботлар – соғлик, тинчлик, муҳаббат – қувонч ва баҳт билан бир тўлқинда жойлашган. Чексиз қувват, соғлик, хотиржамлик туйгуси яхши кайфият билан ягона тўлқиндан жой олган. Агар ўзингизни севмасангиз сизни ёмон кўрадиган инсонлар ва вазиятларни чакирадиган тўлқинга тушиб қоласиз. Сиз нуқтаи назарингизни ўзгартиришингиз ва ўзингизда мавжуд гўзалликлар ҳақида ўйлашингиз керак.

**Ўзингиздан ижобий сифатларни изланг.** Бунга эътиборингизни қаратсангиз тортишиш қонуни янада кўплаб ажойиботлар ҳакида аён қилади. Сиз ўйлаганингизни ўзингизга жалб этасиз. Қилишингиз лозим бўлган бор-йўғи ишингиз – бирор яхшилик ҳакида узок ўйлашдир, шунда тортишиш қонуни жавоб қайтаради ва шунга ўхшаш кўплаб фикрлар беради. Ўзингиздан яхшилик изланг.

Сизда қандайдир ажойибот ва гаройиботлар бор. Мана мен ўзимни эллик беш йилдан бери ўрганмоқдаман - баъзида ўзимни ўпид оладиган даражада яхши кўриб кетаман! Сиз ҳам ўзингизни яхши кўришни ўрганинг. Мен кеккайиш ва ўзини ўзи алдаш ҳакида гапираётганим йўқ - мен ўзини хурмат қилиш тўғрисида гапираяпман. Қачонки сиз ўзингизни яхши кўрсангиз, бошқаларни ҳам яхши кўрасиз. Одамлар билан муносабатда биз бошқалар устидан шикоят қилишга ўрганиб қолганмиз. Масалан: “Ходимларим – дангаса, хотиним жаҳлимни чиқарида, болаларим қулоқсиз”. Биз бошқаларни айблаймиз, камчиликларини гапирамиз. Ҳақиқий уйғун муносабатларда бу инсонларда бизга ёқмайдиган жиҳатларга эмас, балки биз қадрлайдиган хусусиятларга эътиборни қаратиш лозим. Агар бирор нарса устидан шикоят қилсак, шу нарса янада кўпаяди. Ҳатто муносабатларингизда ҳақиқатдан ҳам мураккаб давр бўлса, барчаси ёмон ахволга келиб қолиб тинмай жанжаллаётган бўлган тақдирда ҳам барчасини ўзгартириш мумкин. Бир варақ қоғоз олиб ўттиз кун давомида ушбу инсонда нималарни қадрлашингизни ёзив чиқинг. Уни севиш учун нечта сабаб борлигини ўйлаб кўринг: эҳтимол унинг ҳазилкашлигини ёки ҳамдард бўла олиш, мададкор бўлиш қобилиятини қадрларсиз. Бир инсоннинг фазилатлари ва ижобий хусусиятларига эътибор қаратсангиз, муаммолар ўз-ўзидан бартараф бўлади, ёқимли лаҳзалар сони кўпаяди.


Сизни баҳтли қилиш мажбуриятини баъзида бошқалар зиммасига юклардингиз, улар сизни сиз истагандек баҳтли қила олмаганлар. Нега бундай бўлади? Чунки сизнинг баҳтингиз ва қувончинингиз бир кишига боғлиқ у ҳам бўлса сиз ўзингиз. Ҳатто ота-онангиз, фарзандаларингиз, турмуш ўртоғингиз сизга баҳт беришга қодир эмас – улар фақат ўз баҳтларини баҳам кўришлари мумкин. Сизнинг қувончинингиз ўз юрагингиздан чиқади. Сизнинг қувончинингиз энг юкори ва қудратли тўлқин бўлмиш – муҳаббат тўлқинида жойлашган. Муҳаббатни қўлда ушлаб бўлмайди, уни фақат қалдан ҳис этиш мумкин. Бу қалбнинг ўзига хос ҳолатидир. Сиз муҳаббатни бошқа инсонларда намоён бўлганига гувоҳ бўласиз, аммо муҳаббат – бу туйфу, демак, уни ҳаётингизда пайдо қилишга фақат сиз қодирсиз. Сизнинг муҳаббат тарқатиш қобилияtingиз чексиздир. Бунда сиз олам билан бутунлай уйғунлашиб кетасиз. **Шундай қилиб севии мумкин бўлган барча**

**нарсани севинг.** Севишиңгиз мүмкін бўлган барчани севинг. Севимли нарсаларингиз ва кишиларингизга дикқатингизни қаратинг, шунда қувонч ва муҳаббат сизга юз баробар бўлиб қайтишини ҳис этасиз. Тортишиш қонуни шубҳасиз сиз севган нарсани кўплаб жўнатади. Ўзингиздан муҳаббат нурларини таратсангиз, сизга ҳам барча ажойиб нарсалар, энг яхши инсонлар кўринишида қайтаётгандек бўлади. Аслида ҳам шундай.

Танамиз фикрларимиз маҳсули ҳисобланади. Тиббиёт фани эндиғина фикрлар ва туйгулар табиати қанчалик даражада танамизнинг жисмоний ҳолати, тузилиши ва вазифаларини тушунишни бошляяпти. Тиббий амалиётда плацебо таъсири мавжуд. Плацебо – шундай моддаки, танага шартли равишда таъсир кўрсатмайди. Масалан – шакарли юмалоқ дори. Сиз беморга бунинг қанчалик кучли дори эканлигини айтасиз ва натижада ҳақиқий доридан ҳам кучли таъсир килади. Аниқланишича, инсон онги даволашда ҳар қандай доридан ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Сиз эндиликда Сирнинг кўламини эгаллаб борар экансиз, инсон ҳаётидаги ва саломатлигидаги баъзи воқеаларнинг ҳақиқий моҳиятини аниқроқ тушуниб борасиз. Плацебо таъсири – машхур фавқулодда ҳодиса. Беморлар ҳақиқатдан ҳам таблетка – шифо дори эканлигига ишонсалар, ишонгандари мевасини татиб кўрадилар – шифо топадилар. Агар инсон касал бўлса, унда икки йўл бор: биринчиси онгида нима нарса унда касаллик пайдо бўлишига сабаб бўлганлигини аниқлаш, иккинчиси ўша касалликнинг ўзини даволаш учун дори ичиш. Аммо энг маъқули ҳар иккаласини ҳам бажаришdir. Дорини инкор этиш ҳам ярамайди, даволашнинг барча усувлари ҳам муҳим. Онг орқали даволаш одатдаги тиббиёт билан биргаликда олиб борилади. Агар бирор ерингиз оғриётган бўлса, дори оғриқни енгишга ва соғлиғингизга кўпроқ эътибор беришга ёрдам беради. Идеал соғлиқ ҳақида ўйлаш лозим. Ҳар бир инсон буни атрофда нима содир бўлаётганидан қатти назар ўз кучи билан бажариши мумкин.

Борлиқ – фаровонликнинг ёрқин намунаси, ҳақиқий хазина. Қачонки сиз Борлиқнинг бойлик деган хиссиётини кашф кила олсангиз, сизни ҳайрат, қувонч, баҳт ва сиз учун аталган ажойиботлар: саломатлик, хотиржамлик, вақтичоғлик кутиб турган бўлади. Бироқ агар сиз Борлиқдан салбий фикрларингизга ғуж бўлиб олиб яширинсангиз, нокулайлик, дард, касаллик ва мунтазам равишда чексиз оғриққа кўмилиб кетасиз. Минглаб касалликлар ва диагнозлар мавжуд.



Бироқ улар фақат организманинг кучсиз бўғинига ишора қилмоқда холос. **Барча қасалликлар биргина манбаага эга - бу ҳам бўлса, стрессдир.** Агар занжир ёки бошқа ҳар қандай тизимнинг ҳалқаларидан бирига ортиқча юк қўйсангиз у бузилади, ишдан чиқади. Ҳар қандай стресс биргина салбий фикрдан пайдо бўлади. Биргина салбий фикр эътиборсиз ўтиб кетади, орқасидан бошқаси, кейин яна бошқаси токи стресс келмагунга қадар. Стресс натижада ҳисобланади, аммо унинг сабаби ягона салбий фикр туфайли бошланган салбий фикрлашдир. Стрессни ўзингизга жалб қилиб олган бўлсангиз ҳам бунинг аҳамияти йўқ... биргина ижобий фикр билан барчасини ўзгартиришингиз мумкин. У орқасидан бошқа ижобий фикрларни етаклаб кела бошлайди.

Аввалги китобида биз “ижобий стресс” ва “салбий стресс” тушунчалари ва хусусиятларини, стресс яшаш учун кураш ғамидан, ўзини ва оиласини етарлича таъминлаш хавотири туфайли келиб чиқиши мумкинлигини батафсил қўриб чиқкан эдик. У қўркув – омадсизлик қуркуви, муваффақият қўркуви туфайли ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ишларимизни маъқуллашларига бўлган эҳтиёж ҳам стрессга сабаб бўлиши мумкин. Бу стресслар келиб чиқиш манбаидан қатъи назар энг асосий максадга дикқатингизни қаратишингизга катта тўсқинлик қиласди. Сиз қўркувни енгиш ва стрессни бошқаришни ўрганишингиз керак. Стрессни

самарали тарзда йўқ қилиш учун кўпчилик фойдаланадиган ўзига хос усулни таклиф қилган бўлардим. Мана улардан бири.

## 13-машқ

### *Стрессни бошқаришини ўрганамиз*

*Стрессни бошқаришини ўрганиши учун бўшашии жараёнини тезлаштиришга йўналтирилган қўшимча машқни бажариб кўринг. Орқага санашини бошлиайдан олдин “секин-аста бўшашии” жараёнини бошдан ўтказинг. Сиз танангиздаги турли мушакларни ҳис қилишингиз, уларга дикъатингизни қаратишингиз ва уларни бўши қўйишингиз лозим. Одатда бошдан оёққа қараб ҳаракат қилинади.*

1. *Бу машқни 3 дан 1 га қараб санаши усули билан бошлиайсиз. Кулайроқ ўтириб олинг.*
2. *Кўзларингизни ёминг. Чуқур нафас олинг ва чиқаринг, уч марта хаёлан уч, уч, уч деб тақрорланг ва уч рақамини тасаввур қилинг.*
3. *Иккинчи марта чуқур нафас олинг ва чиқаринг, хаёлан икки, икки, икки деб тақрорланг ва икки сонини тасаввур қилинг.*
4. *Яна чуқур нафас олинг ва чиқаринг, уч марта хаёлан бир, бир, бир деб тақрорланг ва бир рақамини тасаввур қилинг.*
5. *Энди сиз истаган мақсадингизда ишлатишни мумкин бўлган 1 даражасига эришидингиз.*
6. *Боши терингизни ҳис этинг. Барча эътиборингизни боши терингизга қаратинг. Уни ҳис этинг. Унинг борлигини англаңг. Уни ҳис этишингиз қон айланишини тезлашуви натижасида қитиқ ёки иссиқлик шаклида бўлиши мумкин. Агар боши терингизни бўши қўйсангиз қон айланиши янада яхшиланади. Боши терингизни бўши қўйинг.*
7. *Энди пешанангизни ҳам худди шундай қилинг. Тасаввурингиз қон айланиши туфайли вужудга келадиган қитиқ, иссиқликни ҳис этишига ёрдам берсин. Сўнг пешанангизни бўши қўйинг.*
8. *Кўзингиз ва унинг атрофини бўши қўйинг. Қитиқни ҳис ҳэтинг, сўнг кўзларингиз ва унинг атрофини бўши қўйинг.*
9. *Энди дикъатингизни томогингизга ва унинг терисига қаратинг. Қон айланиши туфайли вужудга келадиган қитиқ ва иссиқликни ҳис этишига ва томогингизни бўши қўйинг.*
10. *Тана аъзоларингизни бўши қўйишни бошлианд. Елкаларингиз, кўкрагингизни, қорнингизни ҳис қилинг. Танангизнинг ҳар бир аъзосини кийимга тегишини ва қитиқ ҳамда иссиқликни*

ҳис қилинг. Сүнг танангизни ушбу аъзосини бўши қўйинг, кейин бошқа аъзоларингизга ўтинг.

11. Худди шу тарзда аъзоларингизни кетма-кет бўши қўйиб ҳис этишида давом этинг: сон, тизза, тўпиқ. Товоонларни ҳам: бармоқлар, оёқ кафти.
12. Фикрлашининг энг соглом, чуқур босқичига эришиши учун мен 10 дан 1 га қараб санайман, шунда ҳар бир камайиб бораётган сон фикрлашининг согломроқ ва чуқурроқ босқичига кўтарилиб борши ҳиссиётини багишлайди.
13. Ўн, тўққиз – янада чуқурроқ, 8,7,6- янада чуқурроқ, 5,4,3- янада чуқурроқ, 2,1.
14. Сиз фикрлашининг аввалгидан анча чуқурроқ ва согломроқ босқичига эришидингиз. Сиз бунданда юқорироқ босқичга шунчаки қовоқларингизни бўши қўйган ҳолда эришишингиз мумкин. Қовоқларингизни бўши қўйинг.
15. Қаттиқ бўшашибни ҳис этинг ва бу ҳиссиёт секин-аста бутун танангиздан бўйлаб ҳаракатланиб оёгингиз бармоқлари томон етиб борсин.
16. Чуқур бўшашиб бу ажойиб ҳиссиёт ва организмнинг жуда ҳам соглом ҳолатидир. Фикрлашининг янада чуқур ва соглом босқичига эришишингизга ёрдам бераман ва 1 дан 3 гача санайман ҳамда бармоқларимни чиқиллатаман. Шунда сиз тасаввурингизда идеал дам олиш жойингизда пайдо бўласиз. Шундан сўнг мен гапиришдан тўхттайман ва яна овозимни эшиштунингизга қадар худди шу фикрлаши босқичида бир соат вақт ўтади. Менинг овозим сизни безовта қилмайди, сиз чуқур нафас оласиз, ўзингизни бўши қўясиз ва янада хаёлот оламига янада чуқурроқ шўнгийсиз. Бир, икки, уч. Овозимни яна бир бор эшишмагунга қадар тасаввурингиздаги оромбахши жойга учиб боринг. Ўзингизни бўши қўйинг. Бармоқ шиқирлаши.
17. Бўши қўйинг. Чуқур нафас олинг ва бўшашибнинг янада чуқурроқ ҳис этинг. Сиз менинг овозимни эшишида, мен берган дастурларни бу ва бошқа ҳар қандай босқичда бажаршида давом этасиз, шунингдек, ташки онг босқичида ҳам. Бу сиз учун фойдали. Сиз шундай бўлишини истайсиз. Шундай бўлади ҳам.
18. “Бўшашинг” дейишиим билан дарҳол танангиз, миянгиз ва онгингизнинг барча ортиқча ҳаракатларини, функцияларини тўхтатасиз. Сиз бутунлай ҳам жисмонан, ҳам руҳан бўшашибасиз.
19. 1 дан 5 гача санаб мен сизни бунданда юқорироқ фикрлаши босқичига олиб чиқа оламан. Мен 5 деганимда сиз бардам, ҳушёр, идеал даражада согломликни ҳис этасиз.
20. Даҳонинг фикрлаши билан оддий инсоннинг фикрлаши ўртасидаги фарқ шундаки, доҳий фикрлашининг олий босқичларидан фойдаланади, фойдаланганда ҳам ўзига хос тарзда

*фойдаланади. Энди эса сиз фикрлашнинг олий босқичларидан ўзига хос тарзда фойдаланишини ўрганаяпсиз.*

**21. Күйида фикрлашнинг олий босқичларида тақрорлашингиз мумкин бўлган фойдали дастурлар берилган. Орқамдан миянгизда тақрорланг.**

*-Ривожланаётган фикрлаш қобилиятим инсониятга яхшироқ хизмат қилиши мумкин.*

*-Кундан кун ҳар бир муносабатимда ўзимни яхшироқ ва янада яхшироқ ҳис этиб бораяпман.*

*-Ижобий фикрлаш менга истаганимдек фойда келтираяти.*

*-Мен ҳиссиётларимни фикрлашнинг ҳар қандай босқичида тўла назорат қиласаяпман, ҳаттоқи ташқи онг босқичида ҳам.*

**22. Күйида сизнинг хавфсизлигинги учун дастур берилган.**

*Бу фикрларини назорат қилиши. Фикрларни ўзингиз назорат қилишингиз. Мендан эшиштадиганларингизни қабул қилишингиз ёки истаган вақтингизда, фикрлашнинг истаган босқичида рад этишингиз мумкин. Назорат доимо сизга тегишили.*

**23.Күйида соғлигингиз учун ҳимоя дастурлари. Ёдда сақланг, бундан бўёғига мен сизнинг номингиздан гапираман.**

*-Ҳеч қачон ўзимга жисмоний, руҳий ва психосоматик хасталикларни чақирмайман.*

*-Ҳеч қачон ўзимга жисмоний, руҳий ва юрак хасталикларни чақирмайман.*

*-Ҳеч қачон ўзимга жисмоний, руҳий, қон айланиши тизими, лейкемия ёки диабет хасталикларни чақирмайман.*

*-Ҳеч қачон ўзимга жисмоний, руҳий, ўпка, артрит ёки подагра хасталикларни чақирмайман.*

*-Ҳеч қачон ўзимга жисмоний, руҳий, алкогол ёки наркотик билан боғлиқ хасталикларни чақирмайман.*

*-Ҳеч қачон ўзимга жисмоний, руҳий ва саратон хасталикларни чақирмайман.*

*-Салбий фикрлар, таъсирлар фикрлашнинг ҳар қандай босқичида ҳам ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди.*

24. Сиз доимо фикрашининг ушибу босқичларида бўласиз, жисмоний ва руҳий таъсирлар оласиз. Ушибу босқичларни ўзингиза жисмоний ва руҳий ёрдам бериши учун фойдаланишингиз мумкин.
25. Бу босқичлардан яқинларингиз, дўстларингиз ва танишларингизга ёрдам бериши мақсадида фойдаланишингиз мумкин.
26. Бу босқичлардан ёрдамга муҳтож ҳар қандай инсонга ёрдам бериши учун фойдаланишингиз мумкин. Бу босқичлардан ҳеч қачон бирор инсонга зарар келтириши учун фойдаланилмайди.
27. Агар у сизнинг мақсадингизга айланса, фикрашининг ушибу босқичларидан фойдалана олмайсиз. Фикрашининг ушибу босқичлардан мақсади эзгу, тўғри, виждонли, беғубор, ижобий бўлган амалий ва ижодий усуllibардан фойдаланишингиз мумкин.
28. Сиз ушибу олам ажойиб жойига айланшиши ва сиздан кейин келадиганлар учун ҳам яхши сақланиб қолиши ҳамда ижодий ва амалий фаолиятнинг бир қисмига айланасиз. Барча инсонларга ёшидан келиб чиқсан ҳолда отангиз, онангиз, ака-укаларингиз, опа-сингилларингизга бўлгандек муносабатда бўласиз.
29. Сиз бошқача инсонсиз, бошқаларни яхшироқ тушунасиз, ҳамдард бўласиз ва ёрдам бера оласиз.
30. Бир дақиқадан сўнг мен 1 дан 5 гача санайман, шунда қўзингизни очасиз ва ўзингизни аввалгидан анча меҳрибон, дадил, соглом ҳис этасиз. Кўришингиз ва эшитишингиз фикрашининг ушибу босқичларида бўлган вакътингизда доимо яхшиланади.
31. Бир, икки, секин-аста уйгонасиз, уч. Беш деганимда, қўзингизни очасиз, худди қувват берувчи уйқудан уйгонгандек аввалгидан анча меҳрибон, дадил, соглом ҳис этасиз.
32. Тўрт, беши. Бармоғимни шақиллатаман. Кўзларингиз очилади ва сиз аввалгидан меҳрибон, дадил, согломсиз.

Ушибу машқни ҳар куни уйга ишидан қайтгач бажаринг. Бунга осуда муҳитни ва сиз аввалгидан яхшироқ, ва янада яхшироқ бўлиб бораётганингиз тўғрисидаги таъкидларни қўшинг. Ундан сўнггина якуний саноққа ўтинг. Кўлланмани яна бир марта ўқиб чиқинг. Энди китобни бир жойига қўйиб ва ишга киришинг.

Үн кун ўсиб борадиган бўшашии амалиётини бажарганингиздан сўнг ҳеч бўлмагандан яна бир ҳафта уни тақорлашни унутманг. Бу миянгизни ҳеч бўлмагандан яна бир ҳафта идеал босқичда ушлаб туришига ёрдам беради.

Бизнинг физиологиямиз организмимизда мувозанатнинг бузилганлиги, ҳаётни етарли даражада севмаслигимиз ва миннатдор бўлмаётганимизни билдириш учун касалликларни вужудга келтиради. Шундай қилиб, тана сигналлари ва белгилари қандайдир даҳшатли нарса эмас. Шифокор Демартини севги ва миннатдорчилик ҳаётимиздаги барча салбийликни йўқ қилиб юборади. Муҳаббат ва миннатдорчилик денгиз сувларини чайқатиш, тоғларни юргизиб юбориш ва мўъжизалар кўрсатишга қодир. Шунингдек, улар ҳар қандай касалликни енга олади, -деб таъкидлайди.

Одамлар кўпинча сўрайдилар: “Агар инсон касалликка, бирор бир ташвишга гирифтор бўлган бўлса, “тўғри” фикрлаш орқали ундан ҳалос бўлиш мумкинми?”. Жавобимиз: “Албатта, ҳа!”. Комиллик ҳақида ўйланг. Инсон тўғри фикрлар билан банд бўлса, касаллик танада узоқ вақт ушланиб қолмайди. Билингки, комиллик мавжуд, агар сиз комиллик ҳақида доимо ўйласангиз, шубҳасиз уни ўзингизга чақириб оласиз. Носоғлом фикрлар - инсоннинг барча муаммолари сабабидир. Буларга касалликлар ва баҳтсизлик ҳам киради. Қачонки биз салбий фикрласак қонуний меросимидан қуруқ қоламиз. Ўзингизга шундай денг: “Мен камолот ҳақида ўйляяпман. Мен фақат камолотни кўраяпман. Мен ўзим камолотман”.

Қариш ҳақидаги барча тасавурлар бизнинг онгимизда яширин эканлигин тушуниб етгандирсиз. Илм-фаннынг таъкидлашича , тана бир неча йилда тўлигича янгиланади, яъни жуда қисқа вақт ичиди. Қариш фикрлашдаги чекланганлик туфайли юз беради. Шундай экан, бундай фикрларни миянгиздан ҳайданг ва билингки танангиз бир неча ойлик холос - миянгизда неча йил ҳисоблаганингизнинг аҳамияти йўқ. Кейинги туғилган кунингизда ўзингизга совға қилинг - уни биринчи туғилган кунингиздек байрам қилинг! Агар қарилликни чақиришни истамасангиз торт устига олтмишта шам тиқманг. Афсуски, гарбий жамият ёш ғоясига қаттиқ ёпишиб олган, аслида ёш деган нарса умуман мавжуд эмас. Сиз ўзингиз мукаммал соғлиқ, оптимал вазн ва абадий ёшликка элтувчи ўз йўлингизни ўйлаб топишингиз мумкин. Сиз буни камолот ҳақидаги доимий фикрлар орқали ҳақиқатга айлантиришингиз мумкин. Агар касал бўлсангиз, касалликка эътиборингизни қаратасиз, бу ҳақда одамлар билан гаплашасиз, янада кўпроқ касал хужайралар пайдо қиласиз. Мутлақо соғлом танага эгаман деб тасавур қилинг. Касалликлар билан шифокорлар шуғуллансинлар. Кўпчилик касал вақтида факат шу ҳақда гапиради. Аслида улар

фикрларини кўраётгандек қилиб тасвирлаб берадилар: чунки улар доимий тарзда касаллик ҳақида ўйладилар. Агар озгина дармонсизлик сезсангиз, у ҳақда гапирманг- агар янада кўпайишини истамасангиз. Билингки, касаллик сизнинг фикрларингиз туфайли пайдо бўлган ва иложи борича кўпроқ бундай деб такрорланг: “Мен ўзимни жуда ажойиб ҳис этаяпман. Ҳаммаси яхши”, шундай ҳис этишга ҳаракат қилинг. Агар тобингиз қочган бўлса-ю, кимдир соғлифингиз ҳақида сўраса, ундан миннатдор бўлинг, чунки бу инсон сизга фақат яхшилик ҳақида ўйлаш кераклигини эслатди. Фақат истаган нарсангиз ҳақида гапиринг. Бизнинг ўзбекона маъданият ва урф-одатлар бекорга анъанавий тарздаги: “Соғлифингиз қалай? Ишларингиз, қариндошларингиз, болаларингиз қалай?”- деган ҳол-аҳввол сўрашларга бой эмас. Шунингдек, бетоб бўлишларига, бошларида кўнгилсизликлар ёки муаммолар борлигига қарамай доимо: “Худога шукур, яхши”- деб жавоб қайтарадилар. Буни тушунганимдан сўнг аждодларимиз бу сирни яхши билишгани ва уни амалда қўллашганини англаб етдим. Аммо бунинг сирлиги ва унинг ҳаётимиз, ҳолатимиз, келажагимизга таъсири тўғрисида ҳеч ким гапирмаган. Энди, модомики, сиз буни билган экансиз, у ҳақда қариндошларингиз ва танишларингизга гапириб беришингиз ва ўзингиз ҳам амалиётда қўллашингиз керак.

Сиз касаллик ҳақида ўйламасангиз, уни юқтириб олмайсиз. Юқишидан кўркиб фикрларингиз орқали касалликни ўзингизга чақирависиз. Шунингдек, одамларнинг касалликлари ҳақида сафсата сотишини эшитиб ҳам ўзингизга касалликни оласиз. Тинглаётганингизда бутун фикрларингиз ва диққатингизни касалликка қаратасиз - фикрларингизни нимагадир қаратар экансиз, сиз уни сўраётган бўласиз. Уларни тинглаганингиз билан барибир нафингиз тегмайди. Аксинча касалликлари зўрайишига сабабчи бўлиб қоласиз. Агар ҳақиқатдан ҳам уларга ёрдам бермоқчи бўлсангиз, мавзуни ўзгартиринг, бошқа яхши нарсалар ҳақида сўзлашинг ёки ўз йўлингизда давом этинг. Сўнгра фикрларингиз ва туйгуларингизнинг бор қучини ишлатиб бу инсонни соғлом деб тасаввур этинг. Худо дардига шифо берсин. Дейлик сизнинг иккита танишингиз бор, уларнинг иккови ҳам касал, аммо улардан бири бутун диққатини ижобий туйгуларга, иккинчisi касаллигига қаратган. Биринчisi умид билан яшашни, қувониш ва миннатдорчилик ҳиссиёти билан кун кўришни маъкул кўради. Иккинчisi эса дард, шикоятлар ва азобни танлаган. Қачонки одамлар аҳволлари ёмонлигига, касаллик даҳшатли аломатларига эътиборларини қаратсалар, бу билан улар муаммоларининг умрини узайтирадилар. Токи фикрингизни касалликдан соғайишга томон бурмас экансиз соғайиш содир бўлмайди. Тортишиш қонуни шуни тақозо қиласи. “Шуни ҳеч қачон эсдан чиқармангки, ҳар бир ёқимсиз фикр – бу танага ёпишадиган ҳақиқий касалликдир” –деганди Прентис Малфорд.



*Сабабсиз баҳт.*

Саодатманд фикрлар энг зўр биокимё вазифасини бажаради, танангизни соғлом ва баҳтиёр хис этишга олиб келади. Салбий фикрлар ва стресслар организмга қаттиқ таъсир қиласида мия фаолиятини бузади, чунки айнан фикрлар ва ҳиссиётлар доимо танамизни йигади, қайта тузади ва кайтадан яратади. Танангиз учун нимани чакириб уни моддийлаштирганингизнинг аҳамияти йўқ - асосийси уни ўзгартиришингиз ва орқага кайтаришингиз мумкин. Баҳт хақида ўйлашни бошланг, баҳтли бўлишни бошланг. **Баҳт – бу ҳиссиёт, қалб ҳолатидир.** Бармоғингиз шундокқина “баҳт ҳиссиёти” тутмачаси устида турибди. Уни ҳозироқ босинг ва уни атрофда нима юз беришидан қатъи назар қўйиб юборманг. Танангиздан физиологик стрессни йўқотинг ва у нимага қодир бўлса, ўша ишни бажаради, яъни ўзини ўзи даъволайди. Касалликдан халос бўлиш учун, сиз курашишингизга ҳожат йўқ. Фақат ўзингиздан салбий фикрларни ҳайданг ва табиий соғломлик ҳолатини ичингизга кириб боришига имкон беринг. Танангиз ўзи ўзини даъволайди.

Унутманг: вақт ва Борлиқнинг ҳажми – ҳеч нарса эмас. Ҳуснбузарни даволаш, худди оғир касалликни даволашдек осон. Жараён бир хил, фарқ фақат бизнинг онгимизда мавжуд. Шундай экан агар бирор касалликка чалинсангиз, онгингизда унинг ҳажмини миттигина ҳуснбузар даражасигача кичрайтиришинг ва барча салбий фикрларга барҳам беринг, мукаммал соғлиққа ҳаракат қилинг. Мен доимо “давоси йўқ” дегани “ични даволаб бўлмайди” деган маънони англатади, деб айтиб келганман. Менинг онгимда ва мен яратган оламда бедаво касалликнинг ўзи йўқ. Бу оламда сиз учун жой етарли – менга ва бу ерда яшайдиган бошқаларга қўшилинг! Бизнинг оламда мўъжизалар хар куни содир бўлиб туради. Бу мутлақо фаровон олам, бу ерда

барча гүзәлликлар ичимизда жойлашган. Жаннатга ўхшайды, шундай эмасми? Бу аслида жаннат. Сиз ўз дүнөнгизни ўзгартыришингиз ва ўзингизни даволашингиз мумкин.

Бу воқеа 10.03.1981 йилда бошланади (Моррис Гудмен). Бу күн унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. У бу күнни ҳеч қачон унутмайды. У самолёттада ҳалокатта учраб шифохонага тушиби ва бутунлай шол бўлиб қолди. Унинг умуртқа погонаси сочилиб кетишига сал қолганди, у биринчи ва иккинчи бўйин умуртқа суюгинини синдириб қўйгани учун ҳаттотки овқатни ютиши рефлекси ҳам йўқолганди. У на овқат ея оларди, на сув ича оларди, на нафас олишини ўддаларди: диафрагмаси қаттиқ зарапланганди. Қўлидан келган ягона нарса қўзини очиб юмии эди. Шифокорлар у қолган умрини тўшакка михланган ҳолда, фалажлигича ўтказишини айтишиди. Унинг келажагини шифокорлар бошқача масаввур қила олишимасди, аммо уларнинг масаввурларининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. У ўзини соглом, тўрт мучаси сог, шифохонадан чиқаётган ҳолатда масаввур қиласди.

Шифохонада ишилатиши мумкин бўлган ягона қисми онги эди. Агар онг ишиласа, қолганларини тузатишингиз мумин. Уни нафас олдирадиган мосламага улаб қўйишганди. Шифокорлар энди у ҳеч қачон нафас олмайди деб айтишганди. Бироқ унинг ичидаг овоз қатъият билан: “Чуқур, чуқур нафас ол” – дерди. Сўнг ниҳоят уни ускунадан узишиди. Шифокорлар қаттиқ ҳайратда қолишиди. У онгига мақсадидан чалгитадиган ҳеч нарсани киритмасди. У Рождество байрамигача шифохонадан чиқишини мақсад қилиб қўйди. У буни ўддалади. У шифохонани ўз оёқлари билан тарк этди. Барча бу мумкин эмас деб айтганди. Ўша күнни у ҳеч қачон унутмайди. Ҳозир дард чекаётганларга мен олтитагина сўз айтган бўлардим. Бу сўзлар менинг тажрибамни сизга аён қилиши билан биргаликда, ҳар бир инсон ҳаётида нимага қодирлигини билдиради: **инсон ўзи ўйлаган нарсага айланади.**

Моррис Гудмен “мўъжиза - инсон” сифатида таникли. Бу воқеани танлашимиздан мақсад у инсон онгининг қанчалик чексиз қудрати ва тенгсиз кучини намоён этиб беради. Моррис унда яширип кучни – у ўйлашига қарор қилган нарсани амалга оширишига қодир кучни биларди. Барча нарсанинг иложи бор. Моррис Гудменнинг ҳикояси минглаб инсонларни саломатликка элтувчи йўлни топши, масаввур қилиши ва ҳис этишига чорлади. Бу инсон ҳаётидаги улкан оғатни улуг қобилиятга айлантиради. Агар бир нарсага қатъий шонсангиз барча нарсанинг иложи бор.

Саломатлик мавзусини мен доктор Бен Жонсоннинг ажойиб сўзлари билан якунламоқчиман: “Биз ҳозир қувват тиббиёти даврига кириб боряпмиз. Бутун Борлиқ ўз тўлқинига эга ва сиз

биргина иш қилишингиз керак: бу ҳам бўлса тўлқинингизни ўзгартиришнгиз ёки унга қарама-кархисини яратишишнгиз лозим. Мана шундай қилиб дунёдаги барча нарсани даволаш мумкин. Бу касаллик, ёки ҳиссий муаммолар бўладими ёки бошқами. Бу биз дуч келган ҳақиқатларнинг энг улуғидир”.

Кулги – энг зўр дори. Аёлга кўкрак саратони деб ташхис қўйишди. Аёл эса бор вужуди билан тузалиб кетганига ишонарди. Ҳар куни ўзига-ўзи шундай дерди:

-Тузалиб кетганим учун мингдан-минг шукр.

У бу сўзларни тақрор ва тақрор айтарди. У чин қалдан соғломлигига ишонарди. У ўз танасини худди ҳеч қачон саратон бўлмагандек тасаввур қиласади. Шунингдек, тузалиб кетиши учун у жуда кўплаб кулгили фильмларни томоша қиласади. Қилган иши, кулиш, кулиш ва кулиш бўлган. Ташхис қўйилган вақтдан то у тузалиб кетгунга қадара уч ой ўтди. У ҳеч бир кимётерапия ёки нурсиз тузалиб кетди.

Кэти Гудменнинг ажойиб ва завқли ҳикояси учта буюк кучни намойиш этиб беради: *шифо учун миннатдорлик кучи, ихлосонинг кучи ва тана дардини енгизига қодир кулги, қувончнинг кучи.* Кэти бир кишининг воқеасини эшитгандан сўнг кулгидан даволаниш учун фойдаланишга қарор қиласади. Бир одамга бедаво касал деб ташхис қўйишади. Унинг бир неча ойлик умри қолганлигини айтишади. У ўзини ўзи даволашга қарор қиласади. Уч ой давомида кулгили фильмларни кўриб роса кулиш билан вақтини ўтказади. Уч ой ичида касаллик уни тарк этади. Шифокорлар буни мўъжиза деб таъкидлашади. Кулги туфайли бу одам барча салбий ҳиссиётлардан халос бўлади. Табиийки, касалликдан ҳам. Кулги – ҳақиқатдан ҳам энг зўр доридир.

Бизда туғилишимиздан бошлаб ўзимизни ўзимиз даволаш дастури ишга тушади. Жароҳатландингизми – яра ўзи битади. Бактериял инфексия юқтиридингизми иммунна тизими ўзи курашиб енгади. Иммунна тизими организмни ўзи даволашга қодир. Соғлом ҳолатдаги танада касаллик яшай олмайди. Ҳар сонияда танангизда миллионлаб ҳужайралар ўлади ва миллионлаб ҳужайралар пайдо бўлади. Танамизнинг барча аъзолари деярли ҳар куин ўзгаради. Баъзилари бир неча ойда янгиланса, бошқаларига бир неча йил талаб этилади. Бир неча йилдадир янги танага эга бўламиз. Агар танамиз бир неча йилда янгиланса (фан буни исботлаган), нима учун касал

қиласынан да шикаст етказадын жараёнлар күплаб йиллар давом этади? Улар факат фикрлар туфайли қолиб кетадылар: уларга берган эътиборингиз ва дикқатингиз туфайли.

Барча баҳтли инсонлар “Қанча күп бўлса” ва “Мен баҳтли бўламан, қачонки” афсоналаридан халос бўла олганлар. Улар учта асосий ва универсал қоидага амал қилиб яшайдилар. Улар бу қоидаларни тасвирлаш учун қандай сўзларни ишлатганинг аҳамияти ўйқ. Бу қоидалар уларнинг баҳтли бўлишида жуда катта рол ўйнаган.

- 1.Кувватни кенгайтирадиган нарса сизни баҳтли қилади (“кенгайиш қонуни”).
- 2.Бутун олам сизга ёрдам бериш учун мавжуд (“Олам ёрдамчилиги қонуни”).
3. Сиз қадрлаган нарса кўпаяди (“торитишиш қонуни”).

Кейинги китобдаги “Бахтиёрик одатларини” машқ қилишни бошлаганингизда вақт- вақти билан ўзингизни аввалгидек тутишни ва ҳис этишни истаб қоласиз. Бундай дамларда сиз ”уч асосий қоидани” ёрдамга чақиришингизга тўғри келади.

*Биринчи асосий қоида. Кувватингизни кенгайтирадиган, сизни баҳтли қиладиган нарса.*

## 14-машқ

### Кувватнинг кенгайиши

Илм-фан барча нарсанинг қувватдан ташкил топганини исботлади. Ҳусусан, инсон ҳам. Ҳар бир гапингиз, ўйингиз ёки бажараётган ишингиз, яқинингиздаги барча нарсалар қувватингизни оширади ёки камайтиради.

*Кувватингиз ошганда кўпроқ баҳтни ҳис этасиз. Кувватингиз камайганда камроқ баҳтни ҳис этасиз.*

*1.Тўғри ўтиринг, елкаларингизни тўғриланг, қўлларингизни ёзинг, чуқур нафас олинг ва табассум қилинг. Кўзларингизни юминг ва ҳиссиётларингизни кузатинг. Вазиятингизни эҳтимол қуийидагича таърифларсиз:*

- Эркин

- Ошкор

- Шодон.

*Бу енгиллик ва кенглил ҳиссиёти энергиянинг кенгайиши дейилади.*

*2. Энди кимни севишингиз, ким билан фахрланишингиз ва ким билан бирга бўлишини исташингиз ҳақида ўйланг. Танангиз бу инсон ҳақида ўйлаганингизда қандай ўзгаришини боидан кечираяпти?*

1. *Эҳтимол сиз яна енгиллик, ошкоралик ва қувончни ҳис этгандирсиз. Агар баҳтли дамларингизда сизни ўлчов воситаларида текширишиганда қанчалик кўп ҳаво ютаётганингиз, қон томирларингиз кенгайгани, мушакларингиз бўшаишгани, юрагингиз бир маромда ураётгани, мия яхлит ҳолда ишилаётганига гувоҳ бўлардингиз. Мана шу қувват кенгайиши дейилади.*

2. *Энди эгалинг, муштингизни сиқинг, тез-тез нафас олинг, чуқур нафас олманг ва худди шу тарзда чиқаринг. Қовогингизни солинг. Аҳволингизни кузатинг. Сиз қуийидағиларни ҳис этасиз.*


- Хавотир

- Танглик

- Безовталик.

*Бу - гамгинлик ҳиссиёти, чегаралаш, қувватнинг сиқилиши. Кимдан қўрқишингиз ёки кимдан жаҳлингиз чиққанини ўйлаб кўринг. Нимани ҳис этајпсиз? Ўша гамгин, сиқилган қувватни. Баҳтсиз вактимизда доимо шундай бўлади. Барча салбий ҳиссиётларимиз – қўрқув, газаб, гамгинлик, ҳасад – бизни сиқувга олади ва ҳаётий қувватимизни чеклаб қўяди. Салбий ҳиссиётларни ҳис этганимизда мушакларимиз таранглашади, нафас олишимиз чуқур бўлмайди, қон айланиси қийинлашади. Агар сизни ўлчов асбобларида текширувдан ўтказишганда стресс гармонларининг қанчалик ошиб кетганлигини кўрган бўлардингиз. Бу иммун тизимини иидан чиқаради ва касаллик орттириши хавфини оширади.*

Кувватни сиқадиган эмас, оширадиган фикрлар, туйгулар ва юриш-туришни танланг. Бахт даражасининг ошиши – маълум бир одатларни ўстиришга ишончли асос. Мана нималар қувватимизни ошишига ёки камайишига сабаб бўлади.



Қувватнинг кенгайиши - бахтга элтувчи тўғри йўл. Сиз “Асосий қоида” №1 дан бахтга томон тўғри ҳаракатланаяпсизми - йўқми шуни аниқлаш учун фойдаланишингиз мумкин. Бунинг учун сиз кун давомида қувватингиз қанчалик кенгайган ёки сиқилганлигини аниқлашингиз лозим.

Янги машиналарга қўйилган сунъий йўлдош навигатор тизимини (GPS) кўргандирсиз? GPS қаердалигиниздан қатъи назар сизга керакли манзилга томон йўналтиради. Ҳаттоқи, ушбу тизим гапирадиган овоз турини ҳам танлаш мумкин. Маълум бўлишича, худди шундай тизим ҳар

биримизнинг ичимизда мавжуд, яъни бу қувватимизнинг кенгайган ёки торайганини кўрсатиб берувчи тизимдир. У бизни баҳтга элтади. Агар қувват кенгайишини ҳис этсангиз демак тўғри йўлдан кетаяпсиз, агар қувват торайишини ҳис этсангиз, демак йўналишни ўзгартириш керак. Бу болалигингизда ўйнаган ўйинингизга ўхшайди. Сиз бирор бумни қидирасиз. Агар унга якин келсангиз дўстларингиз: “Иссиқ, иссиқ, қайноқ!”- деб бақиришарди. Агар буюмдан узоклашсангиз: “Совуқ, совуқ!”- деб қичкиришарди. Ягона фарқи сизнинг навигатор тизимингиз “Кенгайган” ёки “Торайган” деб айта олади.

Мен кўпинча ўз тизимимга ишонаман. Танлаш лозим бўлиб қолганда тўхтайман, чуқур нафас оламан, Сильва усулига кўра бир қўлимдаги уч бармоғимни бирлаштираман ва қайси танлов менга кўпроқ енгиллик, қувват кенгайишини тақдим этишини сезишга ҳаракат қиласман. Мен оддий ҳолатларда: менюдан биринчи таомни танлаш керак бўлганда ҳам, мураккаб вазиятларда: савдо таклифларини танлашда ҳам шундай йўл тутаман. Мен энергия кенгайиши ҳиссиёти берадиган танлашлардан доимо мамнунман.

## 15-машқ

### *“Қувватнинг кенгайии - торайии”и рўйхати*

1. *Бир варқ қогоз олиб юқорисига қуйидаги сўзларни ёзинг: “торайии”- чап томонга, “кенгайии” – ўнг томонга.*
2. *Ҳаётингиз: ишингиз, ўйингиз, танангиз, муносабатларингиз ва ҳоказолар ҳақида фикр қилинг. Ҳар бир бандини кўриб чиқиб, кўзларингизни юминг, чуқур нафас олинг ва қувватингиз ошайяптими ёки камайяптими йўқми ҳис қилинг. Сўнг шунга мувофиқ тарзда керакли устунга ёзинг.*
3. *Энди ҳосил бўлган рўйхатга қаранг ва ҳаётингизнинг қайси жиҳатлари баҳтингизга мувофиқ келишини ҳамда қайсилари уни камайтиришини белгилаб қўйинг. Торайии рўйхатидаги бандлар тўғрилаш лозим бўлган жабхалардор.*

Кувватингизни ошираётган барча нарсалар сизни баҳтли қиласди. Ички навигация тизимини тинглаган ҳолда қувватингизни оширадиган ёки камайтирадиган нарсаларга эътибор қаратиш керак. Бу юриш – туришингизни изга солади ва “сабабсиз баҳтли бўлиш” даражасини оширади.

**Иккинчи асосий қоида. Олам сизга ёрдам бериш учун мавжуд.** Эйнштейн шундай деганди, инсон ўзига бериши мүмкін бўлган асосий савол қуидагича: "Борлиқ бизга дўст ҳисобланадими?" Бахтли инсонлар бу саволга шундай жавоб берадилар: "Ха!". Улар олам барчасини фақат улар истагандек қиласи деб ҳисобламайдилар, балки уларга ёрдам беради деб ҳисоблашади. Ажабланарлиси, улар борлиқ доимо биз томонда деб ҳисоблайдилар, ҳатто ишлари юришмаган тақдирда ҳам. Кўнгилсизликлар юз берганда: "Нега мен? Бу адолатсизлик"- деб хархаша қилмайдилар, нолимайдилар. Ҳаётдаги ҳар бир ҳодисага қуидагича қарайдилар: "Охироқибатда, ўзимга яхши. Бу ерда ҳеч ҳам хатолик йўқ. Бундан қувонч топа билиш керак". Оламнинг эзгулигига эътиқод - уларнинг дунёга вазмин ва ишончли муносабати манбаидир.

Оламнинг эзгулигига эътиқод инсоннинг соғлигини мустаҳкамлаши мумкинлигини тасдиқловчи тадқиқотлар мавжуд. Эҳтимол бу фикрни қабул қилиш мушкулдир. Албатта, дунёда қўплаб даҳшатли ҳодисалар юз бераяпти: урушлар, жабр-зулмлар, очлик ва қийноқлар. Эзгу оламда яшамаяпмиз, деб ўйлаш мүмкін. Менга ёрдам беришга тайёр олам гоясини қабул қилишимга ягона сабаб ўтмишда яшаган ва бугунги кундаги донишмандлар ва авлиёлар худди шу фикрга содик бўлганларидир. Оғир кунларда маълум бир вазиятларда олам менга ён босаётгани гувоҳи бўламан. Бу нарса фикрларим ва тушунчаларим чегараланган бўлиши мумкинлигини тан олишга мажбур қиласи. Улар эзгу ва пок бўлиши лозимлигини эслатадилар.

Дунё сизга ёрдам берәётганини тушунсангиз воқеа-ҳодисаларга қаршилик кўрсатишни бас қилишингиз мумкин. Бу ўзингизни пассив ёки такаббурларча тутишингиз керак дегани эмас. Бу ўтмишга ғам чекиши, содир бўлиб бўлган, ўзгартириб бўлмайдиган воқеани эслаб куйиниш ярамайди деган маънени англатади. Кўпчилик кўнгли ғаш бўлган ҳолда катта микдордаги қувватни ҳаётий вазиятларга қаршилик кўрсатишга сарфлайдилар. Аммо қачонки сиз бунда ҳеч бир хатолик йўқлигини тушуниб етганингизда ҳаётни яхши қабул қила бошлисиз, оркага қайтара бўлмайдиган вазиятлар билан куршишнинг ўрнига қувватингиздан амалий тарзда тартиб билан фойдалана оласиз. Олам доимий тарзда сизга кўмак берәётгани ва сизнинг ўсишнингизга ёрдам берәётганига ишонч – қувватнинг кенгайишини ҳис этишнинг ажойиб усулидир.

**Учинчи асосий қоида. Сиз қадрлайдиган нарса кўпаяди.** Бу қоида торитшиш қонунига асосланган, яъни ўхшаш нарсалар бир-бирин тортади. Барча ўйлаганларингиз,

гапирганларингиз, хис қилганингиз ва бажарганларингизни сиз ўзингизга магнит сингари тортасиз. Ҳар доим ҳаётингиздаги баҳтни қадрласангиз, агар у банкдаги пул бўлган тақдирда ҳам қўпаяди!

Кўплаб инсонлар тортишиш қонунидан уларни баҳтли этадиган нарсаларни жалб этиш мақсадида фойдаланадилар, аммо бу хато. Айнан баҳт биз истаган нарсаларни жалб этади - мана шу тортишиш қонунидир. “Махфий” фильмининг муаллифи ва продюсери Ронда Бирн ўзининг “Сир” китобида шундай ёзади:

*“Мен сизга бир Сирни очмоқчиман. Истаганингизга эришишига элтувчи энг қисқа йўл баҳтли БЎЛИШ ва баҳтни ҲИС ЭТИШ. Пул ишлаб топиш ва ҳаётда яна нимагадир эга бўлишининг энг қисқа йўли шу. Оламга қувонч ва баҳт таратишига интилинг... Барча истаганингизга ички оламингизда ислоҳотлар ўтказши орқали эришасиз! Таши олам – бу фикрлар натижасидан ҳосил бўладиган оламдир. Фикрларингиз тўлқинини баҳтга мўлжалланг”.*

Кайфиятингиз яхши бўлганда сизнинг қувватингиз сиз истаган нарсани ўзига тортадиган кучли тебраниш майдонини ҳосил қиласди. Ажойиб машина, уй ёки ишни орзу килиш мумкин, аммо баҳтнинг калити дунёни бошқаришда ва орзуларнинг ушалишида ҳам эмас. Энг маъкули мақсадларга эришишда барча бошқа ҳаётий мақсадлар замирида яширинлари - “сабабсиз баҳт” га тортишиш қонунидан фойдаланиб эришишдир. Одатда у моддий оламда иш берсада, мен ундан маънавий жиҳатдан кўпроқ фойда олдим. У менга қайғу ва умидсизликдан халос бўлишда катта ёрдам берди. Ўшанда шукроналик ёрдамида ҳаётимни ўзгартиришга ҳаракат қилгандим, ҳаётимдаги ҳар бир арзимас босқични ҳам қадрлашни бошлагандим. Тортишиш қонунидан бундай тарзда фойдаланиш “сабабсиз баҳт” элтади.

Тортишиш қонунидан фойдаланишда менинг энг севимли воситам – **“сири формулам”** : **мақсад, дикқат, енгиллик.** Баҳтли бўлиш учун ушбу формуладан мана қандай тарзда фойдаланиш мумкин.

- 1. Мақсад.** Истагингизни аниқлаштириб олинг. Айни дамда сизнинг мақсадингиз - бу баҳт.
- 2. Дикқат.** Нимага эътиборингизни қаратсангиз, ўша нарса ўзига хос кучга эга бўлади.

**3. Енгиллик.** Миянгиздан ортиқча нарсаларни чиқарып ташланг ва ўзингизни бўш қўйинг. Бахтга элтувчи одатларга қўникинг, ишга енгил кўз билан қаранг ва бахтни хис этиш учун тўсиқларни йўқ қилаётганингизга ўзингизни ишонтиринг.

Мақсадни аниқлаймиз ва тасавуримизда идеалликни чизамиз. Ҳар қандай онгли ўзгариш мақсадни аниқлашдан бошланади. Бахт даражасини оширишдан аввал баҳтли бўлишни мақсад килиб қўйиш керак. Бу сўзларни бир варак қоғозга таъкид тариқасида қайд этиб қўйинг. Буни қўйидаги сўзлар билан бошланг: “Мен .... учун миннатдорман” ва қўйидаги сўзлар билан якунланг: “сабабсиз бахт” мен учун шудир”.

Таъкидни “Мен” сўзи билан бошлашингизни истардим, чунки у тилдаги энг салмоқли ва жиддий сўздир. У сизга мақсадга эришишда ёрдам беради. Мен таъкидни ҳозирги замонда, худди ҳозир “сабабсиз бахтни ” хис этиб тургандек ёзишингизни истардим. Ҳозирги замоннинг қудрати ва бевоситалиги истакни вужудга келтиради. Масалан, мен ўз мақсадимни қўйидагича баён этганман: ” Мен ички хотиржамлик ва бахт туйғусини хис этаётганимдан миннатдорман”.

Энди ўзингизни “сабабсиз бахтли” деб тасаввур қилинг. Агар сиз мустаҳкам ички хотиржамлик ва осойишталикни хис этсангиз, ҳаётингиз қандай кечган бўларди? Нимани хис этардингиз ва нималар қилган бўлардингиз? Бошқалар билан қандай муносабатда бўлардингиз? Ҳиссиётларни тасаввур этиш ғалати ёки аҳмоқона бўлиб туюлиши мумкин, аммо бу ҳақиқатдан ҳам жуда самарали машқ. “Сабабсиз бахт” ни қанчалик аниқ тасаввур қилсангиз, ҳаётда унга эришишингиз шунчалик осон бўлади. Бундай тарзда сиз атрофингизни “сабабсиз бахт” тебранма тўлқини майдони билан ўрайсиз. Эҳтимол, сиз уни шунчаки тасаввур қилганингиз туфайлигина ўзингизни бахтлироқ ҳис этасиз.

Мен “тасаввурлар тахтачасини” ясашни тавсия этаман, унга қараб бахтга элтувчи одатларни машқ қиласдингиз.”Тасаввурлар тахтачаси” – бу сиз яратган, сиз ҳаётда эришишни истаган нарсангиз тасвири. Кўплаб инсонлар ҳаётда истаганлари: машина, муносабатлар, уй ва бошқаларга дикқатларини қаратиш мақсадида бундай тахтачалардан фойдаланадилар. Мен сизга гўзал пейзаж ёки кулаётган, рақсга тушаётган инсонлар тасвирланган суратга эга бўлган тахтача ясашни маслаҳат бераман. Эҳтимол, сиз ўзингиз севган яқинларингиз билан бирга тушган суратларингиздан фойдаланаарсиз. Самимилик, қувватнинг кенгайиши ва маънавий юксалиш ҳиссини берадиган суратни танланг. Агар шуларнинг барчасини сабабини кўрсатиб бера олмаган тақдирингизда ҳам тахтачага мақсадингизни аниқ қилиб ёзиб қўйинг. Кўриниш билан боғлиқ

тимсоллар, манзараларга эътиборни қаратиш керак, худди улар сизнинг ҳаётингизда ҳозир мавжуддек.

Менинг тахтачамда табиат қўйнида мен севган ва фахрланган инсонлар билан биргаликда, ҳаётимдаги энг баҳтли дамлари тасвирланган суратлар жойлаштирилган. Шунингдек, унда илҳомлантирувчи манзаралар, ранглар ва жумлалар бор. Бу тахтача ёзув столим устида осиглиқ туради ва мен унга кун бўйи тикиламан. Ҳар куни “тасаввурлар тахтачаси” га тикилиш ва ундаги баҳтни ҳис этиш учун озгина-озгинадан вақт ажратинг.



### **19-боб: Бойлик маънавиятга зидми?**

Пулингизнинг 2,5%ни хайр-саҳоватга ажратмасангиз улардан етарли даражада лаззатлана олмайсиз. Пулга эга бўлиш учун уларни беришни ўрганинг. Кимгадир ёрдам бериш – бу улуғ иш. Қўлингиз очиқлиги сизга кўпроқ пул келтиради, чунки бу ишингиз билан сиз худди “Менда пул кўп ” деяётгандек бўласиз. Сайёрамиздаги энг бой одамлар - энг саҳоватпеша инсонлар ҳисобланадилар. Улар катта миқдордаги пулларни берадилар, шунда тортишиш қонунига кўра, катта миқдордаги пул улар томон оқиб келади!

Агар сиз: “Менда пул бирорга берадиган даражада кўп эмас”... деб ўйласангиз, нима учун улар сизда камлигини ҳам билиб оласиз! Кимгадир ёрдам бериш учун пулим кам деб ҳисобласангиз, шунчаки пул беришни бошланг. Сиз беришни тўхтатмасангиз, тортишиш қонуни янада кўпроқ пул беришга қодир қилиб қўяди. Чин юракдан эхсон, тухфа қилиш қалбингизни ажойиб хиссиётларга тўлдиради. Чин қалбдан тухфа қилиш сиз бажаришингиз мумкин бўлган энг қувончли амаллардан биридир. Тортишиш қонуни эса бу сигнални тутиб олади ва ҳаётингизга кўп яхшиликлар олиб келади.

Мен кўплаб катта пул топадиганларнинг шахсий ҳаётдан қониқмаганларнинг гувоҳи бўлдим. Бу эса баҳтсизликдир. Сиз пулга интилишингиз ва бойиб кетишингиз мумкин, аммо бу сиз баҳтли бўласиз дегани эмас. Мен пулда баҳтнинг бир қисми жойлашганлигини рад этмаяпман. Бироқ фақатгина бир қисми. Шунингдек, мен маънавий жиҳатдан бой бўлган, аммо жуда қашшоқ ва касалманд инсонларни учратганман. Бу ҳам баҳтсизлик. Ҳаёт барча жабҳаларда тўкин бўлиши лозим.

Агар сизни бойлик маънавиятга зид нарса, деб тарбиялашган бўлишса, мен сизга бой бўлиш ҳакидаги туркум китобларни ўқишини тавсия этаман. Сиз бу оламда меросхўрсиз. Бойлик сизга туғилишингиз билан берилган, ҳаётнинг барча жабҳаларида баҳтнинг қалити ўз қўлингизда. Сиз эга бўлишни истаган барча нарсага муносибсиз ва бу нарса сизга берилади ҳам аммо бу нарсани сиз ўзингиз чақиришингиз керак. Қалит сизнинг қўлингизда. Қалит – фикрларингиз ва туйғуларингиз, бу қалитни сиз бир умр қўлингизда ушлаб юрасиз.

Фарб маъданиятининг кўплаб вакиллари муваффақиятга интиладилар. Улар катта уйга, гуллаб турган бизнесга, кўплаб ташқи фазилатларга эга бўлишни истайдилар. Аммо дикқат билан кузатсак, бу нарсаларга эга бўлишимиз биз интилган нарсани – баҳтни кафолатламайди. Биз зоҳирий нарсалар ортидан қувамиз. Улар бизга баҳт келтиради, деб ўйлаймиз. Аммо бу нотўғри йўл. **Биринчи навбатда ички қувонч, ички олам, ички масавурни топиш лозим, ташқи нарсалар кейин пайдо бўлади.** Сизнинг барча истакларингиз ички оламингиз туфайли рўёбга чиқади. Ташқи олам – бу натижалар олами.

У фикрларимиз натижаси холос. Фикрларингизни баҳт тўлқинига созланг. Атрофингизга баҳт ва қувонч хиссиётини худди нур каби таратинг, шунда ер юзида жаннатни топасиз.

Жамиятимизда пулни хурмат қилиш одат тусига кирган. Яна одатга мувофиқ камбағал инсонлар бойларни хуш күрмайдилар. Шунингдек, кўпинча бадавлат инсоннинг бутун фикру-зиқри пулга қаратилганини ишора қиласидилар. Минглаб долларлик битим тузиш керак бўлганда Рембрант ёки Бетховенни ўйлаш қаёқда дейсиз. Айтинг-чи, санъат асарларидан роҳатланиш ва интеллектни ривожлантириш учун кимнинг вакти кўпроқ? Озгина маошга эртадан кечгача тер тўқадиган одамними? Ёки ўзи учун молиявий хавфсизликни таъминлаб қўйиб маош хақида ўйламайдиган инсонними?

Капитал жамғарип бизнесни унутишингиз мумкин. Кўнглингиз истаган иш билан шуғуллансангиз бўлади. Истасангиз фильм суратга олинг ёки мактаб очинг. Истасангиз от ёки ит боқинг. Истасангиз санъат ёки хайрия учун пулингизни ишлатинг. Бу сизнинг хоҳишингиз.

Агар миллионерлар эҳсон қилмагандан эди, хайрия жамғармалари ўз тадбирларини қандай ўтказишарди? Мамлакатимизда бадавлат инсонлар фан ва санъат ривожланиши учун жуда катта ёрдам берадилар. Бой инсон пулни кўздан қочирмайди. Аммо у ҳеч қачон дунёқарашини фақат молиявий масалалар билан чеклаб қўймайди. Камбағалда эса энг биринчи навбатдаги мақсади кейинги маошгача кун кўриш. Унинг дунёвий масалалар билан иши йўқ.

Касаллик, руҳий сиқилиш, стресслар, дармонсизлик сабабларини қўриб чиқиб яна бир **улкан оғам** хақида айтишим шарт. **Бу – маънавиятсизлик.** Замонавий капиталистик олам инсонлар қалбини ўлдиради. Унда инсонлар пулнинг қулига айланадилар. Кимни севиш, ким билан дўстлашиш, кимга турмушга чиқиш, кимнинг туғилган кунига боришни пул белгилаб беради. Пул ва ҳокимият инсонлар қалби ва юрагини бошқаргандা пул танишларингиз, дўстларингиз устидан ҳукмронликни ўрнатгандан сўнг - бу инсонлар қалбини йўқотади. Мен жуда кўп обрў-эътиборга сазовор бўлган оилаларни танийман, уларнинг фарзандлари моддий фойдани биринчи ўринга қўйиб тарбияланган. Уларга болаликларидан пул ва ҳокимият – ҳамма нарса, фақат фойда келтирадиган инсонлар билан муомала қилиш керак, деган гояни синдирилган.

Хозирги кунда моддий дунёдаги маънавиятсизлик энг катта фожиа ҳисобланади. Дўстлик, яхшилик, севги, олийҳимматлилик, ор-номус, хурмат каби умрбоқий қадриятлар камайиб катаяпти. Фойда, даромад, бозорлар ва бошқа жойлар учун курашлар, абадий инсоний қадриятларни четга суриб ташлаб, чипакка чиқаришга ҳаракат кильмоқда. Бунинг бадалини инсоният дард, стресс, касалликлар билан тўляяпти. Ривожланган давлатларга бир назар солинг. Инсонлар қанчалик бой, соғлиқни сақлаш соҳаси қай даражада ривожланган, аммо саратон, диабет

ва бошқа бедаво касалликларга чалинган инсонлар сони ривожланаётган давлатларнидан күпроқ. **Бунинг асосий сабаби битта – маънавиятсизлик. Маънавиятсизлик ва абадий инсоний қадриятларни бошқа нарсалар билан адаштирумаслик лозим.** Мен күплаб маънавиятсиз инсонларни күрганман. Бугунги давримизда инсоният қалбининг оммавий қирғини гувоҳи бўляяпмиз. Агар инсоннинг қалби ўлган бўлса, у инсон йўқ бўлди дегани. У шунчаки жонсиз бир нарсага ўхшаб қолади. Биологик бир тур бўлиб қолади. Бу руҳий сикилиш, касаллик, стресснинг асосий сабабларидан биридир.

Инсон икки қанотли қушга ўхшайди. Битта қанот ҳаётимизнинг умумий тушунчалари: вазнимиз, бўйимиз, пулимиз, бойлигимиз, бир сўз билан айтганда ўлчаш мумкин бўлган барча нарсалардир. Иккинчи қанот – бу хусусий қадриятлар: муҳаббат, яхшилик, донолик, баҳт, олийжаноблик, ор-номус, хурмат. Айнан мана шу қанотни кўпчилик унтиб қўйган. Уларни худдики ҳокимият ва пул шундай кўр қилиб қўйгандек, саводсизлик, маънавиятсизликнинг абадий қоронғулигига, бўшлиғига кўмиб юборган. Севгини, баҳтни ўлчаш мумкини? Банкка келиб 10 кг баҳтни 3 йилга фалон фоизга беринг деб айтиб бўлмайди. Бу тентаклик. Уни ўлчаш, сотиш ёки тортиб қўришнинг иложи йўқ. Аммо бу абадий қадриятларсиз ҳаётнинг маъноси йўқ! Сиз ҳам худди шундай маъносиз бўлиб қолаяпсиз! Қуруқ тана бор ичидага гўё сиз йўқдексиз!

Ўзингиз ҳам бир ёш, кучли, аммо бир қанотли қушни тасаввур қилиб кўринг-а. Бу қуш ҳеч қачон парвоз гўзаллигини нима эканлигини била олмайди. Бу қуш энг қиммат таом ейиши, энг қиммат олтин қафасда ўтириши мумкин, бироқ у ҳеч қачон ҳақиқий ўзининг худо унга инъом этган ҳаёти билан яшай олмайди. Худди шундай кўплаб инсонлар моддий қадриятлар учун ким ўзарга пойгага киришиб кетишган, ўзларини ўзлари қашшоқлаштириб юборишган. Ўзингиз ўйлаб кўринг янги телефон, автомобиль ёки бошқа моддий буюмлар сотиб олган инсон қанча вақт давомида хурсанд бўлиб юради? Бир, икки, уч кун, тўғрими? Кейин эса яна ўша ахволга тушади. Моддий нарсалар сизни озгина вақт давомида кувонтириши мумкин, сўнг сиз яна ўзингиз билан маънавиятсизликда қоласиз. Айнан инсоний қадриятларнинг йўқлиги сабабли уларга қаттиқ путур етмоқда.

Исбот сифатида сизга бир нечта ракамларни келтираман. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг одамлар жуда камбағалликда, очарчилиқда, вайронагарчиликда яшардилар. 1945 йилдан то бугунги кунга қадар ўртacha америкалик ва европаликларнинг яшаш даражаси ўртacha 4 баробарга 400% га ўси, аммо жамиятшуносларнинг сўровларига кўра баҳт ҳиссиёти 32% га тушиб кетган. Одамлар 400% га 4 баробар бойроқ бўлишиди ва 1/3 баҳтсизроқ бўлишди. Мана сизга моддий

бойликлар сизни ҳеч қачон баҳтлироқ қила олмаслигининг исботи. Бадавлат бўлинг, муваффақиятга эришинг, аммо инсонгарчиликни йўқотманг. Ўзингиздаги ушбу илоҳий Оловни, ўзингиздаги ушбу илоҳий нурни асранг, ўзингиздаги илиқлик, севги, яхшиликни ташки оламнинг салбий таъсиридан эҳтиёт қилинг. Бу билан сиз нафақат руҳий тушкунлик, қўрқув, чўчишини енгасиз, балки чексиз кувват, кувонч, баҳт манбаига эга бўласиз. Сиз ер юзидағи энг бадавлат, баҳтли инсонлардан бирига айланасиз.

Сиз менга айтишингиз мумкин:

Бунинг иложи йўқ мен банкда, қурилишда, заводда ишлайман, бу ерда ишлаб чиқаришга хос бўлган муносабатлар; барчаси баттол, ярамас, яхшиликни кўрмайсиз, фақат ёлғон ва иккюзламачилик. Мен қалбимни пок сақлаб қола олмайман. Қандай қилиб ўзимда абадий инсоний қадриятларни ривожлантиришим, муҳим ҳаётий кувватни ўстиришим мумкин?

Жуда осон. Барча динлар бизни шунга чақиради. Бироқ дунёдаги динлар битта олтин қоидани таъкидлайди: **“Сенга қандай муносабатда бўлишларини истасанг одамларга шундай муносабатда бўл”**. Оддий аммо ажойиб қоида, бекорга уни олтин қоида деб аташмаган. Сенга қандай муносабатда бўлишларини истасанг одамларга шундай муносабатда бўл. Бу ҳам оддий, ҳам мураккаб қоида. Оддийлиги буни сиз эртагаёқ бажаришингиз мумкин. Мураккаблиги шундаки, дунёда ҳеч ким бундай қилмаяпти. Оқимга қарши сузиш, оммадан ажралиб қолиш қийин. Аммо барча буюк донишмандлар ўз асарларида бу нарсани таъкидлашган. Сенга қандай муносабатда бўлишларини истасанг одамларга шундай муносабатда бўл. Нима учун шундай ажойиб кашфиётни ҳаётга татбиқ қилиш мушкул? Чунки сиз билан бизда салбий тажриба бор, сизни алдашган, сизни сотишган, сиз инсонларга яхшилик қилгансиз, бунга жавобан биқинингизга ханжар санчиб кетишган. Дўстларингизга юрагингизни очгансиз, улар эса устингиздан кулиб кетишган. Албатта, дард, йиллар давомида тўпланган тажриба бир мартагина ва доимо ушбу ажойиб қоидага ишонишга имкон бермайди.

Нима учун бу олтин қоида иш беришига менинг ишончим комил? Нима учун мендек серғайрат, кувноқ одам жаҳаннамнинг барча йўлларини айланиб чиқди? Барча даврларнинг ва халқларнинг мана шу олтин қоидаси туфайлигина мен қайтадан тугилдим. Менга ишонишингиз мумкин, мен дард нималигини биламан, менга юз марталаб сотқинлик қилишган, минг марта алдашган, ўн минг марта тухмат қилишган, бор-буд шудимни шилиб кетишган, аммо мен ҳаётга бўлган ишончимни йўқотмадим, абадий инсоний қадриятларга бўлган ишончимга содик қолдим.

Мана нима учун менинг яшашим бунчалик осон ва ичимда шунча қувват бор. Мана шунчаки одамларга соғлик ва баҳт тиласини бошладим. Мен шу қоида бўйича яшашни бошладим. Агар ишонсангиз, соғлиғим яна тикланди.

Бахтимизга дунёда яхши инсонлар кўп, бу оламда улардан ибрат олиш мумкин бўлган ажойиб китоблар ёзилган, кинофильмлар ишланган. Инсоният тарихида қолаверса, юртимизда ҳам маънавий, ҳарбий, илмий, фуқаролик жасоратлари, қаҳрамонликлари бехисоб. Энг асосийси таслим бўлмаслик, ички тарбия билан шуғулланиш, омиликни йўқотиши.

Сизга уч юз йиллик афсонани келтираман.


*Бир им 1000 кўзгули ибодатхонага кириб кетади. Атрофида юзта имни кўргандан унинг ҳайратини кўрсангиз эди. Атрофдаги имлардан ҳар эҳтимолга қарши ҳимояланиши учун тишини оқини кўрсатиб ириллади. Унга жавобан барча имлар тишини кўрсатди. Вовиллаганди, улар ҳам жавоб қайтаришиди. Им у ёқдан бу ёқقا югуришини, вовуллашини, ириллашини бошлади. Душманлари ҳам бўши келишимас худди шундай жавоб қайтаришарди. Охири у думини қисганча, даҳшатдан қўрқиб ибодатхонадан қочиб чиқиб кетди.*

Бу ибодатхонага бошқа им кирди. У эркаланиб думини ликиллатишни бошлади, унга жавобан 1000 та мулойим им унга эркаланди. Бу мисол кимларгадир бир оз эриши туюлсада, сиз билан биз ҳам худди шундай яшашимиз керак. Пораҳур бўлмаслик, одамларга ёмонлик тиламаслик, шунчаки яхшилик қилиши, уларга жислмайши, уларга соглиқ тилаши, эвазига ҳеч нарса сўрамаслик. Худди шу йўл билан ичингизда ҳаёттй қувватни пайдо қилишингиз ва баҳтли бўлишингиз мумкин. Дунёдан бундан бошқа маъқул йўлнинг ўзи йўқ.

Сиз мендан сўрайсиз:

- Б  
уюқ донишмандларнинг маслаҳатларига амал қилган ҳолда тақдир зарбаларига чап бериш мумкинми?
- А  
лбатта, йўқ. Зарбалар доимо бўлади. Улардан халос бўлишнинг иложи йўқ. Синовлар доимо бўлади, уларсиз ҳаёт йўқ. Энг асосийси, сиз уларга қандай муносабатда

бўлишингиздадир. Мен сизга ҳозир руҳий сиқилиш, стресс, дард дунёга машхур бўлишига ва баҳтга эришишга сабаб бўлган инсонни ёрқин мисол қилиб келтиришим мумкин.



*Гарри Поттер тўғрисидаги китобларни ўқигансиз ва фильмларни томоша қилгансиз. Бу ажойиб китобларни ёзган ёзувчининг тақдирини кўпчилик билмайди, албатта. Жоан Роулинг 1965 йилнинг 31 июлида Англияда туғилган. Туғилганда оддий лўппигина, хунуккина қизалоқ эди. У ёшлигида жуда қийналиб катта бўлади, унда ўзига ишонч йўқ эди, у қалин мугузли кўзойнак тақиб юради. Мактабни битиргандан сўнг университетнинг фалсафа факультетига ўқишига киради.*

*1990 йилдан унинг учун синовлар ва қийинчилликлар даври бошланади. Шу йили унинг 45 ёшида энг азиз инсон онаси вафот этади. У 26 ёшида инглиз тилидан дарс бериши учун Португалияга кетиб, турмушига чиқади. Бу омадсиз турмуши эди. Эри жиззаки, иззатталаб инсон эди, шу сабаб узоқ вақтгача ўзига иш топа олмайди. Унга бирон бир иш ёқмайди. Роулинг ҳомиладор ҳолида дарс бериши орқали оиласи бокшишига тўғри келади. У қизлик бўлгач, эри золимларча уни қизи билан бирга уйдан ҳайдаб чиқаради. Роулинг ўзини қаттиқ хўрланган ҳис этиб тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада азоб чекади.*

*Бундай хўрланишидан, тақдирнинг зарбасидан сўнг Англияга, синглисиникига қайтишидан ўзга чораси қолмайди. Пулсизлик, қашишоқлик, муҳтожслик уни танг аҳволга солиб қўйганди. У ёлгиз оналарга бериладиган нафақа ҳисобига кун кўради. Биринчи марта нафақа олишига боргандা*

*уялганидан ер ёрилмади-ю ерга кириб кетмади. Гүёки катта ялтироқ нэонли ялтироқ стрелка унга ишора қилиб ҳаммага унинг қашишоқлигини барчага ошкор қилаётгандек туюларди. У дарҳол нафақани ва ҳужжатларни ҳеч ким унинг қашишоқ ва муҳтожслигини кўрмаслиги учун яшириб қўяди. Аммо бу унинг учун энг даҳшатли азоб эмасди.*

*Маълум вақтдан сўнг хайрия ташкилоти тадбир ўтказди ва муҳтож оиласларга эски ўйинчоқларни тарқатди. Унинг севимли қизи Жессикиага йиртиқ, ягир айиқча тушди - Роулинг туни билан ийеглаб чиқади. Ўша дамда унинг учун ягона овуниши қизи учун ёзган эртаклари бўлди. Биринчи китоби бўлган “Фалсафа тоши”ни у беш йил давомида ёзди. Унинг компьютери йўқ эди. У шунчаки ёзип пойабзал қутисига солиб қўяверди. Синглиси қўёзмаларни нашириётга берииши маслаҳат беради, бироқ Англиядаги бирорта нашириёт бу китобга эътибор қаратмади.*

*-Китоб болалар учун жуда мураккаб усулда ёзилган қизиқ эмас каби бир хил рад жавоблари олинарди. Фақатгина 1997 йилда бу гайриоддий ёзувчи адабий агентлардан бирининг диққатини ўзига тортди. Ублумбери нашириётидаги танишига китобни чоп эттиришини таклиф этди. Бироқ нашириёт китобнинг муваффақиятига шубҳа билан қаради. Нашириёт истамайгина болалардан иборат фокус-гурӯхини тузади. Болалар китобни ўқиб чиқиб қойил қоладилар.*

*Шундагина узоқ муддатли азоб-уқубатлардан сўнг Роулингда умид пайдо бўлади. Нашириёт унга аванс тарикасида 2500 доллар тўлайди. Бу фантастик пуллар эди. Кўп йиллик сиқилиши, дард, муҳтожлиқ, камситилишилардан сўнг озгина муваффақиятга эришганди. Вақт ўтган сари унинг ҳажми ўсиб борди. Кейинчалик америкаликлар китобни нашир қилиши ҳуқуқини 100 000 долларга сотиб оладилар, чунки китоб 136 тилга таржима қилинганди. Кейин эса ажойиб фильмлар ишланди. Ҳозирда Жоан Роулинг 1 миллиард доллар ишилаб топган биринчи ёзувчи ҳисобланади. У ҳозир баҳтли ҳаёт кечирмоқда.*

*Ўйлаб кўрингчи, бу ғаройиб эртакнинг муваффақияти илдизи қаерга бориб тақалади?*

***Бу улуг муваффақиятнинг бошланиши*** - руҳий сиқилиши, стресс, дард, тушкунлик. Ер юзидаги кўпчилик инсонлардан фарқли равишда бу аёл шунчаки ёзди. У бунда ёруғ келажакни кўра билди бунинг учун у нимадир қилди!

Бошқалар сиқилганда, стресс вактида йиглайдилар, ғамгин мусика тинглайдилар, спиртли ичимликлар ичадилар, чекадилар ва барчаси тамом бўлиб, расво бўлади. Мен сизни даъват

қилаётган нарса: *зарба етган вақтда, синовлар худудига кирганингизда – энг асосийси ва мұхими құлғыннан күтариб таслим бўлмай ҳаракат қилинг!*

Сиз бу китобни ўқиётганингиз сизнинг ўртамиёна одам әмаслигингизни ва дунёдаги 5% ни ташкил этувчи фикрловчи, изланувчи, илгор инсонлар тоифасига киришингизни англатади.

Энг асосийси ҳаракат қилиш ва таслим бўлмаслик, ҳаракат қилиш ва таслим бўлмаслик!

Энг асосийси ичингиздан рухий сиқилиш, заифлик, касаллик сабабларини йўқ қилиш! Энг асосийси ўзини ўзгартириш!

## ***20-боб. Хизмат қилиши йўлини аниқлаб олинг.***

Бу ҳаётдаги энг катта неъматлардан бири – *бошқаларга чин дилдан ёрдам берши орқали шубҳасиз ўзингга ёрдам берасан*. Бошқаларга ёрдам бериш усулини топган инсонлар энг катта қувонч ва роҳатни ҳис этадилар. Бошқаларга хизмат қилиш – бу нафакат ҳақиқий баҳт манбаи, балки дунё қонунларидан бири ҳамдир: **берсанг, юз баробар қайтади**.

Шунинг учун биринчи навбатда нима мухимлигини ҳал қилинг. Озгина вақт сарфлаб сиз учун қандай инсонлар ва вазиятлар мухимлигини аниқлаб олинг.

Қандай муаммолар сизнинг иштирокингизни талаб қиласи? Қалбингизни нима ўртантариади? Сизни кўпроқ бошпанасизлар ташвишга соладими ё санъатми? Агар сиз санъатни севсангиз ва мактабларда санъат бўйича етарли даражада таълим берилмаяпти деб ҳисобласангиз маҳаллий мактабда санъатга ихтисосолашган синфлар ташкил этишингиз ёки болаларни музей экспурсияларига олиб боришингиз мумкин. Агар сиз етим бўлиб ота-онангизни соғинганингизда шу соғинишларни ёдингизга олган ҳолда етим болаларга акалик ёки сингиллик қилган бўлардингиз. Эҳтимол сиз ҳайвонларни яхши кўрарсиз, ташлаб кетилган ёки йўқолиб қолган уй ҳайвонларига янги хўжайинлар топишни маъқул кўрарсиз. Агар китоб ўқиши ишқибози бўлсангиз кўзи ожизлар ва кўзи яхши кўрмайдиганлар учун овоз чиқариб ўқиганингизни ёздиришингиз мумкин.

Билимингизга яраша машғулот танланг. Менежмент, ҳисоб, маркетинг ва бошқа шу каби билимларингиз асқотиши мумкин бўлган кўплаб нотижорат ташкилотлари бор. Агар ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлсангиз хайрия акцияларини чиқаришингиз мумкин. Агар бошқаларни ишонтириш қобилиятингиз бўлса, маҳаллий хайрия фондларига хайр-эҳсон йиғишингиз ҳам мумкин. Агар малакали ходим бўлсангиз нотижорат ташкилотда шунчаки бирор вазифани бажаришингиз мумкин.

Жамият учун беминнат хизмат қилган ҳолда берганингиздан кўра кўпрогига эришасиз. Кўнгиллилик қоидасини тадқиқ қилиш шуни кўрсатяптики, унга эргашадиганлар узоқ умр кўрадилар, иммунитет тизимлари яхшироқ бўлади, юрак хуружи касалликлари камроқ кузатилади ёки тезроқ шифо топадилар, бошқаларга нисбатан ўзлари ҳақларида юқори баҳога эга, мақсадга интилувчанроқ бўладилар. Худди шу тадқиқотларга кўра, ёшлигидан кўнгилли бўлиб ишлаганлар катта ёшга етганда тенгдошларига нисбатан обручилик ва маоши юқорироқ лавозимларда ишлашлари кузатилган. Кўнгиллилик – манфаатлар бўйича тармоқли муомаланинг кучли воситасидир. Шу туфайли бизнес ва мансаб лавозимига кенг имкониятлар юзага келади.

Кўнгиллилик, шунингдек, муваффақиятнинг муҳим кўникмаларини пайдо бўлиши учун самарали усул ҳисобланади. Кўплаб йирик корпорацияларда эндиликда буни яхши тушунадилар ва ходимларини кўнгилли бўлишга чақирадилар. Кўплаб чет эллик иш берувчилар номзод билан сухбатда унинг кўнгилли бўлиб юритган фаолиятига ҳам эътибор қаратадилар. Мана шундай тарзда кўнгилли бўлиб юритган фаолиятингиз сизга асқотиши ва керакли ишга жойлашишингизда қўл келиши мумкин.

Бундан ташқари, муваффакият калитларидан бири – муносабатларнинг кенг тармогини яратишдир. Кўнгилли бўлсангиз ҳеч қачон учратмайдиган турли инсонлар билан учрашасиз, муомала қиласиз, яқин муносабатда бўласиз. Айнан шундай учрашувлар профессионал ва оилавий ҳаётингизда маълум муҳим ҳодисаларга сабаб бўлади.

Фирмангиз инсониятга фойдали маҳсулот ва товарлар яратиш ва жамиятга хизмат қилиш миссиясини ўзига олиши мумкин. Кўзга кўринган бизнесмен – олимлардан бири 50 йил давомида 10 000 компанияларни ўрганиб чиқиб энг фойдали маҳсулотлар ишлаб чиқарган компанияларгина барқарор муваффакиятга эриша олганлар. Нима билан шугулланишингиздан қатъи назар аввал ўзингиздан сўранг:

-Бу нарса халққа фойда келтирадими-йўқми деб сўраб кўринг?

Агар ҳа бўлса, бу ҳақиқий хизмат бўлади. Ўйлашимча кўплаб бизнесменлар ўз мисолларида бир-бирларига айнан ҳамжамият манфаати йўлидаги бизнес ҳеч қачон сўлмаслиги, балки гуллаб-яшнашини исботлайдилар.

Жамият фойдасига хизмат қиласиган ва унинг рухини кўтарадиган фаолиятни афзал кўрсангиз, меҳнатингиз инсонларга фойдали маҳсулот ва хизматлар олиб келса, сиз олишга эмас, кўпроқ беришга интилсангиз, охир-оқибатда берганингиздан кўпроқ нарсага эга бўласиз. Худонинг наздида ҳам берувчи қўл, оловчи қўлдан афзалроқ.

Қадимий мақолга кўра, инсонга балиқ берсангиз уни бир марта озиқлантирган бўласиз, қармоқ берсангиз бир умрга таъминлаган бўласиз. Қармоқ унинг умрининг охиригача таъминланади, эҳтимолки, бошқаларни ҳам балиқ тутишга ўргатади. Биз ҳам худди шундай консалтинг компаниясида одамларга муваффақият ва ғалаба қоида ҳамда билимлари орқали “балиқ тутиш”ни ўргатамиз. Талабалар, нафақага кун кўрадиганлар ва бошқа ночор қатламлар учун мустақиллик ва ўзига тўқлиknинг айнан шундай таълим дастурларини ишлаб чиқамиз. Мақсадимиз улар ўзларини тутиб олсинлар. Ўз қобилиятларидан фойдаланиб бошқаларни руҳлантириш, истеъоддларини ўстиришга кўмаклашиш – бу ҳам хизмат кўрсатишнинг шаклларидан биридир. Муваффақият қоидалари бўйича энг улуг мураббийлардан бири Зиг Зиглар изидан мен ҳам ишонч билан такрорлашим мумкин:

*-Агар сиз бошқаларга истаган нарсаларига эришишга ёрдам берсангиз, сиз ҳаётда истаган барча нарсангизга эришасиз.*

Ҳар қандай инсон учун энг буюк армуғон – мадад ва муҳаббатdir. Севганларингизга ёрдам берганда, чекловчи эътиқодлар ва саводсизликдан халос бўлганда, улар чин қалдан орзу қилган ҳаётни яратишга руҳлантирган муҳаббат энг ёрқин ва кучли суратда намоён бўлмайдими?

Қанчадан-қанча инсонлар адоги йўқ итоаткорона умидсизлик билан кун кечирмоқда. Барчасини яхши томонга ўзгартириш вақти келди. Ҳар биримизнинг қалбимизда биз истаган, орзу қилган, биз барпо этиш учун туғилган ҳаётни қуриш учун куч бор. Барчамиз ўзимизни намоён этишга ва ҳақиқий тақдиримизни рўёбга чиқаришга муносибмиз. Бу ҳеч ким биздан олиб қўя олмайдиган ҳуқуқимиздир. Уни қаттиқ меҳнат билан ишлаб топмоқ лозим. Меҳнатдан аввал вақт билан синалган, эскирмайдиган, исталган натижага олиб борадиган қоидаларни аниқлаш улар

асосида яшаш керак. Кўпчилигимиз бу қоидаларни мактабда ёки олий ўқув даргоҳида ўрганмаганмиз. Баъзи омади чопғанлар эса буни уйида ўрганишган.

Уларни инсондан инсонга устозлар, ўқитувчилар, инструкторлар, кейинчалик эса китоблар, семинарлар ва овоз дастурлари орқали етказилган. Энди бу қоидалар сизнинг кўлингизда. Улардан фойдаланиб ўз ҳаётингизга ва яқинларингиз ҳаётига эркин нафасни бахшида этинг. Агар барча яқинларингиз шикоят қилишни бас қилсалар, ўз қилмишлари ва тақдирларига ўzlари масъул бўлсалар, орзуладиги ҳаётни ўzlари яратсалар қандай ажойиб иш бўларди? Агар бу қоидаларга компаниянгиздаги барча ҳодимлар амал қилсалар қандай бўлади? Агар футбол жамоангизнинг аъзолари худди шу қоидалар бўйича ҳаётга ёндошсалар-чи? Агар Ўзбекистондаги мактаб ўкувчилари ушбу қоидаларни билиб олсалар ва ҳаётларини синфда, спорт майдончасида ва оммавий ишлар ўчоғида ўтказишни бошласалар-чи? Агар барча маҳбуслар қамоқдан озод бўлишдан аввал ушбу қадрли қоидаларни ўрганиб олсалар ва жамиятга қайтсалар-чи? Унда биз яшаётган бу олам бутунлай бошқача тарзда ривожланган бўларди.

Инсонлар 100% ўз ҳаётлари, эришадиган ва эриша олмайдиган натижаларига жавоб берган бўлардилар. Уларда аниқ орзулар ва қатъий мақсадлар бўларди. Ҳеч ким танқид ва кўпол муносабат қурбонига айланмасди. Ҳар ким қийинчиликлар ва муаммоларга қарамай олдинга қараб интиларди. Аёллар ва эркаклар бир-бирларини кўллаб-куватлаб Худони рози қиладиган бандаларга айланардилар. Одамлар бехижолат муҳтоҷ бўлган нарсаларини бир-бирларидан сўрадилар ва агар иложсиз бўлсалар бемалол рад жавобини берардилар. Одамлар зорланиш ва шикоят қилишни бас қилардилар ҳамда ўzlари истаган ҳаётни яратишни бошлардилар. Факат ҳақиқатни гапирадилар, бир-бирларига ҳамдардлик билан қулоқ солардилар. Факат шундагина хотиржамлик, қувонч ва баҳт-саодат ҳукм суришини тушуниб етган бўлардилар.

Хуллас, олам тўла-тўқис бўларди! **Оламни қайта қуришида энг катта хизматингиз шахсий фикрлаши доирангизни кенгайтириши, бор кучингиз билан ҳаракат қилиш, энг самимий орзу-истакларингизни яширмаслик бўлади.** Инсониятга кейинги хизматингиз бошқаларнинг ҳам худди шу вазифани уddeлашига кўмак бериш. Агар барчамиз шундай йўл тутганимизда олам қанчалик гўзал бўлган бўларди.



Мен китобларимни айнан шунинг учун ёзаяпман - улар бу оламни барпо этишга бор кучлари ва хизматларини аямасликлари учун. Агар бу ишлар содир бўлса, мен ўз вазифамни – инсонларни энг олий орзулар, баҳт ва қувонч асносида турмуш кечиришга илҳомлантириш ва кўмак беришни тўлиқ адо этган бўламан. Аёнки: *агар бирор нарсани яхшилаб ўрганмоқчи бўлсангиз - буни бошқаларга ўргатишни бошланг*. Ана шунда буни бошқаларга тушунтиришга тўғри келади. Демак истайсизми, йўқми мавзу бўйича ўз фикрларингиз ва қарашларингизни тартибга келтиришга тўғри келади. Яъни - бу энг муҳими маълумотни бир марта ўқиб чиқдингиз бўлди эмас, балки ўқиб чиққанингизни қайта-қайта “тапириш”дир. Тарорлаш эса илмнинг онаси, тақрорлаганларингиз онгингизда муҳрланиб қолади.

Шунинг учун, менинг ўқитувчилик ва тадқиқотчилик фаолиятим катта фойдаси шундаки, мен ўзимга тинмай муваффақиятнинг қоидалари ва улардан фойдаланишнинг мухимлиги тўғрисида эслатаман. Китобларимни ўқиганларга китоблар улар унугтган қоидаларни эслашларига катта ёрдам берган. Ҳар гал мамлакат бўйлаб семинарлар ўтказганимда ўқитаётган қоидаларимни шахсий ҳаётимда кунт билан қўллаётганимга жуда кўп бора гувоҳ бўляпман.

Мен сиз ҳам бу қоидаларни бошқаларга ўргатишингизни сўрайман. Бу қоидаларга кимларни кимларга ўргатишингиз мумкинлигини ўйлаб кўринг! Балки спорт гурухингизда ўтказарсиз? Балки иш жойингиздадир? Ҳар ҳафтада бир марта тушлик вақтида бир яrim ой давомида учрашадиган гурух тўпласангизчи? Ички оиласиёй семинар ташкил қилишга нима дейсиз?

Манфаатларингизга мувофиқ тарзда мунозара гурухи тузишингиз учун бу қоидалар бўйича мутахассис бўлишингиз шарт эмас. Факат уларни мухокама қилишни ташкил эта олсангиз бас. Ўқув қўлланмаси сермаҳсул мунозара ўтказиш бўйича нима дейиш ва нима қилиш кераклигини, инсонларга қоидаларни ишда, мактабда, уйда қўллашни ўргатади. Бу қоидалардан фаол тарзда фойдаланадиган, аҳил ишлайдиган оила, гурух, клуб, идора ёки компанияни тасаввур қилинг. Натижалар ажойиб бўларди. Сиз эса бунга кўмак берган инсон бўлишингиз мумкин эди. Сиз бўлмасангиз, унда ким? Ҳозир бўлмаса, қачон?

Бошқаларни руҳлантирангиз, улар сизни руҳлантиради. Бундан ташқари, энг асосийси - *бошқаларга ҳаётда муваффақият қозонишга қанчалик кўп ёрдам берсангиз, улар шунчалик кўпроқ сиз муваффақият қозонишингизга кўмак берадилар.* Савол туғилади, нима учун муваффақият стратегияси мураббийлари бунчалик омадли. Чунки улар кўпчиликка муваффақият қозонишга ёрдам бердилар! Табиий инсоний эҳтиёж – унга қўллаган инсонни қўллаш. Сиз билан ҳам худди шу нарса содир бўлади. Менинг маънавий устозларимдан бири бир куни менга шундай деганди:

*-Ўзингдан юқоридагиларнинг шогирди бўл, сендан пастдагиларнинг устози бўл, сен билан тенг бўлганларнинг йўлдоши ҳамроҳи бўл.*

Барчангиз учун ажойиб маслаҳат.

Барчамиз қила оладиган ва ҳатто қилишимиз лозим бўлган бир нарса бор - *жасамият бир бўлаги бўлган оиласининг гўзаллиги ва муқаддаслигига одамларни ишонтириши.* Иккинчи қадам, *мамлакатни илгорлар сафига қўшиши учун ўзини илгорлар дараражасига кўтариши.* Қарор эса факат ўзингиздан бошланади, буни ҳеч қачон унутманг:

-Агар ҳар бир инсон қарорнинг бир кисмига айлана олганда эди, балки Ўзбекистонда муаммолар жуда кам бўлган бўлармиди.

Сизчи? Сиз ўз масъулиятингизни бўйнингизга олишга тайёрмисиз? Агар Ўзбекистондаги ҳар бир инсон сиз бажарган ишни бажарганда эди мамлакатимиз янада гуллаб-яшнарди. Агар сиз ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистонни севсангиз, энтузиазм билан буюк мамлакатни янада буюк қилиш учун тер тўкаётганлар сафига қўшилинг.

Мен мана нимага ишонаман – агар сиз ғолиб жамоада ўйнашни истасангиз – агар эзгу амаллар, одоб-ахлоқ, диёнат тарафдорлари сафида бўлиш сиз учун муҳим бўлса, унда сиз энг тез тараққий этаётган жамоа таркибидасиз. Мен тузатган жамоа “Ўзбекистон учун нимадир қил” жамоаси, “Ўзбекистоннинг устунликларига ишонтири” харакатидир.

Мен бу сўзларни ёзар эканман, уларни барча буюк мамлакатларнинг пойдевори бўлган маънавий куч ва виждонини тиклаш учун муҳим ишларни бажараётган шу юртнинг бир онгли фарзанди сифати айтаяпман. Ўзбекистоннинг шарқий чегараларидан то ғарбийсигача, шимолидан жанубигача бўлган майда қишлоқларидан катта шаҳарларигача республикамизда чоп этиладиган газета ва журналларнинг сахифаларида соғлом фикр, маънавий масъулият ва ҳалол пул эвазига кундалик меҳнат қоидаларини ҳимоя қилиш тўғрисида мақолалар ёзилади. Кечаги тирикчиликдан бошқани билмайдиган ҳозирги инсонлар соғлом фикрлайдиган ақлли кимсаларга айланиб боришмоқда.

Мутлақо истисно эмаски, биз билан сизнинг йўлимиз бир кун келиб кесишади. Чунки ҳар йили мамлакат бўйлаб у ёқдан бу ёққа катнар эканман, кўпчилик инсонлар олдида нутқ сўзлайман. Агар кўришганимизда бу китоб сизга кўп фойда келтираганини билсан гоятда кувонаман. Агар китобларим туфайли ҳаётингизни маъно ва фаровонликка тўлдириш айнан қандайдир машғулотлар билан бандлигингизни билсан янада каттиқ ҳаяжонга тушишим аниқ. Бундай дейишимнинг сабаби, китобларим кайфиятингизни чоғ қилиш учунгина ёзилмаган. Аммо шунга қарамай уни ўқиб чиқишингиз, қайта ўқиб чиқишингиз осон бўлиши учун харакат қилдим. Шунингдек, кўплаб маълумотлар, далиллар бўлишига қарамай китоб сизга фақатгина ахборот бериш учун ҳам ёзилмади. Китоб харакат қилишингизга мотивация бўлиши учун ёзилган. Харакат қилмаслигингиз мумкин эмас, чунки ўз қудратингиздан фойдаланиши мумкин бўлган ягона инсон сизсиз. Бу улкан ва оғир масъулият. Китобларда келтирилган маълумотлардан керакли тарзда фойдалансангиз, ўзингиз истаган манзилга етишишингиз, ўзингиз истаган иш билан шугуланишингиз, истаган нарсангизга эга бўлишингиз мумкин бўлади.

## ***21-боб. Дарҳол ишга киришинг.***

Бошлаш учун бирор махсус белгиланган вақт йўқ. Агар астрологияга ишонсангиз никоҳ ўқитиш, дўкон очиш, янги турдаги маҳсулотни сотишни бошлаш, гастрол сафарига чиқишдан

олдин албатта астрологлардан қулай пайтни келишиб олинг. Буни тушунишм мүмкін. Аммо бошқа барчасига энг яхши йўл дарҳол ишга киришиш ва бошлашдир. 12 та кафттар уйингиз устидан бир-бири билан кесишган ҳолда учиб ўтишини кутманг. Дарҳол бошланг!

“Аввал қоядан сакранг, қанотлар йўлда очилади” – деган эди энг сермаҳсул фантастик ёзувчилардан бир Рей Бредбери. Маъруза ўқимоқчимисиз ёки сўзга чиқмоқчимисиз? Яхши. Маҳаллий мактаб, коллеж билан келишинг ва кунини белгиланг. Бу қарорингиз фанни ўрганишингиз, ўтириб маъруза ёки нутқ ёзишга чорлайди. Агар ўзингизга қийин бўлса, [www.xoniyoz.uz](http://www.xoniyoz.uz) дан бизнинг ташкилотга мурожаат қилинг ёки нотиқлик санъатидан дарс олинг.

Ресторан бизнеси билан шуғулланмоқчимисиз? Яхши! Ресторанга ишга жойлашинг, ишни ўрганишни бошланг. Жавобингизни олдиндан биламан, сиз: “Мен идиш-товоқ ювадиган эмас, ресторан директори бўлишни истайман!”- дейсиз. Аммо раҳбар бўлиш учун барча ишни - идиш ювишдан то ташкилий ишларгача тушуниш керак. Фикримга кўшиласизми? Ҳақиқатдан хам ресторан очишни ва уни бошқаришни истасангиз керак бўлса бепул ишланг, ким бўлиб бўлса хам ишланг, иш ўрганинг ва яна иш ўрганинг. Ошпаз бўлишни истайсизми? Яхши! Ошпазлик курсига боринг.Faқат жим ўтираманг, ҳаракатни дарҳол бошланг! Ишни бошлаш учун барчасини билишингиз шарт эмас. Ўйинни бошланг, қоидаларни ўйин давомида билиб оласиз. Мени нотўғри тушунманг. Мен таълим, ўқиш ва билим курашчисиман. Агар ўрганиш керак бўлса, бориб ўрганинг. Бирор машғулот ёки семинарга ёзилинг, шунчаки орқага ташламанг. Сизни керакли йўлга олиб чиқиши учун устоз керак бўлса, устоз топинг. Чўчиётган бўлсангиз, бу табиий ҳолат. Кўз қўрқоқ, қўл ботир дейишади. Ҳаммаси тайёр бўлишини кутманг. Билингки, ҳаммаси ҳеч қачон тайёр бўлмайди.

Мен фаолиятимни Чирчик саноат техникумидаги “машинасозлик технология”си мутахассислиги бўйича ўқитувчи лавозимидан бошлаганман. Биринчи бор синфга кириб борганимда идеал педагог ва ўқитувчи эмасдим. Синфни бошқариш, ўкув интизомини назорат қилиш, ўйинқароқ ўқувчиларнинг найрангларига алданмаслик, алдам-қалдамларга учмаслик, ишёқмас ўқувчиларда ўқишига қизиқиши ўйғотишни ўрганишим керак эди. Буларни билмасдим, амммо барibir бошлашим керак эди. Шуларни ва бошқаларни дарс бериш жараённда билиб олдим. Биринчи дарсимда юқори синфларга киришим билан улар: “Янги! Қаранг янги ўқитувчи келди!”. Мен довдираб ва бир дақиқагача ўзимни қандай тутишни билмай қолдим. Шундан сўнг талабаларга ўзимни-ўзим таништиришга мажбур бўлгандим, чунки мудир ва директор икирчикир ишлар билан банд бўлганликлари сабабли вақтлари бўлмаганди. Сўнг 40 нафар қиз ва

йигит билан қандай гаплашишни билмай, ўзимча уларга латифалар айтаман деб ўйладим, хуллас аудитория билан алоқа боғлаш йўлини топдим. Кейин вокал-чолғу ансамбли ва футбол жамоаси тузаётганда айнан шу гурухдан шерикларга эга бўлгандим.

Хаётимизнинг катта қисмида ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда иш жойида билим оламиз. Баъзи муҳим нарсаларни фақатгина бажариш жараёнида билиш мумкин. Бирор ишни бажараётганингизда уни уddeласангиз ҳам, уddeлай олмасангиз ҳам бунинг таъсири бўлади. Агар хато қилиб қўйишдан кўркиб довдираб қолсангиз, бирор хатоликка йўл қўйсангиз ёки нотўғри қилсангиз, сизга ижобий таъсири бўлмайди - сиз бу йўлда такомиллаша олмайсиз.

Биринчи марта Тошкентда шахсни юксалтириш бизнес маркази очаётганимда (унинг номи “Инсонни юксалтириш маркази” эди) маҳаллий банкдан ссуда олишга бордим. Банкда менга бизнес-режа кераклигини айтишди. Авваллари у ҳақда тасаввурга эга эдим, аммо ўзим уни тузиб кўрмагандим, завод директори бўлиб ишлаганимда қўлимда бизнес-режа билан шуғулланадиган молиячи ва иқтисодчилар ишларди. Бизнес-режа тузиш бўйича қўлланма сотиб олдим, бизнес-режа тузиб банкка олиб бордим. Унда қўплаб хатоликлар борлигини айтишди. Уйга қайтиб келиб айтилганларни ҳисобга олиб қайтадан ёзиб чиқдим. Яна банкка олиб бордим. Режани маъқуллашди, аммо энди кафил кераклигини айтишди. Рози бўладиган бирор кишини билдиришларини сўрадим. Режамни ёқлаши мумкин бўлган бир неча банкирларни санашди. Яна банкдан қайтиб кетдим. Ҳар бир гаплашган одамим аниқроқ маълумот бериб бораради токи режам ва тақдимотим мукаммал кўринишни ҳосил қилмагунга қадар. Охир-оқибатда ўша менга керакли 15 000 \$ни олдим.

Биринчи “Орзуларингиз сари интилинг” китобим чиққанида, катта қисмини бирор йирик тармоқли маркетинг компаниясига сотиш фикри туғилди. Компания бу китобни бўлимларига тарқатиш орқали ходимларида мотивацияни кўтаришга, уларда орзулари ва кучларига бўлган ишончни оширишга ёрдам беради, деб ўйлагандим. Барча компаниялар рўйхатини олдим. Энг йирик фирмаларни танладим ва директорларига кўнфироқ қилишни бошладим. Баъзида улар билан боғлана олмасдим, баъзида: “Бунинг бизга қизиги йўқ” – деган жавобларни эшитардим. Бир неча марта “тўғри тушунтириб юборишди”. Аммо охир-оқибатда қатъий рад жавобларидан ўзимга келиб олгач, керакли одамларни топиб катта ҳажмдаги буюртмани олдим. Баъзи компанияларга китоб шунчалик ёқдики, конференцияларига маъруза ўқишга таклиф килишди.

Машхур ёзувчи ва мотиваторлар китобларини ўқийдиган нотаниш одамларга ва тармоқли маркетинг компаниялари раҳбарларига қўнғироқ қилишдан қўрқдимми? Ҳа, албатта. Бошлаётганимда нима қилаётганимни билармидим? Йўқ, албатта. Аммо энг асосийси - мен бошладим! Алоқани яхшилашни истаган инсонлар билан алоқани яхшиладим, улар нима билан шуғуланаётгани, нимани орзу қилаётгани, нимага интилаётганини аниқладим, сўнг китобим улар мақсадга эришишларида нима ёрдам беришини тахлил килдим. Таваккал қилиб биринчи қадамни ташлаганимдан сўнг йўл ўз-ўзидан олдимда очила бошлади.

Кўплаб ўқувчиларда савол туғилади: **“Қандай қилиб ҳаракат қилишини бошлаш керак?”**. Мана сиз турмушнинг қайси нуқтасида жойлашганингиздан қатъи назар - сиз пайдо бўлишни истаган жойга томон биринчи қадамни ташланг. Шундай қадимий Хитой мақоли бор: “Минг километрлик йўл биринчи қадамдан сўнг бошланади”. Сиз ҳам (“Омад зинасининг етти поғонаси”, “Танлаш ихтиёри ўзингизда”, ”Орзуларингизни ўғирлашларига йўл қўйманг”) китобларимдан ўргангандарингизни амалиётда қўлланг. Уларда олтмиш тўртта қоида бор. Агар эътиборли ва интилувчан бўлмасангиз, сизга қийин бўлиши мумкин. Шунинг учун аввало мана нима қилиш керак.

“Омад зинасининг етти поғонаси” китобимдаги биринчи бўлимга қайting ва ҳар бир қоидани кейинги китобларда келтирилган тартибда ишлаб чиқинг:

- ҳаётингиз ва муваффақият учун жавобгарликни 100% ўзингизга олинг,
- нимани исташингизни аниқ билинг,
- барча орзуларингиз бўйича аниқ ва ўлчаш мумкин бўлган вазифаларни қўйинг,
- уларни аниқ амалларга тақсимланг,
- ҳар бир мақсад учун манзара тасаввур қилинг,
- мақсадларингизни ҳар куни доимий тарзда эришилгандек тасаввур қилинг.

Уларни маълум қадамларга ажратиб чиқсан ҳолда ҳар бир мақсадингиз учун далил киришишингиз ва ҳар куни тугалланган мақсадларингиз учун тасаввур қилиш амалиётини бошлашишингиз мумкин. Кимдир билан ўзаро келишиб биргаликда ҳаракат қилинг, миянгизда ўз марказингизни яратинг.

**Энди энг муҳим мақсадларга томон ҳаракатланишни бошланг:**

- керакли маблагни зарур бўлган барча ишини бажаринг,
- рад жавобдан қўрқмай, барча истаганларингизни сўранг,
- тескари алоқа билан қизиқинг ва худди шундай жавоб беринг,
- тўхтамасдан камолотга интилинг,
- ҳеч бир тўсиқ олдида боши эгманг.

Сиз энди ўзингиз тақдирингизни бошқарасиз ва асосий мақсадларингиз рўёбга чиқиши учун узлуксиз ҳаракатда бўласиз!

### **Ўзингиздаги ички турткини яратиш ва ушлаб туриш учун:**

- барча тугалланмаган ишларни тугатиш учун дастур тузиб чиқинг,
- чекловчи эътиқодларни ўзгартириш,
- ҳар чорақда янги ижобий одатни пайдо қилинг,
- руҳлантирувчи адабиётлар ўкинг,
- йўлда ёки спорт машғулотлари вақтида тинглаш учун илҳомлантирувчи аудиодастурлар сотиб олинг,
- сўнг турмуш ўртоғингиз билан таътилни режалаштиринг ва шахсни ўстирадиган ярим йиллик курсга ёзилинг,
- асосий мақсадлардан чалғитадиган барча нарсага йўқ дейишни ўрганинг,
- сизга маслаҳат берадиган ва сизга тўғри йўлдан адашишга йўл қўймайдиган устозни топинг.

### **Ва ниҳоят:**

- пулга бўлган муносабатингиз устида ишланг,
- маоишнгиздан камида 10% ни сармоя операциялир ҳисоб рақамига ажратилишини келишинг,
- шунингдек, закот беришни ҳам унутманг,
- харажатларингизни текшириб чиқинг ва уларни қисқартиринг,
- бойлик йиғиш ҳисоб-китобини бошланг,
- иш берувчи ва мижозларга керакли ва фойдали бўлиш чорасини кўринг.

Барчасини бир варакайига бажариб бўлмайди. Бироқ ҳар куни кам-камдан, узлуксиз олдинга ҳаракатлансангиз озгина вақтдан сўнг янги одатлар ва манфаатлар йўналиши пайдо бўлади. Унутманг, қимматли билимга эга бўлиш учун вақт талаб этилади. Ҳеч ким оғир вазифаларни бажармай туриб эрта тонгдан голиб бўлиб уйғонмайди. Китобларимда келтирилган қоидаларни ўрганиш ва амалда қўллаш учун бир неча йил вақтим ва умрим кетган. Баъзиларини тўлиқ эгаллаб олдим, баъзилари устида эса ишлашни ҳамон давом эттироқдаман.


Менга керак бўлганчалик бўлмасада сизга вақт керак. Мен-ку бу қоидаларни излаб, ўрганиб ва кўплаб манбаалардан қидириб топишимга тўғри келди. Сизга эса уларни бутунлигича, тайёр ҳолатда бермоқдаман. Бу ерда юқори даражага чиқишингиз учун керакли барча нарсалар бор. Ўз манфаатларингиз йўлида менинг тажриба ва билимидан фойдаланинг. Мен сиз учун эккан уруғ ҳосилини териб олинг.

Албатта чексиз нарсани қамраб олишнинг иложи йўқ. Сиз учун ҳам нотаниш вазиятлар вужудга келади: фақат ўзингизга, касбингизга, лавозимингизга ва мақсадларингизга хос бирор янгилик пайдо бўлади, аммо ҳар қандай корхонада ҳам муваффақиятга эришиш учун зарур қоидалар бу китобларда тўлиқ келтирилган. Дарҳол бошлиш ва улардан кейинчалик орзуингиздаги ҳаётни яратишда фойдаланишга сўз беринг.

Буюк ихтирочи ва файласуф Бакминстр Фуллер инсонларга хизмат қилишни бошлаганида содир бўладиган ҳодисалар ҳакида гапириб ўтган. Буни Бакминстр асосий мақсади (кейинчалик бошқа арилар асал тайёrlайдиган) бол йигиш бўлган ишчи асалари мисолида обдон тушунтириб берган. Аммо гулдан-гулга кўчиб бол тўплар экан ўзи билмаган ҳолда унданда муҳим вазифани бажаради: қанотларига чангларни тўплайди ва ўсимликларни чангланишига сабаб бўлади. Бу бол тўплайдиган асаларининг қўшимча фойдаси. Сув юзасидан тезлик билан сузиб бораётган катерни тасаввур қилинг. Иккала томонда ва орқада жадал ҳаракат изи қўринади. Ҳаётда ҳам худди шундай. Мақсад сари интилар экансиз, сиз қўшимча таъсиirlарга сабаб бўласиз. Баъзизда бу таъсиirlар сиз аввал бошида кутганингиздан ҳам муҳимроқ бўлиши мумкин. Ахир сиз биринчи қадамларни ташляяпсиз. Йўл ҳаритаси барча имкониятлари билан эндингина олдингизда пайдо бўлмоқда.

Менга таниш бадавлат ва омадли инсонлардан ҳеч бири ҳаётидаги воқеа-ҳодисларнинг кетма-кетлигини аниқ режалаштириш ёки олдиндан айтиб беришни уддасидан чиқа олмаган. Барчаси орзу ва режадан бошланади, бироқ бошланиши билан воқеалар ривожи кутилмаган тарзда ўзгара

бошлади. Масалан, мени олайлик. Биз ўғлим Жавлонбек билан таълим берувчи молиявий “POYGA” номли ўйинимиз бутун бошли брендга айланиб кетишни ўйламагандик. Аввалига ниятимиз бу ўйинни мамлакатимиз фуқароларига етказиш ва уларга ёрдам бериш эди. Натижа эса кутилмаганда аъло даражада бўлди



Доналд Трамп биринчи биносини қурганда охири келиб казино, голф майдончалари, курорт, “Мисс Америка” танлови ва америка телевидениесида биринчи рақамли реалити – шоу эгаси бўлишини билмасди. У шунчаки катта бино қурмоқчи эканлигини биларди холос. Қолганлари ўз-ўзидан бўлиб кетди.

Карл Тарчер фаолиятини Лос-Анжелеснинг қуи қисмида ҳаракатланувчи дўконда хот-дог сотишдан бошлади. Озгина пул тўплаб яна биттасини сотиб олди, сўнг то ресторон очишга етмагунча пул тўплади. Ўша биринчи ресторон. Бу ресторон Carl’s Junior тармоғига айланди.

Паул Орфалеа кичик фото дўкон очиб маҳаллий коллеж талабаларига хизмат кўрсата бошлаганда, 100 дан ортиқ Kinko дўконлари занжири вужудга келишини ва уни сотганда 116 миллион соғ фойда олишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Бу инсонларнинг барчаси иш бошлаётганда батафсил ўйланган бир неча режалар ва мақсадларга эга эдилар. Бироқ муваффакият келиши билан янгидан-янги имкониятлар очилишини бошлади. Модомики, танланган йўналишни кўзлаган экансиз, унда ҳаракатланишда давом этинг, ушбу оғишмай ҳаракатланишингиз оқибатида турли хил кутилмаган имкониятлар пайдо бўлади.

Истаганига эришган ҳар бир инсон аввал бошлаганида ўзида бор нарса билан бошлаган. Ўзингизда бор нарсаларни саноқдан ўтказинг: вақт, пул, соғлиқ, истеъдод, қобилият, дўстлар, маҳорат, билим, ишонч кредити. Бор нарсангиздан қандай фойдаланишни ўйлаб кўринг.

Ахир мен орзуингизни рўёбга чиқаришингиз учун зарур қоида ва усулларни сизга етказишга ҳаракат қилдим. Улар менда ва бошқаларда иш берган. Ишонинг сизда ҳам ёрдам беради!

Шу ерга келганда маълумот, мотивация ва илҳомлантириш, яъни четдан келадиган барча нарса тугайди ва меҳнат (сизнинг меҳнатингиз) бошланади.

Сиз ва фақат сиз орзуингиздаги ҳаётни яратиш учун ҳаракат қилишингиз лозим. Бошқа ҳеч ким бу ишни сизнинг ўрнинигизга бажара олмайди. Сизда пайсалга солмай ишда қўллаш керак барча зарур қобилияtlар ва воситалар бор.

Биламан сиз буни уddyалайсиз! Уddyалашингизни сиз ҳам биласиз...

Шундай экан бошланг! Олдингизда нафақат оғир меҳнат турибди, балки катта роҳат ҳам бор.

Сафарни бошланг ва йўлдан завқланишни унутманг!

Ёзинг, қўнғироқ қилинг [www.xonniyoz.uz](http://www.xonniyoz.uz)

[www.poyga.com](http://www.poyga.com)

## **1-қисм. Мен ва пул.**

**1-боb: Пул сиз учун нимани англатади?**

**2- боb: Пуллар сизни яхии кўрадими?**

**3-боb. Сизни муваффақиятга элтувчи тўрт гилдиракли машина.**

**4-боb: Машинанинг биринчи гилдираги: "Жамғариш ёки аввал ўзингизга тўланг".**

**5-боb: Харажатлар билан ўйин: улар - сизни ёки сиз - уларни.**

**6- боb: Машинанинг иккинчи гилдираги: "Пулни сармоя қилиш".**

**7-боб. Билимга сармоя - баҳт ва мұваффақият қалити.**

**8-боб: Машинаңнанг үчинчи гилдираги: “Мұхым қонунлардан бири: құпроқ пул ишилаб топишни ўрган!”**

**II- қисм: Молиявий әрқинликка қандай әришиш мүмкін?**

**9-боб: Қайси нарсага әътиборингизни қаратсанғыз үша нарсага әга бўласиз!**

**10-боб. Орзунгиз қанча туради?**

**11-боб : Молиявий ҳимояни яратиш – ўз ва оиласынгиз олдидағи бурчдир.**

**12-боб: Молиявий хавфсизлик ва молиявий әрқинлик.**

**13-боб: Қандай қилиб пул топамиз?**

**14-боб. Молиявий әрқинликка әришиш воситалари.**

**15-боб: Бизнес тизимларнинг уч тури.**

**Ш-қисм. Бойлик уни қабул қилишга тайёрларни, уни кутаётган ва у билан роҳатланишни биладиганларни танлайди.**

**16-боб: Ўзингизда пулга нисбатан ижобий муносабат уйготинг!**

**17-боб. Машинаңнанг тўртинчи гилдираги: “Хеч бир сабабсиз баҳтли бўлинг ва бу жараён билан роҳатланинг”.**

**18- боб: Ҳозироқ баҳтли бўлинг ва ўзингизни баҳтли ҳис этинг!**

**19-боб: Бойлик маънавиятга зидми?**

**20-боб. Хизмат қилиши йўлини аниқлаб олинг.**

*21-боб. Дарҳол ишга киришинг.*